

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА
ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

ДАВЛАТ ВА ҲУҚУҚ АСОСЛАРИ

МАЪРУЗАЛАР МАТНИ

Тошкент-2011

Кириш

Инсоният қадим замонлардан буён давлат ва ҳуқуқ масалаларига катта қизиқиш билан муносабатда бўлиб келади. Давлат ҳокимияти ҳамда ҳуқуқий ҳаёт ходисалари ҳамма замонларда алоҳида долзарблик касб этиб келганлига барчага аён. Бу воқелиklar мустақил Ўзбекистон Республикаси учуи ҳам ниҳоятда муҳим аҳамиятга эга.

Биз яқин ўтмишимизда синфий ҳукмронликнинг курули сифатида давлат ҳақидаги марксча ғояни шиор қилиб олиб, бу назарияни догмага, давлат ва ҳуқуқни эса синфий кураш, синфий рақибларни енгаш воситасига айлантирган эдик. Мустақиллик тафаккурининг маҳсули сифатида бу борада ҳам янгича назарий қарашлар қарор топди. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов талқинида давлат ва ҳуқуқ янгича тавсифга эга бўлди. "Демократия шароитида, - деб таъкидлайди юртбошимиз, - давлат ижтимоий қарама-қаршилиklarни зўрлик ва бостириш йўли билан эмас, балки ижтимоий келишув, халқ таъбири билан айтганда, мурсаи мадора билан бартараф этиг воситасига айланади.

Ҳуқуқнинг ўзига эса ижтимоий ҳамжиҳатлик ва келишувга асосланган ижтимоий тартиб-интизомга эришиш, эркинлик, адолатпарварлик ва тенгликни вужудга келтириш воситаси сифатида ёндашилади"¹.

Демократик ҳуқуқий давлатни барпо қилиш, ривожлантириш, адолатли фуқаролик жамиятини шакллантириш фуқароларнинг ҳуқуқий онги ва маданиятини ўстириш, Конституция ва қонун устиворлигини таъминловчи ҳуқуқий тизим тўғрисида асосий **масаввурга эга бўлиши лозим.**

Шундай экан, асосий мақсадимиз бўлмиш демократик ҳуқуқий давлатни барпо этиш ва ривожлантиришда ёшларга ҳуқуқий – демократик давлат тизими ва моҳиятини чуқурроқ ўрганиш, қонунларни билиш, уларга риоя этишни таъминлашда ҳуқуқий мактаб асосий ўринни эгаллайди. Бу борада президентимиз И.А.Каримов айтганларидек **«қонунлар ижросини таъминлаш, мамлакатда қабул қилинган ва амалда бўлган меъёрий ҳужжатларни ҳаётга жорий қилишда давлат ҳокимият органлари фаолиятини устидан жамоатчилик назоратини кучайтириш муҳим аҳамият касб этади. Биз "Адолат-қонун устиворлигида" деган ҳаётийтамоийлга қатъий амал қилиб яшашимиз зарур»².**

Барча олий ўқув юртларида ҳуқуқшунослик фани ўрганиб келинади. У бошқа фанлари орасида яққол нуфузли мавқега эга. Мазкур фан ўзининг методологак ва назарий асос сифатидаги хусусиятлари билан, бутун юриспруденция соҳасини ўзига қамраб олганлиги билан ажралиб туради.

Бугунги ўзбек жамияти ўзи учун ҳуқуқий давлат, инсон ҳуқуқлари ва шахс эркинлиги, демократик фуқаролик жамияти, сиёсий хурфикрлик (плюрализм), ҳокимиятлар тақсимланиши, қонун устуворлиги, мустақил суд ҳокимияти каби фундаментал тушунчаларни қайта кашф этмоқда. Тан олиш лозимки, жамият ижтимоий-сиёсий ва маънавий ҳаётини замонавий маърифий тамойиллар асосида ислох этишда давлат ва ҳуқуқ бениғоя катта роль ўйнайди. Шу боис давлат тузилиши, демократик сиёсий тузилишнинг мавжуд бўлиши, ҳуқуқий муносабатлар оқилона тизимининг ташкил этилиши кўп жиҳатдан мамлакатимиздаги давлат-ҳуқуқий институтларнинг фаолиятига боғлиқдир.

Мустақиллик йиллари мобайнида юртимизда демократик ҳуқуқий давлат ва бозор иқтисодиётини қарор топтириш йўлида ҳуқуқий жиҳатдан кўпгина ишлар қилинди. Республикада давлат идораларининг, шу жумладан, ҳуқуқий

¹ Каримов И.А. Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир. 3-том. Т., "Ўзбекистон", 1996. 20-бет.

² И.А.Каримовнинг Иккинчи чақирғ Олий Мажлис 9-сессиясидаги маърузасидан.

муассасаларнинг изчил тизими шакллантирилмоқда. Демократик институтлари ҳаётимизга олиб кирувчи ва бозор муносабатларини маърифий шаклда жорий этишга имкон берувчи қонунлар мажмуи яратилмоқда. Ҳозирги вақтда янги иқтисодий муносабатларни шакллантирувчи, демократик сиёсий тизим таркибий тузилмаларини ҳамда фуқаролик жамияти бўғинларини вужудга келтирувчи, инсон ҳуқуқлари қафолатлари тизимини қарор топтирувчи, бир сўз билан айтганда, бутун ижтимоий-сиёсий ҳаётимизнинг ҳуқуқий негазини барпо этадиган 300 дан зиёд қонун ҳужжатлари қабул қилинди. Айниқса, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг қабул қилинганлиги ўтган мустақил ривожланиш давримиздаги қонун чиқариш фаолиятининг гултожи бўлди. Конституция ёш давлатимиз чинакам мустақиллигининг буюк рамзи, янги ижтимоий ва иқтисодий муносабатлар дунёга келишининг мустақкам пойдевори бўлиб хизмат қилмоқда.

Мазкур маърузалар матнини яратишда нафақат мустақиллик йилларида тўпланган давлат ҳуқуқий тажрибамизга, конституциявий тамойиллар ва назарий билимларга, балки умуминсоний ҳамда миллий маънавий қадриятларга, ҳозирги замонда дунёда мавжуд давлатчилик ва ҳуқуқшунослик концепцияларига, шунингдек халқимизнинг асрлар оша шаклланиб келаётган бой ҳуқуқий меросига ҳам изчил таянилди.

Мазкур ўқув қўлланма ноюрidik олий ўқув юртлари талабалари ва ҳуқуқ асосларини ўрганаётганлар учун мўлжаллаб ёзилган бўлиб, шу билан бирга кенг бошқа соҳа мутахассислар фойдаланишлари мумкин.

I-мавзу. Давлат ва ҳуқуқ асослари

1-§. Давлат тушунчаси ва моҳияти

Давлат тушунчасининг нима эканлигини ва унинг моҳиятини тушуниб етиш учун аввало бор жамият, фуқаролик жамияти тушунчаларини билиб олиш керак бўлади. Демак, жамият нима? Бу кишилар мажмуаси бўлиб, улар муайян эҳтиёж ва муайян манфаатларига кўра бирлашишлиги натижасида вужудга келувчи ижтимоий муносабатлар махсулидир. “Жамият инсонсиз бўлиши мумкин эмас. Инсоният жамиятнинг тузилишида ва унинг ривожига асосий ролни ўйнайди. Жамият инсонларнинг бир – бирлари билан жамоа бўлиб яшашга табиий эҳтиёжлари асосида пайдо бўлган”³. Жамият бирлашишга мойил бўлган гуруҳлар, синфлар, қатламлардан иборат. Оила, уруғ, қабила ва миллат каби давлат жамиятнинг энг муҳим таркибий элементидир. У жамиятда асосан сиёсий функцияларни бажаради. Жамият ва давлат тушунчалари фалсафий категория бўлиб, улар асло бир нарса эмас. «Жамият» тушунчаси «давлат» тушунчасига қараганда кенгрокдир.

Жамиятнинг яна бир кўриниши мавжуд бўлиб, биз уни фуқаролик жамияти деб атаймиз. Фуқаролик жамияти — юксак даражадаги ҳуқуқий маданиятга эга бўлган фуқаролардан иборат бўлган жамиятдир. Фуқаролик жамияти нафақат давлатнинг кучи билан, балки унинг аъзолари бўлмиш фуқароларнинг ўзлари орқали саклаб туриладиган ва қатъий тартиб қарор топган жамиятдир. Бундай жамият ўзини ўзи юксак даражада ташкил этиши билан ажралиб туради. Фуқаролик жамиятига давлатнинг кучли таъсири талаб этилмайди. Давлат бундай жамиятнинг назоратида бўлиши керак, чунки давлат — фуқаролик жамиятининг «ёлланма хизматкори»⁴.

Давлат, ҳуқуқ ва жамият муайян алоқадорликдадир. «Жамият» — нисбатан кенг тушунча. Давлат унинг ичида мавжуд бўлади. Давлат ҳуқуқни келтириб чиқаради, аммо ҳуқуқ ҳам давлатни шакллантиради ва йўналтиради. Жамият давлат ва ҳуқуқ таъсирида у ёки бу томонга ўзгаради. ҳуқуқ ҳамма учун мажбурий бўлиб, давлат учун ам, жамият аъзолари учун ҳам муҳимдир.

Давлатдаги ижтимоий – сиёсий муносабатлар қанчалик мукаммал бўлса, жамият ва давлатнинг функциялари (вазифалари) шунчалик аниқ ажралиб туради. Фуқаролик жамияти ва ҳуқуқий давлат уйғун муносабатга эга. Жамият ўзининг ижтимоий ва иқтисодий ҳаётига оид кўплаб муаммоларни давлатнинг ёрдамисиз (ва аралашувисиз) ҳал қилади. Ҳуқуқий давлат жамиятнинг ўзи эплайдиган масалаларда фуқаролик жамияти (ва унинг айрим аъзолари)га васийлик қилиши шарт эмас. Фуқаролик жамияти ўзини ўзи бошқаради ва ҳуқуқий давлат сиёсатида, ундаги шуқуқий тизимга ҳал қилувчи таъсир ўтказа олади.

«Демократик жамият – бу, энг аввало, фуқаролик жамиятидир. Чинакам демократиянинг олий мазмуни – шахслараро, миллатлараро, давлат ва ижтимоий-сиёсий муносабатларни уйғунлаштиришдан иборат. Бунда инсон ва жамият, жамият ва давлат ҳокимияти тинч – тотув яшайди»⁵.

«Давлат» тушунчасига тўхталадиган бўлсак, жамият ривожига натижасида оммавий ҳукмрон гуруҳлар пайдо бўла бошлаган. Бу оммавий ҳукмрон гуруҳлар ўзларининг ҳукмронлиги асосини ташкил этувчи омилларни ҳимоя қилиш мақсадида турли хил ҳаракатларни амалга оширганлар. Жумладан, сунъий тарзда иқтисодий (мулкӣ) қарамлик вужудга келтирилган, тартибга солувчи меъёрлар (ғоялар) ўйлаб топилган ёки тартибга солиб турувчи куч (ҳокимият) ташкил этилган.

³ Муаллифлар жамоаси. Давлат ва ҳуқуқ назарияси. Дарслик. ТДЮИ. 2000. 49-б.

⁴ Саидов А., Таджиханов У., Одилқориев ҳ. Давлат ва ҳуқуқ асослари. Дарслик. Т., “Шарқ”, 2002. 8-б.

⁵ Каримов И.А. Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир. Т.3.Т., 1996. 362-363-б.

Мулк, ғоя ва ҳокимият эса ўз навбатида жамиятни бошқарувчи ривожлантирувчи кучлар деб ҳисобланади.

«Давлат» тушунчаси кенг маъноли бўлиб, унинг моҳияти деганда давлатнинг мақсад ва вазифаларини, кимга ёки қайси синф манфаати учун хизмат қилаётганлигини, ҳуқуқийлиги жихатидан қандай тамойиллар билан асосланганлигини тушуниш керак ва буни тушунишда уч асосий назарий ёндашув мавжуд: ижтимоий, синфий ва сиёсий-ҳуқуқий.

Биринчи ёндашувга кўра, давлат – умумий муаммолар ва ишларни ҳал этиш воситаси, у ҳукмдорлар ва халқнинг ўзаро муносабатини тартибга солади. Иккинчи ёндашувнинг моҳияти шундаки, давлат синфларнинг пайдо бўлиши билан юзага келган ва синфий кураш бир синфнинг бошқасини бостириш қуроли бўлиб хизмат қилади. Учинчи ёндашувнинг асоси қуйидагича: давлат жамиятнинг ва давлатнинг ўзининг ҳаётини ташкил этувчи ҳуқуқ манбаидир.

Албатта, учала ёндашувда ҳам муайян асос бор. Янглишув бир назарий қараш бошқаларидан устун қуйилиб, мутлақлаштирилганда бошланади.

Давлатнинг моҳиятини таърифлашда Арасту ўз фикрини қуйидагича билдирган «Инсоннинг ўзига ўхшаган ва озод кишилар устидан ҳукмронлигини ўрнатувчи ҳокимият»⁶.

Давлатнинг моҳиятига боғлиқ бир неча назариялар ҳам мавжуд бўлиб улар қуйидагилардир:

1. Элита назарияси. Бу назарияга кўра халқ оммаси давлатни бошқара олмайди ва буни ҳукмрон синф – элита синф амалга ошириши керак деб ҳисобланади.

2. Технократик назария. Бу назарияга кўра давлатни мутахассис-бошқарувчилар, мененжерлар идора этишлари лозим деб ҳисобланади.

3. Плюралистик демократия назарияси. Бу назарияга кўра давлатни бошқаришда барча фуқаролар иштирок этиши кераклиги ва бошқарувда ҳар қандай одам, ҳар бир бирлашма давлат ҳокимиятида ўз «улушига» эга бўлади, давлатни бошқаришда иштирок этади дейилади.

4. Умумий фаровонлик давлати назарияси. Бунга кўра давлат барча синфлардан устун турар экан, у барча фуқароларнинг фаровонлиги ва тинч- тотув ҳаёт кечиришлигини таъминлайди.

5. Ҳуқуқий давлат назарияси. Бу назария тарафдорлари давлатнинг бутун фаолияти ҳуқуқий мақсадларда, ҳуқуқ асосида ва ҳуқуқий воситалар ила амалга оширилиши керак, деб таъкидлайдилар.

6. Конвергенция назарияси. Бу назария давлатнинг истикболдаги ривожини башорат қилувчи назария ҳисобланиб, унга кўра давлатлар бир – бирларидан яхши тарафларни ўрганадилар ва охири ҳамма давлатлар бир хил кўринишда бўлиб қолади.

7. Синфий назария. Бу назария асосида тарихий материализм ва синфий кураш ғоялари ётиб, унга кўра давлатнинг иқтисодий ҳукмрон синфига давлатнинг қуроли деб қаралади.

Дарҳақиқат бу ҳар бир назариянинг ўзига яраша афзаллик ёки тўғри тарафлари, шунингдек, кераксиз ва нотўғри тарафлари мавжуд.

Шу билан бирга давлатнинг моҳияти ҳақидаги замонавий қарашлар мавжуд бўлиб, улар қуйидагилардир:

1. ижтимоий карама-қаршиликларни бартараф этиш (ўзаро ёнбосиш, мураса қилиш ва ҳ. к.) воситаси;

2. умумдемократик институтларни (инсон ҳуқуқлари, ошкоралик, демократия, плюрализм ва б.) таъминлаш;

⁶ Аристотель. Политика. 2-том. (С.А.Жебелева таржимаси)

3. ташки фаолият (мудофаа, босқинчиликдан ҳимояланиш, ҳудудий яхлитликни таъминлаш).

Давлат – суверенитетга, бошқарувнинг ҳамда фуқаролар ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишнинг махсус аппаратига эга бўлган, шунингдек, ҳуқуқ нормалари (қоидалари)ни яратишга қодир бўлган оммавий ҳокимиятнинг сиёсий – ҳудудий ташкилоти.

Давлат – бутун мамлакат миқёсидаги ҳокимиятнинг махсус бошқарув ва мажбурлов аппаратига эга бўлган, барча учун мажбурий қонунлар чиқарадиган ва суверенитетга эга бўлган ягона сиёсий ташкилот.

Давлат – жамият сиёсий тизимининг одамлар, гуруҳ, синф ва ташкилотларнинг ҳамкорликдаги фаолиятини ва ўзаро муносабатини ташкил этувчи, йўналтирувчи ва назорат қилувчи асосий институт.

Давлат – ҳокимиятнинг бош институти. Ҳокимият давлат орқали ўз сиёсатини амалга оширади.

2-§. Давлатнинг келиб чиқиши ва унга доир назариялар

Бир неча минг йиллар давоида инсоният турли хил босқичларни босиб ўтган. Булар ёввойилик, варварлик ва цивилизация каби уч босқич бўлиб, улар асосан ишлаб чиқарувчи кучларнинг ривожланиш даражаси билан фарқ қилган ибтидоий жамиятдир. Давлатнинг вужудга келишини оддийгина қилиб қуйидагича тушуниш мумкин. Давлатни вужудга келиши учун ижтимоий табақалашув вужудга келган. Ижтимоий табақалашув эса турли хил синфларни вужудга келтирган, яъни ҳукмрон ва қарам синфларни. Дастлабки қарам синфларнинг вужудга келиши учун фақатгина моддий эҳтиёж сабаб бўлган ҳолос. Яъни бир гуруҳ одамлар (ҳукмрон синф) турли хил йўллар билан ортиқча мулк эвазига бойий бошлаганлар ва шу мулки орқали бошқа бир гуруҳ одамларни (қарам синф) бошқара олганлар. Энди бу ижтимоий табақалашув қандай содир бўлган? Бунинг сабаблари турли хил бўлиб, бир неча назария асосида тушунтирилган. Шу ўринда савол туғилади қайси назария тўғрироқ? Агарда тарихга назар ташласак турли хил давлатларнинг вужудга келишидаги табақалашув турли хил омиллар асосида содир бўлган.

Давлатнинг келиб чиқиши тўғрисидаги масала кўп асрлар давоида кўплаб мутафаккир файласуфлар, юристлар, тарихчиларни ўйлантириб келган. Давлат ва ҳуқуқнинг келиб чиқиши ҳақида турли хил назариялар мавжуд. Шулардан айримларини кўриб чиқамиз.

1. **Илоҳий (теологик) назария.** Бу назария асосчилари вакиллари давлатнинг худо томонидан яратилганлигини уқтирадилар, «бутун ҳокимият худоники» деган қоидадан илгари сурадилар. Бу назария қадимда пайдо бўлган ва ўрта асрларда кенг тарқалган. Ушбу назария теократик, яъни давлат бошлиғи айни пайтда унинг диний раҳнамоси бўладиган давлат қарор топган даврдаги жараёнларни акс эттиради. Шарқ давлатларининг «Подшоҳ худонинг ердаги сояси» деган фикри ҳам бунини ифодалайди.

2. **Патриархал назария** тарафдорлари давлат катталашиб кетган оиладан бевосита келиб чиққан, монарх ҳокимияти эса гўё оиланинг барча аъзоларига раҳбарлик қиладиган отадан мерос бўлиб ўтган деб ҳисоблайдилар. Ушбу назария Юнонистонда (қадимги Грецияда) пайдо бўлган Афлотун (Платон) ва Арасту (Аристотель) лар ўз асарларида асослаб берганлар. Афлотун ўзининг машҳур «Давлат» асарида оиладан ўсиб чиққан юксак адолатли давлатни тасвирлайди.

Адолат ғоясининг ўзидан келиб чиқсак дейди Афлотун, адолатли одам ҳеч нимаси билан адолатли давлатдан фарқ қилмайди. Инсон руҳининг уч асоси (ақл, жаҳолат ва нафс) га маслаҳат, муҳофазага асосланган тадбиркор давлатга мувофиқ келади.

Кейингиларига ҳукмдорлар, аскарлар ва ишлаб чиқарувчилар (хунармандлар ва деҳқонлар) нинг уч табақаси тўғри келади⁷.

XVII асрда инглиз олимй Фильмернинг «Патриарх» асарида ривожлантирилган. Муаллиф Инжилга асосланиб, Одам атонинг ҳокимиятни худодан олиб, ўзининг катта ўғли, патриархга, у эса ўзининг авлодлари бўлган қиролларга берганлигини исботлашга уринган.

3. Шартнома назария. Голландияда ушбу назарияни Гроций ва Спиноза, Англияда - Локк ва Гоббс, Францияда Руссо, Россияда А. Н. Радищев ривожлантирган. Уларнинг фикрича, ҳокимият халққа тегишли бўлиб, халқ уни монархга берган. Нормал ҳаёт кечириш учун одамлар давлат тузиш тўғрисида ўзаро шартнома тузадилар, ихтиёрий суръатда унга ўз ҳуқуқларининг бир қисмини топширадилар. Кейинчалик уларнинг маълум бир шахсга бўйсунушлари ҳақида иккиламчи шартнома тузилади. Агар монарх ҳокимиятни суиистеъмол қилса, халқ қўзғолон кўтаришга ва монархни тахтдан ағдаришга ҳақли бўлади.

Шартнома назариясига кўра, давлат – онгли ижод маҳсули, одамлар келишган аҳд натижаси. Давлат – ўзаро келишув асосида ва онгли тарзда бирлашган кишилар ташкилоти бўлиб, ана шу шартнома асосида улар ўзларининг эркинликлари ва ҳокимиятининг бир қисмини давлатга берадилар.

4. Зўравонлик назарияси (Гумплович, Каутский, Дюринг)га кўра, зўравонлик асосида бир қабила иккинчи қабилани босиб олади ва натижада босиб олинган қабила босиб олган қабилага итоаткор ҳисобланади. Босиб олган қабила эса ҳокимиятини мустаҳкамлаш учун давлатни тузади.

5. Ирригация назариясига кўра, давлатларнинг келиб чиқиши, уларнинг илк шакллари Шарқда улкан ирригация (сув) иншоотларини қуриш ва улардан фойдаланиш билан боғлиқ. Ушбу назария немис олими Виттфогельнинг «Шарқ истибдоди» («Восточнўй деспотизм») асарида ифодалаб берилган.

6. Синфий назария намояндалари (К. Маркс, Ф. Энгельс, В. И. Ленин) фикрича, давлат иқтисодий сабаблар — ижтимоий меҳнат тақсимоти, қўшимча маҳсулот ва хусусий мулкнинг пайдо бўлиши, жамиятнинг қарама-қарши иқтисодий манфаатларга эга синфларга ажралиши туфайли келиб чиққан. Ушбу жараёнлар нинг объектив натижаси ўлароқ давлат ўзининг махсус бошқариш ва бостириш воситалари билан ана шу синфларнинг курашини бостириб туради. Бунда давлат ҳукмрон синф манфаатларини ҳимоя қилади. В. И. Ленин давлатни синфларни келиштириш органи эмас, балки синфий ҳукмронлик органи, бир синфнинг бошқа синфни бостириш қуроли, бир синфнинг бошқа синф устидан ҳукмрон-лигини таъминлаш машинаси, деб ҳисоблаган.

7. Психологик назария. Бу назария асосчилари давлатнинг пайдо бўлиш сабабларини инсоннинг рухий ҳолати, биопсихик инстинктлари билан боғлайдилар. Таниқли рус олими Л.И.Петражицкий гўё инсон руҳияти (психикаси) га «буюк» шахсларга тобелик, бўйсунуш эҳтиёжи мавжуд, деган ғояни ўртага ташлайди.

Немис психоаналитиги З.Фрейд эса давлатни ташкил этиш заруриятини инсоннинг психикасига қуйидагича боғлайди. Алоҳида хирсий ва биопсихик инстинктлар таъсири остида ҳаракат қилаётганисёнчи ўғиллар томонидан бошлиғи ўлдирилган аввал мавжуд бўлган патриархал ўрдадан инсоннинг тажоввузкор майлларини бостириб бориш мақсадида давлат пайдо бўлган.

8. Ислом назария. Бу назария исломда фикр фани доирасида VIII – X асрларда таркиб топган. Уни таърифлашда классик мусулмон ҳуқуқида ҳокимият муносабатларини тартибга солувчи қуръон ва Сунна қоидалари кўп эмаслигини назардан қочирмаслик муҳимдир. Бундан ташқари «давлат» атамасининг ўзи улар

⁷ Исломов З. Давлат ва ҳуқуқ: умумназарий масалалари (давлат назарияси). Т., «Адолат», 2000. 74-б.

томонидан қўлланилмайди. Фақат «имомат» (дастлабки маъноси намозга имомлик) ва «халифалик» (ворислик) тушунчалари мавжуд. Улар кейинчалик мусулмон давлатини ифодалашда қўллана бошлаган.

Давлатнинг келиб чиқиши ҳақидаги Ислом таълимоти асосида энг йирик ҳуқуқшунослардан бири ал-Маварди (974-1058) қарашлари ётади. У давлатга динни ҳимоя қилиш ва дунёвий ишларга раҳбарлик бўйича Пайғамбар (С.А.В.) вазифаларини бажаришда ворис деб қарайди⁸.

3-§. Давлатнинг белгилари ва ҳуқуқий давлат

Давлат жамиятнинг сиёсий тизимида кирувчи бошқа ташкилотлардан бир қатор ўзига хос белгалари билан фарқ қилади. Давлатнинг белгалари тўғрисидаги масала ҳамиша ҳуқуқшунослар эътиборини тортиб келган ва бу ҳақда уларнинг турли талқинлари мавжуд.

Ф.Энгельс ўзининг «Оила, хусусий мулк ва давлатнинг келиб чиқиши» деган асарида давлатнинг асосий белгилари сифатида аҳолининг ҳудудий бўлиниши, оммавий ҳокимият ҳамда солиқлар тизимининг ташкил этилишини кўрсатиб ўтганди. Г.Ф.Шершеневич ҳам шунга ўхшаш уч белги: «а) одамларнинг бирлашуви; б) улар устидан ҳукмронлик қилувчи ҳокимият; в) шу ҳокимият таъсир доирасидаги ҳудуд...»⁹ ни санаб ўтади.

Ҳозирги вақтда давлатнинг умумий эътироф этилган қуйидаги **асосий белгиларини** кўрсатиш мумкин:

- * давлат ўз давлат чегаралари доирасида фуқаролик белгиси бўйича бирлашган бутун жамиятнинг, бутун аҳолининг ягона вакили сифатида майдонга чиқади;

- * давлат - суверен ҳокимиятнинг ягона соҳибидир;

- * давлат юридик кучга эга бўлган ва ҳуқуқ нормаларини акс эттирган қонунлар ва уларга асосланиб чиқариладиган ҳужжатларни қабул қилади;

- * давлат ўз вазифалари ва функцияларини бажариш учун зарур бўлган давлат органлари ҳамда тегишли моддий воситалар тизимидан иборат мураккаб механизм (маҳкама)дир;

- * давлат - қонунийлик ва ҳуқуқ-тартибот посбони бўлишга махсус даъват этилган ҳуқуқни муҳофаза қилиш (жазолаш) органлари (суд, прокуратура, милиция, полиция ва ҳоказо)га эга бўлган ягона ташкилот;

- * фақат давлатгина ўз мудоааси, суверенитети, ҳудудий яхлитлиги ва хавфсизлигини таъминловчи қуролли кучлар ҳамда хавфсизлик органларига эга бўла олади.

Юқорида кўрсатиб ўтилган биргаликда олинган давлат белгиларининг жами жамият сиёсий тизимида давлатнинг алоҳида ўрни ва етакчи ролини тўла изоҳлайди. Албатта, бунда, ҳар бир тарихий даврда, турлича ижтимоий-иқтисодий шароитларда давлатнинг бу белгалари ҳам ички мазмуни, ҳам ташқи кўриниши билан фарқ қилишини ҳисобга олиш зарур.

Ҳозирги шароитларда демократия ва эркинликларни, барқарорлик, тинч-тотувликни, республика халқлари ҳам-жиҳатлиги ва ҳамкорлигани қарор топтиришда, ислохотлар ва уларни амалга оширишдаги ташаббускорликда, маданияти юксак ривож топган жамиятга ўтишда Ўзбекистон давлати етакчи роль ўйнамокда.

Ушбу мақсадларни ҳаётга муваффақиятли татбиқ этиш давлатни мустаҳкамлаш вазифаларини бажариш, Ўзбекистонда давлат ҳокимияти барча бўғанларининг самарали ишлашини таъминлаш билан чамбарчас боғлиқ.

⁸ Саидов А.Х. Основы мусулманского права. Т., Академия МВД. 1994. 52-б.

⁹ Шершеневич Г.Ф. Общая теория права. М. 1995., 172-б.

Ҳукукий давлат — ҳукукнинг ҳукмронлиги, қонуннинг устунлиги, барчанинг қонун ва мустақил суд олдида тенглиги таъминланадиган, инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари кафолатланадиган, ҳокимият ваколатларнинг бўлиниши принципи асосида ташкил этилган демократик давлат.

Ҳукукий давлатнинг асосий белгиларига қуйидагилар киради:

1. *Ҳуқуқнинг ҳукмронлиги.* Давлат ҳудудида бўлган барча шахслар — ушбу давлат фуқаролари, хорижликлар, фуқаролиги бўлмаган шахслар, юридик шахслар, мансабдор шахслар, давлат ҳокимияти идоралари ҳуқуққа бўйсунадилар.

2. *Конституция ва қонунларнинг устунлиги.* Конституция ва қонунлар ҳукукий нормалар тизимида олий юридик кучга эгадир. Турли хил давлат идоралари чиқарадиган норматив-ҳукукий ҳужжатлар қонунларга зид бўлмаслиги керак.

3. *Инсон ҳуқуқлари ва эркинликларига риоя этилиши, уларнинг ҳимоя қилиниши ва таъминланиши.* Инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари унга туғилганидан тегишли бўлиб, улар инсондан ажралмасдир. Гап, энг аввало, инсоннинг яшаш, эркинлик, дахлсизлик ва ҳавфсизликка эга бўлиш ҳуқуқлари ҳамда бошқа ҳуқуқ ва эркинликлари тўғрисида бормоқда. Барча фуқаролар қонун ва мустақил суд олдида тенгдирлар.

4. *Давлат ва фуқаронинг ўзаро масъулияти.* Давлат қонунларда шахс эркинлигининг меъёрини белгилаб қўяр экан, худди шу чегараларда ўзини ҳам қарор қабул қилишда чеклаб қўяди.

5. *Жамиятда ҳокимиятнинг қонунийлиги (легитимлиги).* Ҳокимият қонуний деб эътироф этилиши учун у қуйидаги талабларга жавоб бериши шарт: демократик сайловлар йўли билан шакллантирилган бўлиши; самарали фаолият юритиб, жамиятда барқарорлик ва қатъий тартибни таъминлаши; ҳам мамлакат ичкарисида, ҳам халқаро миқёсда тан олинishi.

6. *Ҳокимият ваколатларининг бўлиниши.* Давлат ҳокимияти бир қўлда тўпланиб қолмаслиги учун ҳокимиятнинг учта тармоғини — қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимиятини ажратиб қўйиш керак. Ушбу ҳокимият тармоқларининг ҳар бири ўз ваколати доирасида амал қилади.

7. *Суднинг мустақиллиги.* Суд давлат ҳокимиятининг бошқа икки тармоғи каби мустақилдир. Бошқача айтганда, суд фаолиятига ҳеч кимнинг аралашишига йўл қўйилмайди.

8. *Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идораларнинг самарали ишлаши.* Агар инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари поймол этилса ёки бунга таҳдид мавжуд бўлса, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар унга ёрдам беришлари керак, ушбу ҳуқуқ ва эркинликларни ҳимоя қилишлари керак.

9. *Ҳуқуқий маданиятнинг юксак даражада эканлиги.* Ҳукукий маданиятнинг энг муҳим кўрсаткичи жамиятдаги ҳукукий онг даражасидир. Ҳукукий онг ҳуқуққа муносабат, қонун талабларини бажариш зарурлигини англаш даражасини ифодаладиган ҳукукий қарашлар йиғиндиси. Ҳукуқий маданият амалдаги қонунларни билиш, ҳуқуқни ҳурмат қилиш ва ҳукуқий қоидаларга риоя этишда намоён бўлади.

10. *Демократиянинг ривожланиши ва такомиллашуви.* Сиёсий ҳуқуқпар ва эркинликлар кафолатланиши, халқ давлат бошқарувида доимо иштирок этиши, ривожланган фуқаролик жамияти шаклланиши ва маълум бир муҳолафатнинг бўлиши зарур.

Ҳукуқий давлат эстатик давлатдан бутунлай ажралиб туради. Мазкур тафовут давлат ҳокимиятини ташкил қилиш ва амалга оширишнинг барча тарафлари, шунингдек, олдида турган вазифаларни ҳал этиш шакл ва усуллари, жамият, миллат ва элатлар, ижтимоий гуруҳпар ва алоҳида фуқаролар, сиёсий партиялар ва жамоат

бирлашмалари каби тармокдарни қамраб олади. Улардан энг муҳимларига тўхталамиз.

Ҳуқуқий давлатда ҳокимиятнинг бутун механизми — ҳар бир орган, мансабдор шахс — ўз фаолияти давомида ҳуқуқий принциплар ва қоидаларга таянади, ўз фаолиятини улар билан боғлайди. Ҳуқуқий нормалар нафақат аҳоли учун, балки давлат органлари ва мансабдор шахслар учун ҳам мажбурий бўлади. Уларнинг ҳуқуқ чегараларидан чиқишига умуман йўл қўйилмайди ёки имкон бериламайди. Агар эътибор давлатда расмий органлар ва мансабдор шахслар ҳуқуқни ўзлари учун иккинчи даражали ва мажбурий эмас деб тушунсалар, ҳуқуқий давлат шароитида бундай ҳолат, аксинча, умуман номақбул ва ноқонуний ҳисобланади, шу сабабдан у секин-аста енгиб ўтилади.

Ҳуқуқий давлат норматив қонунларни қабул қилиш ва эътироф этиш билан чекланиб қолмайди. У мазкур қонунлар зарурий равишда ҳаётга татбиқ этилиши, барча жисмоний ва юридик шахслар, давлат ва жамоат органлари, корхона, муассаса ва ташкилотлар фаолиятини керакли йўналишга солишга катта аҳамият беради. Давлатнинг ҳуқуқни амалга ошириш борасидаги фаолияти асосий вазифа ҳисобланади.

Ҳуқуқий давлатда давлат норматив ҳужжатларининг амал қилишида субординацияга риоя қилинишига катта аҳамият берилади. Унда ҳуқуқ манбалари, яъни норматив ҳужжатларнинг қатъий бўйсундирилган тизими шаклланади, амал қилади ва ривожланади. Бу тизимда ҳар бир ҳужжатнинг ўрни унинг юридик кучига боғлиқ бўлади. Мазкур ҳуқуқий манбалар «эҳроми»нинг чўққиси — юқори юридик кучга эга бўлган конституция ҳисобланади. Ҳеч қандай ҳуқуқий манба конституция нормалари ва принципларига зид бўлиши мумкин эмас. Аксинча, давлат органларининг барча норматив ҳужжатлари ва ҳуқуқнинг бошқа манбалари конституцияга асосланиши, уни аниқлаштириши, тўлдириши ва мазмунини ривожлантириши лозим. Шунга мувофиқ равишда конституциявий ва оддий қонунлар тузилади, юридик пиллапоя (пирамида)нинг қўйи «қаватлари»да давлат раҳбарининг ҳужжатлари, ҳукумат фармонлари ва фармойишлари, вазирликлар ва идора-ларнинг буйруқлари ва кўрсатмалари, маҳаллий вакиллик ва ижро этувчи органларнинг ҳужжатлари, ҳуқуқий одатлар, суд ва маъмурий прецедентлар яратилади. Кам юридик кучга эга бўлган ҳужжатларга юқорироқ юридик кучга эга ҳужжатларга нисбатан устун аҳамият берилиши тоталитар ва авторитар давлатларга хос бўлиб, ҳуқуқий манбалар субординацияси ва иерархиясини бузади, шу боис ҳуқуқий давлат учун зид ҳисобланади.

Ҳуқуқий давлатда, биринчидан, шахс ва ижтимоий муносабатлар субъектларининг ҳақ-ҳуқуқлари, ҳуқуқ ва эркинликларнинг кенг миқёсда қамраб олинганлиги, нормал ҳаёт фаолиятини таъминлаш ҳамда жамият олдида турган вазифаларни ҳал этиш учун етарлилиги билан ажралиб туради. Иккинчидан, ҳуқуқлар билан ажралмас бирликда мажбуриятлар тизимининг мутаносиб ва мувофиқ тизимини ўз ичига олади. Учинчидан, ҳуқуқни ҳаётга татбиқ этиш реал юридик қароқарорлар билан мустаҳкамланган. Бунда ижтимоий муносабатларнинг бир турдаги субъектлари орасида тенгликни мустаҳкамлашга, синфий, миллий, уруғаймоқчилик имтиёзларини белгилаш ва бу орқали улардан бирига имтиёз бериб, иккинчисини имтиёзлардан маҳрум этишга йўл қўйилмайди. Субъектлар орасида мазкур тенгликнинг йўқлиги эътибор жамиятнинг ҳуқуқий амалиёти учун хосдир. Айни пайтда ҳуқуқий давлат шахс ва ижтимоий муносабатлар субъектларининг ҳақ ҳуқуқларини қўллаб-қувватлаш, норматив жиҳатдан мустаҳкамлаш ва такомиллаштириш ҳақида ғамхўрлик қилади.

Ҳукукий давлатда ҳокимиятлар бўлиниши принципи эътироф этилади ва амалга оширилади. Шунга мувофиқ равишда ягона давлат ҳокимияти доирасида унинг учта мустақил тармокка бўлиниши таъминланади. Булар қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимиятлари бўлиб, улар ўзаро узвий муносабатда бўлади.

Ҳокимиятнинг битта тармоғи бошқаларини «букиб олиши» ва бўйсундиришига йўл қўйилмайди. Мазкур принципнинг аҳамияти шундаки, у ҳокимиятнинг фақат битта орган ёки мансабдор шахс қўлида тўпланишига йўл қўймайди, натижада ички давлат аппаратида ҳокимиятнинг тенг тақсимланишини таъминлайди ҳамда диктаторлик тартиби юзага келишининг олдини олади.

Ҳукукий давлатда ички қонунлар ҳамда умум эътироф этган халқаро ҳуқуқ нормалари ўртасида оптимал мувофиқликни таъминлаш чора-тадбирлари амалга оширилади. Халқаро ҳуқуқ нормалари ҳозирги замон ҳукукий цивилизациясининг ютуқларини мужассамлаштиради. Мазкур ютуқларга у ёки бу даражада ҳукукий давлатлар ҳам аралашади, зеро уларда одатда ички қонунлар олдида халқаро шартномалар (ҳаммасини эмас, фақат ратификация қилинганлари)нинг устунлиги белгиланади ва бу шартномалар бевосита қўлланиши айтиб ўтилади. Шу билан бирга, мазкур мамлакатлар юридик тизимларининг ташқи дунёдан ажралганлиги ва чекланганлиги бартараф этилади, яъни улар жаҳон ҳамжамиятининг ҳукукий тизимига қўшилиб боради, умум эътироф этган принцип ва нормаларга риоя этиб, уларни ўз норматив ҳужжатларида акс эттиради.

Ҳукукий тартибот (айниқса, фуқаролар ҳуқуқ ва эркинликлари) бузилган ҳолларда ҳукукий таъсир қилиш ва ҳукукий ҳимоя механизми амал қилади, ундасуд биринчи даражали ўрин тутати. Мазкур механизм жиноятнинг олдини олиш, бузилган ҳуқуқни тиклаш, етказилган зарарнинг қопланишини таъминлаш, айбдорларни жазолаш, Янги ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, фуқаролар ва ижтимоий муносабатларнинг бошқа субъектларига давлатнинг барча фармонлари тўлиқ бажарилиши лозимлигини уқтириш борасидаги вазифаларни комплекс равишда ҳал қилади. Агар ҳуқуқ-тартибот, фуқаролар ҳуқуқ ва эркинликларининг ҳар қандай бузилиши тегишли давлат органлари ва мансабдор шахсларнинг эътиборидан четда қолмаса ҳамда тартиббузарлар ҳар гал ҳаққи жазо олсалар, бундай ёндашувнинг ўзи қонунни бузишнинг самарали умумий превентив, яъни олдини олувчи омили бўлиб хизмат қилади. Ўз навбатида, бу давлатда қонунийликка риоя этиш шароитига таъсир этади. Ҳукукий давлатнинг юрисдикция, ҳуқуқ-тартиботни муҳофазалаш, ҳуқуқни ҳимоялаш ва превентив (олдини олиш) фаолияти ҳукукий талабларга қатъий риоя этиши зарур. Шу сабабдан жамият ҳаётининг ҳукукий фаоллиги эътибор билан давлатга қараганда анча юқори бўлади.

Ҳукукий давлат учун фуқароларнинг давлат олдида ва давлатнинг фуқаролар олдида ўзаро масъуллиги ҳосилдир. Давлат нафақат ҳар бир одамга туғилишидан бошлаб тегашли бўлган ажралмас ҳуқуқ ва эркинликларни тан олади, балки уларнинг ҳаётга реал татбиқ этилиши ва тажовузулардан ҳимоя қилинишини ҳам қафолатлайди. Айни пайтда, фуқаролар ўз ҳуқуқларидан давлат, бошқа фуқаролар, ижтимоий муносабатларнинг бошқа субъектларига зарар етказмаган ҳолда фойдаланишлари ва ўзларига юклатилган мажбуриятларни қатъий бажаришлари зарур. Бошқача қилиб айтганда, давлатнинг фуқаролар билан алоқаси мураккаб ва кўп қиррали бўлиб, улар ўртасида муайян ҳуқуқларнинг вужудга келиши ҳамда муайян мажбуриятларнинг бажарилишини тақозо этади.

Юқорида келтирилган омилларнинг биргаликда амал қилиши жамият ва давлатда ҳуқуқнинг ҳукмронлиги, умум эътироф этганлиги ва устун мавқега эга бўлишига олиб келади. Бу ижобий натижа ҳисобланади, зеро ҳуқуқ — инсоният тараққиётининг буюк неъматидир, ҳукукий тартибга солиш, бошқариш ва таъсир этиш борасида тўпланган

ижтимоий тажрибанинг асосий моҳияти, умуминсоний қадриятлар ва адолат, демократия ва тартиб-интизом каби юксак ғояларни ўзида мужассамлаштиради. Ҳуқуқнинг жамият ҳаётидаги улкан аҳамияти ва вазифасини тушуниб етган давлатни ҳуқуқий давлатлар қаторига қўшиш мумкин.

Демак, ҳуқуқий қадриятларнинг устунлиги, уларнинг ҳам аҳоли, ҳам давлат хизматчилари орасидаги нуфузига эътибор берадиган, ўз фаолияти давомида ҳуқуқ билан боғлиқ бўлган ҳамда қонун талаблари доирасида амал қилган ҳолда инсон ҳуқуқ ва эркинликларининг бузилишига йўл қўймайдиган давлатни чинакам ҳуқуқий давлат дейиш мумкин.

Ҳуқуқий давлат — бизнинг келажагимиз, бироқ унга эришиш мураккаб вазифа бўлиб, ривожланишнинг бир қатор босқичларини қамраб олади ҳамда давлат органлари, мансабдор шахслар, жамоатчилик ва халқдан жиддий фаолликни талаб этади. Давлат ва жамоат ҳаётининг фаоллигини ўстириш, коррупция ва порахўрликка барҳам бериш, жиноятчилик ва суиистеъмолчиликка қарши курашиш, жамиятнинг юридик ва маънавий-ахлоқий асосларини ривожлантириш лозим. Ҳуқуқни янгилаш, уни қўллаш ва муҳофазалаш механизмини такомиллаштириш, фуқароларда қонунга нисбатан ҳурмат билан муносабатда бўлиш, жамиятга муайян ҳуқуқий муносабатлар ва юридик алоқаларни жорий этиш зарур. Давлатнинг муҳим вазифаларидан бири жамиятда қарор топган юридик ниғилизмни, давлат органлари, мансабдор шахслар ва фуқароларнинг қонунни менсимаслик кайфиятини бартараф этиш, унинг ўрнига одамларда ижобий ҳуқуқий онгни шакллантириш лозим. Бундай комплекс ёндашув ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамиятини қуриш вазифаларини ҳал қилиш имконини беради.

4-§. Давлатнинг функциялари

Давлат функцияларининг асосий белгилари:

- мазмуни — давлат фаолияти бир хил жиҳатларининг йиғиндиси;
- микёси — функциялар давлатни бир бутун сифатида қамраб олади;
- хусусияти — комплекс, мажмуавий;
- мақсади-инсоннинг ижтимоий ҳимояланганлиги, ташқи хавфсизлик ва ҳ.к.

Давлатнинг функциялари ички ва ташқи функцияларга бўлинади. Давлатнинг ички функциялари мамлакат ички ҳаётини бошқаришга қаратилган фаолиятининг асосий йўналишларидир.

Ички функцияларига қуйидагилар киради:

- регулятив (тартибга солиш, бошқариш);
- қўриклаш (сакдаш, муҳофаза қилиш).

1. Регулятив функция давлатнинг иқтисодий ва ижтимоий соҳадаги ўрнини белгилайди:

1) *иқтисодий*:

- иқтисодий сиёсатни ишлаб чиқиш ва жамият иқтисодий ҳаётига таъсир этиш;
- иқтисодиётнинг давлат секторини бошқариш;
- бозор муносабатларининг ҳуқуқий асосларини ўрнатиш ва нарх-наво сиёсатини белгилаш;

2) *ижтимоий*:

- ижтимоий бойликни тақсимлаш;
- аҳолининг энг кам муҳофазаланган қисмини (ногиронлар, кўп болали оилалар, ишсизлар) ҳимоя қилиш, пенсия таъминоти кабиларни ташкил этиш;
- соғлиқни сақлаш, маданиятни ривожлантириш, жамоат транспортини ташкил этиш, уй-жой қуриш ва ҳ.к.

3) *сиёсий*:

- фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш;
- қонунийликни ва ҳуқуқий тартиботни таъминлаш;
- барқарорлик, миллатлараро ва фуқаролараро тотувликни таъминлаш;

4) *маънавий*:

- санъатни қўллаб-қувватлаш;
- миллий маданиятни ривожлантириш;
- жамиятнинг маънавий-ахлоқий соғломлиги тўғрисида ғамхўрлик қилиш;

5) *молиявий*:

- солиқ тўплаш;
- божхона назорати;
- бевосита молиявий назоратнинг ўзи.

2. Кўриқлаш функцияси давлатнинг ҳуқуқ билан мустаҳкамланган ва тартибга солинадиган ижтимоий муносабатларни таъминлаш ва ҳимоя қилишга қаратилган қуйидаги фаолиятини тақозо этади:

- фуқаролар ҳуқуқ ва эркинликларини муҳофаза қилиш;
- табиатни муҳофаза қилиш;
- барча шакллардаги мулкларни ҳимоя қилиш;
- ҳуқуқни муҳофаза қилиш.

Ташқи функциялар — давлатнинг халқаро майдондаги фаолиятининг асосий йўналишлари.

1. Халқаро ҳамкорлик: ташқи сиёсий фаолият; ташқи иқтисодий фаолият.

2. Мудофаа ва миллий хавфсизликни таъминлаш.

Халқаро ҳамкорлик ҳар қандай давлат учун ҳаётий заруратдир. Ер юзида ҳозир 200 дан ортиқ давлат бор. Уларнинг ҳар бири меъёрвда ҳаёт кечириш ва ўзаро ҳамкорлик қилишга эҳтиёж сезади.

Халқаро ҳамжамият халқаро ҳуқуқнинг ўзагини ташкил этувчи умум эътироф этган принцип ва қоидаларнинг бутун бошли мажмуасини ишлаб чиққан. Давлатлар ва халқаро ташкилотлар ўртасидаги ҳамкорлик ана шу принциплар асосида амалга оширилади.

Суверен давлат бўлган Ўзбекистон Республикаси жаҳондаги барча давлатлар билан фаол ҳамкорлик қилмоқда, кўплаб халқаро ташкилотлар, жумладан, энг нуфузли халқаро ташкилот бўлган Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг аъзосидир.

Давлатнинг мамлакат мудофааси ва хавфсизлигини таъминлаш функциясини, энг аввало, мамлакатнинг қуролли Кучлари ҳамда Миллий хавфсизлик хизмати бажаради.

5-§. Давлатнинг шакллари

Давлат шакли деганда, давлатнинг тузилиши ва бошқарув усулини белгиладиган ташқи хусусиятлари тушунилади. Давлат шакли қуйидаги уч элементни ўзида ифодалайди:

- давлат бошқаруви шакли;
- давлат тузилиши шакли;
- сиёсий режим.

Ушбу элементлар давлат қандай ташкил этилганлигини ва давлат ҳокимияти қандай усулларда амалга оширилишини кўрсатади.

Бошқарув шакли деганда, олий давлат ҳокимияти, унинг идоралари, аҳоли билан ўзаро муносабати, аҳолининг ушбу идораларни шакллантиришда иштирок этиш даражаси тушунилади.

Бошқарув шаклига кўра давлатлар монархия ва республикага бўлинади.

«Монархия» сўзи юнончада «якка ҳокимлик» маъносини биддиради. Монархия олий ҳокимият якка ҳоким — давлат бошлиғининг қўлида бўлган ва бу ҳокимият мерос қилиб бериладиган давлат бошқаруви шаклидир.

Монархиянинг асосий белгилари қуйидагилардан иборат:

- монарх давлатни шахсийлаштиради, ташқи ва ички сиёсатда давлат бошлиғи сифатида майдонга чиқади; монарх давлатни якка ўзи бошқаради;
- монарх ҳокимияти муқаддас деб эълон қилинади;
- монарх ўз фаолиятида расман мустақилдир;
- ҳокимиятни ўрнатиш, қабул қилиш (легитимлаштириш)нинг алоҳида тартиби мавжуд;
- муддатсиз, умрбод бошқарув;
- монарх ўз бошқарувининг натижаси учун юридик жиҳатдан жавобгар эмас.

Монархия а) *мутлақ* ва б) *чекланган* (ёки парламентар) шаклларда бўлади. Давлат ҳокимиятини бошқа биронта идора билан чекланмаган монарх (кирол, подшо, император) амалга оширса (масалан, Саудия Арабистонида), бундай монархия мутлақ монархия дейилади.

Агар монархнинг ҳокимияти конституция асосида амал қиладиган бирон-бир ваколатли идора билан чекланган бўлса, бундай монархия чекланган, конституциявий, парламент шаклидаги монархия бўлади (масалан, Буюк Британия, Дания, Норвегия, Швеция).

«Республика» сўзи юнончада «умумий иш» маъносини билдиради. Республика давлат бошқарувнинг ҳокимият олий идоралари муайян муддатга сайланадиган шаклидир.

Республиканинг асосий белгилари қуйидагилардан иборат:

- ҳокимият олий идораларининг сайлаб қўйилиши;
- ҳокимият ваколатларининг тақсимланиши;
- ҳокимият олий органларининг ўз қарорларини сайланган муддати давомида қабул қилиши;
- қонунларнинг бажарилишини назорат қилувчи орган бўлган суддар обрўининг ортиши;
- фуқароларнинг давлат ишларини бошқаришда иштирок эта олиши.

Республикалар а) *президентлик республикаси*, б) *парламентар республика* ва в) *аралаш турдаги республикаларга* бўлинади.

А. Президентлик республикасида давлатни халқ сайлайдиган ва жуда кенг ваколатларга эга бўлган Президент бошқаради. У давлатнинг ҳам, ҳукуматнинг ҳам бошлиғидир. Бундай республикада ҳукуматни президент тузади. Президентлик республикасининг мисоли сифатида АҚШ ва Ўзбекистон Республикасини келтириш мумкин.

Б. Парламентар республикада давлат бошлиғи сайланувчи мансабдор шахс бўлиб, нисбатан торроқ ваколатларга эга. Бунда президентни парламент сайлайди. У расман давлат бошлиғи ҳисобланиб, асосан вакиллик функцияларини бажаради. Унинг ҳукуматни тузиш ва мамлакатни бошқаришда тутган ўрни номигагина аҳамиятга эга бўлади. У ҳукуматни бошқармайди (ҳукуматни бош вазир бошқаради). Аммо ҳукумат уни тарқатиб юбориши мумкин бўлган парламент олдида жавобгардир. Парламентар республикага Австрия, Италия, Германия мисол бўлади.

В. Республика шаклидаги бошқарувнинг яна бир кўриниши аралаш бошқарувдир. Бундай бошқарувда президентлик ва парламентар республикалар элементлари аралашиб кетган бўлади. Масалан, Францияда президентни халқ сайлайди. У жуда катта ваколатларга эга бўлади, аммо ҳукуматни бошқармайди.

Давлат тузилиши шакли унинг маъмурий-худудий ташкил этилишидир.

Давлат тузилиши бўйича барча давлатлар қуйидаги турларга бўлинади:

- Оддий (унитар),
- Мураккаб (федератив ва конфедератив).

Унитар давлат — бу оддий, яхлит давлат. Бундай давлат вилоят, область, округ, воеводство, район, туман деб турлича номланадиган маъмурий-худудий бирликларга бўлинади. Бундай давлатда битта парламент, битта ҳукумат, битта президент бўлади. Унитар давлат одатда бир миллатли бўлади.

Унитар давлат белгилари қуйидагилардан иборат:

- бутун мамлакат миқёсида бир хил бўлган вакиллик, ижроия ва суд органлари бўлади;

- битта конституция; ягона қонунчилик тизими;
- ягона фуқаролик;
- ягона пул бирлиги;
- барча маъмурий-худудий бирликлар учун умумий бўлган солиқ ва кредит сиёсати;

- унитар давлатлар таркибий қисмлари суверенитетга эга эмас (яъни том маънодаги давлатлар эмас);

- ягона армия мавжудлиги.

Федератив давлат — мураккаб, иттифоқдош давлат. Одатда у бир қанча давлатларнинг бирлашувидан ҳосил бўлади. Бирлашганидан кейин бу давлатлар федерация аъзолари ёки субъектлари бўлиб қоладилар. Улар турлича аталиши (штатлар, ўлкалар, республикалар) ва ўз маъмурий-худудий бўлинмаларига эга бўлиши мумкин.

Федерацияда ҳокимият идораларининг икки тизими амал қилади: федерал даражада ва федерация субъектлари даражасида. Федерал даражада ҳам, федерация субъектлари даражасида ҳам президент, парламент, ҳукумат бўлиши мумкин.

Федератив давлат белгилари: федерация ҳудуди унинг субъектлари ҳудудидан ташкил топади; олий қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимияти федерал давлат органларига тегишли бўлади;

федерация субъектлари ва федерациянинг ўзи ўртасидаги ваколатлар иттифоқ конституцияси билан ажратилади; федерация субъектлари ўз конституцияси, ўзларининг олий қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд органларига эга;

федерациянинг олий қонун чиқарувчи (вакиллик) идораси икки палатали тузилишга эга (федерация аъзоларининг манфаатларини ифода этувчи қўшимча палата мавжуд).

Конфедерация – ўз суверенитети ва мустақиллигини сақлаб қолган ҳолда у ёки бу мақсадга эришиш учун бирлашган давлатлар иттифоқи. Конфедерацияда ягона ҳудуд, ягона фуқаролик бўлмайди. Ҳар бир давлат халқаро ҳуқуқнинг тенг ҳуқуқли субъекти бўлади.

Конфедерация белгилари қуйидагилардан иборат:

- мустақил давлатларнинг муайян мақсадларга эришиш учун бирлашган эканлиги;
- конфедерация — мустақкам бўлмаган тузилма;
- ягона ҳудуднинг йўқлиги (конфедерация унинг аъзолари бўлган давлатлар ҳудудидан ташкил топади);
- ягона фуқароликнинг бўлмаслиги;
- конфедерация субъектлари ундан эркин чиқиш ҳуқуқига эгадирлар;
- конфедерация субъектлари иттифоқ ҳокимияти қонун ҳужжатларини нулфикация қилиш (эътироф этмаслик ёки қўлламаслик) ҳуқуқига эгадирлар;

- конфедерация ваколатига унча кўп бўлмаган (уруш ва тинчлик, халқаро сиёсат ва ҳ. к.) масалаларни ҳал этиш киради;
- конфедерация бюджети унинг аъзоларининг ихтиёрий бадалларидан ташкил топади.

Конфедерация тузилишидаги давлатларнинг одатда умри қисқа бўлади. Улар кўп соҳалар бўйича бирлашиб федерацияга айланиб кетади ёки парчаланиб унитар давлат ҳолатига қайтади. Ҳозирда конфедератив давлатга мисол қилиб ўзида бир неча давлатларни бирлаштирган Европа Иттифоқини келтириш мумкин.

Сиёсий режим давлат ҳокимиятини амалга ошириш усул ва йўлларининг мажмуи бўлиб, мамлакатдаги сиёсий вазиятни, яъни жамиятдаги сиёсий эркинлик даражасини ва шахснинг ҳуқуқий ҳолатини билдиради.

Демократия (юнонча «халқ ҳокимияти») — инсон сиёсий ва фуқаролик ҳуқуқларининг кенглигини, фуқароларнинг давлат ҳокимияти идораларини тузишда ва уларнинг фаолиятида фаол иштирок этишини, халқ иродасини демократик ҳокимиятнинг ягона манбаи деб билишни англатади. Халқ ҳокимиятчилиги икки шаклга эга: вакиллик демократияси ва бевосита демократия.

Вакиллик демократияси халқнинг ўз ҳокимиятини вакиллик идоралари, яъни демократик ҳокимиятнинг ва маҳаллий ўзини ўзи бошқариш идораларининг сайлаб қўйиладиган органлари орқали амалга оширилишини билдиради. Бевосита демократия халқнинг демократик ҳокимият масалаларини ҳал этишда умумхалқ овоз бериши (референдум) йўли билан тўғридан-тўғри иштирок этишидир.

Демократик режим белгилари:

- шахснинг иқтисодий соҳада эркинлиги;
- инсон ва фуқаро ҳуқуқлари ва эркинликларининг эълон қилиниши ва кафолатланиши;
- барча шакллардаги ва том маънодаги демократия;
- ҳокимият ваколатларининг бўлиниши;
- ижтимоий ҳаётда фикрлар хилма-хиллиги (плюрализм), ижтимоий бирлашмаларнинг кўплиги;
- қонун устунлиги.

Агар давлатда демократик режим ҳукмрон бўлса, демак бу давлатда фуқаролар умум эътироф этилган ҳуқуқ ва эркинликлардан тўла фойдаланадилар, давлат эса уларни нафақат тан олади, балки ҳар томонлама кафолатлайди ва химоя қилади.

Бундай давлатда мафкуравий ва сиёсий хилма-хиллик конституция билан мустаҳкамлаб қўйилади, сиёсий партияларнинг фаолиятига рухсат этилади. Сиёсий партиялар олий ва маҳаллий ҳокимият идораларига депутатларни сайлашда иштирок этиш орқали иложи борица кўпроқ аъзоларини ҳокимият идораларига киритишга ҳаракат қиладилар. қоида тариқасида, демократик сайловда ғалаба қилган сиёсий партиялар ҳукуматни тузиш ва шу тариқа ўз сиёсатини ўтказиш ҳуқуқига эга бўладилар.

Антидемократик режимга хос хусусият шундаки, бундай режимда давлат идоралари ҳокимиятни амалга ошириш чоғида демократик принциплар ва қоидаларга риоя этмайдилар, уларни доимо ёки тез-тез бузадилар. Бундай сиёсий режимда фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари поймол этилади, кўпол равишда бузилади, муҳолафат бартараф этилади (баъзан жуда шафқатсизлик билан), баъзида эса парламент сингари демократик институтлар йўқ қилинади.

Аксилдемократик режим белгилари қуйидагилардан иборат:

- давлатнинг ҳуқуқдан устунлиги;
- давлатнинг жамият ҳаёти барча соҳаларини назорат қилиши;

- давлатнинг шахс манфаатларига бефарқлиги;
- жамоат ташкилотларининг давлатлаштирилиши;
- ижтимоий ҳаётнинг бутунлай ҳарбийлаштирилиши;
- кам сонли миллатлар манфаатларига эътибор берилмаслиги.

Аксилдемократик режимлар ичида фашистик ва тоталитар режимларни кўрсатиш мумкин.

Фашистик режимда ҳар қандай муҳофазат йўқ қилинади, бирон ирқнинг ҳукмронлиги эълон қилинади, бошқа ҳудудларни босиб олиш учун йўл очилади. 1933—1945 йиллардаги фашистлар Германияси ва ўша даврдаги фашистлар Италияси фашистик режимли давлатларга мисол бўла олади.

Тоталитар режим бир партиянинг ҳукмронлиги, ҳуқуқ ва эркинликларнинг поймол этилиши, кўпинча эса уларнинг ёппасига бузилиши, ўзгача фикрлашга қарши кураш, сайловчиларнинг сайловда муқобил депутатларни сайлаш имкони-ятининг бўлмаслигига асосланган бошқаруви деб таърифланади. Тоталитар давлат мисоли сифатида собиқ Совет Иттифоқини келтириш мумкин.

Сиёсий режим давлат шаклининг инсоннинг жамиятдаги мавқеини белгиловчи энг муҳим элементиدير.

6-§. Давлат механизми

Давлат механизми – жамиятни бошқариш ва халқ манфаатларини ҳимоя қилишни амалга оширадиган давлат идоралари ва муассасаларининг тизими. Давлат механизмнинг асосий белгилари куйидагилар:

таркиби – бошқарув фаолияти билан шуғулланадиган одамлар йиғиндиси; бир-бирлари билан ўзаро алоқадорликда ва муносабатда бўлган идоралар ва муассасаларнинг мураккаб тизими; давлат аппарати барча бўғинларининг функциялари, ташкилий ва молиявий воситалар, зарур бўлганда эса давлатнинг мажбурлов чоралари билан таъминланади;

мақсади – фуқароларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини қамолатлаш ва муҳофиза қилиш.

Давлат идораси (органи) — давлат механизмнинг қонунга мувофиқ равишда ўз тузилишига, ижтимоий ҳаётнинг муайян соҳасини бошқариш бўйича аниқ белгиланган ваколатига эга бўлган ҳамда давлат механизмнинг бошқа қисмлари билан узвий алоқадорликда бўлган ва яхлит бирлик ҳосил қиладиган таркибий қисми.

Давлат идорасининг белгилари: қонун чиқариш йўли билан ташкил топиши;

ваколати — ушбу идора мустақил ҳал эта оладиган масалалар доираси; ҳуқуқий асосда функционал фаолият кўрсатиши; давлат аппаратида мустақил ўрин тутиши; бошқа идоралар билан алоқада бўлиши; тузилиши (ички тузилиши).

Давлат идоралари куйидаги турларга бўлинади:

1. Вакиллик идоралари: қонун чиқарувчи; маҳаллий ҳокимият идоралари.
2. Ижроия идоралари: *марказий идоралар* (давлат бошлиғи монарх ёки президент; ҳукумат; вазирлик ва давлат қўмиталари); *ҳуқуқни муҳофиза қилувчи идоралар* (прокуратура; ички ишлар вазирлиги ва унинг органлари; адлия вазирлиги; миллий хавфсизлик хизмати); *маҳаллий идоралар* (Ўзбекистонда вилоят, туман ва шаҳар ҳокимлари).
3. Суд ва конституциявий назорат идоралари: Конституциявий суд; Олий суд ва умумий юрисдикция судлари; Олий ҳўжалик суди ва унинг вилоят (шаҳар) бўғинлари.

7-§. Ҳуқуқ ва унинг белгилари

Ҳуқуқ — давлат томонидан ўрнатилган ёки маъқулланган ва унинг кучи билан ҳимоя қилинадиган умуммажбурий ҳуқ-атвор қоидаларининг тизими.

«Ҳуқуқ» ибораси икки маънода қўлланилади. *Объектив ҳуқуқ* – умуммажбурий ҳуқ-автор қоидаларининг йиғиндиси. Бу нормалар у ёки бу инсоннинг, субъектнинг иродаси ҳамда хоҳиш-истагидан қатъи назар мавжуд бўлади. *Субъектив ҳуқуқ* — муайян жисмоний ёки юридик шахсга тегишли бўлган ҳуқуқ. Масалан, фуқаро Алиевнинг маълум нарсага, айтайлик, автомобилга нисбатан мулк ҳуқуқи. Субъектив ҳуқуқ юридик жиҳатдан шахс эркинлигини таъминлайди, унга мустақиллик беради ва ташаббус кўрсатишига имкон яратади. Субъектив ҳуқуқ объектив ҳуқуққа асосланади, объектив ҳуқуқ бўлмаса, субъектив ҳуқуқ ҳам бўлмайди. Субъектив ҳуқуқ инсондан (ёки ташкилотдан), яъни ҳуқуқдор шахсдан ажралмаган ҳолда мавжуд бўлади.

Ҳуқуқ давлат билан чамбарчас боғланган. Давлатсиз ҳуқуқ бўлиши мумкин эмас, чунки айнан давлат ҳуқуқни келтириб чиқаради ва ҳуқуқий нормаларнинг амалга оширилишини кафолатлайди, ҳуқуқни муҳофаза қилади.

Ўз навбатида, давлат ҳам ҳуқуқсиз мавжуд бўлиши мумкин эмас. Акс ҳолда, у ижтимоий муносабатларни тартибга солиб турувчи воситадан маҳрум бўлади.

Ҳуқуқнинг асосий белгилари қуйидагилардир:

- а) давлат йўли билан ўрнатилиши;
- б) барча учун мажбурийлиги;
- в) ҳуқуқ нормаларининг қонунлар ва бошқа муайян манбаларда ифодаланиши;
- г) субъектив ҳуқуқлар орқали ҳаракат қилиш;
- д) давлат томонидан таъминланганлиги.

Ҳуқуқ адолатдан ажралмасдир. Рим ҳуқуқида ҳуқуқнинг ҳалол яшаш, ўзгаларни хафа қилмаслик, ҳар кимга кераклигини бериш каби қоидалари ёзиб қўйилган эди. Ҳуқуқ эзгулик ва адолатлилик санъатидир. Ҳуқуққа адолат мезони ифодаланади.

Ҳуқуқнинг келиб чиқишига доир назариялар. Давлат каби ҳуқуқнинг келиб чиқиши тўғрисида ҳам турли назариялар мавжуд.

1. Табиий ҳуқуқ назарияси — ҳуқуқ назарияларининг энг қадимийларидан бири. Унинг вакиллари ҳуқуқнинг ўзида адолатнинг мутлақ, ўзгармас ибтидосини мужассам этганлигидан келиб чиқади. Ҳуқуқ табиатан мавжуд, уни ҳеч ким ўйлаб топмаган, у худди инсоннинг ўзи каби табиийдир. Ушбу назария тарафдорлари табиий ҳуқуқни юридик нормаларнинг йиғиндиси кўринишидаги ҳуқуққа қарши қўядилар. Табиий ҳуқуқ — давлат интилиши зарур бўлган ўзига хос идеал.

2. Ҳуқуқнинг тарихий назарияси вакиллари ҳуқуқ тарихан пайдо бўлган ва ривожланади, деб ҳисоблайдилар. Ерга экилган уруғ каби у халқнинг онгида ўсиб боради ва адолат, қонунлар шаклида намоён бўлади. Ҳуқуқ табиатдан келиб чиқмайди. У ёки бу халқнинг тарихий ҳаёти ҳуқуқни қандай кўринишга келтирса, у шундай бўлиб қолади.

3. Ҳуқуқнинг психологик назариясида ҳуқуқнинг келиб чиқиши ва ривожланишини шахс ёки шахслар гуруҳининг психологияси билан изоҳланади. Ҳуқуқ психологик йўналишлар, турли кечинмалар, ҳиссиётлар ва инстинктларнинг маҳ сули, деб қаралади.

4. Ҳуқуқнинг синфий (марксистик назарияси) ҳуқуқнинг синфий моҳиятига урғу беради. Бунда ҳуқуқ ҳукмрон синф иродасининг қонун даражасига кўтарилганлиги сифатида талқин этилади. Бу ирода мазкур синф ҳаётининг моддий шароитларидан келиб чиқиб белгиланади.

Ҳуқуқнинг функциялари. Ҳуқуқ жамият ҳаётида муайян функцияларни бажаради. Ҳуқуқнинг функция-си деганда, ижтимоий муносабатларга таъсир этиш, уларни тартибга солишнинг асосий йўналишлари тушунилади.

Ҳуқуқнинг асосий функциялари қуйидагилар: тартибга солувчи, қўриқловчи ва тарбиявий.

Тартибга солиш функцияси — тегишли ижтимоий алоқалар ҳамда муносабатларни ва у ёки бу субъект фаол хулқ-атворининг мезонини мустаҳкамлаш ва ривожлантиришдан иборат.

Қўриқлаш функцияси — ҳуқуқий муҳофаза ва юридик жавобгарлик чоралари-ни белгилаш, уларни қўллаш ва жавобгарликни ўташ тартибини ўрнатишдан иборат.

Тарбиявий функция — турмушда нималарни қилиш мумкин, нималар эса тақиқпанади, у ёки бу вазиятда қандай ҳаракат қилиш лозимлигини белгилашдан иборат. Бунда ҳуқуқ ишонтириш методига таянади, зарур бўлганда мажбурлаш методини, ҳатто жазолашни ҳам назарда тутди.

8-§. Ҳуқуқ ижтимоий норма

Жамиятда нормаларнинг икки тизими мавжуд: техникавий ва ижтимоий. Техникавий нормалар «инсон — машина» муносабатларини тартибга солади. Агар техникавий нормалар бажарилмаса, Чернобиль атом электр станциясидаги каби фалокат содир бўлиши мумкин. Ижтимоий нормалар — одамлар ва уларнинг бирлашмалари ўртасидаги муносабатларни тартибга солувчи умумий хулқ-атвор қоидалари бўлиб, улар «инсон — инсон» муносабатларини тартибга солади. Ижтимоий нормаларнинг турларига қуйидагилар киради: ахлоқ нормалари, жамоат бирлашмалари нормалари, мил-лий урф-одатлар, халкларнинг одатлари, анъана нормалари, сиёсий ҳаёт норма-лари, ҳуқуқ нормалари, диний нормалар.

Ахлоқ нормалари — эзгулик ва ёвузлик, шаън, кадр-қиммат, адолат ва ноҳақлик, бурч ва масъулият ҳақидаги ахлоқий тушунчаларга мувофиқ равишда жамиятда ўрнатилган хулқ-атвор қоидалари.

Жамоат бирлашмаларининг нормалари — жамоат бирлашмаларининг ўз фаолиятини тартибга солиш ва ташкилотларнинг аъзолари ўртасидаги муносабатларни аниқлаш учун ўрнатган хулқ-атвор қоидалари.

Одат нормалари — кишиларнинг кўп марта такрорланганлиги учун одатга айланган ва шу тариқа авлоддан-авлодга ўтиб келаётган хулқ-атвор қоидалари.

Анъана нормалари — илғор анъаналарни асраш муносабати билан юзага кел-ган умумлашган ва барқарор хулқ-атвор қовдалари.

Маросим нормалари — кишиларнинг маълум расм-русумларни бажаришдаги хулқ-автор қоидалари.

Диний нормалар — диндорларнинг худога, мачитга, черковга, бир-бирига муносабатини, диний бирлашмаларни ташкил қилиш ва уларнинг амал қилиши-ни тартибга солувчи хулқ-атвор қоидалари.

Сиёсий нормалар — алоҳида шахслар ва сиёсий бирлашмаларнинг ҳокимиятга муносабати масалаларини тартибга солувчи хулқ-атвор қоидалари.

Ҳуқуқ нормалари — давлат томонидан белгиланадиган умуммажбурий хулқ-атвор қоидалари.

Табиийки, ижтимоий нормаларнинг мазкур рўйхати тўлиқ эмас.

Ҳуқуқ нормаларининг бошқа ижтимоий нормалардан фарқини ҳуқуқ норма-лари ва ахлоқ нормаларини таққослаш орқали кўрсатиб берамиз.

Ҳуқуқ нормаларининг белгилари ва тузилиши. «Норма» сўзи латинчадан таржима қилинганда «қоида», «намуна» маъносини англатади.

Ҳуқуқ нормаси — давлат томонидан белгиланадиган, қафолатланадиган ва муҳофаза қилинадиган барча учун мажбурий ҳуқ-атвор қондаси.

Ҳуқуқ нормаси умумий ҳуқ-атвор қондаси сифатида:

ҳаётий муносабатлардаги типик, такрорланиб турадиган нарсаларни умумлаштириш зарурати натижасида шаклланади;

шахси аниқланмаган ва кўп марта қўллашга мўлжалланган бўлади;

ҳамиша қандайдир умумий белгиларга эга бўлган шахслар (ҳарбий хизматчилар, врачлар ва ш.к.)га қаратилган бўлади.

Ҳуқуқ нормаси давлат билан узвий алоқадордир. Ҳуқуқ нормаси:

- давлатнинг (халқнинг) иродасини акс эттиради;

- давлат томонидан норматив ҳужжатларда шакллантирилади;

- давлат томонидан муҳофаза қилинади, зарур бўлган ҳолларда давлатнинг мажбурлов кучи билан таъминланади;

- жамият ва давлат нуқтаи назаридан энг муҳим бўлган ижтимоий муносабатларни мустаҳкамлайди.

Ҳуқуқ нормасининг асосий вазифаси — ижтимоий муносабатларни тартибга солиш. Ҳуқуқ нормаси умуммажбурий хусусиятга эга. У ҳуқуқ тизимидаги бирламчи ҳужайрадир. Ҳуқуқ алоҳида нормалар, ҳуқ-атвор қондаларидан ташкил топган. Улар биргаликда у ёки бу мамлакатнинг ҳуқуқий тизимини ташкил этади.

Ҳуқуқ нормаси, тузилишига кўра, уч таркибий қисм: гипотеза, диспозиция ва санкциядан ташкил топган.

Гипотеза — ҳуқуқ нормасининг таркибий қисми бўлиб, унда норма амал қила бошлайдиган, бажариладиган шароит баён этилади. Пенсия ҳақидаги қонунга кўра, Ўзбекистон Республикасида эркакларга умумий меҳнат стажи 25 йил бўлганидан сўнг 60 ёшдан, аёлларга эса 20 йиллик стаж билан 54 ёшдан бошлаб социал таъминот бўлимлари томонидан пенсия тўланади.

Диспозиция — ҳуқуқ нормасининг шундай таркибий қисмики, унда ҳуқ-атвор қондаларининг ўзи ифодаланади, ҳуқуқ субъектларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари белгилаб берилади. Масалан, Жиноят кодексининг 223-моддасида белгиланган тартибни бузиб чет элга чиқиш ёки Ўзбекистон Республикасига кириш ёхуд чегарадан ўтиш учун жавобгарлик белгиланган. Бу ҳуқуқ нормасининг диспозицияси — ҳукуматнинг рухсатсиз ёки қалбаки ҳужжатлардан фойдаланиб ёинки бунинг учун белгиланган чегара пункти орқали ўтмай, давлат чегарасидан ноқонуний ўтишнинг тақиқданганлигидир.

Диспозиция — шу ҳуқ-атвор қондасининг ўзи. Масалан, Ўзбекистон Республикаси Оила кодексига мувофиқ, ота-оналар ўз фарзандларининг соғлиғи, жисмоний, руҳий, маънавий ва ахлоқий камолоти ҳақида ғамхўрлик қилишга мажбурдирлар.

Ҳуқуқ нормасининг ҳуқуқбузарга нисбатан қўлланиши лозим бўлган давлат мажбурлов чораларини белгилайдиган таркибий қисми санкция дейилади.

Санкция — ҳуқуқ нормасини бажармаганлик учун давлат органлари қўллайдиган мажбурлов чораси. Санкциянинг турлари ҳайфсан, жарима, озодликдан маҳрум этиш ва бошқалар бўлиши мумкин.

Ҳуқуқ нормаларининг мазкур таркибий қисмлари барча ҳуқуқ нормаларида ҳам мавжуд эмас. Масалан, конституциявий ҳуқуқ нормаларида одатда ҳеч қандай шартларсиз амал қиладиган ва мажбурлов чоралари назарда тутилмаган қондалар баён этилади. Фуқаролик ҳуқуқининг кўпчилик қондаларида санкцияни ажратиш кўрсатиш мумкин эмас. Жиноят ҳуқуқи нормалари диспозиция ва санкциядан ташкил топган. Лекин уларда норманинг матнида ажратиш кўрсатиш мумкин бўлган гипотезалар йўқ.

Шундай қилиб, ҳуқуқ нормаси қуйидагиларни белгилаб беради:

ким, нимани ва қачон қилиши кераклигини (гипотеза);
хуқуқий норманинг маъно-мазмунини (диспозиция);
хуқуқ нормаси бажарилмаслигининг оқибатлари қандайлигини (санкция).
Таъкидлаш керакки, барча хуқуқ нормалари ҳам учала таркибий қисмга эга
эмас. Масалан, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг нормалари фақат
гипотеза ва диспозицияга эга. Санкциялар эса Конституция нормаларини аниқ-
лаштирувчи қонунлар, кодекслар ва шу кабиларда ифодаланган.

Хуқуқий нормаларнинг турлари. Хуқуқий нормаларни улар мазмунидаги
қоидаларнинг характериға кўра қуйидаги турларға ажратиш мумкин: ваколат берувчи,
мажбурият юқловчи, тақиқловчи, императив (буйруқ берувчи) ва диспозитив
(тўлдирувчи).

Ваколат берувчи нормалар — рухсат мазмунидаги нормалар бўлиб, нималарни
қилиш мумкинлигини белгилайди.

Мажбурият юқловчи нормалар — нималарни қилиш зарурлигини белгиловчи
нормалар.

Тақиқловчи нормалар — нима қилиш мумкин эмаслигини белгиловчи норма-лар.

Императив (буйруқ берувчи) нормаларда қоида қатъий талаб шаклида акс
эттирилиб, ундан бирон-бир тарзда четға чиқиш мумкин эмас (масалан, солиқ
қонунчилиги нормалари).

Диспозитив (тўлдирувчи) нормалар муносабат қатнашчиларига масалани мус-
тақил тарзда тартибға солиш ва тегишли хулқ-атвор вариантини танлаш имконини
беради. Башарти, бундай имкониятдан фойдаланилмаса, норма муносабат иш-
тирокчиларининг шартлашувини тўлдиради (масалан, иқтисодий фаолият ишти-
рокчиларининг шартномавий алоқаларини тартибға солувчи нормалар). Ўзбекистон
Республикаси Фуқаролик кодексининг қатор моддаларида диспозитив норма-лар
бўлиб, уларда, одатда: «агар шартномада бошқача ҳолат назарда тутилмаган бўлса»
деган изоҳ мавжуд.

Бажарилиши шарт бўлган ёки, аксинча, ман этилган хулқ-атвор қоидаларини баён
қилишнинг тўлалиги бўйича диспозициялар оддий, тавсифловчи, бланкет ва ҳавола
этувчи диспозицияларға бўлинади. Оддий диспозицияда қилмиш тавсифлаб
берилмайди, балки барчаға маълум термин (масалан, «қасддан одам ўлдириш»
термини — ЖКнинг 97-моддаси) ёрдамида таърифланади. Тавсифловчи диспозиция
хуқуқбузарлик белгиларининг тўлиқ баёнини ўз ичига олади. Масалан, ўғрилиқ
ўзгалир мулкини яширин равишда талон-тарож қилишдир (ЖКнинг 169-моддаси).

Бланкет диспозиция хуқуқбузарликнинг белгиларини аниқлаш учун хуқуқнинг
бошқа соҳалари нормаларида белгиланган махсус қоидаларға ҳавола қилади. Масалан,
Жиноят кодексида техника хавфсизлиги, саноат санитарияси ёки меҳнат-ни муҳофаза
қилишнинг бошқа қоидаларини бузганлик учун жиноий жавобгар-лик белгиланган
(ЖКнинг 257-моддаси). Бу қоидаларнинг мазмуни Жиноят кодексида эмас, балки
ЖКнинг моддаларини қўллашда мурожаат қилиш зарур бўлган бошқа норматив
ҳужжатларда очиқ берилади. Ҳавола этувчи диспозиция деганда, хуқуқбузарлик
белгиларига эга бўлмаган, балки ўша қонуннинг бошқа нормасига ёки бошқа хуқуқий
ҳужжатға ҳавола этувчи диспозиция тушунилади.

Аниқлик даражаси бўйича санкцияларни мутлақ аниқ, нисбий аниқ ва муқо-бил
санкцияларға ажратиш мумкин.

Мутлад аниқ санкция хуқуқбузарға нисбатан қўлланиладиган жазонинг ҳаж-мини
аниқ белгилайди. Масалан, Фуқаролик кодексига кўра, давлат органлари ёки
мансабдор шахсларнинг ноқонуний ҳаракатлари натижасида фуқароға етказилган
зарар тўлалигича қопланиши шарт.

Нисбий анид санкция ҳуқуқбузарга нисбатан қўлланиладиган жазонинг энг кам ва энг кўп чегарасини белгилайди. Жиноят ҳуқуқида бундай санкциялар кўп. Масалан, босқинчилик жинояти беш йилдан йигирма йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади (ЖКнинг 164-моддаси).

Муқобил санкция судга қонунда кўрсатилган бир неча жазодан бирини та-йинлаш имконини беради. Масалан, фирибгарлик, агар у оғир оқибатларга олиб келмаган бўлса, энг кам ойлик иш ҳақининг юз бараваригача миқдорда жарима ёки бир йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёки олти ойгача қамоқ билан жазоланади (ЖКнинг 168-моддаси).

Кўпинча ҳуқуқ нормалари муқобил ва нисбий аниқ санкцияларнинг белгиларини ўзида мужассамлаштиради, яъни бир неча жазо турларини назарда тутди. Бунда уларнинг ҳар бири учун энг кўп ва энг кам чегара белгиланади.

9-§. Ахлоқ ва ҳуқуқ

Ахлоқ — кишининг жамиятдаги хулқини норматив тартибга солувчи усуллар-дан бири. У ижтимоий ҳаётнинг барча соҳалари — меҳнат, маиший турмуш, оила, сиёсат, халқаро муносабатлар ва шу кабиларга алоқадор. Ахлоқ — ижтимоий онг шакллари-дан бири, шу боис бутун ижтимоий онг сингари унинг ҳам тузилиши бир хил эмас. Жамият аксарият қисмининг асрлар давомида шаклланган ахлоқий тушунчалари алоҳида ижтимоий гуруҳларнинг, боз устига алоҳида индивидлар-нинг ахлоқига мос тушмаслиги мумкин. Лекин, ҳар ҳодда, жамиятдаги ҳукмрон ахлоқ жамият аъзолари кўпчилигининг хулқ-атворини белгилаб беради. Ахлоқнинг алоҳида хусусияти шундан иборатки, ахлоқ нормаларига амал қилиш жамоатчилик фикри орқали таъминланади.

Жамиятдаги ёзилмаган хулқ-атвор қоидаларининг мажмуидан иборат бўлган ахлоқдан фарқи равишда ҳуқуқ — маълум юридик шакллар, яъни манбаларда, жумладан қонун, фармон, қарор ва ҳуқуқда намоён бўлувчи ижтимоий хулқ-атвор қоидаларининг қатъий ифодаланган тизими. Ҳуқуқ нормалари асосан ёзма шаклда бўлади.

Ахлоқдан фарқли равишда, ҳуқуқ қоидалари умуммажбурий хусусиятга эга. Уларни бажариш давлатнинг мажбурлаш кучи орқали таъминланади. Шу каби баъзи фарқларга қарамай, ахлоқ ва ҳуқуқ бир қанча умумий хусусиятларга эга.

Ахлоқ ҳам, ҳуқуқ ҳам, умуман олганда, бутун жамиятнинг, демакки, аҳоли аксарият қисмининг қарашлари ва тушунчаларини акс эттириши керак. Уларнинг ижтимоий ҳаётнинг айнан бир хил соҳаларини қамраб олишини ҳисобга олганда, улар ўртасида зиддиятлар бўлмаслиги керак. Агар бундай зиддият пайдо бўлса, у ҳуқуқий нормаларни ўзгартириш орқали, яъни ахлоқ фойдасига ҳал қилиниши зарур.

Ахлоқ ва ҳуқуқ ўртасидаги асосий фарқ қуйидагиларда намоён бўлади:

- ҳуқуқ нормалари давлат томонидан белгиланган ва рухсат этилган бўлади;
- ахлоқ нормалари (эзгулик ва ёвузлик, адолат ва ноҳақлик кабилар) эса давлатнинг ёрдамсиз ўз-ўзидан шаклланади;
- ҳуқуқ нормаларида давлат иродаси, ахлоқ нормаларида эса жамоатчилик фикри ифодаланади;

3) ҳуқуқ нормалари, зарур ҳолларда, давлатнинг мажбурлов кучи орқали, ахлоқ нормалари эса жамоатчилик фикри орқали амалга оширилади;

ахлоқ нормалари ижтимоий муносабатларнинг кенгроқ доирасини (дўстлик, ўртоқлик ва хатго севгини ҳам) тартибга солади. Ҳуқуқ эса ижтимоий муносабатларнинг торроқ доирасини қамраб олади;

ҳуқуқда хулқ-атворни баҳолаш мезони «қонуний-ноқонуний», ахлоқда эса «яхши-ёмон»дан иборат; ҳуқуқ нормалари аниқ кўринишга эга. Ҳатто баъзан бирор тиниш белгисининг қарда қўйилганлиги ҳам инсон тақдирини ҳал қилиши мумкин. Рус тилидамашхур бир ибора бор: «Помиловать, нельзя казнить» («Афв этилсин, қатл этиш мумкин эмас»). Бунда одамнинг ҳаёти сақлаб қолиниши керак. Агар вергул «нельзя» (мумкин эмас) сўзидан кейин қўйилса, у ҳолда ўша одам қатл этилиши керак бўлади: «Помиловать нельзя, казнить» (Бунда буйруқ «афв этиш мумкин эмас, қатл этилсин» маъносига эга бўлади).

Ҳуқуқ ва ахлоқ кўпинча бир йўналишда ҳаракат қилади. Баъзан ҳуқуқ жамиятнинг эскирган ахлоқ нормаларидан халос бўлишига кўмаклашади (масалан, хун олиш). Шу билан бирга, ҳуқуқ ахлоқ («эзгулик» ва «адолат» тушунчалари) асосда шаклланади. Кўпинча, суд «шаън ва қадр-қимматни ҳақоратлаш», «қўполлик» ва бошқа шу каби тушунчаларни тўғри тушуниш мақсадида ахлоқ қоидаларига мурожаат қилади.

Ҳуқуқ тизими. Ҳуқуқ — ички яхлитлиги ва ўзаро мувофиқлиги билан ажралиб турадиган муайян тизим. Лекин, бошқа тизимлар каби, ҳуқуқ ҳам ҳуқуқ тармоқларидан иборат кичик тизимларга бўлинади.

Давлатнинг юридик нормалари йиғиндиси унинг ҳуқуқини ташкил этади. Ҳуқуқий нормалар турли-туман бўлиб, улар ўзаро мустаҳкам боғланган, мувофиқлашган ва яхлит ҳуқуқ тизимини ташкил этади.

Ҳуқуқ тизими турли-туман, лекин ўзаро мустаҳкам алоқада бўлган юридик нормалар йиғиндисидир.

Ҳуқуқ тизими катта таркибий қисмлар бўлмиш ҳуқуқ тармоқларига бўлинади. Давлатдаги ижтимоий муносабатларнинг хилма-хиллиги тармоқларга бўлишнинг асосини ташкил этади. Айнан шу муносабатлар ҳуқуқий бошқарувнинг предметини ташкил этади. Ижтимоий муносабатларнинг ҳар бир маълум тури (оила, меҳнат муносабатлари ва ҳ.к.) тегишли ҳуқуқий нормалар билан тартибга солинади. Бу нормалар ҳуқуқий тартибга солиш предметига кўра (яъни ижтимоий муносабатларнинг маълум турига кўра) ҳуқуқ тармоқларига бўлинган.

Ҳуқуқ тармоғи жамият ҳаётининг маълум соҳасидаги ижтимоий муносабатларни тартибга солувчи ўзаро боғлиқ юридик нормалар йиғиндисидир.

Ҳар бир тармоқнинг ҳуқуқий тартибга солиш предмети ўз хусусиятларига эга. Бу эса ушбу муносабатлардаги ҳуқуқий тартибга солишнинг ўзига хос жиҳатини белгилайди. Ҳуқуқий тартибга солиш усули, ҳуқуқ тизимини тармоқларга бўлишнинг қўшимча асосидир.

Ҳуқуқий тартибга солиш усули ҳуқуқнинг ижтимоий муносабатларга таъсир кўрсатишига ёрдамлашадиган йўллари, усуллари, воситаларининг йиғиндисидир. Масалан, фуқаровий-ҳуқуқий усулда мулкӣ муносабатларнинг иштирокчилари мустақил ва бир-бирига қарам эмаслиги, улар ўз хоҳишларига кўра ўз мулкларидан фойдаланиш ҳуқуқига эга эканлиги назарда тутилади. Фуқаролик муомаласи иштирокчилари ўртасидаги муносабатлар томонлар ишлаб чиққан шартлар ҳамда уларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари эркин равишда белгилаб қўйилган шартнома асосида юзага келади. Фуқаровий-ҳуқуқий муносабатларнинг субъектлари ўртасидаги низолар суд томонидан ҳал этилади. Давлат бошқаруви соҳасида юзага келадиган муносабатлар тартибга солишнинг бир усулини талаб қилади. Бу ерда томонлар бир хил ҳуқуққа эга эмас, улардан бири иккинчисига бўйсунди. Томонлардан бири бошқасига нисбатан ҳукмрон мавқега эга бўлади.

Шундай қилиб, маъмурий ҳуқуқий муносабатларнинг (ҳуқуқнинг айнан шу тармоғи давлат бошқаруви соҳасидаги муносабатларни тартибга солади) асосий усули

хокимиятни бошқариш усули бўлиб, унда давлат органларидан бири ик-кинчисига бўйсунади.

Ҳуқуқий тартибга солиш предмети — ушбу ҳуқуқ тармоғининг нормалари таъсир ўтказадиган муносабатлар, ҳуқуқий тартибга солиш усули эса — ушбу таъсир ўтказиладиган восита.

Ўзбекистон ҳуқуқ тизими ҳуқуқнинг қуйидаги асосий тармоқдарини ўз ичига олади: конституциявий ҳуқуқ; маъмурий ҳуқуқ; фуқаролик ҳуқуқи;

жиноят ҳуқуқи; ер ҳуқуқи; аграр ҳуқуқ; меҳнат ҳуқуқи; ижтимоий таъминот ҳуқуқи; экологик ҳуқуқ; молиявий ҳуқуқ; фуқаролик-процессуал ҳуқуқ;

жиноят-процессуал ҳуқуқ; ҳўжалик-процессуал ҳуқуқ.

Конституциявий, маъмурий, фуқаролик ва жиноят ҳуқуқи асосий ҳуқуқ тармоқлари деб ҳисобланади.

Юқорида санаб ўтилганларнинг дастлабки ўнтаси моддий ҳуқуқ тармоғи бўлса, кейинги учтаси процессуал ҳуқуқ тармоғидир.

Ҳуқуқ тизимида иккита ҳуқуқий маконни ажратиш мумкин: оммавий ҳуқуқ ва хусусий ҳуқуқ. Оммавий ҳуқуқ давлат билан фуқаролар ўртасидаги муносабатларни тартибга солади. Бу ҳокимият ва бўйсунуш муносабатларидир. Оммавий ҳуқуқ доирасига конституциявий, маъмурий, жиноят, жиноят-процессуал, солиқ ҳуқуқи соҳалари киради.

Хусусий ҳуқуқ ўзаро мажбуриятлар асосида ҳуқуқдарга эга бўлувчи субъектлар ўртасидаги муносабатларни тартибга солади, бу ерда муносабат иштирокчилари тенгдирлар. Хусусий ҳуқуқ доирасига фуқаролик, меҳнат ва оила ҳуқуқи соҳалари киради. Ҳуқуқнинг оммавий ва хусусий ҳуқуққа бўлиниши қадимги Рим ҳуқуқи давридан буён мавжуд бўлиб, бунга қарийб икки минг йилча бўлган.

Конституциявий ҳуқуқ конституциявий тузум асосларини, инсон ва фуқаронинг ҳуқуқ ва эркинликларини, мамлакатнинг давлат тузилишини, Президенти, Олий Мажлис, ҳукумат, суд тизими, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг ҳуқуқий мақомини мустаҳкамлаб қўяди.

Маъмурий ҳуқуқ давлат бошқаруви, ижроия ҳокимият соҳаси (ҳукумат фаолияти, ижроия ҳокимиятнинг бошқа органлари)да юзага келадиган муносабатларни тартибга солади. Фуқаролик ҳуқуқи мулкӣ ва у билан боғлиқ шахсий номулкий муносабатлар (исмга эга бўлиш ҳуқуқи, шаън ва қадр-қимматни ҳимоя қилиш, муаллифлик ҳуқуқи ва ҳ.к.)ни тартибга солувчи ҳуқуқ соҳасидир.

Жиноят ҳуқуқи ёрдамида давлат қандай ижтимоий хавфли қилмишларнинг жиноий эканлигини ва уларни содир этганлик учун қандай жазолар тайинланиши мумкинлигини белгилаб берувчи нормаларни ўз ичига олади. Бу нормалар Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексига жамланган.

Ер ҳуқуқи ерга эгалик қилиш, ундан фойдаланиш ва уни тасарруф этиш соҳасидаги муносабатларни тартибга солади.

Аграр ҳуқуқ қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотларини етиштириш ва қайта ишлаш соҳасидаги муносабатларни тартибга солувчи тармоқдир.

Меҳнат ҳуқуқи — меҳнат муносабатларининг келиб чиқиши, ўзгариши ва тўхтатилиши шартларини белгиловчи, иш куни ва дам олишнинг давомийлигини, меҳнат интизоми, ўсмирлар, аёлларни муҳофаза қилиш кабиларни белгиловчи ҳуқуқий нормаларнинг йиғиндиси.

Фуқаролик-процессуал ҳуқуқ нормалари судларнинг фуқаролик, оилавий, меҳнат, ер билан боғлиқ ва молиявий муносабатлар каби бир қатор муносабатлар соҳасидаги фаолиятини тартибга солади.

Фуқаролик-процессуал ҳуқуққа ишларнинг ҳўжалик судлари томонидан кўриб чиқиши тартибини бошқарадиган ҳўжаллик-процессуал ҳуқуқи яқин туради.

Жиноят-процессуал ҳуқуқ судлов, тергов, прокуратура органларининг жиноят ишларини тергов қилиш ва судда кўриб чиқиш фаолиятини тартибга солади.

Ҳуқуқ институти ҳуқуқ тармоғи таркибидаги маълум муносабатларни тартибга солувчи юридик нормалар йиғиндиси. Ҳуқуқ тармоғи ҳуқуқ институтларидан ташкил топган. Масалан, конституциявий ҳуқуқ инсон ва фуқаронинг ҳуқуқдари ва эркинликлари, президентлик, ҳукумат каби институтларни ўз ичига олади. Фуқаролик ҳуқуқи эса мулк ҳуқуқи, мажбурият ҳуқуқи, муаллифлик ҳуқуқи, мерос ҳуқуқи каби институтларни қамраб олади.

Давлатнинг ички (миллий) ҳуқуқ тизимидан ташқари, халқаро ҳуқуқ тизими ҳам мавжуд. Унинг принциплари ва нормалари давлатлар, халқаро ташкилотлар ва ушбу ҳуқуқнинг бошқа субъектлари ўртасидаги муносабатларни тартибга солади.

Халқаро ҳуқуқ тизими бир неча тармоқлардан ташкил топган бўлиб, мисол тариқасида қуйидагиларни санаб ўтиш мумкин: халқаро ташкилотлар ҳуқуқи, халқаро хавфсизлик ҳуқуқи, дипломатия ва консуллик ҳуқуқи, халқаро денгиз ҳуқуқи ва бошқалар.

Ўз навбатида, халқаро ҳуқуқ тармоқлари институтлардан ташкил топган. Масалан, халқаро денгиз ҳуқуқи ҳудудий хавзалар, очиқ денгиз, куруклик ерлари ва бошқаларни ўз ичига олади.

10-§. Ҳуқуқ манбалари

Хулқ-атвор қондаси ҳуқуқий нормага айланиши учун маълум юридик шакл олиши керак. Бундай ўзгариш давлатнинг ҳуқуқ ижодкорлиги фаолияти натижасида юзага келади.

Натижада қонун чиқарувчи органнинг иродаси бажарилиши мажбурий бўлган муайян ҳуқуқий ҳужжатда ўз ифодасини топади. Ҳуқуқ манбаи деганда, уни объектив ифодалаш усуллари тушунилади. Ҳуқуқ манбаларини қуйидаги уч асосий турга бўлиш қабул қилинган:

- 1) ҳуқуқий одат;
- 2) юридик прецедент;
- 3) норматив-ҳуқуқий ҳужжат;
- 4) халқаро ҳуқуқий нормалар;
- 5) диний нормалар.

Ҳуқуқий одат деб доимий такрорланиши натижасида барқарор хулқ-атвор нормасига айланган ва кейинчалик давлат томонидан тасдиқланган хулқ-атвор қондасига айтилади.

Одат инсоният жамияти ривожланишининг илк босқичларидаги ижтимоий муносабатларни тартибга солувчи асосий ҳуқуқ манбаи бўлган. Одат аста-секин норматив ҳужжат билан сиқиб чиқарилган ва алмаштирилган. Шувдан кейин у ҳуқуқнинг юридик манбаи бўлмай қолган.

Ҳозирга вақтда одатнинг аҳамияти катта эмас. У фақат қонун етарли бўлмаган ёки қонуннинг ўзи одатга ҳавола қиладиган ҳоллардагина сақланиб қолмоқда.

Юридик прецедент — ҳуқуқнинг шундай манбаики, бунда муайян иш бўйича чиқарилган суд қарори келгусида шундай ишларни ҳал этишда қоидага айланиши мумкин.

Юридик прецедент иш бўйича суд ёки маъмурий органнинг қарорига муайян норматив (умуммажбурий) куч беришни биддиради. Бундай қарор келгусида шундай ишларни кўриб чиқишда мажбурий бўлади ва шу билан ҳуқуқий тус олади.

Ҳуқуқий одат ва юридик прецедент бир қатор хорижий мамлакатларнинг ҳуқуқ тизимида катта аҳамиятга эга, лекин Ўзбекистон Республикасининг ҳуқуқ тизимида қўлланилмайди.

Суд прецеденти Буюк Британия, АҚШ, Канада, Австрияда ҳуқуқ манбаи ҳисобланади. Бу мамлакатларнинг ҳаммасида суд ҳисоботлари чоп этилади. Улардан прецедентлар ҳақида маълумот олиш мумкин. Албатта, бу мамлакатларнинг ҳар бирида суд прецеденти турлича қўлланилади. Прецедентни ҳуқуқ манбаи сифатида тан олиш, қонун бўлмаган ёки бўлган шароитларда ҳам судга қонун ижодкорлиги вазифасини бажариш имконини беради.

Норматив ҳуқуқий ҳужжат — ваколатли давлат органининг белгиланган тартибда қабул қилган юридик ҳужжати бўлиб, умуммажбурий ҳуқ-атвор қоидаларини ўз ичига олади. Барча норматив ҳуқуқий ҳужжатларга қуйидаги белгилар ҳосил:

улар ҳуқуқий нормаларни белгилаб берадилар, ўзгартирадилар ёки бекор қиладилар;

уларда белгиланган қоидаларнинг мазмуни баён этилади;

белгиланган нормаларга умуммажбурий тус беради ёки илгари белгиланган нормаларнинг амалда бўлишини бекор қилади.

Норматив шартнома — ҳуқуқ манбаининг алоҳида тури бўлиб, ижтимоий муносабатларни ҳуқуқий тартибга солишнинг асоси бўлиб хизмат қилади. Норматив шартномаларда бир қанча субъектларнинг иродаси мужассамланади, масалан, халқаро, жамоавий ва бошқа шартномаларнинг субъектлари.

Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг турлари давлатнинг қайси органлари томонидан қабул қилинганлигига ҳамда уларнинг юридик кучи катта ёки кичиклигига қараб фарқланади. Ушбу белгиларга асосан, норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни қуйидаги турларга бўлиш мумкин:

қонун — умумхалқ овоз бериши (референдуми) орқали ёки мамлакатнинг олий вакиллик органи (парламент) қабул қиладиган норматив-ҳуқуқий ҳужжат. қонунлар орасида Конституция — давлатнинг асосий қонуни — алоҳида мавқега эга бўлиб, олий юридик кучга эгадир. Конституция ва конституциявий қонунларни фақат парламент қабул қилиши мумкин, чунки уларда конституциявий тузум асослари, инсонлар ва фуқароларнинг асосий ҳуқуқ ва эркинликлари ҳамда конституцияга ўзгартишлар киритиш тартиб-қоидалари белгилаб қўйилади.

Конституциявий қонунлар алоҳида тартибда қабул қилинади.

Давлат бошлиғининг норматив ҳужжатлари. Хусусан, бизнинг мамлакатимизда бу фармон — Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 94-моддасига асосан, Президент чиқарадиган норматив-ҳуқуқий ҳужжат. Ушбу ҳужжат Конституция ва қонунларга ҳамда Ўзбекистоннинг халқаро шартномаларига зид келмаслиги керак.

Ҳукуматнинг қарорлари ва фармойишлари ижро этувчи ҳокимият органининг ўз ваколати доирасида чиқарадиган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларидир. Ушбу ҳужжатлар Конституция асосида қабул қилиниб, Ўзбекистон қонунлари ва Президентнинг норматив фармонларини амалга оширишга қаратилган. Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг буйруқ ва йўриқномала давлат бошқаруви органларининг норматив-ҳуқуқий ҳужжатларидир. Улар конституция асосида қабул қилиниб, қонунлар, Президентнинг фармонлари ҳамда ҳукумат қарорларини бажаришга қаратилган.

Давлат ҳокимияти маҳаллий ижроия органларининг қарорлари. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар иерархияси шунини талаб қиладиги, давлат

хокимиятнинг қуйи вакиллик органлари қабул қилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар юқори турувчи органларнинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатларига мувофиқ келиши керак. Давлат ҳоқимияти ижроия органларининг норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари эса вакиллик органлари ҳамда юқори турувчи ижроия органларнинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатларига мувофиқ келиши зарур.

Ўзбекистонда ҳуқуқ манбалари қуйидагилардан иборат:

ҳалқаро ҳуқуқнинг умум эътироф этган принциплари ва нормалари ҳамда Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари; қонунлар;

қонуности ҳужжатлари. Халқаро ҳуқуқнинг умум эътироф этган принциплари ва нормалари — халқаро ҳуқуқнинг асосий қоидалари бўлиб, уларни халқаро ҳуқуқнинг барча субъектлари тан олган ва шу боис бажармасликка йўл қўйилмайди. Улар ичида давлат суверенитетини ҳурмат қилиш, зўрлик ишлатмаслик ёки зўрлик ишлатиш билан таҳдид қилмаслик, давлатнинг ҳудудий яхлитлиги, чегараларининг бузилмаслиги, низо-ларни тинч йўл билан ҳал этиш, ички ишларга аралашмаслик, халқларнинг тенг ҳуқуқлилиги ва ўз тақдирини ўзи белгилаш ҳуқуқи, инсоннинг ҳуқуқ ва эркин-ликларини ҳурмат қилиш, давлатлар ўртасидаги ҳамкорлик, халқаро ҳуқуқ бўйича мажбуриятларни виждонан бажариш кабилар бўлиши мумкин.

Халқаро шартнома — халқаро ҳуқуқнинг икки ёки бир неча субъекти қабул қилган битим бўлиб, ҳуқуқ ва мажбуриятларни белгиловчи, ўзгартирувчи ёки бекор қилувчи ҳужжатдир. Ўзбекистон Республикаси сиёсий, иқтисодий, ҳуқуқий ва махсус масалалар бўйича бир неча минг шартнома тузган. 1995 йидда «Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари тўғрисидаги қонун» қабул қилинган. Шунини алоҳида таъкидлаш лозимки, халқаро шартномаларнинг қоидалари Ўзбекистон қонунларига нисбатан устунликка эга. Ўзбекистон Республикаси қонунларини қуйидаги гуруҳларга бўлиш мумкин: Асосий қонун — Конституция; конституциявий қонун;

қонун. қорақалпоғистон Республикасининг Конституцияси ва қонунлари. қонунлар ва бошқа норматив ҳужжатлар орасида Ўзбекистон Республикаси-

нинг Конституцияси асосий ўрин тутди. Ўшбу ҳужжат давлат ҳоқимиятининг ташкил этилишини белгилайди, конституциявий тузум асосларини, инсонлар ва фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини мустаҳкамлайди. Конституция амалдаги қонунлар учун юридик асосдир. Конституция қоидалари бошқа норматив ҳужжатларда ривожлантирилади ва аниқлаштирилади. Шунини ҳам айтиб ўтиш керакки, қорақалпоғистон Республикаси Ўзбекистон Республикаси таркибида ўз конституциясига эга бўлиб, унинг қоидалари Ўзбекистон Конституциясига зид келиши мумкин эмас.

Конституциявий қонунлар Конституцияга ўзгартиш ва қўшимчалар киритувчи қонунлардир. Ушбу ҳужжат учун Олий Мажлисида оддий қонунларга нисбатан уларни қабул қилишнинг мураккаброқ тартиб-қоидалари белгиланган.

қонунлар, ўз навбатида, кодекслаштирилган ва жорий қонунларга бўлинади. Кодекслаштирилган қонунларга кодекслар киради. Кодекс — мантиқий тизимлаштириш хусусиятига эга қонун бўлиб, ўзида ижтимоий муносабатларнинг маълум бир соҳасини батафсил тартибга солувчи нормаларни бирлаштиради. Масалан, Фуқаролик кодекси, Жиноят кодекси, Мехнат кодекси, Солиқ кодекси, Божхона кодекси ва ҳ.к.

қорақалпоғистон Республикасининг қонунлари қонун чиқарувчи (вакиллик) орган томонидан қабул қилинади ва бундай қонунлар қорақалпоғистоннинг ҳудудида ижро этилиши шарт.

қонуннинг вақт бўйича амал қилишига эътибор қаратиш лозим.

қонунлар қуйидаги ҳолларда қучга киради:

расман эълон қилинганидан ўн кун ўтгач;

қонунда ёки уни амалга киритиш тўғрисида махсус ҳужжатда кўрсатилган вақтдан бошлаб.

қонунлар қуйидаги ҳолларда ўз кучини йўқотади:

қонуннинг ўзида кўрсатилган муддат тугаган бўлса;

ушбу қонун бекор қилиниши натижасида (ижтимоий муносабатларнинг шу соҳасини тартибга солувчи янги қонун қабул қилиниши муносабати билан). қонун замонда амал қилади. Бунинг маъноси шуки, қонун орқага қайтиш кучига эга.

Умумий қоидага кўра, қонунлар орқага қайтиш кучига эга эмас. Ўзбекистонда жиноят ёки маъмурий жавобгарликни енгиллаштирувчи қонунлар орқага қайтиш кучига эга.

қонун мақовда амал қилади. Гап шундаки, қонунлар мамлакатнинг барча ҳудудларида амал қилади. Давлат ҳудудига унинг суверенитети остида бўлган ҳудуд киради. Ушбу ҳудудга қуруқлик, ички сувлар ва ҳудудий денгиз хавзалари, ушбу ҳудудлар устидаги ҳаво бўшлиғи ва давлат чегараси доирасидаги ер ости бойликлари киради.

қорақалпоғистон қонунлари унинг ҳудудидагина амал қилади.

қонун шахсларга нисбатан амал қилади.

Одатда қонунлар ушбу ҳудуддаги барча субъектлар, яъни фуқаролар, юридик шахслар, давлат органлари, корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар учун мажбурийдир.

Ҳуқуқ нормалари талабларининг Ўзбекистон Республикаси фуқаролари, хорижликлар ва фуқаролиги бўлмаган шахслар учун мажбурийлиги ҳуқуқнинг умумий принципи ҳисобланади. Лекин истиснолар ҳам мавжуд. Масалан, «Ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида»ги қонуннинг талаблари фақат Ўзбекистон фуқароларига тегишлидир. «Референдум тўғрисида»ги қонунга биноан референдумда фақат Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари қатнашиши мумкин.

Бундан ташқари, амалдаги қонунлар ва Ўзбекистоннинг халқаро шартномаларига мувофиқ, дипломатик дахлсизлик ҳуқуқидан фойдаланувчи хорижий фуқаролар ҳам бундан мустасно. Элчилар ҳуқуқбузарликлар содир этган ҳолларда, уларга нисбатан Жиноят кодекси ва Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекс амал қилмайди.

қонун ости ҳужжатлари қонунлар асосида қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлардир. Уларга қуйидагилар киради:

Президент фармонлари;

ҳукумат қарорлари;

бошқа ижроия ҳокимият органларининг ҳужжатлари;

жойлардаги ижроия органларнинг норматив ҳужжатлари.

Ушбу қонун ости ҳужжатлари тизимида Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармошари алоҳида ўрин тутди, чунки уларни давлат бошлиғи чиқаради. Ушбу фармонлар норматив хусусиятга эга бўлиши мумкин. Президент фармонлари Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунларига зид келиши мумкин эмас.

Ўзбекистон Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ҳўжалик ва маданий қурилишнинг энг муҳим масалалари бўйича қабул қилинади. Улар одатда умумий хусусиятга ва ҳуқуқ нормаларига эга бўлиб, ҳуқуқ манбалари ҳисобланади.

Айрим ҳолларда ижро этувчи ҳокимият органларининг ҳужжатлари ушбу органлар тизимидан ташқарида вужудга келувчи ижтимоий муносабатларни тартибга солади. Бундай ваколатлар Молия вазирлиги, Адил вазирлиги, Марказий банк ва бошқа ташкилотларда айниқса каттадир.

Ўзбекистонда вазирликлар ҳамда ташкилотларнинг фуқароларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига дахлдор норматив ҳужжатларни қайд этиш давлат тизими

жорий этилган. Ушбу вазифа Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги зиммасига юклатилган.

11-§. Ҳуқуқий муносабатлар ва уларнинг тузилиши

Ҳуқуқ нормалари билан тартибга солинадиган юктимой муносабатлар ҳуқуқий муносабатлар хусусиятига эга бўлади. Уларнинг вужудга келиши учун юридик факт — ҳодиса (масалан, инсоннинг туғилиши ёки ўлиши, ёнғин) ёки ҳаракат (масалан, ҳуқуқбузарлик) мавжуд бўлиши лозим.

Ҳуқуқий муносабатлар деганда, унинг иштирокчилари ўртасида вужудга келадиган ва ҳуқуқ нормалари билан тартибга солинадиган ижтимоий муносабат тушунилади. Ҳуқуқий муносабатларнинг вужудга келиши учун учта омил бўлиши зарур: ҳуқуқ нормалари; субъектив ҳуқуқ ва мажбуриятлар; юридик факт. Фақат биргаликдагина улар ҳуқуқий муносабатларни юзага келтиради.

Ҳуқуқий муносабат — унинг иштирокчилари ўртасидаги ҳақиқий юридик алоқалар бўлиб, уларнинг ўзаро ҳуқуқ ва мажбуриятларида намоён бўлади.

Ҳуқуқий муносабат, тузилишига кўра, объект, субъект ва мазмун каби элементлардан иборат.

Ҳуқуқий муносабат иштирокчиларининг ҳаракати нимага қаратилган бўлса, шу нарса ушбу ҳуқуқий муносабатларнинг объекти ҳисобланади. Масалан, харидор сотиб олаётган молини олиш ҳуқуқига эга, лекин харид учун пул тўлашга мажбур. Сотувчи эса ушбу мол учун ҳақ олиш ҳуқуқига ва харидорга олди-сотди талабла-рига мос келадиган товарни бериш мажбуриятига эга. Сотилаётган ва сотиб оли-наётган мол-мулк ҳуқуқий муносабатнинг объекти ҳисобланади. Ҳуқуқ ва мажбу-риятнинг узвий алоқадорлиги жуда кўп ҳуқуқий муносабатлар учун хосдир.

Ҳуқуқий муносабатларнинг иштирокчилари, яъни ҳуқуқ ва мажбурият эгала-ри ушбу ҳуқуқий муносабатларнинг субъектлари ҳисобланади. Чунончи, куйидаги-лар субъектлар бўлиши мумкин: ўзаро муносабатга киришган фуқаролар; давлат органлари ва муносабатга киришган фуқаролар;

ташкилотлар ва муносабатга киришган фуқаролар; ўзаро муносабатга киришган ташкилотлар; давлат органлари ва муносабатга киришган ташкилотлар. Ҳуқуқий муносабат субъектлари, авваламбор, жисмоний ва юридик шахслардир.

Жисмоний шахслар — ушбу давлат фуқаролари, бошқа давлат фуқаролари (ажнабийлар) ва фуқаролиги йўқ шахслар (апатридлар).

Юридик шахслар — ташкилотлар, муассасалар, давлат органлари, давлат, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари.

Ҳуқуқий муносабатларнинг мазмунини субъектларнинг ўз ҳуқуқ ва мажбуриятларини амалга ошириш бўйича реал ҳаракатлари ташкил этади. Масалан, олдисотди бўйича ҳуқуқий муносабат мазмунини сотувчининг хоридорга нарсани ҳақиқатан бериши ва бунинг учун харидорнинг сотувчига ҳақ тўлаши ташкил этади. Ушбу ҳуқуқий муносабатлар мазмунига ўзаро даъволар қилиш ва уларни қондириш юзасидан амалга оширилган ҳаракатлар (масалан, буюмнинг сифати, ўлчами ва тўлов муддати бўйича даъволар) ҳам киради. Шундай қилиб, ҳуқуқий муносабатлар субъектлар ўртасидаги муносабатлар-нинг юридик шакли бўлиб, унинг ёрдамида давлат қонун талабларига биноан ижтимоий муносабат иштирокчилари ҳуқ-атворини меъёрлаб беради.

Ҳукукий муносабатларда иштирок этиш учун субъектлар қатор юридик хусусиятларга эга бўлиши лозим. Гап, биринчи навбатда, ҳукукий лаёқат ва муомала лаёқати тўғрисида бормокда. Ҳуқуқ лаёқати ҳуқуқдарга эга бўла олиш ва юридик мажбуриятларни зиммага олиш қобилиятидир. Муомала лаёқати эса ўз ҳаракатлари асосида ҳуқуқларни амалга ошириш ва юридик мажбуриятларни бажариш қобилиятидир.

Юридик шахсларга тегишли бўлган ҳукукий лаёқат ва муомала лаёқати бир вақтда вужудга келади ҳамда ушбу шахслар ўз фаолиятини бошлаган пайтдан бошлаб пайдо бўлади.

Жисмоний шахсларнинг ҳукукий лаёқати инсон туғилганда бошланиб, унинг вафотидан сўнг тўхтайди. Муомала лаёқати эса ёш ва рухий саломатлик билан боғлиқ. Ўзбекистон қонунларига биноан, тўлиқ муомала лаёқати фуқаро 18 ёшга тўлганидан сўнг бошланади. Лекин ушбу қоидадан истиснолар ҳам мавжуд. Маса-лан, шахс жиноий жавобгарликка 16 ёшдан, айрим жиноятлар учун 14 ёшдан тортилиши мумкин. Бошқа бир мисол: Оила кодекси айрим ҳолларда 18 ёшга тўлмасдан туриб никоҳдан ўтишга рухсат беради. Бундай фуқаро никоҳдан ўтган вақтдан бошлаб тўлиқ муомала лаёқатига эга бўлади.

Ҳар бир инсон ҳукукий муносабатларга ўзининг қандайдир сиёсий, моддий, маънавий ва бошқа ижтимоий манфаатлари ва эҳтиёжларини амалда қондириш учун киришади. Ушбу мақсадга субъектив ҳуқуқ ва мажбуриятлар ҳамда уларни амалга оширишга қаратилган юридик ҳаракатлар ёрдамида эришилади. Буларнинг ҳаммаси жисмоний ёки юридик шахс кутган муайян натижаларга олиб келади.

Юридик фактлар — ўзига хос ҳаётий ҳолатлар бўлиб, қонун ва ҳукукий нормалар уларни юридик оқибатларнинг вужудга келиши, ўзгариши ёки бекор қилиниши билан боғлайди.

Ҳар бир юрист амалий фаолиятининг бош вазифаларидан бири юридик фактларни аниқлаш ёки тасдиқлашдир. Бусиз қонунларни тўғри қўллаш, фуқаролар ва ташкилотларнинг ҳуқуқдарини ҳимоя қилиш, низоларни ҳал этиш, қонунбузарлик содир этган шахсларни жавобгарликка тортиш мумкин эмас.

Юридик фактларни, инсонларнинг хоҳиш-иродасига кўра, ҳодисалар ва ҳаракатларга бўлиш мумкин.

Ҳодисалар инсоннинг хоҳиш-иродасига боғлиқ бўлмаган ҳодда вужудга келади. Масалан, табиий офатлар, боланинг туғилиши, унинг муайян ёшга етиши, инсоннинг вафот этиши, муддатнинг ўтиши ва ҳ. к. Айтайлик, инсоннинг вафот этиши мероснинг очилишини вужудга келтиради ҳамда ҳукукий лаёқатни тугатади. Мол-мулкнинг нобуд бўлишига олиб келадиган, ёнғин, сув тошқини — мол-мулк суғурта қилинган бўлса — суғурта пулини тўлаш учун асос бўлади. Ҳаракатлар инсоннинг хоҳиш-иродаси асосида вужудга келадиган юридик ҳужжатлардир. Улар ҳукукий нормаларга амал қилиш муносабатига кўра, ҳукукий ва ҳуқуққа зид ҳаракатларга бўлинади.

Амалдаги қонунчилик нормалари асосида вужудга келадиган ҳамда шу нормалар билан тартибга солинадиган ҳаракатлар ҳукукий, ҳуқуққа мувофиқ ҳаракатлар деб аталади.

Ҳуқуққа зид ҳаракатлар — қонун ёки ҳукукий нормага зид бўлган ҳаракатдир. Улар ҳуқуққа ҳилоф хатти-ҳаракат деб ҳам аталади. Баъзи ҳолларда қонун ҳаракатсизликни ҳам ҳуқуққа зид хатти-ҳаракат сифатида эътироф этади. Масалан, бир кема капитанининг ҳалокатга учраган бошқа кемага ёрдам бермаслиги ёки ёрдамга муҳтож одамни унинг ҳаётига реал хавф туғилган пайтда ёрдамсиз қолдириш каби ҳаракатсизлик ҳоллари ҳуқуқ нормасига зид бўлган қилмишлар ҳисобланади.

12-§. Ҳуқуқбузарлик ва юридик жавобгарлик

Ҳуқуқбузарлик деганда, жамият учун хавфли бўлган қилмиш (ҳаракат ёки ҳаракатсизлик) тушунилади. Бундай қилмиш қонун билан муҳофаза қилинадиган ижтимоий муносабатларга зарар етказиши ёки зарар етказиш хавфини туғдириши мумкин.

Ҳуқуқбузарликнинг асосий белгилари қуйидагилардан иборат: ижтимоий хавфлилик; ҳуқуққа зидлик; айбилик; жазоланиш. Ижтимоий хавфлилик шундан иборатки, бунда ҳуқуқбузарлик жамиятнинг қадриятларига тажовуз қилади, хусусий ва ижтимоий манфаатларни поймол этади. Ҳуқуқбузарликнинг зарарлиги ёки хавфлилиги шундан иборатки, у жамият ҳаётининг маромига салбий таъсир этади.

Ҳуқуққа зидлик — ҳуқуқбузарликнинг иккинчи белгиси. Бу ўринда гап қил-миш оқибатида қонуннинг, муайян ҳуқуқий норманинг бузилиши тўғрисида бор-моқда. Бошқача айтганда, ҳуқуқбузар қонунда ёки ҳуқуқ нормасида белгилаб қўйил-ган тақиқни бузади. Агар бундай тақиқ бўлмаса, ҳуқуқбузарлик ҳам бўлмайди. қонун кенгайтирилган ҳодда ёки аналогия бўйича талкин этилиши мумкин эмас.

Айбилик — ҳуқуқбузарликнинг учинчи белгиси. Ҳуқуқ нормасини юридик жавобгарликни зиммасига олишга қодир бўлган шахс бузади ва шахс бу ҳаракат-ни қасддан ёки эҳтиётсизлик оқибатида содир этади.

Айб — шахснинг ўзи содир этган ҳуқуққа хилоф ҳаракатига ва унинг за-рарли оқибатларига руҳий муносабати. қарийб ҳар доим инсон олдида ҳуқуққа мос ёки ҳуқуққа зид тарзда ҳаракат қилишни танлаш имкони бўлади. Агар у иккинчи йўлни танласа, ҳуқуққа хилоф қилмишни айбли тарзда содир этган, деб ҳисобланади.

Балоғат ёшига етмаганлар ёки ақли норасо деб топилган шахслар содир этган қилмиш (ҳуқуққа зид бўлса ҳам) ҳуқуқбузарлик бўлмайди. Бахтсиз ҳодиса, тасо-диф натижасида, бирон кимсага айбсиз зарар етказиш ҳодисаси ҳам ҳуқуқбузар-лик эмас.

Ҳуқуқбузарликнинг тўртинчи белгиси — жазоланиш. Бу маълум ҳуқуқбузарлик учун уни содир этган шахснинг ваколатли давлат органи томонидан жавоб-гарликка тортилишини билдиради. Бу жавобгарлик ҳуқуқий норманинг санкция-сида ифодаланади.

Баъзи ҳолларда шахс қонунга биноан жавобгарликдан озод этилиши ҳам мумкин. Лекин бунини ҳам ваколатли давлат органи амалга оширади.

Ҳуқуқбузарликлар қонунчиликнинг қайси соҳасига тегишлилигига қараб, бир қанча турларга бўлинади. Ҳуқуқбузарликнинг қуйидаги турларини келтириш мум-кин:

фуқаролик-ҳуқуқий (мажбуриятни бажармаслик, моддий зарар етказиш);
маъмурий (майда безорилик, йўлларда ҳаракатланиш қоидаларини бузиш ва ҳ.к); интизомий (ишга келмаслик, кеч қолиш);

жиноий, яъни жиноятлар (одам ўлдириш, ўғрилиқ, милиция ходими-га қаршилиқ кўрсатиш ва бошқалар). Ҳуқуқбузарликнинг турига қараб давлат мажбурлов чоралари ҳам ўзгариб туради. Уларнинг энг оғирлари жиноят содир этилганда қўлланилади.

Юридик жавобгарлик, ижтимоий жавобгарликнинг бошқа шакллари-дан фарқли равишда, доимо ҳуқуқ нормаларига асосланади ва давлат мажбурлов нормалари билан боғлиқ бўлади. Юридик жавобгарлик — ҳуқуқбузарнинг ҳуқуқ нормаларига асосланган ва ҳуқуқбузарлик фактидан келиб чиқадиган қилмиши учун жавоб бериш ва давлат мажбурлов чоралари шаклидаги нохуш оқибатларига чидаш мажбурияти ҳамда шундай оқибатларга ҳақиқатан дучор бўлишидир.

Юридик жавобгарлик белгилари қуйидагилардан иборат:
давлат мажбурлов чоралари билан узвий алоқадорлик;
фактик асос — ҳуқуқбузарлик;

юридик асос — юридик жавобгарликнинг ҳуқуқий тартибга солинганлиги;
давлат қоралови билан боғлиқдик;
ҳуқуқбузар ҳуқуқдарини чеклаш билан боғлиқ салбий оқибатлар;
ҳуқуқбузарликни содир этишда айбдор деб топилган шахсга нисбатан жазо қўллаш; ҳуқуқий принципларга асосланганлик (қонунийлик, индивидуаллаштириш, табақалашганлик ва бошқалар). Юридик жавобгарликнинг асоси ҳуқуқбузарлик, яъни ҳуқуқ нормаларини бузувчи муайян ҳаракат ёки ҳаракатсизликдир.

Ҳуқуқбузарликнинг ҳар хил турлари турли хил юридик жавобгарликка олиб келади. Масалан, фуқаролик ҳуқуқбузарлиги (мажбуриятни бажармаслик) — фуқаровий-ҳуқуқий жавобгарликка (зарарни қоплаш, неустойкани тўлатишга), маъмурий ҳуқуқбузарлик (йўлларда ҳаракатланиш қоидаларини бузганлик) — маъмурий жавобгарликка (жарима, транспорт воситасини бошқариш ҳуқуқидан маҳрум этишга) олиб келади. Жиноий ҳуқуқбузарлик, яъни жиноят эса жиноий жавоб-гарликка олиб келади (унга нисбатан озодликдан маҳрум этишгача бўлган жазо қўлланиши мумкин).

Юридик жавобгарлик икки асосий шаклда — суд тартибида ва маъмурий тартибда амалга оширилади. Жиноий жавобгарликни амалга оширишнинг суд тартиби ҳуқуқбузарга нис-батан фақат ваколатли давлат органи номи билан суд томонидан жазо қўлланили-шини билдиради. Ушбу суд тартиби фуқаровий-ҳуқуқий жавобгарлик учун хос, жиноий жавобгарлик учун эса мажбурийдир.

Юридик жавобгарликнинг икки тури фаркланади: жарима ёки жазо; ҳуқуқни тикловчи жавобгарлик. Жарима жазоси маъмурий ёки интизомий хато жиноятлар учун қўлланилади. Жавобгарликнинг ушбу турига хос хусусият шундан иборатки, у фақат процессуал шаклда амалга оширилади ҳамда тегишли ваколатларга эга давлат органлари ва мансабдор шахсларнинг ҳужжатлари билан белгиланади.

2-МАВЗУ. КОНСТИТУЦИЯВИЙ ХУКУК АСОСЛАРИ.

1-§. КОНСТИТУЦИЯ ВА УНИНГ ТАРИХИЙ РИВОЖЛАНИШИ

«Конституция» — лотинча сўз бўлиб, унинг том маъноси «тузиш», «тузук», «низом», «тузилиш», «яратиш» демакдир.

«Конституция» атамаси ўзининг узок тарихига эга. Масалан, қадимги давр-ларда «конституция» сўзи сиёсий тузумни билдирган. XVII асрда Францияда бу сўз орқали рента, рента шартномаси ифодаланган, сўнгра қадимги юнонча маъ-носига қайтилиб, ҳуқуқ билан белгиланадиган давлат тузилишини ифодалайдиган бўлганлар. Буюк француз инқилоби арафасида «конституция» атамаси билан «дав-латнинг тузилишини» ифодалай бошлаганлар.

Жаҳон цивилизацияси ўзининг тарихий ривожланиши давомида бугунги кун-да амал қилаётган икки гуруҳдаги конституцияларни юзага келтирди. Биринчи гуруҳни бугунги кундагидан кескин фарқ қиладиган шароитларда қабул қилинган конституциялар ташкил этади. Бундай конституцияларнинг энг ёрқин намунаси — 1787 йилги АҚШ Конституцияси, 1831 йилги Бельгия ва 1874 йилги Швейцария конституцияларидир.

Иккинчи гуруҳга XX асрнинг иккинчи ярмида қабул қилинган «янги авлод» конституциялари киради. «Янги авлод» конституциялари дастлабки конституция-лардан ҳуқуқ ва эркинликлар институтининг, конституцияни муҳофаза қилиш ва ижтимоий муаммоларга мурожаат этиш механизмларининг кенгайиши оқибатида конституциявий жиҳатдан тартибга солиш ҳажмининг кенгайиши билан фарқ қилади.

Британия конституцияшунослиги ҳақидаги масала алоҳида масаладир. Аслида Буюк Британияда нафақат ёзилган конституция, балки конституциявий ҳужжат-ларни ажратишга имкон берадиган қандайдир мезоннинг ўзи ҳам йўқ.

20-йиллар бошида Шарқ мамлакатлари (Туркия, Эрон, Миср, Афғонистон) давлат мустақиллигининг шаклланиш жараёни Европанинг конституциявий шакл-лари, барча эътироф этган ҳуқуқий қадриятлар (шаҳе ҳуқуқларининг дахлеизли-гй, фуқаролик жамияти ва ш.к.) ҳамда фуқаролик ҳуқуқи нормалари ривожлан-ган мажмуасига анъанавий мусулмон ҳуқуқини уйғунлаштиришга ҳаракат қилган конституциявий қурилиш типини вужудга келтирди.

Осиёда мустақил давлатларнинг қарор топишидаги иккинчи тўлқин (40—50-йиллар) конституциявий қурилишда аралаш, яъни Британия-француз ёндашуви-ни қўллашнинг мисолини берди. Француз (ҳамда италян) типдаги конституция-нинг фуқаролик йўналиши Британия мустамлака қонун ижодкорлигига хос бўлган муфассаллаштириш билан уйғунлашган эди. Ҳиндистон Конституцияси бунинг мисолидир. Унда, шунингдек, АҚШ Конституциясида биринчи бор етарлича тўла мустаҳкамланган федерализм принципининг таъсири кўзга ташланади. Ғарбнинг жуда кучли таъсирига қарамай, кўпчилик Осиё мамлакатларининг конституция-ларида мамлакатлардаги миллий хусусиятлар инобатга олинган.

Мустақил давлатлар шаклланишининг учинчи тўлқини аввало Африканинг

Саҳройи Кабиридан жанубдаги давлатларга тўғри келади (60-йиллар). Бу ерда давлатларнинг ўз тажрибаси ё унча ривожланмаган, ё Европа моделлари ҳукм-ронлиги туфайли унутилган эди.

Баъзи давлатлар (Саудия Арабистони, Уммон, Ливия) ислом учун ёт бўлган юридик ҳужжат сифатида конституциянинг зарурлигини рад этадилар ёки ҳар қандай қилиб бўлса-да, унинг аҳамиятини камайитиришга ҳаракат қиладилар. «Де-мократик анъаналарга ва халқ турмуш тарзига мое эмаслиги» сабабли 1973 йидца инглиз конституцияшунослари яратган 1968 йилги Свазиленд Конституцияси бе-кор қилинди.

Нихоят, мустақил давлатлар пайдо бўлишининг тўртинчи тўлқини Марказий ва Шарқий Европа мамлакатларидаги социалистик тузумнинг барҳам топиши ҳамда собиқ СССРнинг парчаланиб кетиши билан боғлиқ. 80-йилларнинг охири ва 90-йилларнинг биринчи ярми социалистик тузум тугатилган бутун маконда суронли конституциявий ислохотлар даври бўлди.

Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси замонавий конституциявий курилишдаги умум эътироф этган ёндашувларни халқнинг тарихий, ҳуқуқий, маънавий тажрибаси ва анъаналари билан узвий уйғунлаштирган.

2-§. МУСТАКИЛ ЎЗБЕКИСТОН КОНСТИТУЦИЯСИ

Ўзбекистонда истиқлол йиллари давомида мустақил миллий давлатчилик шаклланди. Озод ва суверен давлатнинг ҳуқуқий асослари яратилди. Демократик давлат ва фуқаролик жамиятининг мақсадлари ва вазифаларини белгиловчи конституция ва бир қатор қонунлар қабул қилинди.

Суверен Ўзбекистоннинг биринчи Конституцияси кўп асрлик ўз ҳуқуқий тари-хи ва маданиятининг маҳсули бўлиб, у демократик давлатчиликнинг ички ва

ташқи ривожланиш субъектў сифатидаги мустақиллиги ва ўзига хослиги талаб-ла-рига жавоб беради.

Ўзбекистон Республикасининг Асосий қонуни мустақил конституциявий ривож-ланишнинг муҳим босқичидир. Конституциянинг қабул қилиниши, мамлакатда демократик конституциявий тузумнинг, Ўзбекистон фуқаролари ҳаётининг мада-ний, соғлом ва оқилона асосларининг мустаҳкамланиши, конституцияга, ҳуқуққа ва қонунга ҳурматни, дўстлик ва ижтимоий бирдамликни тарбиялаш, моддий фаровонлик ва маънавий тикланиш янгиланаётган Ўзбекистонда бошланган конституциявий жараённинг таркибий қисмларидир.

Ўзбекистон жаҳон ҳамжамиятининг тенг ҳуқуқли аъзоси ва халқаро ҳуқуқнинг тўлақонли субъектига айланди.

Буюк аجدодларимизнинг улкан маънавий меросига ҳамда кўп минг йиллик тарихи ва маданиятига асосланган маънавий ҳаёт қайта тикланмоқда. Қисқача айтганда, жаҳон ҳуқуқий цивилизациясига алоқадор бўлган барча ҳуқуқий анъа-наларимиз юртимизга қайтиб келмоқда. Одамларнинг ҳуқуқий дунёқараши, меҳ-натга, ҳаётга муносабати ўзгармоқда. Улар демократик ҳуқуқий давлат, бозор иқтисодиёти қадриятлари шаклланишида фаолроқ иштирок этмоқдалар.

Бизнинг «демократия», «эркин тараққиёт» ва «инсон ҳуқуқлари» каби олам-шумул тушунчалар талқинига ёндашувимиздаги асосий конституциявий прин-циплар — давлат мафаатларидан, халқимизнинг ўзига хослигидан, унгагина хос анъаналардан, унинг суверенитети ва мустақиллигига чуқур ҳурматдан келиб чи-қади. Бизнинг жамиятимизда демократия ва инсон ҳуқуқларига оид қадриятлар нафақат қонунда, балки халқнинг ижтимоий онги, унинг маънавиятидаги сахо-ватлилиги, одамохунлиги, меҳмондўстлигида акс этган. Ўзбекистондаги муҳим инсонпарвар қадриятлардан бири, Шарқ маданиятига хос бўлганидек оилани қўллаб-қувватлашдир. Бу фазилатимиз қадимдан бўлган ва ҳамиша бўлади. Инсон ҳуқуқлари ва шахе кадр-қимматига бўлган эътиқодимиз миллий маданиятимизни ва ёш давлатчилигимизни янада улуғлайди.

Халқимизнинг фидойилиги, ватанпарварлик ҳиссиётлари, бахт ва озодликка интилиши ҳар биримиз учун муқаддас бўлиб қолган давлат рамзларимиз: Ўзбекистон Мадҳияси, Байроғи, Гербида ўзининг мужассам ифодасини топган.

Ўзбекистон Конституциясида республикада қарор топаётган ва халқимизнинг теран анъаналарига мое келувчи виждон эркинлигига самимий ҳурмат ўз тасдиғи-ни топган. Давлатнинг фуқаролар эътиқоди ва туйғуларига аралашмаслигига дойр умуминсоний принцип Ўзбекистон давлатининг диний мазмун касб этишига йўл

қўймайди. Динни сиёсийлаштириш, давлатлаштириш унинг муқаддас заминлари-га зид бўлиб, диний эътиқод соҳасига давлат аралашуви хавфини келтириб чиқа-ради. Маълумки, диний эътиқод эркинлиги барчанинг хусусий ишидир. Зеро, Қуръони Карим диний қарашларни мажбуран сингдиришни инкор этади. Диндор-лар ва дахрийларнинг ҳуқуқлари кафолатига келадиган бўлсак, Конституция ах-борот олиш ва тарқатиш эркинлиги, фуқароларнинг тарихий, маънавий ҳамда маданий меросимизни авайлаб асраш мажбурияти билан, шунингдек давлат таъ-лим тизимининг илмий хусусияти билан кафолатлайди.

Ўзбекистон Конституцияси халқимиз умумий тафаккурининг маҳсулидир, унинг эзгу ниятлари, орзу-умидларини акс эттиради. У суверен республикамиз-нинг истиқболли тараққиёти учун юксак даражада хизмат қилади. Конституция халқ манфаатларига мўъассасида равишда жамият ривожланишининг ҳуқуқий асосларини

вуҷудга келтирди, инсон ҳуқуқларини, барқарорликни ва ҳар бир оила учун муносиб ҳаётни, барча фуқаролар учун ишончли келажакни кафолатлайди. Ўзи-нинг янгилашни ва тараққий этиш йўлини танлаган халқимиз ана шундай Конс-титутцияга эга бўлишга тўра муносибдир.

Бу чуқур ўзгаришларда суверен Ўзбекистоннинг Асосий қонуни бўлмиш Конс-титутция муҳим ўрин тутмоқда.

Ўзбекистоннинг Конституцияси жаҳон конституциявий харитасида ўзининг муносиб ўрнини эгаллади. У Ўзбекистон ҳудудида яшаётган халқнинг иродаси, руҳияти, ижтимоий онги ва маданиятини акс эттиради. Конституция, аввалам-бор, умуминсоний қадриятлар ва халқаро ҳуқуқнинг устунлиги принципига амал қилади. Унда бирор сиёсий мафқуранинг чекланиши, синфларнинг қарама-қарши қўйилиши, партияларнинг ҳукмронлиги йўқ. Шунингдек, давлатнинг фуқаролар устидан тазйиқ ўтказувчи ҳукмронлиги ҳам йўқ. Конституция Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясининг инсон ҳаёти, шахси ва эркинликларининг дахлсиз-лиги қаби деярли барча принципиал қоидаларини ўзида мужассамлаштирган. Кон-ститутцияда қўп миллатли мамлакатимизда умумий мустақкам ахлоқий ва ҳуқуқий ҳудуд яратиш ғояси ўрин олган¹.

3-§. ЎЗБЕКИСТОН КОНСТИТУЦИЯСИНИНГ АСОСИЙ МАҚСАДИ ВА ПРИНЦИПЛАРИ

Конституциянинг асосий мақсадлари унинг муқаддимасида белгиланган.

Муқаддима — Конституциянинг мақсадлари, принциплари ва бошқа асосий қоидаларини кўрсатувчи кириш қисмидир. Муқаддима — конституциянинг муҳим қисми. Мазмуни ва ҳажмига кўра, ҳозирги конституцияларнинг муқаддималари турлича. Ўзбекистон Республикаси 1992 йилги Конституциясининг муқаддимаси Ўзбекистон халқи ўзининг тўла ҳуқуқли вакиллари — парламент аъзолари, яъни Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг депутатлари қиёфасида Конститу-цияни қабул қилишдан кўзланган асосий мақсадлар ва принципларни қисқа шаклда тантанали равишда эълон қилади.

Табиийки, мустақилликка эришган ҳар бир халқ ўзининг ривожланиш йўли-ни излайди, янги жамият ва давлат қурилишининг ўз моделини ишлаб чиқишга ҳаракат қилади. Ўзбекистон ўзининг янгилашни ва тараққиёт йўлини белгилаб олди, ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиёти йўналиши ишлаб чиқилди. Миллий урф-одатлар ва анъаналарга мувофиқ, адолатли фуқаролик жамияти ва демократик ҳуқуқий давлат қурилмоқда, бозор муносабатларига ўтиш жараёни рўй бермоқда. Мустақил мамлакатимизнинг миллий манфаатларини ҳисобга олган ҳолда ташқи сиёсат йўналишлари ва тенг ҳуқуқли халқаро ҳамкорлик принциплари белгилаб олинди.

Суверен Ўзбекистоннинг биринчи Конституцияси ушбу мақсадларга етишиши-нинг мустақкам ҳуқуқий кафолатидир. У мустақил сиёсий-ҳуқуқий ривожланиш ва

конституциявий тузумнинг ўзаги бўлди. Ўзбекистон Республикасининг Президентга И. А. Каримов таъкидлаб ўтганидек, «табiiйки, ҳар қандай давлатнинг юзи, обрў-эътибори унинг конституцияси ҳисобланади. Зотан, конституция давлатни давлат, миллатни миллат сифатида дунёга танитадиган Қомусномадир. Шу маънода Асосий қонунимиз халқимизнинг иродасини, руҳиятини, ижтимоий онги ва маданиятини акс эттиради. Чунки уни ишлаб чиқиш ва муҳокама этишда бутун халқ иштирок этди. Бир сўз билан айтганда, Конституциямиз том маънода халқимиз тафаккури ва ижодининг махсулидир»¹.

Муқаддимада Ўзбекистон халқининг ўз истиқлол ва тараққиёт йўлида қайси сиёсий, ҳуқуқий негиз ва принципларга таяниши аниқ кўрсатиб берилган. **Бу негиз ва принциплар: биринчидан,** жаҳоннинг маърифий ривожланган мамлакатлари эътироф этган инсон ҳуқуқлари ва давлат суверенитети ғоялари ва принципларига содиқ-лик;

иккинчидан, ҳозирги ва келажак авлодлар олдигаги юксак масъулиятни англаш;

учинчидан, ўзбек давлатчилигининг бой тарихий тажрибасига таяниш;

тўртинчидан, демократия ва ижтимоий адолат идеалларига садоқат;

бешинчидан. халқаро ҳуқуқнинг бутун жаҳонда эътироф этилган қоидаларини тан олиш;

олтинчидан, Ўзбекистон фуқароларининг фаровон ҳаёт кечиришларини таъминлаш;

еттинчидан. инсонпарвар демократик ҳуқуқий давлатни барпо этиш;

саққизинчидан, фуқаролар тинчлиги ва миллий ҳамжиҳатлигини кафолатлаш.

Конституциянинг муқаддимаси сезиларли мафкуравий тусга эга, лекин бу унинг Конституциянинг узвий таркибий қисми сифатидаги юридик аҳамиятини камайтирмайди. Бу юридик аҳамият шундан иборатки, *Конституциянинг барча нормалари муқаддимада эълон қилинган принципларга мўъвофиқ ва улар асосида изоҳланиши шарт.*

Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси чинакам демократик конституциядир, у тарихда синалган умумбашарий қадриятларни ўзида мужассам этган. Ҳақиқатан ҳам, «Мустақил Ўзбекистоннинг куч-қудрати манбаи — халқимизнинг умуминсоний қадриятларга содиқлигидир. Халқимиз адолат, тенглик, аҳил кўшничилик ва инсонпарварликнинг нозик қуртакларини аерлар оша авайлаб-асраб келмоқда. Ўзбекистонни янгилашнинг олий мақсади ана шу анъаналарни қайта тиклаш, уларга янги мазмун бағишлаш, заминимизда тинчлик ва демократия, фаровонлик, маданият, виждон эркинлиги ва ҳар бир кишини камол топтиришга эришиш учун шарт-шароит яратишдир»¹.

Инсон ҳуқуқларига оғишмай амал қилиш ва демократия каби умумбашарий қадриятлар Ўзбекистон давлатчиликлари манфаатларига, халқининг ўзига ҳослигига, унинг анъана ва урф-одатларига тўла қос келади. Инсон ҳуқуқлари бизнинг жа-миятимизда конституция ва қонунлар билангина эмас, балки халқнинг ўз онги, унинг маънавий-ахлоқий дунёқараши ва тажрибаси, меҳр-шафқати ва сезгирлиги билан мустаҳкамланади.

Ўзбекистон Конституцияси энг ривожланган, тараққий этган демократик давлатларнинг тарихий тажрибаси ва жаҳон конституциявий амалиётига таянган ҳолда яратилган. Конституциямиз Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг ҳужжат-ларига, Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси қоидаларига асосланган, шу-нингдек, Америка Қўшма Штатлари, Япония, Канада, Германия, Франция, Португалия, Италия, Швеция, Туркия, Испаниянинг ҳамда Шарқ мамлакатла-ридан — Ҳиндистон, Покистон, Миср давлатларининг конституциявий тажриба-сидан ижобий фойдаланган.

Асосий қонунимизни баҳолашда халқаро ҳолис экспертлар, жумладан, Америка Қўшма Штатлари, Буюк Британия, Франция, Бирлашган Миллатлар Таш-килоти,

Европа хавфеизлик ва ҳамкорлик кенгаши каби нуфузли давлатлар ҳамда халқаро ташкилотларнинг сиёсатшунос олимлари ва вакиллари фаол қатнашди-лар. Ҳеч ким, ҳаттоки мухолифларимиз ҳам конституциямизнинг демократик мо-ҳиятини ва афзалликларини инкор эта олмади.

«Бизнинг Қомус, демократик конституцияларга қўйиладиган юксак талаб-ларга жавоб беради, инсон ҳамда фуқаронинг барча ҳуқуқлари ва асосий эркин-ликларини кафолатлайди»². Шу маънода у ҳар қандай илғор давлат конституцияси билан бемалол куч синашмоқца. Шунинг учун ҳам Конституциямиз энг илғорғояларни ўзида мужассамлаштирганлиги, унинг энг демократик анъаналар асоси-да яратилганлигини бутун жаҳон эътироф этмоқца.

Ўзбекистон Конституцияси халқимизнинг маънавий, маданий мерос, миллий тафаккур, қўп асрлик узбек давлатчилиги тажрибаси ҳамда ҳуқуқий анъаналарига асосланган ва уларнинг бой ижобий тажрибасини ўзида акс эттиради.

Маънавий, ахлоқий, илмий, диний ва ҳуқуқий қадриятлар халқимизнинг узоқ асрлик турмуш тарзида, анъанавий маданиятида муҳим ўрин олган. Ватан-дошларимизга хос бўлган адолат, ҳақиқат, иймон, олижаноблик, бағрикенглик, мардлик, тантилик, саховатпешалик каби улуғвор хислатлар Конституциямиздан муносиб ўрин олган.

Қомусимизнинг маънавий, тарихий асослари сифатида жаҳон маданияти риво-жига бебаҳо ҳисса қўшган буюк аждодларимиз — Шарқнинг мутафаккирлари ал-Бухорий, ат-Термизий, ал-Хоразмий, ал-Фарғоний, Абу Райҳон Беруний, Абу Наср Форобий, Абу Али ибн Сино, Аҳмад Яссавий, Баҳовуддин Нақшбанд, Амир Темур, Улуғбек, Навоий, Бобур ва бошқа даҳоларнинг қолдирган маънавий-ахлоқий мероси намоён бўлмоқца. Уларнинг инсонни маънавий комилликка чор-ловчи диний-ахлоқий ва ҳуқуқий ҳикматлари Конституциямизга руҳ бағишлаган.

Конституциямиз халқимизга хос бўлган хусусиятлар: меҳр-окибат, одамий-лик, ўзга миллат ва элатларга ҳурмат, ақл-заковатга интилиш, ор-номус, иффат ва ҳаё каби эзгу^фазилатларга асосланган.

Мустақил Ўзбекистоннинг биринчи Конституцияси келажаги буюк давлат-нинг ишончли ҳуқуқий кафолатларини мустаҳкамлайди. У бизга инсон ҳуқуқла-ри, демократия, эркинлик, барқарорлик ва тараққиёт принциплари мажмуини ифодаладиган ҳуқуқий ва адолатли давлат қуриш йўллари аниқ очиб беради.

4-§. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ СУВЕРЕНИТЕТИНИНГ КОНСТИТУЦИЯВИЙ АСОСЛАРИ

Конституциямизнинг биринчи бўлими суверен Ўзбекистон ҳаётининг муҳим томонларини конституциявий жиҳатдан тартибга солишнинг умумий принципла-рини мустаҳкамлайди, давлатнинг, яъни Ўзбекистон Республикасининг моҳияти-ни белгилаб беради. Бу моҳиятни давлат суверенитети, халқ ҳокимиятчилиги, Конституция ва қонунларнинг устунлиги, шунингдек, ташқи сиёсат принциплари ташкил этади.

Биринчи бўлимда мустаҳкамлаб қўйилган асосий принциплар Конституция-нинг бошқа қоидалари учун дастлабки норматив асосдир.

Конституциянинг биринчи бўлими қуйидагиларга имкон беради:

биринчидан, конституциявий тузумининг асосларини билиб олиш;

иккинчидан, қонунлар ва қонунийликка баҳо беришга имкон берадиган ишончли мезонларга эга бўлиш;

учинчидан, давлатчилик асоси сифатидаги ягона совет тизимидан воз кечиш-дан келиб чиқадиган ҳокимиятнинг янги концепциясини билиб олиш;

тўртинчидан, шаҳе ҳуқуқий мақомининг асосини белгилаш.

Суверенитет замонавий конституциявий ва халқаро ҳуқуқнинг асосий принципларидан биридир. Суверенитет иккита ўзаро боғлиқ шаклга эга: халқ (миллат) суверенитети ва давлат суверенитети.

Халқ суверенитети фақат халқ (миллат)гина давлатнинг асоси ва манбаи эканлигини билдиради. «Миллий суверенитет» принципи XVIII аср Европа Уйғониш даврининг букж намояндалари томонидан шакллантирилган эди. Бу принцип Франциянинг 1789 йилги Инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари декларациясида юри-дик жиҳатдан мустаҳкамлаб қўйилган эди. Ҳозирги вақтда халқ суверенитета принципи ва миллатнинг ўз тақдирини ўзи белгилаш ҳуқуқи бутун жаҳон халқаро ва конституциявий ҳуқуқида эътироф этилган.

Давлат суверенитети ҳеч кимнинг хоҳишига боғлиқ эмаслигини халқнинг суверен иродасини ифода этувчи давлат ҳокимияти ички ишларда ва халқаро муносабатларда бутунлай мустақил эканлигини билдиради. Давлат суверенитета, биринчидан, мамлакатнинг ҳудудида давлат ҳокимияти устун; иккинчидан, давлат бошқа давлатлар билан қандай муносабатда бўлишини ўзи белгилайди, бошқа давлат эса унинг ички ишларига аралашиб ҳуқуқига эга эмас, деганидир. Давлат суверенитети тоталитар маъмурий буйруқбозлик тизимига мос келмайди.

Конституциянинг биринчи бўлими халқнинг демократик ҳуқуқий давлат ва адолатли фуқаролик жамияти қуриш йўлидан бориш иродаси билан суғорилган.

5-§. ШАХС ВА ДАВЛАТ МУНОСАБАТЛАРИНИНГ КОНСТИТУЦИЯВИЙ АСОСЛАРИ

Ўзбекистон Конституциясининг 2-моддасида шундай дейилган: «Давлат халқ иродасини ифода этиб, унинг манфаатларига хизмат қилади. Давлат органлари ва мансабдор шахслар жамият ва фуқаролар олдида масъулдирлар». Ушбу моддада Қомусимизнинг энг муҳим хусусиятларидан бири ўз ифодасини топган. Унда жамият ва фуқаролар манфаатининг устунлиги ҳамда давлатнинг улар олдида жавобгарлиги қонун билан мустаҳкамланган ва қафолатланган. Унда давлатнинг ижтимоий аҳамияти белгилаб берилган, унинг мақсади халқ манфаатларига хизмат қилиш эканлиги кўрсатилган.

Истиқлол шарофати билан ҳар бир инсон, унинг ҳаёти, эрки, шаъни, кадр-киммати ва бошқа ҳуқуқ ҳамда эркинликлари муқаддас деб эълон қилинди ва давлат ҳимоясига олинди. Бу ниҳоятда улкан аҳамиятга молик ҳуқуқий ютуқдир. Чунки сўнгги 70 йил мобайнида Ўзбекистон собиқ совет маъмурий-буйруқбоз-лик тизимига қарамлик ва сиғиниш ҳолатида эди. Ҳар бир фуқаро давлат маҳка-маси мурватининг кичик, аҳамиятсиз қисмига айланиб қолганди. Энди эса барча

давлат идоралари ва мансабдор шахслар жамият ҳамда фуқаролар олдида масъулдирлар.

Айнан давлатнинг одамларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари учун бўлган жамият устидан ҳавфли ҳукмронлигига йўл қўймаслик мақсадида, Конституция давлат органлари ва мансабдор шахсларнинг жамият ва фуқаро олдидаги мажбуриятини белгилаб қўйган.

Давлатнинг фуқаролар олдида масъуллиги демократик ҳуқуқий давлатнинг муҳим белгиларидан ҳисобланади. Давлат қонун доирасида инсонларга муносиб ҳаёт кечиришлари учун барча зарур шарт-шароитларни яратиб бермоғи керак. Шунинг учун ҳам давлат халқ иродасини ифодаламоғи, унинг манфаатларига, хоҳиш-истакларига хизмат қилмоғи лозим.

Давлатнинг масъуллиги принципи Ўзбекистоннинг конституциявий ривожланиши тарихида биринчи бор мустаҳкамлаб қўйилди. У фуқаролик жамияти учун катта аҳамиятга эга, чунки давлат тўраларнинг ва мансабдор шахсларнинг тажовузларидан ҳимоя қилишнинг ҳуқуқий қафолати бўлиб хизмат қилади.

Конституциявий ҳуқуқда давлат жамият ҳаётини мамлакат миқёсида ташкил этиш масалаларини ҳал этиш, мамлакатнинг ташқи дунё билан муносабатларини белгилаш ваколатига эга бўлган ҳокимият тузилмаси сифатида қаралади.

Дунё мамлакатларининг конституцияларида давлатга таъриф берилмайди, лекин асосий қонун сифатида уларда давлатнинг жамият ҳаётини ташкил этиш тартиби кўрсатилади: халқ (халқ суверенитета, фуқаролик, асосий ҳуқуқдар ва мажбуриятларнинг конституциявий институтлари), ҳудуд (унинг яхлитлиги, яғно-налиги ва дахлсизлиги), бутун халққа ва бутун ҳудудга тааллуқли бўлган давлат ҳокимияти.

Давлат — жамият ишларини бошқариш ҳамда шахсни бошқа шахслар, орган-лар ва ташкилотлар ўзбошимчалигидан ҳимоя қилиш аппарати. У мураккаб тузилишга эга бўлиб, қуйидагиларни ўз ичига олади:

биринчидан, қонун чиқарувчи вакиллик органи;

иккинчидан, давлат ва ижро этувчи ҳокимиятнинг бошлиғи — Президент;

учинчидан, ҳукумат, вазирликлар, давлат қўмиталари ва бошқа бошқарув органлари;

тўртинчидан, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари: суд, прокуратура, милиция;

бешинчидан, армия, разведка. * Давлат органлари у ёки бу тарзда ўзаро боғланган ва бир бутунга бирлашган.

Ўзбекистан давлати халқ манфаатларини ўзининг ислохотчилик фаолиятида айниқса қаттиқ ҳимоя қилмоқда. Бозор муносабатларига ўтиш даврида мураккаб иқтисодий, ижтимоий, сиёсий, мафкуравий жараёнларни бошқаришда бебош-ликка йўл қўймаслик, аҳолининг ижтимоий жиҳатдан ҳимояланмаган қатламларини қўллаб-қувватлаш Ўзбекистан давлати томонидан амалга оширилмоқда.

6-§. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ КОНСТИТУЦИЯВИЙ БЕЛГИЛАРИ

Республикамиз истиқлолга эришган давлат сифатида ўзининг мустақил сиёсатини юритиши лозим. Бу мустақил сиёсатнинг асосий йўналишлари қуйидагилардир:

биринчидан, миллий давлат ва маъмурий-ҳудудий тузилишни белгилаш. Мазкур қоидалар Конституциянинг тўртинчи бўлимида батафсил баён этилган;

иккинчидан, давлат ҳокимияти ва бошқаруви тизимини белгилаш. Конституциянинг бешинчи бўлими тўлалигича мазкур масалага бағишланган;

учинчидан, ўз ички ва ташқи сиёсатини юритиш. Конституциянинг 17-моддасида ташқи сиёсатнинг ҳуқуқий асослари белгилаб берилган.

Конституциямизнинг 3-моддаси давлат суверенитетини назарда тутди: у яғно-на ва бўлинмасдир, давлат ҳокимияти томонидан ҳамда давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари орқали Конституцияга мувофиқ амалга оширилади.

Ўзбекистон ўзининг янгиланиш ва тараққиёт, ижтимоий, иқтисодий ва маънавий тикланиш йўлини белгилаб олди. Мазкур йўл мустақил Ўзбекистоннинг ички ва ташқи ривожланиш стратегиясини белгилаб берди. Ўзбекистон танлаб олган тараққиёт йўлининг моҳияти ва хусусиятлари Президентимиз И. А. Каримовнинг асарларида, мақолалари ва нутқларида, мамлакатимиз парламенти қабул қилган қонунларда ўз аксини топган. Бу йўл республикамизнинг хусусияти ва манфаатларига, юзага келган шароит ва имкониятларга тўла мўъажа келади, ўзбек халқининг турмуш тарзи, урф-одати ва анъаналаридан, унинг тарихи, миллии-руҳий, демографик, табиий-иқлим, ижтимоий-иқтисодий шароитларидан келмб чиқади.

Ўзбек йўлининг ўзига хос жиҳатларини Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. Каримов чуқур таҳлил қилди ва шу асосда мамлакатни ривожлантиришнинг қуйидаги беш принципини ифодалаб берди:

биринчидан. иқтисодиётнинг сиёсатдан устунлиги ҳамда ташқи иқтисодий муносабатларнинг мафкурадан холи этилиши;

иккинчидан, ўтиш даврида давлатнинг асосий ислохотчи бўлиши;

учинчидан, қонунийлик ва ҳуқуқнинг ҳамма нарсадан устунлигини таъминлаш;

тўртинчидан, қучли ижтимоий сиёсатнинг юритилиши;

бешинчидан, бозор муносабатларига ўтишнинг босқичма-босқич амалга оширилиши кераклиги¹.

Ўзбекистон ички ва ташқи сиёсатининг асосини ташкил этувчи ушбу беш принципи бизнинг мамлакатимиздагина эмас, балки бошқа давлатларда ҳам эътироф этилмоқда.

Давлат чегараси — бу давлат ҳудуди чегараларини (қуруқлик, сув ҳавзаси, ер ва ҳаво кенгликлари) ва, бинобарин, давлат суверенитета амал қилишини белгиловчи чизиқ. Давлат чегараси маълум давлатни бошқа давлатлар ҳудудидан ёки халқаро ҳудудлар, масалан, очиқ денгиздан ажратиб туради.

Ҳар бир давлат ўз чегаралари доирасида жойлашган ҳудудига эга. Давлат ҳудуди таркибига қуруқлик, сув ҳавзалари, ҳаво кенгликлари ва ер остидаги маконлар киради.

Давлат ҳудуди — ер шарининг маълум давлат чегараларига тегишли бўлган қисми. Чегарадош давлатларнинг ҳудудлари бир-биридан давлат чегаралари билан ажратилади.

Ўзбекистан Республикасининг элчихоналари, консулликлари ва бошқа хорижий ваколатхоналари ҳам мамлакатимизнинг давлат ҳудуди ҳисобланади.

Давлатнинг ҳудудий ҳукмронлиги унинг ўз ҳудудида тўла ва беистисно мустақиллигини англатади.

Ўзбекистан Республикаси ҳудуди ва иқтисодий қудрати бўлинмас, унинг чегаралари эса дахлсиз бўлиб, давлат ҳимоясидадир. Мамлакат ҳудудининг яхлитлиги ва чегараларининг дахлсизлиги ҳар қандай давлатнинг муҳим белгиси ва ҳозирги замон халқаро ҳуқуқининг асосий принципларидандир.

Ҳудуднинг яхлитлиги ва дахлсизлиги — давлат хавфеизлигининг асосий элементи, уларни ҳимоя қилиш ва таъминлаш эса, давлатнинг асосий вазифалари-дан биридир.

Шундай қилиб, *давлатнинг алоҳида белгилари: ҳудуд, аҳоли, ҳокимият ва суверенитетдир.*

Конституциянинг 4-моддасида Ўзбекистонда давлат тили *узбек тили* эканлиги белгилаб қўйилган. 1989 йилнинг 21 октябрида она тилимизга давлат тили мақомининг берилиши истикдоломиз сари қўйилган энг биринчи ва муҳим қадамлардан бири бўлди. Бу ҳол собиқ совет империяси давридаги «руслаштириш» ва халқни она тилидан маҳрум этиш сиёсатида қонуний равишда тўсиқ қўйди.

Давлат тилини амалга ошириш ва латин ёзувига асосланган узбек алифбосини жорий этиш мақсадида 1995 йилнинг 21 декабрида Ўзбекистан Республикасининг Олий Мажлиси 1989 йилдаги «Давлат тили тўғрисида»ги қонунга ўзгартишлар киритди, уни тўлдирди ва янги таҳририни тасдиқлади.

Қонун узбек тили Ўзбекистан Республикасининг бутун ҳудудида давлат тили сифатида амал қилишини ҳуқуқий жиҳатдан белгилаб берди. Давлат тили тўғрисидаги қонун тилларнинг маиший ҳаётда, шахслараро муносабатларда, диний ва маданий маросимларда ишлатилишини тартибга солмайди.

Ўзбекистон фуқароларининг давлат тилини, ўз она тили ва хорижий тилларни ўрганишларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлайди. Асосий қонунда узбек тили қонун йўли билан давлат ҳимоясига олинган. Бугун салкам унутилаётган тилимизни изчил равишда тикламоқдамиз. Бу йўлда қатор ижобий саъй-ҳаракатлар қилинди. Қонунлар, давлат ҳужжатлари, илмий асарлар, дарсликлар узбек тилида ёзилмоқда. Тил — ҳар бир

миллатнинг ажралмас белгиси. «Тилга эътибор — элга эътибор» ҳикматининг пайдо бўлиши бежиз эмас.

Бу борада яна бир муҳим қонуний қадам ташланди. 2005 йилга бориб узбек ёзуви лотин алифбосига ўтади. Бу билан бизнинг олдимизда жаҳон маданияти ва ахбороти маконига тўлиқ кириш учун кенг имкониятлар очилади. Узбек халқи-нинг, унинг миллий маданияти ва ўзига хослигини ифода этувчи восита бўлмиш узбек тилининг ҳар томонлама ривожланишини таъминлаш, мазкур тилнинг давлат тили мақомидек салоҳиятини изчил ва тўлиқ рўёбга чиқариш умумхалқ вази-фасидир.

Ўзбекистонда юздан ортиқ миллатлар ва элатлар яшайди. Республикада истиқомат қилувчи барча миллатларнинг миллий маданиятлари, урф-одатлари, анъана-налари ва тилларига ўзаро ҳурматда бўлиш конституциявий талаблардандир. Бу-нинг учун барча шарт-шароитлар яратилган. Мисол сифатида мамлакатимизда ишлаб турган 70 дан ортиқ турли халқларнинг миллий маданий марказларини кўрсатиш мумкин.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида яшайдиган барча фуқаролар, она тили қайси тил эканлигидан қатъи назар, тенг ҳуқуқдидирлар. Узбек тилига давлат тили мақомининг берилиши республика ҳудудида яшовчи миллат ва элатлар-нинг ўз она тилида сўзлашишдан иборат конституциявий ҳуқуқларини камсит-майди.

7-§. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ КОНСТИТУЦИЯСИНИНГ ТУЗИЛИШИ

Ўзбекистон Республикасининг 1992 йилги Конституцияси узбек жамияти ва давлатининг кенг доирадаги соҳаларини қамраб олади ҳамда моддаларининг қис-қалиги ва аниқлиги ҳамда алоҳида тузилиши билан ажралиб туради.

У муқаддима, олти та бўлим ва қуйидаги 26 та бобдан иборат бўлиб (МДХ давлат конституциялари орасида энг куп), уларнинг ҳар бири ижтимоий муноса-батларнинг муайян соҳаларини тартибга солади:

- 1) давлат суверенитети;
- 2) халқ ҳокимиятчилиги;
- 3) конституция ва қонуннинг устунлиги;
- 4) ташқи сиёсат;
- 5) инсон ва фуқароларнинг асосий ҳуқуқлари, эркинликлари ва бурчлари;
- 6) фуқаролик;
- 7) Шахсий ҳуқуқ ва эркинликлар;
- 8) сиёсий ҳуқуқлар;
- 9) иқтисодий ва ижтимоий ҳуқуқлар;
- 10) инсон ҳуқуқ ва эркинликларининг кафолатлари;
- 11) фуқаролар бурчлари;
- 12) жамиятнинг иқтисодий негизлари;
- 13) жамоат бирлашмалари;
- 14) оила;
- 15) оммавий ахборот воситалари;
- 16) Ўзбекистон Республикасининг маъмурий-ҳудудий тузилиши;
- 17) Қирғизистон Республикаси;
- 18) Ўзбекистон Республикасининг Олий Мажлиси;
- 19) Ўзбекистон Республикасининг Президенти;
- 20) Вазирлар Маҳкамаси;
- 21) маҳаллий давлат ҳокимияти асослари;
- 22) Ўзбекистон Республикасининг суд ҳокимияти;
- 23) сайлов тизими;

- 24) прокуратура;
- 25) молия ва кредит;
- 26) муҳофизат ва хавфсизлик;

Ўзбекистон Конституцияси тузилиши жиҳатидан дунёдаги энг мукаммал конституциялардан биридир.

8-§. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ДАВЛАТ ҲОКИМИЯТИ ОРГАНЛАРИНИНГ ТИЗИМИ

Давлат қуйидаги уч вазифани амалга оширади: 1) қонунларни қабул қилиш; 2) мазкур қонунларни ижро этиш; 3) одил судловни амалга ошириш, яъни ҳуқуқбузарларни жазолаш, шунингдек, қонунларни қўллаш билан боғлиқ муам-моларни ҳал қилиш ва ҳоказо. Мазкур уч функция ҳокимиятлар бўлинишининг табиий асоси бўлиб хизмат қилади. Шубҳасиз, жамиятда демократияни реал амалга ошириш учун давлат фаолиятининг мазкур уч йўналишини ўрта турли орган орасида бўлиш, пировардида ҳокимиятнинг бир орган қўлида ҳаддан ташқари тўпланишини бартараф этади. Ҳокимиятнинг ўрта алоҳида ва мустақил тармоқла-ри бир-бирини назорат қила олади ва назорат қилиши шарт. Қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд фаолиятини амалга оширувчи давлат органлари мустақил равишда ва шу билан бирга ўзаро алоқадорликда ва мувозанатда ўз ваколатлари-ни амалга оширадilar.

Ушбу давлат органларининг ҳар бири муайян ҳокимият ваколатларига эга. Чунончи, турли давлат органларининг ваколатлари ҳам турлича бўлиб, улар амалга оширадиган вазифа ва фаолият доирасига ўзвий боғлиқдир. Бинобарин, Ўзбекистон Республикасида қонун чиқарувчи ҳокимият тармоғи — Олий Мажлис, Қорақалпоғистон Республикасида — Жўқорғи Кенгес, ижро этувчи ҳокимият органи — Ўзбекистон Республикасининг Президенти, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, Ўзбекистон Республикаси вазирликлари, Ўзбекистон Республикаси давлат қўмиталари, Қорақалпоғистон Республикасида эса — Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вазирликлари ва давлат қўмиталари ҳамда вилоятлар ҳамда Тошкент шаҳарҳокимлари, туман ва шаҳар ҳокимлари ҳисобланади.

Суд ҳокимиятини эса Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий суди, Ўзбекистон Республикасининг Олий суди, Олий ҳўжалик суди, вилоятлар, шаҳар, туман судлари ва ҳарбий судлар, шунингдек, Қорақалпоғистон Республикасининг суд органлари амалга оширади.

9-§. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING ОЛИЙ МАЖЛИСИ

Ўзбекистон Республикасининг Олий Мажлиси олий давлат вакиллик органи бўлиб, қонун чиқарувчи ҳокимиятни амалга оширади. Олий Мажлис икки палатадан-Қонунчилик палатаси (қуйи палата) ва Сенатдан (юқори палата) иборат. Унда жамиятнинг асосий сиёсий партиялари, барча ижтимоий қатламлари ва ижтимоий-сиёсий кучларининг манфаатлари ифодала-нади. Умуман олганда, Парламент Ўзбекистон халқининг манфаатларини ифодалайди

Ўзбекистон Республикасининг Олий Мажлиси (2002 йил 27 январда ўтказилган референдум қарорига биноан, у икки палатали қонун чиқарувчи орган сифатида шаклланади, юқори ва қуйи палаталардан иборат бўлади) қуйидаги алоҳида ваколатларни амалга оширади: Ўзбекистон Республикаси Конституциясини қабул қилади, унга ўзгартиш ва қўшимчалар киритади; Ўзбекистон Республикаси қонун-ларини қабул қилади ва, ўз навбатида, уларга қўшимча ва ўзгартишлар киритади; мамлакат ташқи ва ички сиёсатининг асосий йўналишларини белгилайди; республика қонун чиқарувчи ва суд ҳокимиятлари тизимини ҳамда ваколатлари-ни белгилайди; бож, валюта ва кредит ишларини, шунингдек, маъмурий-ҳудудий тузилиш масалаларини қонун йўли

билан тартибга солиш; Ўзбекистон Республикасининг чегараларини ўзгартириш билан боғлиқ фаолиятни амалга оширади; Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий суди, Олий суди, Олий ҳўжалик судини сайлайди; Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг раисини тайинлайди ва вазифасидан озод этади; Ўзбекистон Республикаси Президентининг Бош вазири, унинг[^] биринчи ўринбосари ва ўринбосарларини, Вазирлар Маҳкамасининг аъзолари, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқарувининг раиси, Президентнинг Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори ва унинг ўринбосарларини тайинлаш ва лавозимларидан озод этишга дойр фармонларини, вазирликлар, давлат қўмиталари ва бошқарув орган-ларини тузиш ва тугатиш ҳақидаги фармонларини тасдиқлайди; халқаро шартно-маларни ва битимларни ратификация (тасдиқдаш) ва денонсация (барвақт тўхта-тиш) қилади; давлат мукофотлари ва унвонларини таъсис этади; туманлар, ша-ҳарлар, вилоятларни ташкил этади; уларни тугатиш, номини ўзгартириш ва улар-нинг чегараларини ўзгартиришга оид масалаларни ҳал қилади.

Олий Мажлис палаталари қўшма йиғилишларида Президент, Бош вазир ва Вазирлар Маҳкамасининг раиси, Конституциявий Суд, Олий Суд, Олий ҳўжалик судининг раислари, Ўзбекистон Республикасининг Бош прокурори, Марказий Банк бошқарувининг раиси қатнашиши мумкин.

Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида парламентни муддатидан ил-гари тарқатиб юбориш ҳам мумкинлиги назарда тутилган. Олий Мажлис палаталарининг нормал фаолиятига таҳдид соладиган ҳал қилиб бўлмас ихтилофлар юз берганда ёхуд у бир неча марта Конституцияга зид қарорлар қабул қилган тақдирда, Президентнинг Конституциявий суд билан бамаслаҳат қабул қилган қарори асосида Олий Мажлис тарқатиб юборилиши мумкин. Олий Мажлис Қонунчилик палатаси, Сенати тарқатилганидан сўнг янги сайлов уч ой мобайнида ўтказилади. Фавқулодда ҳолат жорий этилган вақтда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенати тарқатиб юборилиши мумкин эмас. (Конституциянинг 95-моддаси).

10-§. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING ПРЕЗИДЕНТИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти давлат давлат бошлиғидир ва давлат ҳокимияти органларининг келишилган ҳолда фаолият юритишини ҳамда ҳамкорлигини таъминлайди. У давлат бошқаруви органлари тизимида алоҳида ўрин тутати. Президент фуқаролар ҳуқуқ ва эркинликлари, Конституция ва қонунларга р[^]иоя этишнинг кафилидир. У мамлакат ичкарасида ва халқаро муносабатларда Ўзбекистон Республикаси номидан иш кўради; Ўзбекистон Республикасининг суверенитета, хавфсизлиги ва ҳудудий яхлитлигини муҳофаза этиш бўйича зарур чора-тадбирларни амалга оширади.

Президент Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларининг Олий Бош қўмон-дони ҳисобланади, хавфсизлик қўмитасини ташкил этади ва унга бошчилик қилади.

Президент бир вақтнинг ўзида Вазирлар Маҳкамасининг раиси ҳисобланади. У ижро этувчи ҳокимият девонини тузати ва унга раҳбарлик қилади, республика Олий ҳокимияти ва бошқарув органларининг баҳамжиҳат ишлашини таъминлай-ди; Ўзбекистон Республикаси вазирликларини, давлат қўмиталарини ҳамда давлат бошқарувининг бошқа органларини тузати ва тугатади. Бош вазир ва унинг би-ринчи ўринбосари; ўринбосарларини, Вазирлар Маҳкамаси аъзоларини, Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори ва унинг ўринбосарларини тайинлайди ва уларни лавозимларидан озод қилади, кейинчалик мазкур масалаларга дойр фармонларни Олий Мажлис тасдиғига киритади.

Президент вилоят, туман, шаҳар ва ҳўжалик судларининг судьяларини тайинлайди ва лавозимларидан озод этади; вилоятлар ҳокимларини ва Тошкент шаҳар ҳокимини

тайинлайди ва лавозимларидан озод этади ҳамда бу масалаларни тегишли халқ депутатлари кенгашининг тасдиғига қўяди.

Президент давлат раҳбари сифатида Ўзбекистон Республикасининг қонунларини имзолайди; Ўзбекистон Республикасига ҳужум қилинган тақдирда фавқу-лодда ҳолат жорий этади, қабул қилган қарорини уч кун мобайнида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг тасдиғига киритади; Ўзбекистон Республикасининг орденлари, медаллари ва ёрлиғи билан мукофотлайди, Ўзбекистон Республикасининг малакавий ва фахрий унвонларини беради; Ўзбекистон Республикасининг фуқаролигига ва сиёсий бошпана беришга оид масалаларни ҳал этади. Президент амнистия тўғрисидаги ҳужжатларни қабул қилади ва Ўзбекистон Республикасининг судлари томонидан ҳукм қилинган фуқароларни афв этади. Президент ўз ваколатларини бажаришни давлат идораларига ёки мансабдор шахслар-га топширишга ҳақли эмас (Конституциянинг 93-моддаси).

Ўзбекистон Республикасининг Президенти этиб Ўзбекистон Республикасининг 35 ёшдан кичик бўлмаган, давлат тилини яхши биладиган, бевосита сайлов-гача камида 10 йил Ўзбекистон Республикасида муқим яшаган фуқароси сайла-ниши мумкин. Давлат раҳбарининг ваколат муддати 7 йилдан иборат. Бир шаҳе сурункасига икки муддатдан ортиқ Ўзбекистон Республикасининг Президенти бўлиши мумкин эмас. Президент қасамёдни қабул қилган пайтдан бошлаб ўз лавозимига киришган ҳисобланади.

11-§. ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING ҲУҚУҚИЙ МАҚОМИ

Ўзбекистон Республикаси таркибида *Қорақалпоғистон Республикаси* алоҳида урин тутади. У Ўзбекистоннинг шимолий чўл қисмида жойлашган бўлиб, бутун Ўзбекистон ҳудудининг 40 фоизга яқин ҳудудини эгаллайди. МДХ давлатлари-нинг конституциявий-ҳуқуқий амалиёти учун мазкур республиканинг ноёблиги шундаки, МДХ мамлакатларидаги бошқа автономиялар ва алоҳида мақомга эга бўлган тузилмалар орасида Қорақалпоғистон Республикаси мустақил бўла туриб, қуйидаги тартиблар асосида бошқа давлат (Ўзбекистон) таркибига киради:

—суверен давлат сифатида;

—Ўзбекистон таркибидан чиқиш ҳуқуқига эга.

Демак, Қорақалпоғистон Республикаси Ўзбекистон таркибидаги суверен давлат бўлиб, у:

1)Қорақалпоғистон Республикасининг 1993 йил 9 апрелда тасдиқланган Конституцияси ва қонунларига эга (тузилиши бўйича Қорақалпоғистон Конституцияси Ўзбекистон Конституциясига ўхшаш);

2) ўз ҳудудида Ўзбекистон Конституциясининг устунлигини тан олади;

3) ўз герби, мадҳияси, байроғига эга;

4) ўз давлат ҳокимиятининг органларига эга, булар: парламент — Жўқорғи Кенгес — 5 йил муддатга сайланадиган 75 та депутат; республика раҳбари — ўз ваколат муддатига 2 муддатдан ортиқ бўлмаган вақтга сайланадиган Жўқорғи Кенгес раиси; ҳукумат — Жўқорғи Кенгес томонидан ташкил этиладиган Вазирлар Маҳкамаси; суд тизими; маҳаллий ҳокимият органлари — ҳокимлар ва кенгашлар кабиларга эга;

5) умумхалқ референдуми асосида Ўзбекистон таркибидан чиқиш ҳуқуқига эга;

6)Қорақалпоғистоннинг Ўзбекистон таркибидан чиқиши ҳақидаги қарор Ўзбекистон Олий Мажлиси (парламенти) томонидан тасдиқланиши керак.

12-§. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING ИЖРО ЭТУВЧИ ҲОКИМИЯТ ОРГАНЛАРИ

Ўзбекистон Республикасида ижро этувчи ҳокимиятни Вазирлар Маҳкамаси, яъни Ўзбекистон Республикасининг ҳукумати амалга оширади. У давлат бошқаруви органлари ва улар тузадиган хўжалик бошқаруви органларини бошқаради, уларнинг ўзаро уйғунликда фаолият кўрсатишини таъминлайди. Вазирлар Маҳкамасининг таркибини Ўзбекистон Республикасининг Президенти тузади ва Олий Мажлис тасдиқлайди. Қорақалпоғистон Республикаси ҳукуматининг бошлиғи ўз лавозими бўйича Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси таркибига киради. Вазирлар Маҳкамаси қонунлар, Олий Мажлис қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишлари ижросини таъминлайди.

Вазирлар Маҳкамаси ўз ваколатларини ижро этиш мақсадида амалдаги қонунларга мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги барча органлар, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, мансабдор шахслар ва фуқаролар бажариши шарт бўлган қарорлар ва фармойишларни чиқаради (Конституциянинг 98-моддаси). Вазирлар Маҳкамаси янги сайланган Олий Мажлис Сенати олдида ўз ваколатларини зиммасидан соқит қилади. Ўзбекистон Республикаси ҳукумати ўз фаолиятида бамаслаҳат иш кўриш, демократизм, қонунийлик, ижтимоий адолат, Ўзбекистон Республикасида истиқомат қилувчи барча миллат ва элатларнинг манфаатларини ҳимоялаш каби принципларга риоя этади.

Ўзбекистон Республикасининг Олий Мажлиси 2003 йил август ойида «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси тўғрисида» (янги таҳрири)ги қонунни қабул қилган бўлиб, унда мамлакат ҳукуматининг ҳуқуқий ҳолати батафсил баён этилган. Вазирлар Маҳкамаси ўз ваколатлари муддатида бажариши керак бўлган фаолият дастурини парламент муҳокамасига тақдим этади. Мазкур дастурда Ўзбекистон Республикаси иқтисодий ва ижтимоий тараққиётининг асосий йўналишлари ҳамда мамлакат бюджетининг муҳим кўрсаткичлари акс эттирилган.

Ўзбекистон Республикасининг ҳукумати Президент бошчилигида ижро этувчи ҳокимиятнинг ягона тизимини бошқаради. Мазкур тизимга: 1) вазирликлар; 2) давлат қўмиталари; 3) бошқарув функциясини амалга оширувчи концерн ва уюшмалар; 4) вилоят, туман ва шаҳар ҳокимлари киради.

13-§. СУД ҲОКИМИЯТИНИНГ КОНСТИТУЦИЯВИЙ АСОСЛАРИ

чиқарувчи ва ижро этувчи ҳокимиятлардан мустақил равишда амал қилувчи суд ҳокимияти ҳуқуқий давлат белгиларидан биридир. Суд тизими Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунлари билан мустаҳкамланган. Суд ҳокимияти органларининг фаолияти қуйидаги принципларга асосланади:

- одил судловни амалга ошириш;
- қонунийлик;
- судларнинг мустақиллиги ва фақат қонунга бўйсунishi;
- бамаслаҳат иш кўриш;
- фуқароларнинг суд олдида тенглиги;
- томонларнинг тортишувчанлиги ва тенг ҳуқуқлилиги;
- суд ишларини юритишнинг ошқоралиги;
- айбсизлик презумпцияси;
- малакали юридик ҳимояга эга бўлиш ҳуқуқи;
- миллий тил принципи;
- суд ҳокимияти ҳужжатларининг барча ҳуқуқ субъектлари учун мажбурийлиги;
- судья лавозимининг депутатлик мандати ва партияга мансублик билан сиғишмаслиги.

14-§. СУДЛОВ ВА ҲУҚУҚНИ МУҲОҒАЗА ҚИЛИШ ОРГАНЛАРИ ТИЗИМИ

Ўзбекистон Республикаси суд ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг тизими қуйидаги асосий бўғинларни ўзида мужассамлаштиради:

- Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий суди;
- Ўзбекистон Республикасининг Олий суди;
- Ўзбекистон Республикасининг Олий ҳўжалик суди;
- Қорақалпоғистон Республикасининг Олий суди, Олий ҳўжалик суди;
- вилоят, туман, шаҳар судлари ва ҳарбий судлар;
- Ўзбекистон Республикасининг Бош прокуратурам;
- адвокатура;
- милиция (Ички ишлар вазирлиги);
- Адлия вазирлиги;
- Божхона кўмитаси.

Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий суди конституциявий назорат органидир. Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг фаолияти Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ҳамда Ўзбекистон Республикасининг 1995 йил 30 августдаги «Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди тўғрисида»ги қонуни билан тартибга солинади. Ўзбекистон Республикасининг Асосий қонунига мувофиқ, Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий суди сиёсат ва ҳуқуқ соҳасидаги мустахассислар орасидан — Конституциявий суд раиси, раис ўринбо-сари ва судьялардан, шу жумладан, Қорақалпоғистон Республикаси вакилидан иборат таркибда сайланади. Конституциявий суд судьялари дахлсизлик ҳуқуқидан фойдаланадилар. Конституциявий суд судьялари ўз фаолиятида мустақил бўлиб, фақат Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига бўйсундилар (Конституциянинг 108-моддаси).

Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди қуйидаги ваколатларни амалга оширади:

1) қонунлар ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталари қабул қилган бошқа ҳужжатлар, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, ҳукумат қарорлари, давлат ҳокимияти маҳаллий органларининг қарорлари, Ўзбекистон Республикаси давлатлараро шартномалари ва бошқа ажбуриятларининг Ўзбекистон Республикаси Конституциясига мослигини аниқлайди;

2) Қорақалпоғистон Республикасининг Конституцияси Ўзбекистон Республикаси Конституциясига, Қорақалпоғистон Республикасининг қонунлари Ўзбекистон Республикасининг қонунларига мувофиқлиги тўғрисида ҳулоса беради;

3) Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунларининг нормаларини шарҳлайди;

4) Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунлари билан берилган ваколат доирасида бошқа ишларни ҳам кўриб чиқади.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 110-моддасига биноан, **Ўзбекистон Республикасининг Олий суди** — фуқаролик, жиноий ва маъмурий судлов ишларини юритиш борасида суд ҳокимиятининг олий органи ҳисобланади. Ўзбекистон Республикасининг Олий суди Қорақалпоғистон Республикасининг фуқаролик ва жиноят ишлари бўйича Олий суди, вилоятлар ва Тошкент шаҳар судла-рй, фуқаролик ишлари бўйича туманлараро судлар ҳамда жиноят ишлари бўйича туман (шаҳар) судларидан иборат суд тизимини бошқаради. Ўзбекистон Республикаси Олий суди — Қорақалпоғистон Республикасининг Олий суди, вилоятлар, шаҳар ва туман судларининг судлов фаолияти устидан назоратни амалга оширади. Ўзбекистон Республикасининг Олий суди қабул қиладиган ҳужжатлар (қарор, ажрим ва ҳукмлар) қатъий бўлиб, Ўзбекистон Республикасининг бутун ҳудудида бажарилиши шарт.

Олий суд раис, унинг биринчи ўринбосари, ўринбосарлари, судлов коллегияларининг раислари, Олий суд судьяларидан иборат бўлиб, Олий суд Пленуми, Фуқаролик ишлари бўйича судлов коллегияси, Жиноят ишлари бўйича судлов коллегияси ва Ҳарбий коллегия таркибида фаолият кўрсатади.

Олий суд қуйидаги ишларни кўриб чиқади:

—биринчи инстанция суди сифатида алоҳида оғирликка эга жиноят ишлари; ҳар қандай фуқаролик ишлари;

—кассация тартибидаги ишлар (қонуний кучга кирмаган суд ҳукмлари ва қарорларига келтирилган шикоят ва эътирозлар бўйича);

—назорат тартибида ва янги вужудга келган ҳолатлар бўйича ишлар (Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг қонуний кучга кирган суд ҳукми ва қарорларига нисбатан);

—суд амалиёти тажрибасини ўрганади ва умумлаштиради, суд статистикасини таҳлил қилади ҳамда суд амалиёти билан боғлиқ масалалар бўйича тушунтиришлар беради.

Ўзбекистон Республикасининг Олий хўжалик суди. Конституциянинг 111 -моддасига мувофиқ, мулкчиликнинг турли шаклларига асосланган корхоналар, муас-сасалар, ташкилотлар ўртасидаги, шунингдек, тадбиркорлар ўртасидаги, иқтисо-диёт соҳасида ва уни бошқариш жараёнида вужудга келадиган хўжалик низолари-ни ҳал этиш Олий хўжалик суди ва хўжалик судлари томонидан уларнинг вако-латлари доирасида амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикасининг Олий хўжалик суди хўжалик судлари тизими-ни бошқаради. Унинг таркибига Қорақалпоғистон Республикасининг хўжалик суди, вилоятлар ва Тошкент шаҳрининг хўжалик суди киради. Хўжалик суди бўғинлари-нинг ҳуқуқий мақоми ва ваколатлари Ўзбекистон Республикасининг 2000 йил 14 декабрдаги «Судлар тўғрисида»ги (янги таҳрирдаги) қонунига мувофиқ батафсил тартибга солинади.

Прокуратура. Ягона марказлашган тизимни ташкил қилувчи прокуратура орган-лари ўз ваколатларини ҳар қандай маҳаллий органлардан мустақил равишда амалга ошириб, фақат Бош прокурорга бўйсунди. Прокуратура фаолияти қонун ус-тунлиги, қонунийликни мустаҳкамлаш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари-ни мустаҳкамлашга қаратилган.

Прокуратура томонидан ҳокимият органлари, мансабдор шахслар, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг қонунларга риоя этиши назорат қилинади. Прокуратура — давлат манфаатларини судда ифодалаш ва ҳимоя қилишга хизмат этади. У судда жиноятни тергов қилиш билан бирга, давлат айбловчиси сифатида амал қилади, судланаётган шахсга нисбатан Жиноят кодекси моддасини қўллаш ва жазо тайинлаш борсида ўз фикрини билдиради. Прокуратура жиноят қонунида назарда тутилган ҳолларда жиноятларни тергов қилиш билан шуғулланиши мум-кин. Прокуратура органларининг ҳуқуқий мақоми, вазифалари ва фаолиятининг асосий йўналишлари Ўзбекистон Республикасининг «Прокуратура тўғрисида»ги 2001 йил 30 август (янги таҳрирдаги) қонуни билан тартибга солинади.

Адвокатура. Ўзбекистон Республикасининг 116-моддасига биноан, айбланув-чи ҳимояланиш ҳуқуқи билан таъминланади, тергов ва суд ишини юритишнинг ҳар қандай босқичида малакали юридик ёрдам олиш ҳуқуқи кафолатланади. Адвокатура фуқароларга, корхона, муассаса ва ташкилотларга юридик ёрдам бериш учун фаолият кўрсатади.

Адвокатуранинг вазифаси фуқаро ва ташкилотларга юридик ёрдам кўрсатиш-дан иборатдир. Адвокатура ҳуқуқни муҳофаза қилиш органи бўлса-да, бироқ у давлат муассасаси эмас, балки мутахассислиги бўйича адвокатлик фаолияти билан шуғулланувчи шахсларнинг ихтиёрий уюшмасидир. Адвокатлик фаолиятининг

хуқуқий асослари ва кафолатлари Ўзбекистон Республикасининг «Адвокатура тўғрисида»ги (1996 йил 27 декабрь), «Адвокатлик фаолияти кафолатлари ва адвокатларни ижтимоий ҳимоялаш тўғрисида»ги (1998 йил 25 декабрь) қонунларида мустаҳкамланган.

Қонунга кўра адвокатлар қуйидаги турдаги юридик хизматларни кўрсатадилар:

—юридик масалалар бўйича маслаҳат ва тушунтириш, қонунлар бўйича оғзаки ва ёзма маълумотлар бериш;

—фуқаролик ҳамда маъмурий ҳуқуқбузарлик ишлари бўйича суд ва давлат органларида вакиллик вазифасини бажариш;

—дастлабки тергов ва судда жиноят ишлари бўйича ҳимоячи, жабрланувчилар, фуқаролик ишлари бўйича даъвогар ва жавобгарларнинг вакиллари сифатида қатнашиш ва ҳоказо.

Адвокатлар бошқа турдаги юридик ёрдам кўрсатишлари ҳам мумкин. Айрим ҳолларда улар аҳолига бепул ёрдам кўрсатадилар.

Ички ишлар органлари. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги органлари ўзларининг асосий вазифалари сифатида жамоат тартибини сақлаш; фуқароларнинг шахсий ҳафсизлигини таъминлаш; жиноятлар ҳамда маъмурий ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва уларга қарши курашиш каби фаолиятни амалга оширадилар.

Милицияга фуқаролар ва мансабдор шахслардан ҳуқуқбузарликни тўхтатишни талаб қилиш, шахсни гувоҳдантирувчи ҳужжатларни текшириш, маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисида баённомалар тузиш, маъмурий қамоққа олишни амалга ошириш ҳуқуқи берилган. Милиция фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини фақат қонунда назарда тутилган тартиб ва асослардагина чеклаши мумкин.

3-мавзу. Маъмурий ҳуқуқ асослари

1-§. Маъмурий ҳуқуқ тушунчаси

Маъмурий ҳуқуқ Конституциявий, фуқаролик ва жиноят ҳуқуқлари билан бир қаторда – ҳуқуқнинг асосий тармоқларига киради.

«Маъмурият» сўзи латинча «administratio» сўзидан олинган бўлиб, «бошқариш» маъносини билдиради. Шу боис маъмурий ҳуқуқ кўпинча бошқарув ҳуқуқи ёки бошқаришга оид ҳуқуқ деб таърифланади.

Ҳуқуқ тармоқлари бир-биридан, аввало, ҳуқуқий бошқарув предмети ва усули билан фарқ қилади. Маъмурий ҳуқуқнинг Ўзбекистон Республикаси ҳуқуқ тизимининг мустақил тармоғи сифатидаги ижтимоий муносабатларнинг асосий хусусияти шундаки, у давлат бошқаруви соҳасидаги ижтимоий муносабатларни, яъни давлат органларининг ижро этиш ва фармойиш бериш фаолияти жараёнида юзага келадиган ижтимоий муносабатларни тартибга солади. Маъмурий ҳуқуқнинг мақсад ва вазифаларни тўла англаб етиш учун, аввало, давлат бошқарувининг таркиби ҳақида тушунчага эга бўлиш лозим. Ҳар қандай бошқарув муайян муносабатларни тартибга солиб туради. Жамиятдаги бошқарув ижтимоий бошқарув деб аталади. У инсонларни асосий мақсад йўлида жипслаштириш, ўзаро муносабатларни тартибга солиш, бутун жамиятни жипслаштириш учун қўлланади.

Ижтимоий бошқарувнинг асосий турларидан бири давлат бошқарувидир. У давлат органлари ва уларнинг мансабдор шахслари томонидан амалга оширилади. Давлат бошқарув органлари фаолиятининг мазмуни истиқболни белгилаш, режалаштириш, молиявий таъминлаш, кадрларни танлаш ва жой-жойига қўйиш, ҳисобга олиш ва назорат қилишдан иборат. Бу давлат бошқарувининг кенг тарқалган

вазифаларидан бири бўлиб, барча давлат органлари уларни ўз фаолияти давомида қўллайдилар.

Масалан, прокуратура – назорат органи. Республика Бош Прокурори нафақат барча давлат органлари, жамоат бирлашмалари, корхоналар, муассасалар ва фуқароларнинг қонунларга риоя қилишларини, балки қуйи бўғидаги прокурорларнинг фаолиятини ҳам назорат қилиб туради. Бошқарув прокурорнинг асосий вазифаси эмас.

Давлат бошқаруви қуйидаги хусусиятларга эга:

- 1) ташкилотчилик фаолиятининг мавжудлиги;
- 2) давлат-ҳокимият хусусиятига эга эканлиги;
- 3) бошқарув фаолиятини амалга ошириш жараёнида давлатнинг ижтимоий-маданий, ижтимоий-сиёсий, иқтисодий фаолият соҳаларидаги функцияларни бажарилиши;
- 4) ваколат бошқарув субъектлари томонидан амалга оширилади.

Шундай қилиб давлат бошқаруви ижтимоий ҳаётнинг энг муҳим тармоқларини қамраб олади, бу жараёнда хўжалик ташкилотчилик, маданий, маърифий ишларни амалга оширилади, маъмурий-сиёсий масалалар ҳал қилинади.

Юқоридаги фикрлардан келиб чиқиб, маъмурий ҳуқуқ соҳасига ушбу тарзда таъриф берса бўлади. **Давлат бошқарувини ташкил этиш тартиби ва бошқарувни амалга ошириш жараёнида вужудга келадиган турли-туман ижтимоий муносабатларни тартибга солувчи нормаларни ўз ичига олган ҳуқуқнинг алоҳида тармоғи маъмурий ҳуқуқ деб аталади.** Масалан, «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси тўғрисида»ги қонунда ифодаланган маъмурий ҳуқуқ нормалар ҳукуматнинг шаклланиши ва ташкил этилиши тартибини, ваколатлари, қайси ташкилотга ҳисобдор эканлиги ва масъулиятини, давлатнинг бошқа органлари билан ўзаро муносабатини белгилаб беради.

Маъмурий ҳуқуқ билан тартибга солинадиган муносабатлар асосан қуйидагилардан иборат:

- 1) ташкилий жиҳатдан бири иккинчисига бўйсунадиган давлат органлари (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси билан вазирликлар, қўмиталар, ҳокимликлар) ўртасидаги муносабатлар;
- 2) бир-бирига бўйсунмайдиган давлат бошқарув органлари (икки вазирлик, икки ҳокимлик ва ҳоказо) ўртасидаги муносабатлар;
- 3) давлат бошқарув органлари ва уларга бўйсунадиган корхоналар, муассасалар, ташкилотлар ўртасидаги муносабатлар;
- 4) давлат бошқарув органлари ва жамоат бирлашмалари (касаба уюшмалари, сиёсий партиялар, хотин-қизлар, фахрийлар ва ёшлар ташкилотлари, ижодий уюшмалар ва бошқалар) ўртасидаги муносабатлар;
- 5) давлат бошқарув органлари ва фуқаролар ўртасидаги муносабатлар.

Маъмурий ҳуқуқ предмети – ижроия ҳокимият фаолиятини ташкил этиш жараёнида юзага келадиган ижтимоий муносабатлар йиғиндисидир.

Мамлакатимизнинг ташкилий қурилиш вазифаларини ҳал қилишда маъмурий ҳуқуқнинг аҳамияти катта.

Давлат бошқаруви тизимини ривожлантириш, давлат аппаратининг ишини яхшилаш, бошқарув фаолиятининг самарадорлигини оширишга қаратилган тадбирларнинг деярли барчаси маъмурий ҳуқуқ нормалари ёрдамида амалга оширилади. Яъни айнан маъмурий ҳуқуқ нормалари бошқарув органлари, корхона, муассаса ва ташкилотларни ташкил этиш, ўзгартириш ёки тугатиш қоидаларини белгилаб беради.

Маъмурий ҳуқуқ нормалари шу билан бирга бошқарилувчи объектларнинг фаолиятини, унинг давлат бошқаруви органлари билан ўзаро алоқаларини тартибга солиб туради. Ушбу нормалар режалаштириш тартибини, моддий ресурсларни тақсимлашни, иш ҳақини белгилаш билан боғлиқ муносабатларни ҳам тартибга солади.

Маъмурий ҳуқуқ нафақат бошқарувни, балки бошқарилувчи фаолиятни ҳам тартибга солади. Мисол учун, йўл ҳаракати қоидалари, жамоат жойида юриш туриш қоидалари, ов қилиш, савдо, санитария ва ёнғиндан сақлаш қоидалари ва ҳ.к.

Шундай қилиб, маъмурий ҳуқуқ нормалари қандай қилмишлар (ҳаракат ёки ҳаракатсизлик) маъмурий ҳуқуқбузарлик ҳисобланиши, маъмурий жавобгарлик турлари ва усулини, бундай ҳуқуқбузарликларни кўриб чиқиш тартибини ўрнатади.

Маъмурий ҳуқуқ фанининг бошқа ҳуқуқий фанлар билан ўзаро алоқалари, муносабатларига келсак, шуни айтиб ўтиш жоизки маъмурий ҳуқуқ бошқа ҳуқуқий фанлар билан чамбарчас боғлиқ. Хусусан олдинги мавзуда биз давлат (конституциявий) ҳуқуқи соҳасида фикр билдирган эдик. Агар мана шу ҳуқуқ соҳаси мисолида маъмурий ҳуқуқнинг бошқа ҳуқуқ соҳалари билан ўзаро муносабатлари ҳақида фикр юритадиган бўлсак, айтиб ўтиш жоизки, маъмурий ҳуқуқ давлат (конституциявий) ҳуқуқи фанига жуда яқин туради. Лекин шу билан бирга бу иккки Фан ўртасида ўзаро фарқлар ҳам мавжуд. Жумладан, давлат (конституциявий) ҳуқуқида давлатнинг ижтимоий тузилиши ва сиёсатининг асослари, давлат билан шахс ўртасидаги ўзаро муносабатлар, миллий давлат ва маъмурий-ҳудудий тузилиш, давлат органлари тизимининг асослари ифодаланган. Давлат ҳуқуқи фанининг предмети маъмурий ҳуқуқ фанининг предметиға нисбатан кенгдир. Масалан, давлат ҳуқуқи барча давлат органлари учун умумий бўлган ташкил эти ва фаолият кўрсатиш тамойилларини белгилаб берса, маъмурий ҳуқуқ нормалари эса юқоридагиларға асосланиб, давлат бошқарувида уларни қўллашни тартибға солади. Давлат ҳуқуқи фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва мажбуриятларини белгилаб беради. Маъмурий ҳуқуқ эса давлат ҳуқуқининг кўпгина нормаларни янада аниқлаштиради, фуқароларнинг ҳуқуқий мақомини асосий бўлмаган бошқа ҳуқуқ ва мажбуриятлар бажарилишининг бошқарув механизмини белгилаб беради. Масалан, Ўзбекистон Республикаси Конституциясига биноан фуқаролар давлат органлари ва мансабдор шахсларнинг ноқонуний ҳатти-ҳаракатлари устидан судға шикоят қилиш ҳуқуқиға эға. Ушбу жараён давлат (конституциявий) ҳуқуқ нормалари билан тартибға солинади. Маъмурий ҳуқуқ эса мана шу шикоятларни қайси органға тегишлилигини, шикоятни кўриб чиқиш муддати ва тартибини ҳамда бошқа томонларини тартибға солади.

2-§. Маъмурий ҳуқуқ манбалари

Маъмурий ҳуқуқ манбалари бўлиб, ўзида маъмурий ҳуқуқий нормаларни ифода этган давлат ҳокимияти ва давлат бошқаруви органларининг (айрим ҳолларда бошқа давлат органларининг) актлари ҳисобланади. Бу нормалар қонунларда, вакиллик органларининг норматив ҳужжатларида, Президент фармонларида, Вазирлар Маҳкамаси қарорларида, вазирлик ва давлат қўмиталари, ҳокимларнинг норматив актларида номоён бўлади.

Бошқа ҳуқу соҳалари сингари маъмурий ҳуқуқнинг ҳам асосий манбаси бўлиб Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ҳисобланади. Хусусан Конституцияға биноан давлат бошқаруви органлари тизимиға раҳбарлик қилувчи орган бу -

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасидир. Конституциянинг 89-моддасига биноан Ўзбекистон Республикаси Президенти Ўзбекистон Республикасида давлат ва ижро этувчи ҳокимият бошлиғидир деб белгиланган. Конституциянинг 98-моддасида эса, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Конституциявий ҳуқуқий мақоми ўз ўрнини эгаллаган. Конституциянинг XXI бобида эса маҳаллий давлат ҳокимияти асосларига бағишланган.

Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги Кодекси ҳам маъмурий ҳуқуқ манбалари тизимида алоҳида ўринни эгаллайди. Зеро унда маъмурий ҳуқуқбузарлик тушунчаси, маъмурий жавобгарлик тушунчаси ва турлари, маъмурий нормаларнинг ҳаракат қилиши, маъмурий ишларни кўриб чиқишга ваколатли органлар, уларнинг фаолият йўналиши ва ваколатлари доираси тўғрисидаги қоидалар ўз ўрнини топган.

Маъмурий ҳуқуқ манбаларига Ўзбекистон Республикаси Ҳаво Кодекси, Божхона Кодекси, Солиқ Кодекси ва бошқа ҳуқуқий норматив актларни киритишимиз мумкин.

Маъмурий ҳуқуқ манбаларига Олий Мажлис томонидан қабул қилинган қатор қонунларни киритишимиз мумкин. Хусусан Ўзбекистон Республикасининг 1992 йил 4 январда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикасида маҳаллий давлат ҳокимият органларини қайта ташкил этиш тўғрисида»ги¹⁰, Ўзбекистон Республикасининг 1993 йил 2 сентябрдаги «Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида»ги¹¹, Ўзбекистон Республикасининг 2002 йил 12 декабрдаги «Фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисида»ги¹² қонун ҳужжатлари ва бшқаларни киритишимиз мумкин.

Маъмурий ҳуқуқ манбаларига шунингдек Ўзбекистон Республикаси Президентининг, Вазирлар Маҳкамаси, вазирликлар, давлат қўмиталари, маҳаллий ҳокимият органлари томонидан чиқарилган актлар ҳам маъмурий ҳуқуқнинг манбалари қаторига киради.

Маъмурий ҳуқуқ тизими асосан иккига бўлинади:

А) Умумий қисм – давлат бошқарувининг барча соҳаларини қамраб олувчи нормаларни ўз ичига олади. Маъмурий ҳуқуқнинг умумий қисми таркибида қуйидаги нормалар ажралиб туради:

- давлат бошқаруви хусуиятларини белгилаовчи ҳамда давлат бошқаруви тамойилларини мустаҳкамловчи нормалар;
- давлат бошқарув органларининг ҳуқуқий мақомини, фаолиятининг шаклини белгиловчи нормалар;
- давлат хизматини тартибга солувчи нормалар;
- бошқарилувчи объектларнинг мақомини белгиловчи нормалар;
- жамоат ташкилотларининг ҳуқуқий мақомини тўғрисидаги нормалар;
- фуқароларнинг ҳуқуқий мақомини тўғрисидаги нормалар;
- давлат бошқарувида ишонтириш ва мажбурлаш чоралари тўғрисидаги нормалар;
- давлат бошқарувида қонунчиликни таъминлаш усули тўғрисидаги нормалар;

Б) Махсус қисм-маълум бир соҳада ҳаракат қилувчи нормаларни ўз ичига олиб қуйидагилардан иборат:

- режалаштириш, молия, банк-кредит, солиқ, ҳисоб0китоб соҳаларидаги ва тармоқлараро фаолиятнинг бошқа соҳаларидаги давлат бошқарувини тартибга солувчи нормалар;

¹⁰ Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси. 1992. 3-сон. 146-м.

¹¹ Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси. 1993. 9-сон. 320-м.

¹² Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси. 2003. 1-сон. 140-м.

• халқ ҳўжалиги, ижтимоий-маданий қурилишва маъмурий –сиёсий фаолият соҳасидаги давлат бошқарувини тартибга солувчи нормалар.

3-§. Маъмурий-ҳуқуқий нормалар ва муносабатлар

Маъмурий-ҳуқуқий нормалар –давлат бошқаруви соҳасида давлат бошқаруви органлари, давлат хизматчилари, шунингдек корхона, муассаса, ташкилотлар, меҳнат жамоалари ва фуқароларнинг қонунчилик билан рухсат этилган юриш туриш чегарасини белгилаб беради.

Лозим тарздаги хулқ-атвор қайси ҳаракатларни содир этиш мумкин (рухсат этиладиган хатти-ҳаракатлар), қайсиларидан ўзни тийиш керак (тақиқлар), қайсиларини бажариш зарур (кўрсатмалар эканлигини кўрсатишни тақазо этади. Инсон хулқ-атворларига бошқарув таъсирини кўрсатишнинг моҳияти ана шунда намоён бўлади.

Бунда маъмурий-ҳуқуқий нормаларнинг муҳим хусусиятига эътиборни қаратиш керак. Ушбу нормалар, аввало, ижро этувчи ҳокимият (давлат бошқаруви) субъектларига қаратилган мажбурий хулқ-атвор қоидаларига эга.

Шунга қарамай, уларнинг бошқарув таъсири остида юзага келадиган ҳуқуқий муносабатлар ҳар қандай ҳуқуқий муносабатларга хос бўлган бундай муносабатлар иштирокчиларининг бурч ва ҳуқуқлари мослиги, уларнинг ҳокимият иродаси қаратилган шахслар манфаатларини таъминлашга йўналганлиги каби сифатлардан маҳрум бўлмайди. Ҳуқуқий норма таъсирида юзага келган субъектларнинг ўзаро ҳуқуқ ва мажбуриятлари маъмурий-ҳуқуқий муносабатларни келтириб чиқаради.

Маъмурий-ҳуқуқий муносабатлар ва уларнинг турлари. Маъмурий -ҳуқуқий муносабат деганда, маъмурий -ҳуқуқий норма билан тартибга солинган, тарафлар маъмурий- ҳуқуқий нормалар воситада ўрнатилган ҳамда қафолатланган ўзаро мажбуриятлар ва ҳуқуқлар эгаси бўлиб майдонга чиқадиган бошқарув соҳасидаги ижтимоий муносабатлар тушунилади.

Маъмурий- ҳуқуқ муносабатлар турли мезонлар бўйича таснифланади. Уларга, аввало, ижро этувчи ҳокимият органларининг у ёки бу объектга бошқарув ёки тартибга солиш хусусиятига эга бўлган таъсир кўрастишидан иборат юридик имконияти киради

Юридик хусусиятга кўра, маъмурий-ҳуқуқий муносабатлар иштирокчиларининг ўзаро муносабатлари вертикал ва горизонтал ҳуқуқий муносабатларга ажратилади.

Вертикал ҳуқуқий муносабатлар маъмурий-ҳуқуқий бошқарувнинг ҳамда субъект ва объект ўртасида юзага келадиган давлат бошқарув фаолияти учун хос бўлган субординация алоқаларнинг моҳиятини энг кўп даражада акс эттиради. Одатда ҳокимият муносабатлари деб аталадиган муносабатлар айнан шу муносабатлардир.

Горизонтал ҳуқуқий муносабатлар деганда, тарафлар амалда ва юридик жиҳатдан тенг ҳуқуқли бўладиган муносабатлар тушунилади. Бинобарин, уларда бир тарафнинг бошқа тараф учун бажарилиши мажбурий бўлган юридик ҳокимият кўрсатмалари бўлмайди.

Иштирокчиларнинг таркибига кўра, ҳуқуқий муносабатлар аппарат ичкарасидаги ва ташқарисидаги муносабатларга бўлинади. Биринчи ҳолда мавжуд бўлиши шар бўлган (мажбурий) субъект (маъмурий ҳокимият эгаси, аппарат бўғини) аппаратнинг бошқа бўғинлари (органлар, хизматчилар ва бошқалар) билан муносабатга киришади. Ушбу ҳуқуқий муносабатлар ижро этувчи ҳокимият органлари тизимини, органлар ва хизматчиларнинг ваколатларини, уларнинг ўзаро муносабатларини аппарат ичидаги ишлар шакли ва усулларини белгиловчи маъмурий-ҳуқуқий нормаларга асосланади. Иккинчи ҳолда, мажбурий субъект

фуқаролар, давлатга қарашли бўлмаган ташкилотлар, давлат корхоналари ва муассасалар билан ҳамкорлик қилади.

Фуқаролар ва ижро этувчи ҳокимият органлари. Ижро этувчи ҳокимият органлари билан фуқаролар ўртасидаги муносабатларни алоҳида гуруҳга ажратиш мумкин.

Маъмурий ҳуқуқда фуқароларнинг ҳуқуқларини мустаҳкамловчи ва уларнинг бошқарув органлари билан муносабатларини тартибга солувчи нормалар ератлича катта ўрин эгаллайди. Субъектларини бошқарув органлари (мансабдор шахслар) ва фуқаролар ташкил этадиган муносабатлар ҳуқуқий воқеаликдаги энг анъанавий муносабатлардир. Ҳар қандай фуқаро ўх ҳаёти мобайнида маъмурий, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи муассасалар ва уларнинг мансабдо шахслари билан, транспорт ва алоқа органлари билан, солиқ органлари, паспорт идораси, божхона хизмати, ижтимоий ҳимоя ва бошқа идораларнинг ходимлари билан маъмурий-ҳуқуқий муносабатларга киришади.

Фуқаролар ўртасидаги муносабатлар маъмурий-ҳуқуқий муносабатларнинг алоҳида гуруҳини ташкил қилади. Фуқаролар ўрасидаги кўпгина муносабатлар маъмурий-ҳуқуқий нормалар Балан тартибга солинганлиги учун маъмурий-ҳуқуқий муносабатларга киради. Ушбу муносабатлар кўпроқ жамоат тартиби, фуқаролар ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш соҳаларида юзага келади ҳамда қонунчилик фуқароларга жамоат жойларидаги ўзаро муносабатларини, мустақил равишда, бошқаришнинг ҳуқуқ ва манфаатларига риоя этган ҳолда тартибга солиш мажбуриятини юклайди.

Ижро этувчи ҳокимиятнинг хусусиятлари. Ижро этувчи ҳокимиятнинг хусусиятларига қуйидагилар киради:

1) Ижро этувчи ҳокимият Ўзбекистон Республикаси ягона давлат ҳокимиятининг қонун чиқарувчи ва суд ҳокимияти билан яқиндан аллоқада бўлган нисбатан мустақил тармоғи (турли, кўриниши)дир;

2) Ягона давлат ҳокимиятининг кўриниши бўлган ижро этувчи ҳокимият ҳозирги вақтда ижро этувчи органлар деб номланади, амалда эса давлат бошқарувчи органлари бўлган давлат паапратининг махсус бўғинлари фаолиятида реал хусусият касб этади;

3) ижро этувчи ҳокимият давлат бошқаруви органлари тизимида намоён бўлади, уларга республика ҳукмати, вазирликлар, давлат кўмиталари ва идоралари, маҳаллий ижро этувчи органлар, давлат муассасалари ва корхоналарининг маъмурияти киради;

4) ижро этувчи ҳокимият замон ва маконда универсал хусусиятга эга, яъни узлуксиз ва инсонлар фаолият кўрсатаётган барча жойларда амалга оширилади. Ижро этувчи ҳокимият органлари мазмунини бўйича ижро этувчи ва кўрсатма берувчи фаолиятни амалга оширади. қонунга мувофиқ, улар давлат ва ҳокимият ваколатларига, жумладан, ҳуқуқий ҳужжатлар чиқариш ва уларни амалга ошириш ваколатларига эга. Умуман олганда, ушбу органлар мустақил равишда қонун ҳужжатлари чиқариш, уларни қўллаш ҳамда ҳуқуқни муҳофаза қилишдан иборат кенг доирадаги ваколатларга эгадирлар.

Ижро этувчи ҳокимият органлари фаолиятининг қонун асосида бўлиши хусусиятига эгаллиги уларнинг ҳуқуқий ҳолатидаги энг муҳим хидатдир. Улар ўзларининг барча шаклдаги фаолиятида Конституция, қонунларнинг талабларига қатъий риоя этишлари, уларни бажаришлари ва ўз ваколатлари доирасида бошқаларнинг бажаришларини таъминлашга ёрдам беришлари керак;

5) ижро этувчи ҳокимият давлат хизмати орқали амалга оширилади. Давлат хизмати деганда, фуқароларнинг давлат органларидаги давлат бошқарувини амалга

оширишга қаратилган профессионал фаолияти тушунилади. Ижро этувчи ҳокимият органлари муайян бўлинмалар (бўлим, бошқармалар)дан ташкил топади. Уларнинг ҳар бири хизмачилар эгаллаб турган лавозимлар йиғиндисидан иборат;

б) ижро этувчи ҳокимиятнинг муҳим жиҳати- унинг бевосита қўл остида улкан ресурслар, яъни ҳуқуқий, ахборот, иқтисодий, техникавий, мафкуравий, ташкилий ресурсларнинг мавжудлиги ёки унинг предметли хусусиятидир. Ижро этувчи ҳокимият қўлида давлатнинг амалдаги қудрати жамланган. У улкан ҳудудлар, кўплаб одамлар, ресурсларга таянади, хизматлаги лавозим бўйича кўтаришлар ва рағбатлантириш воситаларидан фойдаланади. Бундан ташқари, ижро этувчи ҳокимият органларининг бевосита қўл остида қуролли Кучлар, чунончи, армия, милиция, миллий хавфсизлик хизмати мавжуд.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси. Вазирлар Маҳкамаси, яъни Ўзбекистон Республикаси ҳукумати ижро этувчи ҳокимият ваколатларини амалга оширади, ижро органлари тизимига бошчилик қилади ва уларнинг фаолиятига раҳбарлик қилади. Шунингдек Вазирлар Маҳкамаси иқтисодиётнинг, ижтимоий ва маънавий соҳанинг самарали фаолиятига раҳбарликни, Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Олий Мажлис қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишлари ижросини таъминлайди. Унинг ҳуқуқий ҳолати асослари, таркиби, шаклланиш тартиблари Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси (20-боб), Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси тўғрисидаги 2003 йил 29 августдаги янги таҳрирдаги қонуни ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари билан белгиланган.

Вазирлар Маҳкамасининг раиси Конституцияга мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси ҳукуматининг фаолиятига раҳбарлик қилади ҳамда унинг ўз ваколатларини самарали амалга ошириши учун чоралар кўради.

Ҳукуматни Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири, Бош вазирнинг биринчи ўринбосари ва ўринбосарлари, вазирлар, Ўзбекистон Республикаси давлат қўмиталарининг раислари, бошқа давлат хўжалик бошқарув органларининг раҳбарлари таркибида Республика Президенти шакллантиради ва Олий Мажлис тасдиқлайди (Вазирлар Маҳкамаси тўғрисидаги қонуннинг 4-моддаси).

Ўзбекистон Республикаси Бош вазирини Президент парламентининг розилиги билан тайинлайди. Ҳукуматнинг бошқа аъзоларини ҳам Президент тайинлайди. Бош вазир Вазирлар Маҳкамасининг ишини ташкил этади, ўринбосарлари ўртасида вазирларни тасдиқлайди, Ўзбекистон Республикаси Президентининг топшириғи бўйича халқаро муносабатларда Ўзбекистон Республикаси ҳукуматининг вакили бўлиб халқаро муносабатларда шартномалар ва битимларни имзолайди, давлат ва хўжалик бошқаруви масалалари бўйича қарорлар қабул қилади, Вазирлар Маҳкамаси раисининг топшириғи бўйича ҳукумат фаолиятини ташкил қилиш ва унга раҳбарлик қилиш билан боғлиқ бошқа функцияларни бажаради (Вазирлар Маҳкамаси тўғрисидаги қонуннинг 15-моддаси).

Ҳукумат аъзолари бошқа ҳақ тўланадиган лавозимларни эгаллай ёки тадбиркорлик фаолияти билан шуғуллана олмайдилар. Ҳукумат аъзолари айнан бир вақтда вакиллик органининг депутати бўла олмайдилар.

Ҳукумат аолият амалда жамият ҳаётининг барча томонларини қамроаб олади. Унинг фаолиятидаги асосий йўналишлар (функциялари) Конституциянинг 98-моддасида белгиланган. Ҳукумат:

- Ўзбекистон Республикаси иқтисодий ва ижтимоий ривожланишининг асосий йўналишларини ишлаб чиқади ива уларнинг амалга оширилишини ташкил қилади;

- Олий Мажлисга Ўзбекистон Республикаси бюджетининг асосий кўрсаткичларини ва унинг бажарилиши ҳақидаги ҳисобатни тақдим этади, бюджетнинг бажарилишини таъминлайди;

- Олий МАжлисга қонунларнинг лойиҳаларини киритади ва қонунларнинг бажарилишини таъминлайди;

- қонунларчилик ташкббуси ҳуқуқини амалга оширади;

- вазирликлар, давлат қўмиталари ҳамда бошқа марказий ва маҳаллий ижро этувчи органларнинг ҳамкорлигини таъминлайди;

- вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимларининг Ўзбекистон Республикаси қонунларига зид келувчи қарорлари ва фармойишларини бекор қилади ёки амал қилишини тўхтатиб қўяди;

- зиммасига Конституция, қонунлар ва Президент фармонлари билан юклатилган бошқа функцияларни бажаради.

Ҳукумат Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, қонунлари, Президент фармонлари, бошқа норматив ҳуқуқий ҳужжатлар асосида ва уларни бажариш мақсадида Ўзбекистон Республикасининг бутун ҳудудида барча органлар, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, мансабдор шахслар ва фуқаролар учун бажарилиши шарт бўлган қарорлар ва фармойишлар чиқаради.

Президент ҳукумат мажлисида раислик қилиш ҳуқуқига эга.

Ҳукумат Президент ваколатлари муддати доирасида амал қилади ҳамда янги сайланган Олий Мажлис олдида ўз ваколатларини топширади.

Марказий ижро этувчи органлар. Ижро этувчи ҳокимият органлари таркибига ҳукумат билан бир қаторда махсус ваколатли давлат органлари – тармоқ ёки тармоқлараро функцияларни бажарувчи органлар киради. Уларнинг тузилишини Республика Президенти белгилайди.

Ҳозирги вақтда Ўзбекистонда ижро этувчи ҳокимият марказий органларининг ташкилий ҳуқуқий шаклларига қуйидагилар киради:

1) вазирликлар;

2) давлат қўмиталари;

3) қўмиталар, департаментлар, агентликлар, шунингдек, республика вазирликлари, давлат қўмиталари қошидаги бошқа давлат бошқарув органлари (умумлаштирилган ҳолда улар идоралар деб аталади);

4) қўмита, бош бошқарма, комиссия, агентлик ва ҳукумат таркибига кирмайдиган бошқа республика давлат бошқарув органлари.

Ижро этувчи ҳокимиятнинг барча марказий органлари ҳукуматга қарашлидир. Ҳукумат вазирликлар, давлат қўмиталари, бошқа марказий ва маҳаллий ижро органларининг ҳамкорлигини таъминлайди.

Вазирлар Маҳкамаси вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимларининг Ўзбекистон Республикаси қонунларига зид келувчи қарорлари ва фармойишларини бекор қилади ёки тўхтатиб қўяди.

Вазирлар Маҳкамаси ҳукумат таркибига кирмайдиган марказий ижро этувчи органларининг раҳбарларини лавозимига тайинлайди ва лавозимидан озод этади, шунингдек, вазирлар, давлат қўмиталарининг раислари, ҳукумат таркибига кирмайдиган марказий ижро этувчи органлар раҳбарларининг тақдимномасига мувофиқ, республика идораларининг раҳбарларини ва уларнинг ўринбосарларини лавозимига тайинлайди ва лавозимидан озод этади.

Вазирликлар, давлат қўмиталари ва марказий ижро этувчи органлар фаолиятининг ҳуқуқий асосини, республика қонунлари билан бир қаторда, Президент ва ҳукуматнинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари, махсус низомлар ташкил қилади.

Уларнинг ҳар бири тўғрисидаги низомни Вазирлар Маҳкамаси тасдиқлайди. Ҳукумат, шунингдек, республика идораларининг фаолият соҳаси, ваколатлари ва жавобгарлигини белгилайди.

Ижро этувчи ҳокимиятнинг марказий органлари ўз функциялари ва ваколатларининг табиатига кўра, муайян хусусиятларга эга.

Вазирлик – республиканинг марказий ижро этувчи органи бўлиб, давлат бошқарувининг тегишли тармоқ(соҳа)сига раҳбарлик қилади, шунингдек, қонунда белгиланган доирада тармоқлараро мувофиқлаштиришни амалга оширади.

Давлат қўмитаси – республиканинг марказий ижро этувчи органи бўлиб, давлат бошқарувининг тегишли тармоқлари (соҳаларида) ягона давлат сиёсатини ўтказди ва ушбу мақсада қонунга кўра тармоқлараро мувофиқлаштиришни амалга оширади.

Вазир ёки давлат қўмитасининг раиси ўз лавозимида кўра ҳукумат таркибига қиради, давлат бошқарувининг тегишли тармоқлари (соҳаси)нинг самарали ишлашини таъминлайди, ўзлари раҳбарлик қилаётган тармоқ (соҳаси)нинг аҳволи ва ривожланиши, қонунлар ҳамда Президент ва ҳукумат ҳужжатларининг бажарилиши учун жавобгар бўлади.

Вазир ёки давлат қўмитасининг раиси ҳузурида маслаҳат берувчи ва кенгашувчи орган – вазирлик, давлат қўмитасининг ҳайъати ташкил этилади.

Вазирлик ёки давлат қўмитаси чиқарадиган қарор вазирнинг буйруғи билан ҳамда давлат қўмитасининг раиси имзолайдиган қарор билан расмийлаштирилади.

Республиканинг ҳукумат таркибига кирмайдиган марказий ижро этувчи органи ўз ваколатига қирувчи масалалар бўйича тармоқлараро мувофиқлаштиришни, шунингдек, бошқа махсус ижро этиш ва рухсат бериш функцияларини амалга оширади.

Идора республика вазирлиги ёки давлат қўмитасининг ваколатлари доирасида мустақил равишда махсус ижро этувчи ҳамда назорат функцияларини амалга оширади, шунингдек, тармоқлараро мувофиқлаштириш вазифасини ёхуд давлат бошқаруви тармоқчаси (соҳаси)га раҳбарлик қилади.

4-§. Маъмурий мажбурият

Маъмурий мажбурият маъмурий ҳокимиятни амалга оширишдан иборат махсус ваколатлар берилган ижро этувчи органлар (мансабдор шахслар)нинг одамларни ҳуқуқий кўрсатмаларни бажаришга мажбур қилиш, ҳуқуқбузарлик содир этилган тақдирда эса – уларга маъмурий жазо чорасини кўриш бўйича ташкилий, жисмоний ва руҳий таъсир кўрсатишини билдиради.

Маъмурий мажбурият давлат мажбуриятининг турларидан бири бўлиб, асосан давлат бошқаруви соҳасида ҳуқуқий тартибни таъминлаш ва муҳофаза этишнинг охириги чораси сифатида қўлланилади, яъни жазолаш функциясини бажаради. Бироқ унинг вазифалари шулар билан чекланмайди. Айни пайтда ҳуқуқни муҳофақа қилиш мақсадида маъмурий мажбурият чоралари бошқача вазифаларни ҳам бажаради, яъни нафақат (интизомий ва маъмурий) ҳуқуқбузарликлар учун жазо сифатида, балки уларнинг олдини олиш ва уларни тўхтатиб қолиш учун ҳам ўлланилади. Шундай қилиб, улар жамоат тартибини ва жамоат хавфсизлигини таъминлайди.

Маъмурий мажбуриятга суддан ташқаридаги тартиб хос, яъни мажбурият (ишни тўхтатиб қўйиш, ғайриқонуний тарзда олинган нарсаларни олиб қўйиш, жарима солиш ва бошқа) чоралар тегишли ижро этувчи органлар (мансабдор шахслар – ички ишлар органлари, назорат-текшириш органлари, маъмурий комиссиялар ва бошқалар), яъни ушбу чораларни ўз фаолиятида судга мурожаат этмай туриб бевосита қўллайдиган органларнинг ваколатларига киритилган. Бироқ Ўзбекистон Республикаси

қонунларида назарда тутилган ҳолларда маъмурий мажбурият чораларининг айримларини судлар (судьялар) қўллайдилар. Чунончи, бу маъмурий ҳуқуқбузарлик, масалар, майда безорилик учун энг қаттиқ маъмурий жазоларни қўллаш ҳолларига тааллуқли. Маъмурий чоралар нафақат алоҳида шахсларга, балки ташкилотларга нисбатан ҳам қўлланилади.

Маъмурий мажбурият – ижро этувчи орган (мансабдор шахс)нинг қонунга асосланган ва ундан келиб чиқадиган ҳамда жамоат тартибини сақлашга, жамоат хавфсизлигини, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашга қаратилган фаолиятдир.

Маъмурий мажбурият чоралари хилма-хилдир. Уларни, мақсадига кўра, тўрт гуруҳга бўлиш мумкин:

- 1) маъмурий олдини олиш чоралари;
- 2) маъмурий чеклаш чоралари;
- 3) маъмурий тиклаш чоралари;
- 4) маъмурий жавобгарлик чоралари.

Маъмурий олдини олиш чоралари мажбурият тусига эга бўлиб, бахтсиз ҳодисалар, табиий офатлар бўлганда юз бериш эҳтимоли бўлган ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш мақсадида қўлланилади. Кўпинча улардан фуқаролар ҳаёти ва соғлиғига нисбатан туғилиши мумкин бўлган хавфнинг олдини олиш, жамоат хавфсизлигини таъминлаш учун фойдаланилади.

Маъмурий олдини олиш чоралари ҳуқуқбузарликлар содир этилишининг олдини олиш. Бундай чоралар хилма-хил бўлиб, улар орасида энг кўп тарқалганлари қуйидагилардир:

- контроль ва назорат текширувлари;
- ашёларни кўздан кечириш ва шахсни кўрикдан ўтказиш (божхона, ички ишлар ходимлари амалга оширадилар);
- инсоннинг шахсини тасдиқловчи ҳужжатларини текшириш;
- маъмурий назорат;
- карантин жорий қилиш (эпидемия ва эпизоотиялар чоғида);
- жамоат хавфсизлигига таҳдид туғилганда транспорт ва пиёдалар ҳаракатини тўхтатиш;

Шахсларнинг тиббий ҳолатини ва умумий овқатланиш корхоналарининг санитария ҳолатини гувоҳлантириш;

- мулк реквизицияси (реквизия-маълум муддатга мажбурий олиб қўйиш);
- давлат чегарасининг муайян қисмини ёпиб қўйиш ва ҳ.к.

Бу ва бошқа чораларни қўллаш қонун ҳужжатлари билан қатъий тартибга солинган.

Маъмурий чеклаш чоралари ғайриқонуний ҳаракатни мажбурий тартибда тўхтатиш ва уларнинг зарарли оқибатларининг олдини олиш зарур бўлган ҳолларда қўлланилади. Улар ҳам хилма-хил бўлиб ижро этувчи органлар (мансабдор шахслар) томонидан қўлланилади.

Уларга қуйидагилар киради:

- қонунга хилоф хатти-ҳаракатларни тўхтатиш талаби (масалан, ички ишлар органлари ходимлари, фуқаролар ва мансабдор шахслардан маъмурий ҳуқуқбузарликлар содир этишни тўхтатишни талаб қилишга ҳақлидирлар);
- ҳуқуқбузарни ушлаб келтириш;
- қурол ишлатиш (масалан, ҳайдовчи одамларнинг соғлиғи ва ҳаёти учун ҳақиқий хавф туғдираётган бўлса, транспорт воситасини тўхтатиш учун);
- атрофдагилар учун хавфли бўлган касалликлар билан оғриган шахсларни мажбурий даволаш;

- техник ҳолати белгиланган талабларга жавоб бермайдиган транспорт воситаларидан фойдаланишни тақиқлаш;

- корхона ва ташкилотлар барча учун мажбурий у ёки бу қоидаларни бузган тақдирда уларнинг фаолиятини тўхаттиш ёхуд тугатиш ва ҳоказо.

Маъмурий-тиқловчи чоралар ашёларнинг аввалги ҳолатини тиклаш, етказилган зарари қоплаш мақсадида қўлланилади. Шу боис ушбу чораларнинг тури ва миқдори ҳуқуқбузар етказган зарар хусусиятига ва миқдorigа боғлиқ. Уларга қуйидагилар киради:

- рухсат сўрамай қурилган бинолар ва иншоотларни бузишташлаш;
- берухсат эгаллаб олинган турар жойдан кўчириб юбориш;
- ташкилотлардан қонунга ҳилоф тарзда эгаллаган нарсаларни олиб қўйиш;
- вояга етмаган фпрзанди етказган зарари унинг ота-онасидан ундириш ва ҳоказо.

5-§. Маъмурий ҳуқуқбузарлик ва жавобгарлик

Маъмурий жавобгарлик чоралари ваколатли орган ёки мансабдор шахснинг маъмурий ҳуқуқбузарликлар содир этган шахсларга маъмурий жазо қўллашида ифодаланади.

Маъмурий жавобгарлик – жавобгарликнинг барча белгилари хос бўлган юридик жавобгарликнинг махсус тури.

Айни пайтда қонунда жавобгарликнинг айнан шу турига хос бўлган аломатлари белгиланган ва улардан ижро этувчи ҳокимият органлари етарлича кўп фойдаланадилар.

Маъмурий жавобгарлик – ижро этувчи ва суд ҳокимиятининг махсус ваколатли органлари ва мансабдор шахслари айбдорга белгилайдиган маъмурий жазолар тизими.

Маъмурий жавобгарликни қўллаш учун асос вазифасини маъмурий ҳуқуқбузарлик бажаради. **Маъмурий ҳуқуқбузарлик** деб жамоат ёки давлат тартибига, давлатнинг ёки шахснинг мулкига, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларига тажовуз қиладиган ҳамда содир этилгани учун қонунда маъмурий жавобгарлик назарда тутилган ғайриқонуний, айбли (қасддан ёки эҳтиётсизлик орқасида содир этилган) ҳаракат ёки ҳаракатсизликка айтилади. Маъмурий ҳуқуқбузарликлар, ҳуди жиноятлар каби, жамият учун хавфлидир, улардан фақат ушбу хавф даражаси билангина фарқ қилади.

Маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этилган пайтга келиб 16 ёшга тўлган шахслар маъмурий жавобгарлик субъектлари бўлиши мумкин. Маъмурий ҳуқуқбузарликларни содир этган 16 ёшдан 18 ёшгача бўлган шахсларга нисбатан вояга етмаганларни ишлари бўйича комиссиялар тўғрисидаги низомда назарда тутилган чоралар қўлланилади.

Мансабдор шахслар, яъни ҳокимият қарорлари чиқаришга ваколати бўлган раҳбарлар ҳам хизмат вазифаларини лозим даражада бажармаганликлари учун маъмурий жавобгарликка тортиладилар. Бунда мансабдор шахслар нафақат ўзларининг, балки қўл остидаги уларга бўйсунувчи ва тегишли қоидаларни бузган ходимларнинг ҳам ҳаракатлари ёки ҳаракатсизликлари учун маъмурий жавобгарликка тортиладилар.

Мансабдор шахсларнинг маъмурий жавобгарликлари уларга нисбатан улар хизмат бўйича бевосита бўйсунмайдиган органларнинг маъмурий-ҳуқуқий чора

қўллашени англатади. Масалан, ёнғин назорати органлари ёнғин хавфсизлиги қоидаларини бузганилиги учун корхона раҳбарига маъмурий жарима солади.

Ушбу масаланинг амалий аҳамияти шундаки, ҳуқуқбузарликлар учун маъмурий жавобгарлик улар ўз табиатига кўра амалдаги қонунларга мувофиқ жиноий жавобгарликка олиб келмаган тақдирда қўлланилади.

Маъмурий жавобгарликнинг асосий хусусиятларига қуйидагилар киради:

1) маъмурий жавобгарликни қонун ҳам, маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги нормалар ҳам белгилайди. Ундан фарқли равишда, жиноий жавобгарлик фақат қонунлар билан белгиланади;

2) маъмурий жавобгарлик учун – маъмурий ҳуқуқбузарликлар, жиноий жавобгарликлар учун эса – жиноят содир этилиши асос бўлиб хизмат қилади;

3) маъмурий жавобгарликка 16 ёшга тўлган ақли расо шахс тортилиши мумкин, жиноий жавобгарликка эса 14-16 ёшдан, айрим жиноятлар учун 13 ёшдан ҳам жазога тотиш мумкин. Маъмурий жавобгарлик субъектлари фуқаролар, мансабдор шахслар, вояга етмаганлар ва бошқалар бўлиши мумкин;

4) маъмурий ҳуқуқбузарлик учун- маъмурий жазо, жиноят учун эса жиноий жазо қўлланилади;

5) маъмурий жазони ижро этувчи ҳокимиятнинг кенг доирадаги ваколатли органлари ва мансабдор шахслари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ҳамда судлар (судьялар) қўллайдилар;

6) маъмурий жазони органлар ва мансабдор шахслар ўзларига бўйсунмайдиган ҳуқуқбузарларга нисбатан қўллайдилар;

7) маъмурий жазони қўллаш судланганликни ва ишдан бўшатишни келтириб чиқармайди. Ушбу жазо қўлланилган шахс белгиланган муддат давомида маъмурий жазога тортилган деб ҳисобланади;

8) маъмурий жавобгарлик чоралари маъмурий ҳуқуқбузарликка доир ишларни юритишни тартибга солувчи қонунларга мувофиқ қўлланилади. Жиноят ишлари жиноят-процессуал қонунларга мувофиқ кўриб чиқилади.

Маъмурий ҳуқуқбузарлик тушунчаси. Маъмурий жавобгарликни қўллаш учун асос бўлиб маъмурий ҳуқуқбузарлик хизмат қилади. маъмурий ҳуқуқбузарлик деганда, қонун ҳужжатларига биноан, маъмурий ҳуқуқбузарликка тортиш назарда тутилган, шахсга, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларига, мулкчиликка, давлат ва жамоат тартибига тажовуз қилувчи, ғайриқонуний, айбли (қасддан ёки эҳтиётсизлик орқасида) содир этилган ҳаракат ёки ҳаракатсизлик тушунилади. Маъмурий ҳуқуқбузарликлар жиноятлардан ушбу хавф даражаси билангина фарқ қилади.

Маъмурий ҳуқуқбузарликнинг асосий белгилари қуйидагилардир:

- 1) жамиятга қарши хусусият;
- 2) ғайриқонунийлиги;
- 3) Айблилиги;
- 4) қилмишнинг жазога лойиқлиги.

Маъмурий ҳуқуқбузарлик таркибини норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар билан мустаҳкамланган ва мавжудлиги маъмурий жавобгарликка олиб келиши мумкин бўлган белгилар (элементлар) мавжуд ташкил қилади.

Маъмурий ҳуқуқбузарлик таркибининг белгилари (элементлари) қуйидагилардан иборат:

- 1) объект;
- 2) объектив томон;
- 3) субъект;
- 4) субъектив томон.

Маъмурий ҳуқуқбузарликнинг объектини нормалари билан тартибга солинган ва маъмурий ҳуқуқбузарлик чоралари билан муҳофаза этиладиган ижтимоий муносабатлар ташкил қилади.

Объектив томон маъмурий ҳуқуқ билан тақиқланган ҳаракати ёки ҳаракатсизликдан иборат.

Маъмурий ҳуқуқбузарликнинг субъектлари сифатида жисмоний шахслар ҳамда мансабдор шахслар тан олинади. Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексида умумий шаклда маъмурий жавобгарликка маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этган пайтида 16 ёшга ва муамала лаёқатига эга бўлган шахслар тортилиши белгилаб қўйилган.

Маъмурий ҳуқуқбузарликнинг субъектив томони субъектнинг ғайриҳуқуқий ҳаракат ёки ҳаракатсизликка ва унинг оқибатларига руҳий муносабатидан иборат. У қасд ёки эҳтиётсизликка шаклида ифодаланиши мумкин.

Маъмурий ҳуқуқбузарлик таркиби мавжуд бўлгандагина уни содир этган шахс маъмурий жавобгарликка тортилиши мумкин.

Бундай юридик мезонлар жиноят ва маъмурий қонунларда белгиланган. Масалан, қонунда қандай ҳолларда давлат мулкани майда талон-тарож қилиш, маъмурий ҳуқуқбузарлик, қандай ҳолларда эса жиноят бўлиши кўрсатилган. Муайян жиноятларнинг субъекти деб 14 ёшга шахслар тан олинади, маъмурий ҳуқуқбузарлик субъектлари эса фақат 16 ёшга тўлган шахслар бўлиши мумкин; транспорт воситаларини бошқарувчи шахсларнинг жабрланувчининг енгил шикастланишига олиб келган йўлларда ҳаракатланиш қоидаларини бузиши-маъмурий ҳуқуқбузарлик деб, жабрланувчининг ўлимига ёки оғир шикастланишига олиб келган айни ўша ҳаракатлар эса – жиноят деб ҳисобланади.

Маъмурий жазо ва унинг турлари. Маъмурий жазо маъмурий ҳуқуқбузарлик учун жавобгарлик чораси бўлиб, қуйидаги мақсадларда қўлланилади:

- маъмурий ҳуқуқбузарликни содир этган шахсни қонунга риоя этиш ва ҳуқуқ-тартиботни ҳурмат қилиш руҳида тарбиялаш;

- унинг янги ҳуқуқбузарликлар содир этишининг олдини олиш;

Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 23-моддасида маъмурий жазонинг қуйидаги турлари белгилаб қўйилган:

- 1) жарима;

- 2) маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этиш қуроли ёки бевосита предмети бўлган нарсани пул эвазига олиб қўйиш;

- 3) маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этиш қуроли ёки бевосита предмети бўлган нарсани мусодара қилиш;

- 4) шахсни унга берилган махсус ҳуқуқдан (транспорт воситасини бошқариш ҳуқуқи, ов қилиш ҳуқуқидан) маҳрум этиш;

- 5) маъмурий қамок.

Маъмурий жазо фақат Ўзбекистон Республикаси қонунларида белгиланиши мумкин.

Жарима – маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этишда айбдор шахсга белгиланадиган ва давлат фойдасига олинадиган пул ундириш (МЖК 25-моддаси). У деярли барча маъмурий ҳуқуқбузарликлар учун назарда тутилган ва кенг тарқалган жазо чорасидир. Фуқароларга белгиланадиган жариманинг энг кўп миқдори Ўзбекистон Республикасининг қонунларида белгиланган энг кам иш ҳақининг 5 бараваридан, мансабдор шахсларга эса – 10 бараваридан ортиқ бўлиши мумкин эмас.

Ҳақини тўлаш шарти билан олиб қўйиш – маъмурий ҳуқуқбузарликни содир этиш қуроли ҳисобланган ёки бевосита шундай норса бўлган ашёни мажбурий тарзда тартиб олиб, уни кейинчалик сотиб юбориш ҳамда сотишдан тушган пулни ашёнинг

собиқ эгасига тортиб олинган ашёни сотиш харажатларини чегириб ташланган ҳолда топширишдан иборат (МЖК 26-моддаси).

Мусодара қилиш – маъмурий ҳуқуқбузарликни содир этиш курули ҳисобланган бевосита шундай нарса бўлган ашёни ҳақини тўламасдан мажбурий тарзда давлат мулкига ўтказишдан иборат (МЖДК 27-моддаси).

Махсус ҳуқуқдан маҳрум қилиш – муайян шахсни унга берилган махсус ҳуқуқдан (транспорт воситаларини бошқариш ҳуқуқдан, ов қилиш ҳуқуқидан) маҳрум қилиш чораси бўлиб, туман (шаҳар) суднинг маъмурий ишлар бўйича судьяси тимонидан (уч йилгача бўлган муддатга) қўлланилади. Асосий тирикчилик манбаи овчилик бўлган шахсларга нисбатан ов қилиш ҳуқуқидан маҳрум қилиш чораси қўлланилиши мумкин эмас (8-модда).

Маъмурий қамоқ камида-кам ҳолда маъмурий ҳуқуқбузарликнинг айрим турлари учун 3 суткадан 15 суткагача бўлган муддатга қўлланилади. Ушбу жазони туман (шаҳар) суди (судьяси) қўллайди. Маъмурий қамоқ ҳомиладор аёлларга, 3 ёшгача бўлган болалари бор аёлларга, 14 ёшгача бўлган болаларини якка ўзи тарбиялаётган шахсларга, 18 ёшга тўлмаган шахсларга, I ва II гуруҳ ногиронларига нисбатан қўлланилиши мумкин эмас.

Маъмурий жазо ҳақидаги иш бўйича чиқарилган қарор юзасидан юқори турувчи орган (юқори турувчи мансабдор шахс)га ёки судга шикоят қилиниши мумкин.

Маъмурий жазо- ҳуқуқбузарлик содир этилган кундан бошлаб, давом этаётган ҳуқуқбузарликлар учун эса – ҳуқуқбузарлик аниқланган кундан бошлаб, 2 ойдан кечиктирмай қўлланилиши мумкин (МЖК 36-модда).

Башарти маъмурий жазога тортилган шахс шу жазони ўташ муддати тугаган кундан бошлаб 1 йил мобайнида маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этмаган бўлса, мазкур шахс маъмурий жазога тортилмаган, деб ҳисобланади (МЖК 37-модда)

Маъмурий жазони қўллаш ҳуқуқигу бунинг учун ваколатли бўлган бир қатор органлар ва мансабдор шахслар эга. Уларнинг тўлиқ рўйхати маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексда берилган. Уларга туман (шаҳар) судининг маъмурий ишлар бўйича судьялари; хўжалик судининг судьялари; маъмурий комиссиялар; туман (шаҳар) вояга етмаганлар шлари билан шуғулланувчи комиссиялар; ички ишлар органлари ва бошқа давлат инспекцияси органлари (мансабдор шахслари), солиқ, божхона, давлат санитария назоарати органлари киради.

конунда назарда тутилган айрим махсус ҳолларда, масалан, майда безорилик, оз миқдорда талон-тарож қилиш ва бошқалар учун маъмурий жазо қўллаш фуқароларга ҳақоратомуз шилқимлик қилиш ҳамда тартибини ва фуқароларнинг осойишталигини бузувчи шу каби бошқа хатти-ҳаракатларда ифодаланган ҳақининг 3 бараваридан 5 бараваригача миқдорда жарима солишга ёки 25 суткагача муддатга маъмурий қамоққа олишга сабаб бўлади (МЖК 183-модда). Майда безориликка доир ишлар одатда суд тартибида, вояга етмаганларга нисбатан эса маҳаллий ижроия органлари қошида вояга етмаганлар (16 ёшдан 18 ёшгача бўлганлар) ишлари билан шуғулланувчи комиссияларда кўриб чиқилади.

Ўзгалар мулкини талон-тарож қилиш, ушбу талон-тарож қилинган нарса қиймати белгиланган энг кам иш ҳақининг беш бараваридан ошмаса, оз миқдорда талон-тарож қилиш ҳисобланади. Мулкчилик шаклидан қатъий назар, корхона, муассаса, ташкилотларнинг мулкини ўғирлаш, ўзлаштириш, растрата қилиш, мансаб лавозимини суиистеъмол қилиш ёки фирибгарлик йўли билан оз миқдорида талон-тарож қилиш энг кам иш ҳақининг 1 бараваридан 3 бараваригача миқдорида жарима солишга сабаб бўлади (МЖК 61-модда).

Маъмурий қонунчилик. Маъмурий қонунчиликни ўрганиш чоғида маъмурий ҳуқуқбузарликларни тартибга солувчи асосий нормативҳужжат Ўзбекистон Республикасининг 1995 йил 1 апрелда кучга кирган Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси эканлигини ёдда тутиш зарур. Ҳозирги вақтда ушбу кодекс деярли ҳар йили унга киритилаётган қўшимча ва ўзгартишлар туфайли анча ўзгарди.

Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг умумий қоидаларида маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этган шахс ҳуқуқбузарлик содир этилган вақт ва жойда амал қиладиган қонунлар асосида жавобгарликка тортилиши белгилаб қўйилган.

Маъмурий ҳуқуқбузарлик учун жавобгарликни юмшатовчи ёки бекор қилувчи ҳужжатлар орқага қайтиш кучига эга, яъни улар ушбу ҳужжатлар чиққунча содир этилган ҳуқуқбузарликларга ҳам тааллуқлидир. Маъмурий ҳуқуқбузарликлар учун жавобгарлик белгилайдиган ва уни кучайтирадиган ҳужжатлар эса орқали қайтиш кучига эга эмас.

«Маъмурий ҳуқуқбузарлик» тушунчаси нимани англатишни аниқ билиш муҳим. «Маъмурий ҳуқуқбузарлик» деганда, қонун ҳужжатларига биноан маъмурий жавобгарликка тортиш назарда тутилган, шахсга, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларига, иулкчиликка, давлат ва жамоат тартибига тажовуз қилувчи, ғайриҳуқуқий, айбли (қасддан ёки эҳтиётсизлик орқасида) содир этилган ҳаракат ёки ҳаракатсизлик тушунилади.

Мазкур кодексда назарда тутилган ҳуқуқбузарлик учун маъмурий жавобгарлик ушбу ҳуқуқбузарликлар ўз табиатига кўра, амалдаги қонунларга мувофиқ жиноий жавобгарликка сабаб бўлмаган тақдирда юзага келади.

Агар маъмурий ҳуқуқбузарликни содир этган шахс ўз ҳаракати ёки ҳаракатсизлигининг қонунга ҳилов эканлигини билган, унинг зарарли оқибатларига илгаридан кўзи етган ва уларни онги равишда истаган, ушбу оқибатларнинг юзага келиши эҳтимоллигини билган бўлса, бундай маъмурий ҳуқуқбузарлик қасддан содир этилган ҳуқуқбузарлик деб эътироф этилади.

Маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этган шахс ўз ҳаракати ёки ҳаракатсизлиги натижасида зарарли оқибатлар юз бериши мумкинлигига илгаридан кўзи етган, аммо енгилтаклик билан уларнинг олдини оламан, деб умид қилган ёхуд бундай оқибатлар бўлиши мумкинлигига кўзи етиши керак бўлгани ҳолда илгаридан кўзи етмаган бўлса, бундай маъмурий ҳуқуқбузарлик эҳтиётсизлик орқасида содир этилган, деб ҳисобланади.

Маъмурий жавобгарликка маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этилган пайтда 16 ёшга тўлган шахслар тортиладилар.

Таълим олувчилар айниқса вояга етмаганларнинг жавобгарлигини ўрганишлари керак.

Мансабдор шахсларнинг жавобгарлиги бошқарув тартибини, давлат ва жамоат тартибини, табиатни, аҳолининг соғлигини ва бажарилишини таъминлаш ўзларининг хизмат бурчларига кирадиган бошқа қоидаларни амалга ошириш соҳасида белгиланган нормаларга риоя этмаслик билан боғлиқ ҳуқуқбузарликлар содир этилганда юзага келади.

қонунга ҳилов ҳаракат ёки ҳаракатсизлик содир этилган вақтда муомалага лаётсиз ҳолатда бўлган, яъни ўз ҳаракатлари учун жавоб Бера олмайдиган ёки сурункали руҳий касаллик, руҳий фаолиятининг вақтинчалик ишдан чиқиши, акЛий ожизлик ёхуд бошқа касаллик оқибатида ўз ҳаракатларини идора қила олмайдиган шахс маъмурий жавобгарликка тортилиши мумкин эмас.

Маъмурий жазо чораларининг моҳиятини ўрганиш ва уларнинг турларини билиш зарур. Улар қуйидагилардан иборат:

- 1) жарима;

2) маъмурий ҳуқуқбузарликни содир этиш ёки бевосита шундай нарса бўлган ашёни ҳақини тўлаш шарти билан олиб қўйиш;

3) маъмурий ҳуқуқбузарликни содир этиш қуроли ёки бевосита шундай нарса бўлган ашёни мусодара этиш;

4) муайян шахсни унга берилган махсус ҳуқуқдан (транспорт воситани бошқариш, ов қилиш ҳуқуқидан) маҳрум этиш;

5) маъмурий қамоққа олиш.

Маъмурий жазога тортиш хусусиятлари, жазога тортишнинг умумий қоидалари, маъмурий ҳуқуқбузарлик учун жавобгарликни оғирлаштирувчи ҳолатлар, жазо муддатларини ҳисоблаш, жазога тортиш муддатлари, шахс давр ўтганидан сўнг маъмурий жазо тортилмаган деб ҳисобланадиган муддат, етказилган зарарни қоплаш мажбуриятини юклаш кабиларни тушаниб олиш муҳим.

Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг турли хил маъмурий ҳуқуқбузарликлар тавсифи берилган махсус қисмининг мазмуни билан баитафсил танишган маъқул. Уларга қуйидагилар киради:

1) фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларига тажовуз қиладиган маъмурий ҳуқуқбузарликлар;

2) аҳоли соғлиғини сақлаш соҳасидаги маъмурий ҳуқуқбузарликлар;

3) мулкка тажовуз қилувчи маъмурий ҳуқуқбузарликлар;

4) табиий муҳитни муҳофаза қилиш ва табиатдан фойдаланиш соҳасидаги маъмурий ҳуқуқбузарликлар;

5) саноатдаги, қурилишдаги ва иссиқлик ҳамда электр энергиясидан фойдаланиш соҳасидаги маъмурий ҳуқуқбузарликлар;

6) қишлоқ хўжалигида маъмурий ҳуқуқбузарликлар, ветеринария, санитария қоидаларини бузиш;

7) транспортдаги, йўл хўжалиги ва алоқа соҳаларидаги ИИ ҳуқуқбузарликлар;

8) фуқароларнинг турар жой ҳуқуқларига тааллуқли, коммунал хизмат ва ободонлаштириш соҳасидаги маъмурий ҳуқуқбузарликлар;

9) савдо, тадбиркорлик ва молия соҳалардаги маъмурий ҳуқуқбузарликлар;

10) одил судловга тажовуз қилувчи маъмурий ҳуқуқбузарликлар;

11) жамоат тартибига тажовуз қилувчи маъмурий ҳуқуқбузарликлар;

12) бошқарувнинг белгиланган тартибига тажовуз қилувчи ҳуқуқбузарликлар.

Маъмурий ҳуқуқбузарликларга доир ишларни кўриб чиқишга ваколатли бўлган органларни билаш лозим.

Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни қуйидаги органлар (мансабдор шахслар) кўриб чиқади:

1) туман (шаҳар) судининг маъмурий ишлар бўйича судьяси, хўжалик судлари;

2) шаҳарча, қишлоқ ва овул фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари қошида маъмурий комиссиялар;

3) вояга етмаганлар ишлари билан шуғулланувчи туман (шаҳар) комиссиялари;

ички ишлар (милиция) органлари (мансабдор шахслари), двлаат инспекцияси органлари (мансабдор шахслари).

4-мавзу. Фуқаролик ҳуқуқи асослари

1-§. Фуқаролик ҳуқуқи тушунчаси ва манъбалари

Фуқаролик ҳуқуқи Ўзбекистон Республикаси фуқаролари, юридик шахслари иштирокидаги мулкӣ ва шахсий номулкӣ ҳамда товар-пул муносабатларини тартибга солиб турувчи нормалар йиғиндисидан иборат алоҳида ҳуқуқ соҳаси бўлиб, уларнинг юридик тенглиги, мулкӣ мустақиллиги ҳамда ирода эркинлигига таянади.

Фуқаролик ҳуқуқи мулкчилик муносабатларини, иқтисодий фаолият иштирокчиларининг шартномавий алоқаларини (олди-сотди, пудрат, суғурта ва ҳ.к.), шунингдек, етказилган зарарни қоплаш билан боғлиқ интеллектуал мулк, меросга оид муносабатларни тартибга солади.

Ҳуқуқнинг ҳар қандай соҳаси каби, фуқаролик ҳуқуқининг энг муҳим нормалари Ўзбекистоннинг Конституциясида ўз ифодасини топган. Чунончи, ҳар бир давлатда иқтисодий муносабатлар негизини моддий неъматларга эгалик ҳуқуқи ташкил этади.

Ўзбекистон Конституциясида тадбиркорлик ҳамда қонун томонидан тақиқланмаган бошқа турдаги иқтисодий фаолият билан шуғулланиш, давлат ҳокимияти органлари ёки мансабдор шахсларнинг ноқонуний ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) туфайли етказилган зарарнинг давлат томонидан қопланишини талаб этиш ҳуқуқи каби қоидалар мустаҳкамланган.

Фуқаролик ҳуқуқи бир қанча ҳуқуқий институтлар (мулк ҳуқуқи, мажбурият ҳуқуқи, шахсий номулкӣ ҳуқуқлар, ижод фаолияти натижаларига бўлган ҳуқуқ, мерос ҳуқуқи)дан иборат тизимни акс эттиради.

Фуқаролик ҳуқуқи билан тартибга солинадиган муносабатлар унинг предметини ташкил этади.

Фуқаролик ҳуқуқининг методи фуқаролик ҳуқуқий муносабатларда қатнашувчи тарафларнинг тенглиги, ушбу ҳуқуқ соҳасидаги нормаларнинг қўпчилиги диспозитив эканлиги (иштирокчилар учун ҳулқ-атвор турини танлашнинг мумкинлиги) низоларни суда, ҳўжалик судида ҳал этиш орқали тавсифланади.

Фуқаролик ҳуқуқининг манбалари, уларнинг аҳамияти (юридик кучи)га қараб, қуйидаги турларга бўлинади:

1) Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси ва бошқа қонунлар;

2) қонун ости ҳужжатлар – Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, Ўзбекистон Республикаси ҳукуматининг қарорлари, вазирлик ва ташкилотларнинг буйруқ ва йўриқномалари;

3) иш муомаласи одатлари, маҳаллий одат ва анъаналар.

Шундай бўлса-да, «фуқаролик ҳуқуқи манбалари» тушунчаси «фуқаролик қонунлари» тушунчасидан кенгрокдир, зеро фуқаролик ҳуқуқига оид муносабатлар нафақат қонунлар, балки қонун ости ҳужжатлари (масалан, Президент фармонлари, ҳукумат қарорлари, идоравий ҳужжатлар ва бошқалар) билан ҳам тартибга солинади.

Фуқаролик ҳуқуқига оид муносабатларни тартига солувчи қоидалар сирасига иш муомаласи анъаналари киради. Улар ишбилармонлик фаолиятининг бирор-бир соҳасида таркиб топган ҳамда кенг қўлланиладиган бўлиб, бироқ қонунда назарда тутилмаган. Улар мазкур муносабатлар иштирокчилари учун мажбурий бўлган қонун-қоидалар ҳамда шартномага зид бўлмаслиги керак.

Фуқаролик ҳуқуқининг энг муҳим ҳужжати Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси (бундан буён-ФК) ҳисобланади.

Амалдаги Фуқаролик кодекси иккита (умумий ва махсус) қисмдан иборат.

ФКнинг биринчи (умумий) қисмида фуқаролик ҳуқуқи билан тартибга солинадиган ҳамда бошқа турдаги муносабатлар доирасида алоҳида аҳамиятга эга бўлган асосий қоидалар ўз аксини топган. Уларда фуқаролик қонунларининг асосий тушунча ва принциплари: фуқаролик ҳуқуқларини ҳимоялаш усуллари; фуқаролик ҳуқуқи объектлари; фуқаролик муомаласи иштирокчиларининг ҳуқуқий ҳолати; мулкчилик ҳуқуқи ҳамда бошқа мулквий ҳуқуқларнинг юзага келиш асослари ҳамда уларни амалга ошириш тартиблари; шартнома асосидаги ҳамда бошқа турдаги мажбуриятларнинг асосий қоидалари белгиланган.

Кодекснинг иккинчи (махсус) қисми муайян турдаги шартномалар ҳамда шартномадан ташқари мажбуриятлар: олди-сотди, ижара, пудрат, юк ташиш, қарз ва кредит, зарар етказишдан келиб чиқадиган мажбуриятлар, муаллифлик, ихтирочилик ҳамда бошқа алоҳида ҳуқуқлар, ворислик ҳуқуқи ва ҳалқаро хусусий ҳуқуқ нормаларини ўз ичига олади.

Фуқаролик ҳуқуқига оид муносабатлар, шунингдек, алоҳида қонунлар билан билан ҳам тартибга солинади. Масалан, «Ўзбекистон Республикасида мулкчилик тўғрисида»ги, «Товар бозорларида монополистик фаолиятни чеклаш ва рақобат тўғрисида»ги, «Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги, «Ўзбекистон Республикасида корхоналар тўғрисида»ги, «Гаров тўғрисида»ги, «Аудиторлик фаолияти тўғрисида», «Муаллифлик ҳуқуқ ва турдош ҳуқуқлар тўғрисида»ги, «Лизинг тўғрисида»ги, «Нодавлат нотижорат ташкилотлари тўғрисида»ги ва бошқа қонунлар.

2-§. Фуқаровий ҳуқуқий муносабатлар иштирокчилари

Фуқаровий-ҳуқуқий муносабатларнинг иштирокчилари. Фуқаролар – фуқаролик ҳуқуқи муносабатларининг субъектлари. Фуқаролик ҳуқуқи мулквий ҳамда унга чамбарчас боғлиқ булган шахсий номулкий муносабатларни тартибга солади. Мазкур муносабатларнинг иштирокчилари (субъектлари)дан бири фуқаро (жисмоний шахс) ҳисобланади.

Фуқароларнинг фуқаролик ҳуқуқига оид муносабатларда иштирок этишининг энг дастлабки шарти уларнинг ҳуқуқий лаёқати, яъни фуқаролик ҳуқуқи ҳамда мажбуриятларига эга бўлиш қобилияти ҳисобланади.

Ҳуқуқий лаёқат инсон тугилиши биланок вужудга келади, бироқ, баъзи ҳолларда қонун ҳали тугилмаган инсон ҳуқуқларини ҳам ҳимоялайди. Масалан, ФКга биноан, жабрланувчининг улими муносабати билан зарарнинг қопланишини талаб қилиш ҳуқуқига жабрланувчининг ўлиmidан сўнг туғилган фарзанди эга бўлиши мумкин.

Фуқаролик ҳуқуқий лаёқати шахснинг уўлими билан тугатилади. Шу билан бирга, шахсдан узоқ муддат давомида хабар олинмаган ҳамда унинг тириклиги ҳақида ҳеч қандай маълумотлар бўлмаган ҳашарда мазкур турдаги ноаниқликларни бартараф қилиш мақсадида қонунда назарда тутилган **шартлар** асосида шахс бедарак йуқолган ёки вафот этган деб эълон қилиниши мумкин. Шахсни вафот этган деб эълон қилиш унинг ҳуқуқий лаёқати тугатилишига олиб келади.

Фуқаро ўз номидан ҳуқуқ ва мажбуриятларни бажаради, ўзганинг номидан ҳуқуқ ва мажбуриятларни бажаришга йўл қўйилмайди.

Фуқаролик қонунларига биноан, фуқаро эғалик қилиши мумкин булган ҳуқуқ ва мажбуриятлар мажмуи фуқаролик ҳуқуқий лаёқатини ташкил этади.

Фуқаролар яшаш жойини танлаш ҳуқуқига эгадирлар. Балогат ёшига етмаган, 14 ёшга тулмаган шахсларнинг турар жойи ота-оналари ёки қонуний вакилларининг яшаш жойлари ҳисобланади.

Фуқаролар мулк ҳукуки асосида мол-мулкка эгалик қилиш, уни мерос сифатида олиш ёки мерос қилиб қолдириш, ишбилармонлик ҳамда қонунда тақиқланмаган бошқа турдаги фаолият билан шугулланиш; мажбуриятларда иштирок этиш; юридик шахсларни вужудга келтириш; фан, адабиёт ва санъат асарлари, тадқиқотлар муаллифлари ҳамда қонун билан муҳофаза қилинадиган интеллектуал фаолият натижаларидан фойдаланиш; мулкӣ ҳамда шахсий номулкӣ эга бўлишга ҳақлидирлар.

ФКда фуқароларнинг фуқаролик ҳукукӣ лаёқати мазмунини ташкил ҳукукларининг рўйхати келтирилган бўлиб, у ҳали ниҳоясига етказилмаган. Шу билан бирга, фуқароларнинг фуқаролик муомаласи иштирокчиларига зарар етказган ҳолда ўз ҳукукларини суистеъмол қилишларига йўл қўйилмайди.

қонунда назарда тутилган ҳоллардан ташқари, ҳеч кимнинг ҳукукӣ лаёқатини чеклашга йўл қўйилмайди. Шахс фуқаролик ҳукукӣ лаёқатидан тўлалигича маҳрум қилиниши мумкин эмас.

Фуқаролик ҳукуқининг субъектлари ҳукукӣ лаёқатдан ташқари муомала лаёқатига ҳам эгадирлар. Муомала лаёқати деганда, фуқароларнинг ўз ҳаракатлари билан фуқаролик ҳукукларига эга бўлиш ва уларни амалга ошириш ҳукуки, ўзига фуқаролик мажбуриятларини олиш ҳамда уларни бажариш қобилияти тушунилади. Муомала лаёқати ана шуниси билан ҳукукӣ лаёқатдан ажралиб туриши. Чунончи унга кўра, фуқаролар ўз ҳукуқ ва мажбуриятларига бошқа шахслар. масалан ота-оналари орқали эга бўладилар.

Бундан ташқари, фуқаролик муомала лаёқати нафақат қонунӣ хатти-ҳаракатлар қилиш қобилиятини, балки улар учун жавобгарликка тортилиш шарти (деликт қобилияти)ни ҳам вужудга келтиради. Шу боис муомала лаёқати шахснинг ёши ҳамда руҳӣ ҳолатига боғлиқ, булади,

Умумий қоидага кўра. Фуқаролик муомала лаёқати тўлалигича 18 ёшдан бошлаб юзага келади. Шунингдек, 18 ёшгача турмуш кўрган шахслар ҳам тўлиқ равишда муомалага лаёқатли деб ҳисобланади. Бу баъзи ҳолларда турмуш қуриш ёшининг пасайтирилишидан келиб чиқади.

ФКга вояга етмаганларнинг эмансипацияси¹, яъни уларни тўлалигича муомалага лаёқатли деб ҳисоблаш туфисидаги норма ҳам киритилган. Бу қуйидаги шартлар бўлган тақдирда амалга оширилиши мумкин:

1)шахснинг 16 ёшга тўлганлиги;

2)иккала ота-она ёки қонунӣ вакилларнинг розилиги бўлган тақдирда, башарти вояга етмаган шахс меҳнат шартномаси ёки ишбилармонлик фаолияти билан шугулланаётган бўлса.

Мазкур қарорни **васийлик** на хомийлик органи, **ота-она** ва қонунӣ вакиллар норози бўлган тақдирда суд қабул қилиши мумкин.

Бошқа ҳолларда вояга етмаганлар қисман муомалага лаёқатли деб топилади. Улар ўз хатти-ҳаракатлари билан ҳар қандай эмас, балки баъзи ҳукуқ ва мажбуриятларга эга бўлиш ҳукуқига эгадирлар, яъни уларнинг муомала лаёқати тўлиқ эмас.

Вояга етмаган шахслар етказган зарар учун уларнинг ота-оналари ёки хомийлари ёҳуд уларни **назорат** қилувчи ўқув, тарбия ёки даволаш муассасалар жавобгар бўладилар.

14 ёшдан 18 ёшгача бўлган вояга етмаганлар деликт қобилиятига эга буладилар, яъни улар мустақил равишда ҳамда ота-оналарининг розилиги билан тузган барча битимлар ҳамда етказилган зарар бўйича мустақил мулкӣ жавобгарликка тортиладилар. Вояга етмаган шахслар ойлик маош ёки бошқа турдаги мустақил даромадга эга бўлмаган тақдирда ота-оналар ҳамда қонунӣ вакиллар орқали тўлиқ ёки қисман жавобгар бўладилар.

қонунда назарда тутилган муайян шартларнинг бўлганлиги боис, тўлиқ ҳамда қисман муомала лаёқатига эга бўлган шахслар муомала лаёқати юзасидан чекланишлари мумкин. Фуқаронинг муомалага лаёқатли ёки лаёқатсизлиги ҳақидаги тегишли қарорни фақат суд, ўшанда ҳам унинг оила аъзолари, васийлик ҳамда ҳомийлик органлари, прокурор ҳамда рухий касалликлар шифохонасининг аризаси асосида чиқариши мумкин. Муомалага лаёқатсиз шахсга васий ва ҳомий тайинланади. Шахс соғайган ҳолларда суд уни муомалага лаёқатли деб топади ҳамда тайинланган васийлик ёки ҳомийликни бекор қилади.

Бундан ташқари, тўлиқ муомала лаёқатига эга бўлмаган фуқаролар тоифаси ҳам мавжуд. Бундай шахслар рухий ҳолати натижасида ўз ҳаракатларининг аҳамиятини англаб етмайдилар. Уларни суд муомалага лаёқатсиз деб топади.

Фуқароларнинг тадбиркорлик фаолиятидаги иштироки. Тадбиркорлик фаолияти фуқаролар ҳамда бирлашмаларнинг даромад олишга йўналтирилган ташаббускор мустақил фаолияти ҳисобланади.

Фуқаро шахсий тадбиркор сифатида рўйхатдан ўтган вақтдан бошлаб, тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқига эга бўлади.

Тадбиркорлик фаолияти бўйича тақдим этилган ҳужжатлар улардаги маълумотлар таркибининг қонун талабларига номувофиқлиги сабабли рўйхатдан ўтказилмаслиги мумкин. Мазкур ҳолат бўйича ҳўжалик судига шикоят билан мурожаат этишга йўл қўйилади. Шунинг назарда тутиш керакки, алоҳида турдаги фаолият билан шахсий тадбиркорлар махсус рухсатнома — лицензия асосида шуғулланишлари мумкин.

Тадбиркорлик фаолияти тадбиркорлардан фуқаролик ҳуқуқига оид турли билимларни мустақил равишда тузишни назарда тутганлиги ҳамда тадбиркорнинг ўзи ва учинчи шахслардан (яъни бошқалардан) таваккалчиликни талаб этганлиги боис, тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланаётган шахс, шубҳасиз, фуқаролик муомала лаёқатига эга бўлиши шарт.

Юридик шахслар. Фуқаролик ҳуқуқига оид муносабатларнинг иштирокчилари қаторига нафақат алоҳида фуқаролар (жисмоний шахслар), балки юридик шахслар, яъни ташкилот ва муассасалар ҳам киради.

Юридик шахслар турлича бўлади. Улар Фуқаролик кодексининг биринчи қисмида санаб ўтилган қонун юридик шахсларни қуйидагача таърифлайди: «Ўз мулкида, ҳўжалик юритишида ёки оператив бошқарувида алоҳида мол-мулкка эга бўлган ҳамда ўз мажбуриятлари юзасидан ушбу мол-мулк билан жавоб берадиган, ўз номидан мулкий ёки шахсий номулкий ҳуқуқларга эга бўла оладиган ва уларни амалга ошира оладиган, мажбуриятларни бажара оладиган, судда даъвогар ва жавобгар бўла оладиган ташкилот юридик шахс ҳисобланади». Юридик шахслар мустақил баланс ва сметага эга бўлиши керак. Юридик шахсларнинг ҳуқуқ, ва муомала лаёқати, улар рўйхатга олинган (ташкил этилган) вақтдан бошланади ҳамда у тугатилган вақтда нихриясига етади. Аксинча, фуқаронинг ҳуқуқ, лаёқати эса, у туғилган вақтдан бошланади ва унинг вафоти билан тугатилади, муомала лаёқати эса, тўлалигича шахс вояга етгандан бошланади ҳамда унинг вафоти туфайли тугатилади.

Юридик шахс (шунингдек, жисмоний шахс ҳам) қонунда белгиланган муайян турдаги фаолият билан фақат лицензия асосида шуғулланиши мумкин.

Юридик шахснинг муомала лаёқати унинг ўз бошқарув органлари (директор, бошлиқ, раис, президент, кенгаш, бошқарув, умумий мажлис) орқали фуқаролик мажбуриятларини олиши билан белгиланади. Мазкур органларнинг ҳаракатлари юридик шахснинг ҳаракатлари сифатида тан олинади, зеро улар фуқаролик муомаласида тўлалигича юридик шахс манфаатларини ифодалайди.

Юридик шахс таркибида алоҳида ваколатхона ва филиаллар ташкил этилиши мумкин, бироқ, улар мустақил юридик шахс ҳисобланмайди. Уларнинг раҳбарлари юридик шахс томонидан тайинланади ҳамда унинг ишончномаси асосида фаолият

курсатади. Ваколатхона ва филиаллар уларни ташкил этган юридик шахснинг таъсис ҳужжатларида акс эттирилиши керак.

Юридик шахснинг манзили давлат рўйхатига олинган жой ҳисобланади. Давлат рўйхати кўрсаткичлари, шунингдек, фирманинг номи ягона давлат реестрига киритилади.

Юридик шахсни давлат рўйхатига олиш нафақат унда ҳуқуқ, ва муомала лаёқатининг юзага келиши, балки унинг фаолияти устидан молиявий (солиққа оид) назоратни таъминлаш учун ҳам зарурдир.

Юридик шахсни ташкил этиш буйича қонунда белгиланган тартиб бузилганда ёки унинг таъсис ҳужжатлари қонунга номувофиқлиги сабабли, юридик шахсни давлат рўйхатидан ўтказиш рад этилиши мумкин. Юридик шахсни ташкил этиш мақсадга номувофиқлиги сабабли уни рўйхатдан ўтказмасликка йўл қўйилмайди.

Юридик шахс фаолиятини тугатиш уни қайта ташкил этиш (корхоналарни ажратиш ҳамда улар асосида бир неча юридик шахсни ташкил этиш, бир неча юридик шахснинг қўшилиши) ёхуд узил-кесил тугатиш орқали амалга оширилади. қонунда юридик шахсларни тугатишнинг алоҳида тартиби назарда тутилган. Юридик шахсларни ўзгартириш ва тугатиш ихтиёрий ёки мажбурий тарзда (суд қарорига кўра) амалга оширилади.

ФҚда юридик шахсларнинг иккита катта гуруҳи ажратилади:

1) тижоратчи ташкилот — фойда олишни ўз фаолиятининг асосий мақсади қилиб олган ташкилотлар, масалан, хўжалик ширкатлари ва жамоалари, ишлаб чиқариш кооперативлари, акционерлик жамиятлари, унитар корхоналар ва бошқалар;

2) тижоратчи ташкилот булмаган юридик шахслар — фойда олишни мақсад қилиб олмаган ташкилотлар, масалан, жамоат бирлашмалари. ижтимоий фондлар ва мулкдор молиявий таъминлаб гурадиган муассаса шаклидаги, шунингдек, қонунларда назарда тутилган бошқа шакллардаги корхоналар ва ташкилотлар.

Тижоратчи булмаган ташкилот Ўзининг уставида белгиланган мақсадларга мос келадиган доираларда тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиши мумкин.

3-§. Мулк ҳуқуқи

Мулк ҳуқуқи айрим шахслар ёки жамоага тегишли моддий бойликларни, шунингдек, мулкчиликка оид иқтисодий муносабатларни қўриқлаш ва тартибга солишга қаратилган ҳуқуқий нормалар йиғиндисидир. Мулк ҳуқуқи мол-мулкка эгалик қилиш, ундан фойдаланиш ва уни тасарруф этиш каби субъектив ҳуқуқлардан иборат.

Фуқаролик кодексига биноан, мулк ҳуқуқининг субъектлари фуқаролар ва юридик шахслар ҳисобланади (мазкур субъектларнинг мулк ҳуқуқига хусусий мулкчиликнинг иқтисодий тоифаси киради).

Мулкка нисбатан мулк ҳуқуқи ва бошқа ашёвий ҳуқуқларни фарқлаш (ажратиш) мақсадга мувофиқдир. Бошқа ашёвий ҳуқуқларга, масалан, мулкка нисбатан хўжалик юритиш ҳуқуқи ёки мулкка нисбатан оператив бошқариш ҳуқуқи тааллуқли.

Давлат ва муниципал мулкига давлат ва маҳаллий органларнинг мол-мулки (шаҳар, вилоят ва х.к.), корхона ва ташкилотларнинг мулки киради. Мазкур ташкилотлар уларга бириктирилган мулкка кўра мулк ҳуқуқига эга бўлмайди, аксинча, хўжалик юритиш ёки оператив бошқариш ҳуқуқига эга бўлиб, уларнинг мазмуни мулк ҳуқуқига яқиндир.

Мулкдор қонунга риоя қилган ҳамда бошқа шахсларнинг қонун билан муҳофаза қилинадиган ҳуқуқ, ва манфаатларини бузмаган ҳолда ўз хоҳишига кўра ўз мулкини бошқариш, ундан фойдаланиш ва уни тасарруф этиш билан боғалик ваколатларни амалга ошириши мумкин.

Барча субъектлар мулкка булган ҳуқуқининг мазмуни одатда бир хилдир. Чеклашлар фақат қонун билан белгиланади. Чунончи, қонунда фақат давлат мулки ва муниципал мулкка кирадиган мол-мулк турлари белгиланади.

Шуни назарда тутиш керакки, мулкдор нафақат ҳуқуқларга, балки мажбуриятларга ҳам эга. Чунончи, улар қуйидагилардан иборат:

- 1) ўзига тегишли мол-мулкни сақлаш (мол-мулкни сақлаш мажбурияти);
- 2) солиқларни тулаш;
- 3) мол-мулкнинг беҳосдан нобуд булиши ёки зиён етказилиши бўйича бутун масъулиятни бўйнига олиш (зарарли оқибатлар).

Мулк ҳуқуқи бузилган ҳолларда фуқаролик қонуни барча субъектлар учун бир хил ҳимояланиш чораларини назарда тутди. Ҳимояланиш чоралари турли-туман бўлиб, мулкдорнинг қайси турдаги ҳуқуқий ваколатлари (мол-мулкка эга бўлиш, ундан фойдаланиш, уни тасарруф этиш ҳуқуқлари)" бузилганлигидан келиб чиқади. Масалан, башарти буюм қонунга ҳилоф равишда кимгадир ўтиб **қолган** бўлса, у қонуний тарзда буюмни бошқа шахсдан талаб қилиб олиши мумкин (виндикацион даъво); башарти нобуд булган ёки зиён етказилган булса, айбдор шахсга унинг нарҳини ёки уни таъмирлаш харажатларини қоплаш мажбурияти юклатилади.

Мулкдор унинг ҳуқуқларини бузиш билан боғлиқ ҳар қандай камчиликларни, агар улар эғалик ҳуқуқидан махҳрум этиш билан боғлиқ бўлмаса (негатор даъво), бартараф этишни талаб қилиши мумкин.

4-§. Мажбурият ҳуқуқи

Мажбурият тушунчаси. Мазкур ҳуқуқий муносабатларнинг моҳияти муайян шахсларни мулккий мақсадни кўзлайдиган ва шу сабабдан шахсни бошқа шахснинг фойдасига муайян ҳаракатни амалга оширишга ёки маълум ҳаракатдан ўзини тийишга мажбур этишдан иборат (масалан, мол-мулкни бериш, пул тўлаш, ишни бажариш ва ҳ.к.). Бунда бошқа шахс қарздордан ўз мажбуриятини бажаришни талаб этиш ҳуқуқига эга, деган ҳулоса чиқади.

Мажбурият иштирокчилари (томонлар): қарздор — бошқа шахс фойдасига муайян ҳаракатлар (масалан, пул тўлаш, ишни бажариш кабилар)ни амалга оширишга мажбур бўлган тараф; кредитор — юқорида келтирилган хатти-ҳаракатларни бажаришни талаб этиш ҳуқуқига эга бўлган тараф.

Мажбуриятда тарафларнинг ҳар бири айна вақтнинг ўзида ҳам кредитор, ҳам қарздор бўлиши мумкин (масалан, фуқаронинг буюртмасига кўра уй-жой қуриш), бироқ, шундай мажбуриятлар борки, бунда бир тараф доим кредитор, иккинчиси эса қарздор бўлиб, уларнинг ўринлари ҳеч қачон алмашмайди (масалан, бирор-бир шахс бошқасига қарзга пул берган ҳолларда).

Мажбуриятнинг предметини мажбурият эгаси бўлган шахс (қарздор)нинг қарзни тўлаш билан боғлиқ муайян ҳаракатлари ташкил қилади. Мажбуриятлар турли асосларда юзага келади:

1) иштирокчилар орасида тузилган шартномалар (ижара шартномаси, пудрат шартномаси) — энг кўп учрайдиган асос;

2) амалдаги қонунда назарда тутилган ҳамда назарда тутилмаган, бироқ унинг мазмуни ҳамда умумий қоидаларига зид бўлмаган бир тарафлама келишувлар орқали;

3) маъмурий ҳужжат — давлат бошқаруви органларининг индивидуал (норматив) ҳужжати (масалан, фуқарога давлат ёки муниципал уй-жой бериш шаклда маҳаллий

маъмурият қарорини ордер билан расмийлаштириш) орқали;

4) интеллектуал ижоднинг турли объектларини, масалан, санъат асарлари ва ишлаб чиқариш намуналарини яратиш ёки улардан фойдаланиш вақтида;

5) инсонлар хоҳиш-иродасига боғлиқ бўлмаган юридик хатти-ҳаракат натижасида (ҳазина, топилма ва ҳ.к.) ёки фавқулодда ҳодиса (ёнғин, табиий офат ва мажбуриятлар қуйидаги асослар бўйича ҳам вужудга келиши мумкин: шартномалар (олди-сотди, айирбошлаш, ҳадя, ташиш, пудрат ва бошқалар), бир тарафлама битимлар (мукофотни ошқора ваъда қилиш), маъмурий ҳужжатлар (бинони ижарага бериш учун ордер бериш), зарар етказиш, асоссиз бойлик орттириш, юридик ва жисмоний шахсларнинг бошқа ҳаракатлари, ҳодисалар (табиий офатлар).

Фуқаролик ҳуқуқига оид шартнома. Икки ёки ундан ортиқ шахс (фуқаролар ёки юридик шахслар)нинг фуқаролик ҳуқуқ ва мажбуриятларини белгилаш, ўзгартириш ёки бекор қилиш, яъни мол-мулкни қайтариб бериш, ишларни бажариш ва хизматлар кўрсатиш бўйича келишув шартнома деб ҳисобланади.

«Шартнома» тушунчаси билан бирга, «битим» тушунчаси ҳам қўлланилади. Фуқаро ва юридик шахсларнинг фуқаролик ҳуқуқ ва мажбуриятларини белгилаш, ўзгартириш ёки тугатишга қаратилган хатти-ҳаракатлари битим дейилади. Битимлар икки тарафлама ёки кўп тарафлама (шартнома), шунингдек, бир тарафлама бўлиши мумкин (масалан, васият). Шундай қилиб, «битим» «шартнома»га қараганда кенгроқ тушунча бўлиб, шартнома битимнинг бир туридир.

Тарафлар қонун ёки бошқа ҳуқуқий ҳужжатларда назарда тутилган ҳамда назарда тутилмаган ҳолатларга кўра шартнома тузишлари мумкин. Бироқ бунда асосий шартга риоя қилиниши керак: шартнома фуқаролик қонунларининг асосий қоидаларига зид бўлмаслиги лозим.

Шартнома тарафлар ўртасида тўлиқ ва аниқ муносабатларни тайинлаш, ҳар бир тарафнинг манфаатларини ҳисобга олишга имкон берувчи муҳим юридик воситадир. Шартнома фуқаролар ишгиросидаги муносабатларда, айниқса, уларнинг тадбиркорлик фаолияти соҳасида кенг қўлланади.

Шартнома тузишга мажбурлашга йўл қўйилмайди. Шартнома тузиш қонунда ёки ихтиёрий қабул қилинган мажбуриятда кўрсатилган ҳолатлар бундан мустасно.

Томонлар тузган шартноманинг таркибида қонун ҳамда бошқа ҳуқуқий ҳужжатлар билан назарда тутилган турли шартномаларнинг унсурлари бўлиши мумкин (аралаш шартнома).

Шартномалар оғзаки ёки ёзма шаклда тузилиб, қуйидаги турларга бўлинади: консенсуал ва реал, ҳақ бараварига ва текинга, асосий ва дастлабки.

Шартнома, унинг барча муҳим шартлари бўйича тарафлар ўртасида ўзаро келишувга эришилган пайтдагина тўлиқ тузилган деб тан олинади. Шартнома предмети ҳақидаги шартлар қонун ёки бошқа ҳуқуқий ҳужжатларда ёки бу турдаги шартномалар учун зарурий деб белгиланган ҳоллардагина муҳим деб тан олинади. Шартнома тарафлари даъвоси билан келишувга келинган шартлар шулар жумласидандир. Масалан, олди-сотди шартномаси учун муҳим шартлардан бири — нарх, ижара шартномаси учун эса — муддат ҳисобланади.

Фуқаролик ҳуқуқига оид шартноманинг асосий қоидалари қуйидагилар ҳисобланади. **Умумий** қоидалар билан бирга, фуқаролик қонунлари алоҳида турдаги шартномаларга тааллуқли нормаларни ўз ичига олади. Бунда олди-сотди, ижара, юк ташиш, пудрат каби шартномаларни алоҳида айтиб ўтиш зарур.

Ишончнома. Фуқаролик ҳуқуқ ва мажбуриятларини амалга ошириш мақсадида **вакиллик** институтини қўллаш бир қатор сабабларга боғлиқ. Баъзи ҳолларда шахс (фуқаро ёки юридик шахс) қонунда белгиланган чеклашлар (масалан, вояга етмаганлиги) туфайли у ёки бу хатти-ҳаракатни амалга ошириш ҳуқуқига эга бўлмайди.

Бошқа ҳолларда у ёки бу ҳатти-ҳаракатларни содир этиш имкониятининг бўлмаслигини ифодаловчи фактик ҳолатларга боғлиқ бўлади. Масалан, шахснинг касаллиги, узок, муддатли хизмат сафарида бўлганлиги ва хоказо.

Барча кўрсатиб утилган ҳолларда вакиллар мазкур шахслар манфаатини кўзлаб ҳуқуқий аҳамиятга эга ҳатти-ҳаракатларни содир этиш ҳуқуқига қонун (масалан, ота-оналар, ҳрмийлар, корхона раҳбарлари ва ҳрказо), **маъмурий** ҳужжат (лавозимга тайинлаш) ёхуд шартнома ёки ишончнома туфайли эга бўладилар.

Шундай қилиб, ишончнома ёзма ваколатномадан иборат бўлиб, уни бир шахс бошқа шахсга учинчи шахс олдида вакиллик қилиш учун беради, унда вакилнинг алоҳида ваколатлари белгилаб қўйилади.

Ишончнома бир тарафлама келишув бўлиб, уни амалга ошириш учун тарафлардан бирининг хоҳиш-иродаси бўлиши етарлидир. Вакил ваколатларининг мазмуни ҳамда ҳажмига кўра, ишончнома уч турга бўлинади: умумий (маълум давр мобайнида турли ҳаракатларни амалга ошириш мумкинлиги назарда тутилади); махсус (маълум вақт ичида бир турдаги битимларни амалга ошириш учун берилади) ҳамда бирламчи, яъни битта ва аниқ, белгиланган ҳаракатни амалга ошириш учун берилади.

Умумий қоидага асосан, тузилган ишончнома оддий ёзма шаклда бўлиши назарда тутилади. Шу билан бирга, нотариал **шаклни** талаб этадиган битим тузиш учун ишончнома (масалан, кўчмас мулкни сотиш бўйича битимлар) ни албатта нотариус тасдиқлаши шарт. Бу қоида бошқа шахсга мулкни ишониб топшириш учун бериладиган ишончномаларга ҳам тегишли бўлиб, улар ҳам ФКга биноан нотариал тартибда тасдиқланиши керак.

ФКга биноан, алоҳида шаклда расмийлаштирилган шартномалар нотариал тасдиқланган шартномага тенглаштирилиши назарда тутилади, Масалан, ҳарбий хизматчиларнинг ишончномаларини — ҳарбий қисм командири, озодликдан маҳрум этиш жойларида бўлган маҳкумларнинг ишончномасини — мазкур муассасанинг бошлиғи тасдиқлаши керак.

Ишончномани уни берган шахс имзолайди. Башарти, уни юридик шахс берадиган бўлса, мазкур ташкилот раҳбари ёки таъсис ҳужжатлари бўйича бундай ваколат берилган шахс шартномани имзолайди ҳамда унга мазкур ташкилотнинг муҳри босилади.

Давлат ва муниқипал мулкка асосланган, шунингдек, пул ҳамда бошқа мулккий қимматликларни олиш ва беришга мулжалланган ишончномаларни мазкур ташкилотнинг бош ҳисобчиси имзолаши керак.

Ишончнома учун энг муҳим шарт унинг амал қилиш муддати ҳисобланади. У уч йилдан ошмаслиги керак. Мазкур норма императив бўлиб, мазкур ишончномани берган шахс уни Ўзгартирмаслиги керак. Башарти ишончномада муддат кўрсатилмаган бўлса, у ўз кучини бир йил давомида сақлаб қолади.

Тузилган санаси курсатилмаган ишончнома ноқонуний ҳисобланади.

Чел элда ҳаракатларни амалга ошириш учун берилган ва нотариал шаклда расмийлаштирилган ишончнома, амал қилиш муддати курсатилмаган тақдирда ҳам, то бекор қилингунига қддар амал қилади. Ишончнома берган шахс хоҳдаган вақтда уни бекор қилиши, ишончнома берилган шахс эса, хоҳлаган вақтда ундан воз кечиши мумкин. Ўзбекистон Республикаси ФКда ишончномадан воз кечиш ҳолларида вакил ҳамда учинчи шахс учун маълум қафолатлар мавжуд. Мазкур қафолатлар шундан иборатки, ишончномани қайтариб олаётган шахс бу ҳақда манфаатдор вакил ҳамда учинчи шахсларга хабар бериши керак. Вакилга ишончномани дарҳол қайтариш мажбурияти юкланади.

5-§. Фуқаровий ҳуқуқий жавобгарлик

Башарти фуқаролик ҳуқуқ ва мажбуриятлари бузилса, яъни мажбуриятлар бажармаганлиги боис, мол-мулкка ва киши соишгага зиён етказилса, қонунбузарга нисбатан фуқаролик ҳуқуқида назарда тутилган чоралар қўрилиши мумкин.

Фуқаровий-ҳуқуқий жавобгарлик — фуқаролик ҳуқуқларини бузган шахсларга мажбурий таъсир этиш чораси бўлиб, у жабрланувчига етказилган мулкӣ зарарни қўллаш билан ботик, мажбуриятдан иборат бўлади.

Мазкур мажбуриятнинг икки тури мавжуд:

1) фуқаролик ҳуқуқига оид у ёки бу шартномани бажармаслик ёки ундаги шартларга риоя етмаслик сабабли юзага келади (масалан, туловни кечиктириш ёки товарларга ҳақ туламаслик каби шартномавий мажбурият);

2) фуқаронинг ҳдети, соғлит ёки мол-мулки ёхуд давлат мол-мулкига зарар етказиш (масъчан, йул-транспорт ҳрдисаси натижасида зарар етказиш каби шартномадан ташқдри мажбурият сабабли юзага келадиганлар.

Шартномада кҳрсатилган мажбуриятларни бажармаганлик учун фуқаролик адқукига оид жавобгарлик кҳйидагилардан иборат:

а) зиённи қўллаш: биринчидан, кредиторнинг бузилган ҳуқуқи, бузилган ёки йўқотилган мулкни (бу ҳам, ўз навбатида, реал зиённи ташкил этади) тиклаш бўйича харажатлар; иккинчидан, башарти ҳуқуқлари бузилмаган бўлсада, кредитор олиши мумкин бўлган даромадни ололмаганлик (қўлдан кетган фойда).

б) неустойка (айбона, жарима, пеня) — шартномада аник, кўрсатилган пул миқдоридан иборат бўлиб, уни қарздор шартномани бажармаганлик ёки охиригача бажармаганлик учун кредиторга тулаши керак. Мазкур қарз қатъий пул суммасида ёки фойзаларда ифодаланиши мумкин.

Шартномадан ташқари мажбуриятда, масалан, кишининг ҳаёти, соғлиги ёки мол-мулкига зиён етказилганда, фуқаролик ҳуқуқига оид жавобгарлик етказилган зарарни қўллаш тарзида амалга оширилади. Бундан ташқари, жабрланувчининг соғлигига зарар етказилиши боис юзага келган қўшимча харажатлар (даволаниш, қаров, бақувват овқатланиш ва бошқалар) ҳам қўпланади. Бирок, мазкур харажатларнинг сўралиши қонунга мувофиқ равишда исботланиши шарт.

Жисмоний ва маънавий жабр кўрган фуқаро, мулкӣ зарарни қўллаш **билан** бирга, маънавий зарарнинг ҳам қўпланишини талаб қилиш ҳуқуқига эга бўлиб, буни суд пул шаклида белгилайди.

Фуқаровий-ҳуқуқий мажбуриятни тавсифлаш билан бир қаторда уни қўллашнинг қуйидаги тартибини айтиб ўтиш керак. Чунончи, ҳуқуқи бузилган шахс суд, хўжалик судига зарарнинг қўпланиши, неустойкани тўлаш талаби билан муқожаат этиши мумкин. Умумий даъво муддати уч йилга тенг бўлиб, шахс мажбуриятларининг бузилганлигини билган ёки билиши керак бўлган вақтдан бошлаб ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикасида фуқаролик муносабатларини тартибга солувчи қонун Фуқаролик кодекси бўлиб, унинг биринчи қисми 1995 йил 29 декабрда, иккинчи қисми 1996 йил 29 августда қабул қилинган. Фуқаролик кодексининг иккала қисми 1997 йил 1 мартда қучга кирди.

Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси мулкӣ ва у билан бошқа номулкӣ муносабатларни тартибга солади. Мазкур муносабатлар томонларнинг тенглиги, хоҳиш-ироданинг дахлсизлиги ва иштирокчиларнинг мулкӣ муқтақиллигига асосланган.

Фуқаролик кодекси қуйидаги муносабатларни тартибга солади:

биринчидан, фуқаролик муомаласи иштирокчиларининг ҳуқуқӣ ҳолатини белгилашга оид;

иккинчидан, мулк ҳуқуқи ва бошқа ашёвий ҳуқуқларнинг вужудга келиш асосларини амалга ошириш тартиби буйича;

учинчидан, интеллектуал фаолият натижаларига ҳуқуқ, белгилаш буйича;

туртинчидан, шартномавий ва шартномадан ташқари мажбуриятларни тартибга солиш буйича;

бешинчидан, мулкӣй ва улар билан боғлиқ, бошқа шахсий номулкӣй муносабатларни тартибга солиш буйича ва ҳрказо.

Фуқдролик ҳуқуқи маъмурий ва давлат иштирокидаги — бошқа муносабатлар, шунингдек, солиқда оид ва бошқа молиявий муносабатларни тартибга солмайди,

Фуқаролик муносабатларнинг иштирокчилари — фуқаролар, юридик шахслар ва давлат.

Фуқхролик ҳуқуқининг принциплари куйидагилардан иборат:

1) тартибга солинаётган муносабатлар иштирокчиларининг Ўзаро тенглиги;

2) мулкнинг дахлсизлиги;

3) шартнома тузиш эркинлиги;

4) ҳар кимнинг хусусий ишларига аралашувнинг йўл қўй илмаслиги;

5) бузилган ҳуқуқдарнинг тикланишини таъминлаш;

6) бузилган ҳуқуқҳарни суд орқали химоялаш.

Фуқаролик муносабатлари куйидаги юридик фактлар натижасида юзага келади:

— шартнома ва бошқа давлат органлари келишув ҳужжатларининг тузилиши;

— суд қарорларининг қабул қилиниши;

— мулкка эгалик қилиш;

— интеллектуал фаолият ва санъат асарларининг яратилиши (фан, адабиёт, санъат асарлари ва бошқалар);

— бошқа шахсга зарар етказилиши;

— асоссиз бойиш;

— инсон ихтиёрига боғлиқ, бўлмаган ҳодисанинг руй бериши (масалан, табиий офатлар, бола туғилиши, ўлим ва бошқалар).

Фуқаро ўзининг бузилган ва даъволи ҳуқуқларини судга мурожаат этиш орқали ҳал қилиши, бузилган фуқаролик ҳуқуқларини бир қатор усул ва воситалар ёрдамида химоялаши мумкин.

Мулкӣй муносабатларда иштирок этиш учун фуқаро куйидаги ҳислатларга эга бўлиши керак, яъни унда ҳуқуқӣй лаёқат ва муомала лаёқати бўлиши зарур.

Фуқаролик ҳуқуқи субъектларига юридик шахслар ҳам тегишли бўлганлиги сабабли, уларнинг хусусиятлари, турлари, ҳуқуқӣй мавқеи билан танилиш лозим. Фуқаролик ҳуқуқи объектларига ашелар, пул, қимматбаҳо қоғозлар, мулкӣй ҳуқуқлар, иш ва хизматлар, тадқиқотлар, ишлаб чиқариш лойиҳалари, фан, адабиёт, санъат асарлари ҳамда интеллектуал фаолиятнинг бошқа натижалари. шунингдек, шахсий номулкӣй ҳамда бошқа моддӣй ва номоддӣй неъматлар қиради.

5-мавзу. Истеъмолчиларнинг ҳуқуқини ҳимоя қилиш асослари.

1-§. Истеъмолчи тушунчаси

Ўзбекистон Республикасида демократик ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамиятини шакллантириш жараёни давом этаётган ҳозирги даврда истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш долзарб масалалардан биридир. Чунончи бозор иқтисодиётга ўтаётган республикада мулкнинг турли шакллари вужудга келди. Бундай ҳолатда истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилишга катта эътибор бериш лозим.

Ўзбекистон Республикасининг “Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги қонунига мувофиқ, истеъмолчи деганда товарларни саноат ишлаб чиқариш эҳтиёжи учун эмас балки шахсий маиший эҳтиёжи учун сотиб олувчи фуқаро тушунилади. Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича қонунчилик юқори ривожланган кўпгина мамлакатларда истеъмолчи деганда сотиб олинаётган товарнинг хусусиятлари ҳақида махсус билимларга эга бўлмаган шахслар тушунилади. Аввало истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш учун уларнинг ҳуқуқий маданиятини ривожлантириш зарур. Истеъмолчиларнинг ҳуқуқий маданияти қуйидагилардан иборат. Биринчидан-истеъмолчилар амалдаги қонунларни яхши билишлари керак. Иккинчидан-истеъмолчилар амалдаги қонунлар доирасида ҳаракат қилишлари керак. Учинчидан-ўзларига раво нимани кўрсалар ўзгаларга ҳам шуни раво кўришлари керак. Агарда барча истеъмолчилар юқорида келтирилган қоидаларга амал қилсалар жамиятимизда ҳуқуқ субъектлари ўртасида ҳуқуқий маданият янада ривожланиши мумкин.

Ушбу услубий қўлланманинг мақсади талабаларни истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича республикада олиб борилаётган ишлар билан таништиришдан иборат. Ушбу курсни ўрганишда талабалар Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, конституциявий ва жорий қонунлари, Президент фармонлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва Президентимиз И.А. Каримовнинг асарларидан фойдаланишлари мақсадга мувофиқдир.

2. Жамиятнинг яшаш тарзини белгиловчи қонунларимиз жуда кўп. Уларнинг баъзилари айрим тармоққа хос, муайян қисми барчага бирдай дахлдор. Лекин жамиятимизда шундай қонун борки, у жамиятдаги ҳар бир фуқаро, ҳеч шубҳасиз, ўша ҳуқуқий ҳужжат билан ҳар қадамда тўқнашади. Бу Ўзбекистон Республикасининг “Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида” ги қонунидир. Чунки, эркаки, аёлми ёхуд бадавлатми, камбағалми - ким бўлмайлик ҳаммамиз истеъмолчимиз.

Ушбу қонуннинг ишлаши ёки ишламаслиги фақат айрим мутассаддиларга эмас, балки асосий бозор қатнашувчилари, яъни истеъмолчиларнинг фаоллигига боғлиқ. Истеъмолчи, содда қилиб айтганда, яшаш учун ҳаётдаги моддий неъматлардан фойдаланувчи инсон. Ана шу инсоннинг истеъмолчилик билан боғлиқ ҳолатлардаги ҳуқуқлари мазкур қонунда ёзиб қўйилган.

Шу қонунни ишлаши учун энг асосий шарт нима? Бизнингча бу ҳуқуқий ҳужжатни барча истеъмолчилар яхши билиб олишида. Ахир ҳуқуқларни билмай туриб уни талаб қилиб бўлмайдику. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан 1996 йил 26 апрелда қабул қилинган, 2002 йил 5 апрелда айрим ўзгартиш ва қўшимчалар киритилган бу қонун, айниқса кейинги йилларда ҳалқимиз ҳаётини яхшилашда жуда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Ҳаётни ўзи ушбу қонуннинг ишлашини таъминловчи механизм бўлишини тақозо этмоқда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан 2002 йил

28 ноябрдаги “Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилишда жамоатчилик иштирокини кенгайтириш тадбирлари тўғрисида”ги қарори жамоат назоратини кучайтириш, аҳолининг ҳуқуқий ва истеъмол маданиятини оширишга доир ишларини фаоллаштириб юборди. Шу қарор билан Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича Идоралараро кенгаш ташкил этилди. Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идоралар, республика истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича жамоат ташкилотлари вакилларида иборат бу кенгаш мазкур қонунни амалга ошириш борасида ўзаро ҳамкорликни мувофиқлаштиради.

3. Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилувчи фуқаролик ҳуқуқий муносабатлар Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси; Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш; Озиқ-овқат маҳсулотлари сифатини ва хавфсизлигини стандартлантириш; Маҳсулотлар ва хизматларни сертификатлаштириш тўғрисидаги қонунлар, шунингдек ана шу қонунларга мувофиқ қабул қилинган ҳужжатлар билан тартибга солинади. Бундан ташқари қорақалпоғистон Республикасида истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш қорақалпоғистон Республикаси қонун ҳужжатлари билан ҳам тартибга солинади.

қонун ҳужжатлари истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги қонунда белгиланган истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини чеклаб қўйиши, уларни ҳимоя қилишнинг кафолатларини камайтириши мумкин эмас.

Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги қонуннинг 3-моддасига биноан агар Ўзбекистон Республикаси иштирок этган халқаро шартнома ёки битимда истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларида назарда тутилганидан бошқача қоидалар белгиланган бўлса, халқаро шартнома битим қоидалари қўлланилади деб кўрсатилган.

4. Фуқароларга савдо хизмати курсатишнинг асосий фуқаролик ҳуқуқий шакли чакана олди-сотди шартномаси ҳисобланади. Чакана савдо муносабатларида бир томонда сотувчи сифатида тадбиркорлик фаолиятини амалга оширувчи фуқаролар ва юридик шахслар қатнашса, иккинчи томонда истеъмолчи фуқаролар қатнашадилар.

Чакана савдо муносабатларини одатдаги оддий товар айирбошлаш ҳаракати сифатида баҳолаб бўлмайди. Бу ўринда шартнома муносабатларини боғлашдан асосий мақсад фуқароларнинг маиший эҳтиёжларини қондириш ҳисобланади. Шартноманинг охир-оқибат натижаси савдо хизмати сифати бўлиб, унинг таркибига сотилаётган товарларнинг сифатигина эмас, балки яна истеъмолчига товарларни сотиб олишда маълум қулайликлар яратиш мақсадидаги қўшимча хизматлар, шунингдек юқори даражадаги хизмат кўрсатиш маданияти ҳам киради.

Юқорида таъкидланганидек, чакана олди сотди шартномасида қатнашувчи тарафлар ўзига хос мақомга эга. Сотувчи сифатида-юридик шахслар ва тадбиркорлик билан шуғулланувчи фуқаролар;

Сотиб олувчи яъни истеъмолчи сифатида фуқаролар иштирок этади. “Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги қонунда истеъмолчи фойда чиқариб олиш билан боғлиқ бўлмаган шахсий истеъмол ёки хусусий хўжаликда фойдаланиш мақсадида товар сотиб олувчи, иш, хизматга буюртма берувчи ёхуд шу ниятда бўлган фуқаро деб таъриф берилган. Барча ривожланган мамлакатлар-фуқаролик қонунларида истеъмолчиларининг алоҳида ўзига хос имтиёзли мавқеи мустақамлаб қўйилган бўлиб бўлиб бу “истеъмолчи ҳар доим ҳақ” деган тамойилда ўз ифодасини топган.

Ҳақиқатан ҳам, ҳар қандай ишлаб чиқариш, бозор муносабатларининг пировард-мақсади истеъмолчиларнинг эҳтиёжларини қондиришга қаратилиши лозим. Истеъмолчи бўлмаса ишлаб чиқариш ҳам, бозор ҳам мавжуд бўлмайди. Бошқа томондан олганда, истеъмолчининг манфаатлари инсон манфаатларининг айнан

Ўзидир. Инсон-истеъмолчи фуқаро ўз ҳаётида жуда кўп ва хилма-хил товарларга ва хизматларга мухтож. Айни вақтда у товарларнинг барчаси ҳақида уларнинг барча тафсилотлари бўйича маълумотлар ва билимларга ҳар доим эга эмас ва зотан бунга зарурат ҳам йўқ?. Бинобарин, инсон ўзи сотиб оладиган товарларнинг хусусиятлари ҳақида махсус билимга эга эмас деб тан олинар экан (бу ҳолат ривожланган мамлакатлар қонунларида ва иш муомиласи одатларида мустаҳкамлаб қўйилган), бу ҳолда заиф томон-истеъмолчи кўшимча ҳуқуқларга эга бўлиши, сотувчи зиммасига эса кўшимча мажбуриятлар юкланишидан далолат беради.

Бундан ташқари истеъмолчи жамоат ташкилотлари, яъни –ҳозирда мавжуд Ўзбекистон истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятлари Федерацияси, вилоятлардаги ва Тошкент шаҳридаги Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятлари орқали ҳаракат қилишлари мумкин. Федерациянинг фаолияти истеъмолчиларнинг саводхонлиги ва давлатнинг истеъмолчилик сиёсатини ташвиқот қилиш бўйича йўналишларда амалга оширилади.

Истеъмолчилар судга мурожаат қилиш ҳуқуқига эга. Даъволар истеъмолчи жойлашган ёки зарар етказилган жойда тақдим этилади. Истеъмолчининг суд органларига тақдим этилган даъвоси муайян тўловдан озод этилади.

Истеъмолчиларнинг ҳуқуқлари бузулиши туфайли унга етказилган маънавий зарарни, уни етказган шахс, башарти у айбдор бўлса тўлаши лозим. Маънавий зарар учун тўланадиган ҳақ миқдорини суд белгилайди. Маънавий зарар мулкӣ зарардан қатъи назар, қопланиши лозим. Кўпинча ўзаро суҳбатда дунёнинг ривожланган мамлакатларида ҳалқ фаровонлиги, аҳоли турмуш тарзи юксак даражада эканлиги тўғрисида ҳавас билан гапирамиз. Аслида бунга биринчи навбатда қонун устуворлигини таъминлаш, маданийлашган бозор тизимини жорий этиш орқали эришилган. Шундай экан, ҳеч кимдан кам бўлмаган юртимизда юксак даражада ривожланган муносабатлар таркиб топтириш ўзимизга боғлиқ.

2-§. Истеъмолчи ҳуқуқларини ҳимоя қилишда қонун ҳужжатлари ва халқаро шартномалар

1. “Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида” ги қонуннинг 5-моддасига биноан, товарни ишлаб чиқарувчиси ва сотувчиси ўз корхонасининг номи, жойлашган манзили иш тартиби ва савдо қоидалари ҳақида тўлиқ маълумот бериши шарт. Айни вақтда ишлаб чиқарувчи истеъмолчига ўзи реализация қилаётган товар ҳақида ўз вақтида зарур, тўғри ва тушунарли маълумот бериши шарт.

*Товар ҳақидаги маълумотлар*да қуйидагилар кўрсатилиши керак:

• товар мажбурий талабларга мувофиқ келиши шарт бўлган норматив ҳужжатнинг номи:

- товарнинг асосий истеъмол хусусиятлари;
- товарнинг ўзига хос хусусиятлари рўйхати;
- баҳоси ва сотиб олиш шартлари;
- айрим турдаги товарларнинг ишлаб чиқарилган санаси;
- ишлаб чиқарувчининг қафолат мажбуриятлари;
- товардан самарали ва хавфсиз фойдаланиш қоидалари ва шартлари;
- товарнинг яроқлилиқ муддати ва ушбу муддат ўтиши оқибатлари;
- ишлаб чиқарувчининг номи, мулкчилик шакли, рўйхатга олиш ва лицензия гувоҳномасининг номери;

- ишлаб чиқарувчининг ҳамда улар истеъмолчидан даъво қабул қилишга ваколат берган шунингдек, таъмирлаш ишларини бажарадиган ва техникавий хизмат кўрсатадиган корхоналарнинг манзиллари;

- товарларни сақлаш, хавфсиз утилизация қилиш усуллари ҳамда қоидалари.

Агар товар сертификатлаштирилиши лозим бўлса, сертификатга доир маълумотлар.

Товар ҳақида нотўғри маълумот берилган тақдирда ёки бу маълумотлар етарли даражада тўлиқ бўлмаса ва бунинг оқибатида истеъмолчи зарур истеъмол хоссаларига эга бўлмаган товар сотиб олишга сабаб бўлса, истеъмолчи шартномани бекор қилишга ва ўзига етказилган зарарнинг талаб қилишга ҳақли.

Сотиб олинган товар ундан кўзланган мақсадда фойдалана олмасликка сабаб бўлса, истеъмолчи бундай маълумотларнинг кўпи билан уч кун ичида берилишини талаб қилишга ҳақли. Агар бу шарт бажарилмаса, истеъмолчи шартномани бекор қилиб, зарарнинг қопланишини талаб қилишга ҳақли.

Истеъмолчининг товар ҳақидаги нотўғри ёки етарли даражада тўлиқ бўлмаган маълумот туфайли етказилган зарарни қоплаш ҳақидаги талаблари сотиб олинган товарнинг хоссалари ва жиҳатлари ҳақида истеъмолчи махсус билимга эга эмас деган қоидага асосланиб қараб чиқилади.

2. Фуқаролик Кодексининг 433-моддасига асосан сотиб олувчига нафақат сифатли товар олиш, шу билан бирга, товарни худди шундай, лекин бошқа ўлчам, бошқа шакл ва бошқа рангдаги товарлар билан алмаштириш ҳуқуқи ҳам берилади. Агар алмаштириладиган товарларнинг нархлари мос келмаса, қайта ҳисоб-китоб қилинади. Алмаштириш товар сотиб олинган жойда ёки сотувчи маълум қилган бошқа жойларда, товарнинг айнан шу сотувчидан олинганлигини тасдиқловчи касса чеки ёки товар чеки тақдим этилгандан сўнг амалга оширилади. қонунда алмаштириш муддати товар сотиб олингандан кейин 10 кун қилиб белгиланган. Бу муддат сотувчи билан келишилган ҳолда узайтирилиши мумкин. Алмаштириш фақат товар ишлатилмаган, кўринишини йўқотмаган ва ўз хусусиятларини сақлаб қолган ҳолдагина амалга оширилади. Алмаштириш асосан ноозиқ-овқат товарларига таалукли. Чакана савдо мажмуасида сотиб олинган озиқ-овқат маҳсулотлари қайта қабул қилинмайди ва алмаштирилмайди, уларда кўринмас нуқсон ёки тоифасига мос келмайдиган хусусият аниқланган ҳоллар бундан мустасно. Бу ҳолда товар алмаштирилиб берилади ёки сотиб олувчига унинг тўлаган пули қайтарилади.

Сотиб олувчига сифати тегишли даражада бўлмаган товар сотилганда, агар унинг камчиликлари шартнома тузиш пайтида маълум қилинмаган бўлса, сотиб олувчи ўз хохишига кўра қуйидагиларни талаб қилиш ҳуқуқига эга бўлади:

- худди шу маркадаги (моделдаги, артикулдаги) сифати тегишли даражада бўлган товарга алмаштиришни;

- харид нархини тегишлича қайта ҳисобланган ҳолда бошқа маркадаги сифати тегишли даражада бўлган товарга алмаштиришни;

- товарнинг камчиликларини текинга бартараф этишни ёки сотиб олувчи ёхуд учинчи шахс товарнинг камчиликларини бартараф этиш учун қилган харажатларнинг қопланишини;

- харид нархининг мутаносиб равишда камайтирилишини;

- кўрилган зарар ўрнини қопланган ҳолда шартнома бекор қилинишини;

Товар учун тўланган пул суммасини сотиб олувчига қайтариш вақтида ундан тўлиқ ёки қисман фойдаланиганлиги, товар кўриниши йўқолганлиги ёки бошқа шунга ўхшаш ҳолатлар туфайли товар қиймати қанча пасайган бўлса ҳам, шунча суммани ушлаб қолишга ҳақли эмас. Ушбу қоида сотиб олувчининг манфаатлари қонунда қай даражада ҳимоя қилинганлигидан далолат беради. Товарни алмаштиришда унинг

нархидаги фарқни қоплаш, харид нархининг пасайиши ва сифати тегишли даражада бўлмаган товарни қайтариш бўйича қилган харажатларни қоплаш тартиби 1997 йил 1 мартдан амалга киритилган Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодексининг 435-моддасида белгилаб қўйилган. Яъни, товар нарhini қайтадан ҳисоб-китоб қилишга унинг сифати тегишли даражада бўлмаган тақдирдагина йўл қўйилади. Сифати тегишли даражада бўлган товар алмаштирилганда, унинг нархи қайта ҳисоб-китоб қилинмайди.

Сотиб олувчи сифати тегишли даражада бўлмаган товарни сифатли товарга ёки худди шундай, бироқ ўлчами, андазаси, нави ва бошқа белгилари ўзгача бўлган сифати тегишли даражадаги товарга алмаштиришни талаб қилишга ҳақли. Талабларнинг турлича бўлишига қараб, Фуқаролик Кодексининг 434-моддасида тегишлича қоидалар назарда тутилган. Худди шундай товар билан алмаштириш юз берган тақдирда, сотиб олувчига етказилган зарар унга сифати тегишли даражада бўлган шунга ўхшаш товарни бериш йўли билан қопланади.

3-§. Истеъмолчининг ҳақ - ҳуқуқлари

Давлат истеъмолчиларининг товар сотиб олиш ва ундан фойдаланиш чоғидаги ҳуқуқлари ҳамда қонун билан қўриқланадиган манфаатлари ҳимоя қилинишини кафолатлайди.

Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини давлат томонидан ҳимоя қилиниши қўмита, вазирлик ва бошқарув органлари, шунингдек, судлар томонидан таъминланади.

қуйидагилар истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш учун, махсус ваколат берилган давлат органлари ҳисобланади:

Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси; Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ўзбекистон Давлат стандартлаш, метрология ва сертификация маркази; Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги; Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси; Ўзбекистон Республикаси табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси; Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этилишини ўз ваколатлари доирасида назорат қилувчи бошқа давлат бошқаруви органлари.

Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш учун маҳаллий ҳокимият органлари;

-истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш соҳасидаги қонун ҳужжатлари бажарилишини ташкил этадилар;

-истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ваколати берилган давлат органлари ва истеъмолчиларнинг жамоат бирлашмалари билан ҳамкорлик қиладилар;

-истеъмолчиларнинг шикоятлар, аризалари ва таклифларини кўриб чиқадиладар;

-истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиб судларга мурожаат этадилар;

-ўз ҳуқуқлари доирасида бошқа ваколатларни ҳам амалга оширадилар.

Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси ҳамда унинг ҳудудий органлари истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш мақсадида:

-истеъмолчиларининг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этилиши устидан давлат назоратини амалга оширадилар;

-истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларини қўлланиш масалалари юзасидан расмий тушунтиришлар берадилар; истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини бузаётган камчиликларни бартараф этиш тўғрисида ишлаб чиқарувчиларга кўрсатмалар йўллайдилар;

-истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиб, мурожаат этишга ҳақлидир;
-қонун ҳужжатларига асосланиб бошқа ваколатларни ҳам амалга оширадилар.

4-§. Истеъмолчига зарар етказилгандаги жавобгарлик

1996 йил 26 апрелда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг “Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги қонуни билан истеъмолчиларнинг сифатли ва хавфсиз, бехатар товарлар, хизматларига бўлган ҳуқуқи кафолатланган бўлиб, товарларни истеъмол қилиш билан боғлиқ бўлган ҳуқуқий масалалар тартибга солинган.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят Кодексининг 186-моддасида кўрсатилган жиноят шахснинг хўжалик фаолияти соҳасидаги манфаатлари, шунингдек, фуқароларнинг ҳаёти ва соғлиғига қарши қаратилган тажовузларда ифодаланади.

Сифатсиз маҳсулот чиқариш ёки уни сотиш жинояти товар бозорига сифатсиз маҳсулот чиқариш, ёки уни сотиш натижасида истеъмолчиликнинг, бу баданга ўртача оғир ёки оғир шикаст етказилишида ифодаланади.

Маҳсулот чиқариш деганда, бирор-бир маҳсулотни буюртмачи ёки истеъмолчига топшириш, ёки жўнатиш тушунилади. “Сотиш” деганда, товарларни бевосита истеъмолчиларга сотиш назарда тутилади.

Таҳлил қилинаётган Жиноят Кодексининг 186-моддаси бўйича жавобгарлик сифатсиз маҳсулотни товар бозорига чиқариш ёки сотиш натижасида баданга ўртача оғир ёки оғир шикаст етказилган ҳоллардагина вужудга келади.

Сифатсиз маҳсулот деганда, давлат стандарти талабларига, меъёрий нормаларга жавоб бермайдиган ва сифат сертификатига эга бўлмаган маҳсулотлар тушунилади. Маҳсулотлар ҳар қанча сифатсиз бўлса-да, ўртача оғир ёки оғир тан жароҳати етказиш хусусиятига эга бўлмаса, Жиноят Кодексининг 186-моддасидаги жиноятнинг предмети бўла олмайди. Унда ушбу жиноятни содир қилган шахсларга маъмурий, интизомий ва бошқача чоралар кўрилади.

Яна шуни таъкидлаб ўтиш лозимки, ушбу жиноятнинг предмети деб ҳар қандай озиқ-овқат маҳсулотлари назарда тутилган. Лекин жиноий жавобгарлик юзага келишининг шарти сифатида жиноий оқибат кўрсатилган. қилмишни бевосита ушбу модда билан квалификация қилиш учун жиноий оқибат келиб чиққан бўлиши шарт.

Товар бозорига сифатсиз маҳсулотни чиқариш ёки сотиш натижасида фуқароларнинг СОҒЛИҒИ учун мазкур моддада кўрсатилган оқибатлар келиб чиқмаса, жиноий жавобгарлик ҳам бўлмайди. Бироқ, “Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги қонуннинг 20-моддасига мувофиқ, товар (иш,хизмат) нинг тузилиши, ишлаб чиқарилиши таркибидаги ва бошқа нуқсонлари, шунингдек, истеъмолчининг ҳаёти, СОҒЛИҒИ ёки мол-мулкининг хавфсизлигини таъмин эта олмайдиган материаллар, ускуналар, асбоб-анжомлар, мосламалар ёки бошқа воситалар қўлланилиши оқибатида истеъмолчининг ҳаётига, СОҒЛИҒИ ёки мол-мулкига етказилган зарар сотувчи (ишлаб чиқарувчи, ижроочи) билан шартнома муносабатларига киришган, киришмаганлигидан қатъи назар, ҳар қандай истеъмолчи товар (иш, хизмат)нинг нуқсони туфайли етказилган зарарнинг қопланишини талаб қилиш ҳуқуқига эга

Истеъмолчининг ҳаёти, СОҒЛИҒИ ёки мол-мулкига етказилган зарар, агар у норматив ҳужжатларда назарда тутилган товарнинг хизмат (яроқлилик) муддати мобайнида, бундай муддат белгиланмаган тақдирда эса, товар ишлаб чиқарилган (иш, хизмат қабул қилинган) пайтдан эътиборан ўн йил мобайнида юзага келган бўлса қопланиши лозим.

Сотувчи (ишлаб чиқарувчи, ижрочи) бартараф қилиб бўлмайдиган куч ёки фойдаланиш, уни сақлаш, ёхуд ташишнинг белгиланган қоидалари истеъмолчи томонидан бузилиши туфайли зарар етказилганлигини исботласа, у жавобгарликдан озод қилинади.

Сифатсиз маҳсулот чиқариш ёки сотиш қасддан содир этилади, келиб чиққан оқибатлар (соғлиққа зарар етказилиши, одамлар ўлими) борасида эса шахснинг айби эҳтиётсизликда ифодаланади.

Товар бозорига сифатсиз маҳсулот чиқарган шахс жиноий жавобгарликка тортилади.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят Кодексининг 186-моддаси 1-қисмига кўра, товар бозорига сифатсиз маҳсулот сотиш баданга оғир ёки оғир шикаст етказилишига сабаб бўлса, энг кам ойлик иш ҳақининг эллик бараваридан юз бараваригача миқдорида жарима ёки уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари, ёхуд мол-мулкнинг мусодара қилиниб, ёки мусодара қилинмай олти ойгача қамок билан жазоланади.

Ушбу модданинг 2-қисмида одамнинг ўлимига сабаб бўлган сифатсиз маҳсулотни чиқарганлик ёки сотганлик учун жавобгарлик назарда тутилган. Унга кўра шахс мол-мулки мусодара қилиниб беш йилдан ўн йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади деб кўрсатилган

Таҳлил қилинаётган модданинг 3-қисмида сифатсиз маҳсулот чиқарганлик ёки сотганлик натижасида:

а) одамлар ўлими,

б) бошқа оғир оқибатларнинг юзага келганлиги учун жавобгарлик назарда тутилган.

Бошқача оғир оқибатлар деганда, икки ёки ундан ортиқ шахснинг баданига ўртача оғир ёки оғир шикаст етказилиши соғлиққа зарар етказиш, одамларнинг ялпи заҳарланиши ва бошқалар тушунилади. Унга кўра шахс мол-мулки мусодара қилиниб ўн йилдан ўн икки йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

6-мавзу. Меҳнат ҳуқуқи асослари

1-§. Меҳнат ҳуқуқи тушунчаси ва предмети

Меҳнат ҳуқуқи ҳуқуқшунослик тармоқлари орасида етакчи ўрин тутати. У ижтимоий меҳнатга оид муносабатларни тартибга соладиган ҳуқуқий нормалар тизимидан иборат. Бу муносабатлар меҳнат бозорига амал қилиш, меҳнатни ташкил этиш ва уни қўллаш жараёнида намоён бўлади. Зотан, меҳнат жисмоний ва ақлий куч-қувватнинг сарфланиши эмас, балки кишиларнинг ижтимоий фойдали фаолиятидир.

Таъкидлаш жоизки, меҳнат инсоннинг ташқи дунё предметларига таъсир ўтказиш воситаси сифатида ҳар бир кишининг фаолиятида намоён бўлади. Бу жараён турли ижтимоий муносабатларни қамраб олса-да, ҳаммаси ҳам меҳнат ҳуқуқига тааллуқли бўлавермайди. Бу ҳол қуйидаги омиллар билан изоҳланади:

Биринчидан, меҳнат ҳуқуқи нормалари меҳнатнинг технологик жараёнини эмас, фақат уни меҳнат фаолиятида қўллаш шартларини, яъни ижтимоий меҳнатни тартибга солади. Шунга кўра, сиёсий-иқти содий категория меҳнатнинг ўзи эмас, балки унинг ижтимоий шакли, уни ташкил этилиши ёки аниқроқ айтганда, ижтимоий меҳнатда иштирок этиш жараёнида кишилар ўртасида вужудга келадиган муносабатларда намоён бўлади.

Шу нуқтаи назардан қараганда, ижтимоий меҳнат кооперацияси дан ташқарида бажарилган ҳар қандай иш меҳнат ҳуқуқига тааллуқли бўлмайди, унинг таъсир

доирасига кирмайди.

Иккинчидан, меҳнат унсурлари турли ижтимоий муносабатларда, жумладан, ўқув юртларида мутахассис тайёрлаш, юкни ташиш ва етказиш, топшириқ ва буюртма бажаришга оид жараёнларда ҳам намоён бўлади. Бундай ҳолларда меҳнат ижтимоий муносабатлар билан билвосита боғлангани сабабли ўзаро мажбуриятларни бажариш усули сифатидагина хизмат қилади. Шунинг учун у меҳнат ҳуқуқининг предметига кирмайди.

Муҳими шундаки, меҳнатга оид ижтимоий муносабатларда меҳнат четдан кирган унсур эмас, балки унинг асосий мазмунини ташкил этади. Ани вақтда, у ишчи кучини бевосита ишлаб чиқариш қуроллари билан узвий боғловчи восита ҳамдир. Меҳнат ҳуқуқи ижтимоий муносабатларни муайян тарзда тартибга солиши боис, улар кишиларнинг меҳнат қобилиятини қўллаш жараёнида намоён бўлади. Аниқроқ айтганда, меҳнатни ҳуқуқий жиҳатдан бошқариш объекти моддийлаштирилган, яъни пул ёки товар ҳолатига келтирилган фаолиятида эмас, жонли меҳнатнинг ўзида, унинг ташкил этилиши ва шарт-шароитла рида акс этади.

Меҳнатга оид муносабатлар куйидаги ўзига хос хусусиятлари билан ажралиб туради:

1) меҳнатга оид муносабатнинг субъекти—ходим корхона, муассаса, ташкилотнинг меҳнат жамоаси таркибига қўшилади ва ўз меҳнати билан корхона жамоаси олдидаги вазифани бажаришга киришади. Ходимнинг меҳнат жамоаси таркибига кириши уни вақтинча, мавсум давомида ёки доимий муддатга ишга қабул қилинишида эмас, корхонанинг штатига ёки меҳнат жамоаси рўйхатига киритилиши билан белгиланади;

2) ижтимоий меҳнат тақсимотига кўра, муайян меҳнат функциясини бажариш ходим мажбуриятларининг предметини ташкил этади. Муҳими шундаки, бу иш бир қанча кишилар фаолияти билан уйғунлашган ҳолда, яъни меҳнат кооперацияси доирасида бажарилади. Бинобарин, у фақат индивидуал-конкрет топшириқ эмас. Чунки ходимнинг меҳнат функцияси муайян меҳнат фаолиятининг турига мос келиши баробарида, у алоҳида-алоҳида ишлаб чиқариш операциялари билан чекланиб қолмайди ва тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш билан якунланмайди. қисқаси, меҳнатга оид муносабат ларни кишиларнинг меҳнат фаолияти жараёнидаги узвий ва узоқ вақт давомида намоён бўладиган алоқалари дея таърифлаш мумкин. Шунинг учун зарур ҳолларда ишлаб чиқариш манфаатлари ёки ходим талаб-эҳтиёжларидан келиб чиққан ҳолда унинг бошқа ишга ўтказилишига йўл қўйилади;

3) ходимнинг ва меҳнат жамоаси ҳар бир аъзосининг иш фаолияти муайян режим ўрнатилган шароитда амалга оширилади. Меҳнатга оид муносабатлар субъектларининг меҳнатни ташкил этишга доир тартиб-интизом, қоида талабларига буйсуниши—меҳнат муносабатларнинг изчиллиги ва самарадорлигини белгиловчи зарур омиллардан бири.

Меҳнатга оид муносабатлар ихтиёрий характерга эга бўлса-да, улар бевосита ишлаб чиқариш доирасида намоён бўлади ва муайян мақсадни кўзлаб амалга ошириладиган ижтимоий фойдали фаолият саналади.

Демак, меҳнат муносабатларини кишилар меҳнатининг ишлаб чиқариш жараёнида ишлаб чиқариш қурол ва воситаларига нисбатан қўлланилиши натижасида рўёбга чиқадиган ижтимоий муносабатлар дея тавсифлаш мумкин. Улар ходимнинг корхона, муассаса, ташкилот таркибига қўшилиши, ички меҳнат тартибига бўйсунган ҳолда муайян меҳнат функциясини бажариши жамоа олдида турган ҳўжалик, иктисодий-ижтимоий ва бошқа вазифаларни адо этишга кўмаклашувида намоён бўлади.

Хулоса қилиб айтганда, меҳнат ҳуқуқининг предметини, яъни меҳнат

шартномаси бўйича ишлаётган ходимлар меҳнатининг ишлаб чиқаришда қўлланилиши туфайли пайдо бўладиган ижтимоий меҳнатга оид муносабатлар ташкил этади. Ушбу муносабатлар меҳнат ҳуқуқи предметиининг ядроси (ўзаги) ҳисобланади.

2-§. Меҳнатга оид муносабатлар

Ижтимоий воқеликда меҳнат ҳуқуқининг предметиини ташкил этувчи муносабатлар тизими меҳнатга оид муносабатлардан ташқари, улар билан муайян тарзда боғланган бошқа муносабатларни ҳам қамраб олади. Бу муносабатлар меҳнат муносабатларидан илгарироқ, улар билан бир вақтда, ёхуд бевосита меҳнат муносабатларидан келиб чиқиши мумкин. Мазкур муносабатлар жумласига:

- 1) меҳнат соҳасида ташкилий бошқарувга оид муносабатларни;
- 2) ишга жойлаштиришга оид муносабатларни;
- 3) кадрлар тайёрлаш ва малакасини ошириш билан боғлиқ муносабатларни;
- 4) меҳнат муҳофазаси ва меҳнат қонунларига риоя этишни назорат қилишга доир муносабатларни;

- 5) меҳнат низоларини (якка ва жамоаларга доир) ҳал этиш билан боғлиқ муносабатларни киритиш мумкин.

Юқорида санаб ўтилган муносабатларнинг ҳар бирига хос хусусиятларга қисқача тўхталиб ўтамиз.

1) **Меҳнат соҳасида ташкилий бошқарувга оид муносабатларда**, одатда, иш берувчи билан меҳнат жамоаси, қасаба уюшмаси ёки ходимларнинг бошқа вакиллик органлари ўртасида келиб чиқадиган муносабатлар акс этади.

Амалдаги қонунчилигимизга биноан, меҳнат жамоалари меҳнатга оид ижтимоий муносабатларнинг субъекти ҳисобланади. Меҳнат кодексининг 19-моддасида кўрсатилганидек, меҳнат жамоасининг ҳуқуқ ва бурчлари, унинг ваколатлари, уларни амалга ошириш тартиби ва шакллари қонун ҳамда бошқа норматив ҳужжатлар билан белгиланади. Бу ҳақда дарсликнинг тегишли бобида батафсил маълумот берилади.

Кейинги йилларда Ўзбекистон Республикаси меҳнат қонунчилигида «Ходимлар ва иш берувчиларнинг вакиллиги» деб номланган янги институт таркиб топди. Меҳнат кодексининг III-боби шу масалага бағишланган. Кодекснинг 20-моддасига мувофиқ, ходимлар ва иш берувчиларнинг вакиллик органларига меҳнатга оид муносабатларнинг субъекти сифатида қаралади. Кодекснинг 21-моддасига кўра, қорхонадаги қасаба уюшмаси ва унинг сайлаб қўйилган органи ёки ходимлар томонидан сайланадиган бошқа органлар меҳнат муносабатларида ходимларнинг манфаатларини ифода этишда вакил бўлиши ва бу манфаатларни ҳимоя қилиши мумкин. Мазкур органни сайлаш тартиби, унинг ваколатлари, муддати ва таркибини меҳнат жамоасининг умумий йиғилиши (конференцияси) белгилайди. Яъни вакиллик қилиш ҳамда уларнинг манфаатларини ҳимоя этишни ишониб топширишлари мумкин бўлган органни ходимларнинг ўзи белгилайди.

Иш берувчининг вакиллик органини тузиши, унинг фаолияти, мақсадлари ва ҳуқуқлари Меҳнат кодексининг 28-моддасида баён этилган.

Унда асосан қорхона, муассаса ва ташкилотларда меҳнатнинг шартларини жорий этиш, жамоа шартномаси ва келишувларига оид масалаларни ҳал қилиш, қорхонани ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан ривожлантириш, меҳнат низолари юзасидан ходимлар манфаатларини ҳимоялаш, қорхона ва унинг мулкӣ манфаатларини ифода этиш орқали ижтимоий шерикликни амалга ошириш, хўжалик ва меҳнатга оид муносабатлар соҳасида иш берувчининг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш кўзда тутилган.

Демак, ташкилий бошқарувга оид муносабатлар меҳнат ҳуқуқининг асосий предмети—ижтимоий меҳнатга оид муносабатларга кўмакдош сифатида хизмат қилади.

2)Ишга жойлаштиришга доир муносабатлар ўрта умумтаълим, ҳунар-техника билим юртлари, техникумларни тамомлаган ёшларни, уруш ногиронлари ва қатнашчиларини, ҳарбий хизматни тугатиб, истеъфога чиққанларни, шунингдек жазони ўтаб бўлган шахсларни, меҳнат ва ишлаб чиқаришнинг қайта ташкил этилиши, корхоналарнинг банкрот бўлиши оқибатида ишдан бўшатишга кишиларни ҳамда аҳолининг бошқа тоифаларини ишга жойлаштириш каби масалаларни қамраб олади.

Айни вақтда вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссия, меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бўлимлари ва бошқа давлат идоралари ишга жойлаштирувчи орган ҳисобланади. Шу билан бирга, айрим ҳолларда мазкур муносабатлар маъмурий ҳуқуқ нормалари билан тартибга солинишини ҳам эслатиб ўтиш лозим. Умуман, аҳолини иш билан таъминлашга доир муносабатлар меҳнат ҳуқуқи предметининг ажралмас қисми ҳисобланади. Ўз-ўзидан аёнки, улар меҳнатга оид ижтимоий муносабатлардан илгарироқ намоён бўлади.

3)Ишлаб чиқаришда кадрлар тайёрлаш ва малакасини оширишга доир муносабатлар асосан ходимларнинг ўқиши, муайян касб ёки мутахассисликка эга бўлиши, шунингдек, ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда ўз малакасини ошириши жараёнида шаклланади.

Бу каби ижтимоий муносабатларнинг мазмун-моҳияти меҳнат фаолиятида эмас, муайян касб ёки мутахассислик бўйича ўқитишда мужассамлашган. Бундан кўзланган асосий мақсад — ишлаб чиқариш жараёнида ўқитиш тизимини жорий этиш орқали юқори самара билан ишлаш қобилиятига эга малакали ходимларни тайёрлашдан иборат. Мазкур муносабатлар ҳам меҳнат муносабатлари билан узвий боғлиқлиги сабабли, унинг ажралмас қисми ҳисобланади. Бинобарин, улар меҳнат ҳуқуқи предметининг таркибий қисми ҳамдир.

Маълумки, 1998 йилнинг 1 майида "Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикасининг (янги таҳрирдаги) қонуни қабул қилинди. Мазкур қонун ишга жойлаштириш тизимини такомиллаштириш, фуқароларнинг иш билан таъминланиши, касб ва машғулот турини танлаши ва уларнинг қизиқиши, қобилияти, касбий тайёргарлиги ҳамда маълумотига мувофиқ, меҳнат соҳасидаги қафолатланган ҳуқуқларининг рўёбга чиқишида муҳим аҳамият касб этади.

қонунда аҳолини ишга жойлаштириш, қайта ўқитиш ва касбга йўналтиришнинг умумдавлат тизимини яратиш кўзда тутилган. Мазкур қонунга биноан, Республика Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлигининг вилоят, шаҳар ва туманларда бўлинмалари ташкил этилган. Маҳаллий меҳнат бўлинмаларининг зиммасига фуқароларнинг касб тайёргарлиги, ихтисоси ва шахсий истакларига мувофиқ иш билан таъминлашга кўмаклашиш, корхона, муассаса ва ташкилотларнинг кадрларга бўлган эҳтиёжи тўғрисида аҳолини хабардор қилиш, ишчи кучи ва меҳнат захирасидан оқилонга фойдаланишни назорат этиш каби вазифалар юкланган. Иш билан банд бўлмаган кишиларни касбга тайёрлаш ва қайта тайёрлаш, уларнинг малакасини оширишни ташкил этиш каби масалалар Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги томонидан 1999 йил 24 апрелда тасдиқланган низомда ўз ифодасини топган.

4).Меҳнат муҳофазаси ва меҳнат қонунларига риоя этишни назорат қилишга доир муносабатлар .

Бу каби муносабатлар амалда ваколатли давлат идораларининг корхоналарда меҳнатни муҳофаза қилиш ва меҳнат қонунларига риоя этишни назорат қилиш

жараёнида намоён бўлади.

Меҳнат кодексининг 223-моддасида белгиланганидек, меҳнатни муҳофаза қилиш ҳолати устидан давлат назорати ва текшируви тегишли давлат идоралари томонидан амалга оширилади. Унда, шунингдек, меҳнатни муҳофаза қилиш норма ва қоидаларига риоя қилиш устидан жамоат текшируви касаба уюшмаси ва ходимларнинг бошқа вакиллик идоралари томонидан амалга оширилиши кўзда тутилган.

Бундан ташқари, назорат фаолияти махсус идоралар, хусусан Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги қошидаги Давлат меҳнат ҳуқуқ инспекцияси, касаба уюшмаларнинг ҳудди шундай инспекцияси, меҳнат техника инспекцияси томонидан ҳам амалга оширилади. қолаверса, бундай назорат ихтисослаштирилган давлат идоралари, жумладан, Давлат санитария назорати, Давлат энергетика назорати ва бошқа муассалар томонидан амалга оширилади. Меҳнат қонунларига риоя этилишига доир умумий назорат эса прокуратура идоралари зиммасига юкланади (Ўзбекистон Республикаси "Прокуратура тўғрисида"ги 2001 йил 29 августдаги қонунининг 4-моддаси).

Меҳнат муҳофазаси ва меҳнат қонунларига риоя қилишни назорат этиш фаолиятига оид муносабатлар иш берувчилар, айрим мансабдор шахслар, меҳнатни муҳофаза қилиш идоралари ва корхона ходимлари ҳамда уларнинг вакиллик органларининг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш зарурияти юзасидан келиб чиқади.

Аксарият ҳолларда, бундай муносабатлар меҳнатга оид ижтимоий муносабатлар билан бир вақтда шаклланади. Айрим ҳолларда улар меҳнатга оид ижтимоий муносабатлардан илгарироқ намоён бўлиши мумкин.

Ўзбекистон Республикасининг «Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида» 1993 йил 6 майдаги қонуни га биноан меҳнат хавфсизлиги талабларига жавоб бермайдиган, ходимлар саломатлиги ва ҳаётига хавф туғдирадиган корхоналар фаолияти ёки ишлаб чиқариш воситаларидан фойдаланиш, меҳнат хавфсизлиги қоидаларига мувофиқлаштирилгун га қадар, белгиланган тартибда ваколатли идоралар томонидан тўхтатиб қўйилиши керак

Меҳнатни муҳофаза қилиш борасидаги умумий назорат Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан амалга оширади.

5) Меҳнат низоларини ҳал қилишга доир муносабатлар.

Бундай низолар асосан меҳнатни ташкил қилиш, шарт-шароитла рини белгилаш ва ишлаб чиқаришга татбиқ этиш жараёнида юзага чиқади. Кўпинча меҳнат низолари иш берувчи билан ходим ўртасида вужудга келган келишмовчилик ўз вақтида ҳал қилинмаган тақдирда рўёбга чиқади. Аммо меҳнат низолари жамоа шартномасини қабул қилиш юзасидан ҳам келиб чиқиши мумкин. Меҳнатга оид муносабатнинг субъекти сифатида, бир томондан, ходим, иш берувчи, меҳнат жамоаси, касаба уюшмаси, ходимларнинг бошқа вакиллик органлари бўлса, иккинчи томондан, мазкур низоларни кўриб ҳал этадиган органлар: меҳнат низолари комиссиялари, суд органлари, айрим ҳолларда хўжалик судлари намоён бўлади.

Одатда, бу каби муносабатлар меҳнат низоларини ҳал қилиш тартиби билан боғлиқ бўлгани сабабли процессуал характерга эга бўлади.

Юқорида таъкидланганидек, айрим ҳолларда меҳнат низолари хўжалик судларида ҳам кўрилади. Чунки кўпинча меҳнат низолари хўжалик юритувчи субъектлар, мансабдор шахсларининг моддий жавобгарлиги билан боғлиқ бўлгани боис, улар хўжалик низоларини ҳал этиш жараёнида юзага келади.

Хулоса қилиб айтсак, меҳнат ҳуқуқи предмети асосан икки гуруҳ муносабатларга ажратиш мумкин. Биринчиси — бевосита ишлаб чиқариш жараёнида

шаклланадиган меҳнатга оид ижтимоий муносабатлар бўлиб, меҳнат ҳуқуқи предметининг ўзагини ташкил этади. Иккинчиси — меҳнатга оид муносабатларга муайян тарзда боғлиқ бўлган ва юқорида тилга олинган бошқа тусдаги муносабатлардан иборат.

3-§. Меҳнат ҳуқуқи манбалари

Юридик адабиётда эътироф этилишича, ҳуқуқ манбаи деганда умумий маънода ҳуқуқни ифода этиш шакли тушунилади. Манбаларнинг умумий шакли норматив-ҳуқуқий ҳужжатдир. Шундай экан, меҳнат ҳуқуқининг манбалари—меҳнатга оид муносабатлар ва улар билан узвий равишда боғлиқ бўлган бошқа муносабатларни тартибга солувчи турли норматив-ҳуқуқий ҳужжатлардир.

Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар муайян турдаги ва мазмундаги ижтимоий муносабатларни тартибга солади. Маълумки, 2000 йил 14 декабрда Ўзбекистон Республикасининг "Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида"ги қонуни қабул қилинган. Мазкур қонунда норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тушунчаси, турлари ва уларга қўйиладиган талаблар белгилаб берилган. қарорнинг 2-моддасида норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тушунчаси, таърифи баён этилган. Унда белгиланган шаклда қабул қилинган, умуммажбурий давлат кўрсатмалари сифатида қонун ҳужжатлари нормаларини белгилаш, ўзгартириш ёки бекор қилишга қаратилган расмий ҳужжат норматив-ҳуқуқий ҳужжат дея таърифланган.

Ушбу қонунда кўрсатилишича, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси, Ўзбекистон Республикаси Президенти, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, вазирликлар, давлат қўмиталари ва идоралари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни қабул қилувчи органлар ёки мансабдор шахслар ҳисобланади (қонуннинг 4-моддаси).

Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар давлат ҳокимияти ва давлат бошқаруви органлари томонидан қабул қилинади. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, уларни қабул қиладиган органлар мавқеи, юридик кучи, амал қилиш ҳудуди, татбиқ этиладиган шахслар доирасига қараб қуйидаги туркумларга бўлинади:

- а) Ўзбекистон Республикаси Конституцияси;
- б) Ўзбекистон Республикаси қонунлари;
- в) Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг қарорлари;
- г) Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари;
- д) Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари;
- е) вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг ҳужжатлари;
- ж) маҳаллий давлат ҳокимияти органлари қарорлари.

Умуман олганда, ижтимоий муносабатларни, жумладан, меҳнатга оид муносабатларни тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар икки турга: қонунлар ва қонун ости ҳужжатларга бўлинади.

Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қонун ҳужжатлари ҳисобланади ва улар Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатлари мажмуини ташкил қилади.

Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, Ўзбекистон Республикасининг қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг қарорлари қонунлар ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари, вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг қарорлари қонун ости ҳужжатлар сифатида белгиланган (мазкур қонуннинг 6-моддаси).

Маълумки, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тизимида қонунлар асосий ўрин эгаллайди. қарор—давлат олий вакиллик органи томонидан қабул қилинадиган, энг юқори юридик кучга эга бўлган норматив-ҳуқуқий ҳужжатдир. Шунинг учун мамлакатимизда Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг устиворлиги сўзсиз тан олинади. Конституция (асосий қонун) қонунлар орасида марказий ўрин тутди.

Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси олий юридик кучга эга ва Ўзбекистон Республикасининг бутун ҳудудида қўлланилади.

Ўзбекистон Республикасида қонунлар ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар Конституция асосида ва уни ижро этиш учун қабул қилинади ҳамда унинг нормалари ва тамойилларига зид келиши мумкин эмас (қонуннинг 7-моддаси).

Давлат, унинг органлари, мансабдор шахслар, жамоат бирлашмалари, фуқаролар Конституция ва қонунларга мувофиқ иш кўрадилар.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоҳ Каримов таъкидлаб ўтганидек, "Жамият ҳаётининг мезони бўлган Конституцияни чуқур ва ҳар томонлама ўрганишимиз, унинг маъносига етиб бориб, амалий ҳаётимизнинг доимий қўлланмасига айлантиришимиз даркор... Конституциямиз қонун олдида ҳамманинг тенглигини таъминлайдиган, ҳар бир инсоннинг ўз фикрини эмин-эркин ифода қилишида, ўз ҳақ-ҳуқуқларини талаб этишида, бурч ва масъулиятларини бажаришида бамисоли қалқон бўлиб хизмат қилиши керак".

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг 12-чақирик 11-сессиясида 1992 йил 8 декабрда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида миллий давлат ва унинг маъмурий-худудий тузилиши, давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари нинг тизими, ички ва ташқи сиёсатни амалга ошириш тамойиллари, фуқароларнинг асосий ҳуқуқлари, эркинликлари, бурчлари белгилаб берилган.

Конституцияда таъкидланганидек, Ўзбекистон Республикасида демократия умуминсоний тамойилларга асосланади ва энг муҳими, инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни, қадр-қиммати ва бошқа дахлсиз ҳуқуқлари олий қадрият ҳисобланади.

Демократик ҳуқуқ ва эркинликлар Конституция ва қонунлар билан ҳимоя қилинади (Конституциянинг 13-моддаси).

Ўзбекистон Республикасида барча фуқаролар бир хил ҳуқуқ ва эркинликларга эга бўлиб, жинси, ирқи, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахси ва ижтимоий мавқеидан қатъи назар, қонун олдида тенгдирлар.

Имтиёзлар фақат қонун билан белгиланиб қўйилади ҳамда ижтимоий адолат тамойилларига мос келиши шарт (Конституциянинг 19-моддаси). Шунингдек, фуқароларнинг Конституция ва қонунларда мустаҳкамлаб қўйилган ҳуқуқ ва эркинликлари дахлсиздир, улардан суд қарорисиз маҳрум этишга ёки уларни чеклаб қўйишга ҳеч ким ҳақли эмас (Конституциянинг 19-моддаси).

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 37, 38, 39, 40-моддалари меҳнат ҳуқуқининг асосий манбалари ҳисобланади.

Конституциянинг 37-моддасида таъкидланганидек, "ҳар бир шахс меҳнат қилиш, эркин касб танлаш, адолатли меҳнат шароитларида ишлаш ва қонунда кўрсатилган тартибда ишсизликдан ҳимояланиш ҳуқуқларига эгадир". Унда яна суд ҳукми билан тайинланган жазони ўташ тартибидан ёки қонунда кўрсатилган бошқа ҳоллардан ташқари, мажбурий меҳнат таққиланади, деб кўрсатилган.

Таъкидлаш жоизки, халқаро-ҳуқуқий ҳужжатларда, жумладан, Инсон ҳуқуқлари Умумжаҳон Декларацияси, инсон ҳуқуқлари тўғрисидаги халқаро битим ва бошқа ҳужжатларда кўзда тутилган ҳар бир фуқаро меҳнат ҳуқуқлари Ўзбекистон Республикаси Конституциясида ўз ифодасини топган. Асосий қонунимиз меҳнат соҳасидаги тенглик, камситишларга йўл қўймаслик, Конституцияга мувофиқ

фуқароларнинг касб ва иш турини эркин танлаш ҳуқуқининг энг муҳим кафолати бўлиб қолади.

Маълумки, Ўзбекистон Республикаси Конституциясида ҳар кимнинг меҳнат қилиши мажбурий экани кўзда тутилмайди. Мазкур қонданинг киритилиши фуқароларни меҳнат қилишга мажбур этишни таъқиқловчи Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро битимга, шунингдек, Халқаро Меҳнат Ташкилотининг 1930 йилдаги 29-сонли "Мажбурий меҳнатни тақиқлаш тўғрисида"ги ҳамда 1957 йилдаги 105-сонли "Мажбурий меҳнатни бекор қилиш тўғрисида" ги Конвенцияларига мос келади. Конституциянинг 37-моддасида баён этилган мажбурий меҳнатни тақиқлаш ҳақидаги қоида бир талай қонун ҳужжатларида ҳам ўз аксини топган. Конституциянинг 38-моддасида мустаҳкамланган дам олиш ҳуқуқидан ва меҳнат шартномаси (контракт) асосида мулкчилик ва ҳўжалик юритиш шаклидан қатъи назар, корхона, муассаса, ташкилотда ишлаётган ходим, шунингдек, айрим кишилар ихтиёрида ишлаётган шахслар фойдалана дилар. Таъкидлаш зарурки, ходимлар меҳнат тўғрисидаги қонунларга биноан нафақат ҳақ тўланадиган меҳнат ва ижтимоий таътилар, айнаи вақтда иш куни давомидаги ва сменалар орасидаги танаффуслар, дам олиш ҳамда байрам кунлари дам олиш ҳуқуқидан фойдаланадилар.

Меҳнат кодексиди иш вақтининг энг кўп муддати, меҳнат ва ижтимоий таътилнинг энг кам муддатининг мустаҳкамлаб қўйилгани фуқаролар дам олиш ҳуқуқининг муҳим кафолатидир. қарор билан белгиланган бу нормаларга риоя этиш корхона, муассаса ва ташкилотлар учун мажбурийдир.

Таъкидлаш жоизки, иш вақтининг энг кўп муддати ва таътиларнинг энг кам муддатини ҳуқуқий тартибга солиш масаласи доимо Халқаро Меҳнат Ташкилотининг диққат марказида бўлиб келган. Масалан, ХМТнинг 1935 йил 22 июндаги 47-сонли Конвенциясида 40 соатлик иш ҳафтаси тамойили мустаҳкамлаб қўйилган.

Мазкур қонунда таъкидланишича, Ўзбекистон Республикаси нинг қонунлари энг муҳим ва барқарор ижтимоий муносабатларни тартибга солади ҳамда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан ёки Референдум ўтказиш орқали қабул қилинади. Ўзбекистон Республикасининг 2000 йил 14 декабрдаги 166-II-сонли "қонун лойиҳаларининг умумхалқ муҳокамаси тўғрисида" ги қонунига мувофиқ, мамлакатимизда давлат ва жамият ҳаётининг энг муҳим масалаларига дахлдор қонун лойиҳалари умумхалқ муҳокамаси га қўйилади. 2001 йил 30 августда "Ўзбекистон Республикаси нинг Референдуми тўғрисида" (янги таҳрири) қонуни ҳам қабул қилинган.

Кейинги йилларда меҳнатга оид муносабатлар соҳасида ҳам бир қанча муҳим қонунлар қабул қилинди. Масалан, Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил 1 майда тасдиқланган "Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида"ги (янги таҳрирда) қонунда ҳар бир киши ўзининг меҳнатга бўлган қобилиятини тасарруф этишда мутлақ ҳуқуққа эга экани таъкидланади.

Юқорида таъкидлаганидек, ихтиёрий равишда иш билан банд бўлмаслик фуқарони маъмурий ёки жиноий жавобгарликка тортиш учун асос бўла олмайди. Мазкур қонунда ишни танлаш ва ишга жойлашишда қўмаклашиш, янги касб ва мутахассисликка ўргатиш, маҳаллий меҳнат органлари орқали малакани ошириш ёки шу тизим йўлланмаси билан стипендия тўланадиган бошқа ўқув юртларида малака ошириш, фуқароларнинг ёши ва хусусиятларини ҳисобга олиб ташкил этиладиган ҳақ тўланадиган жамоат ишларида қатнашиш учун муддатли шартномалар (контракт) тузиш имкониятини яратиб бериш, ишсизлик нафақасини тўлаш, ишидан маҳрум бўлганларга бериладиган кафолатлар кўзда тутилган.

Кейинги йилларда қабул қилинган қонунлар орасида Ўзбекистон Республикасининг 1993 йил 6 майдаги "Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида"ги

қонуни алоҳида ўрин тутди. Мазкур қонун ишлаб чиқариш усуллари, мулкчилик шаклидан қатъи назар, меҳнат муҳофазасини ташкил этишнинг ягона тартибини белгилаб беради. Шу билан бирга, бу қонуннинг асосий вазифаси фуқароларнинг саломатлиги ва меҳнатини муҳофаза қилинишини таъминлашдан иборат. Айни чоқда, унда Ўзбекистон Республикаси фуқаролари, чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар меҳнатини муҳофаза қилиниш ҳуқуқи мустаҳкамлаб қўйилган. Бу борада яна Ўзбекистон Республикасининг "Давлат санитария назорати тўғрисида" 1992 йил 3 июлдаги қонуни, Ўзбекистон Республикасининг "Фуқаролар соғлиғини сақлаш тўғрисида" 1996 йил 29 августдаги қонуни, шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг "Аҳолини сил касаллигидан муҳофаза қилиш тўғрисида" 2001 йил 11 майдаги қонуни ва бошқа қатор қонун ҳужжатлари қабул қилинган.

Маълумки, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг қарорлари Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунлари асосида ҳамда уларни ижро этиш учун қабул қилинади. Аксарият ҳолларда бундай қонун ҳужжати Олий Мажлис томонидан қабул қилинган қонунларни амалга киритиш тартибини белгилайди. Масалан, "Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикасининг қонунини амалга киритиш ҳақида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 1998 йил 1 майдаги қарори, "Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодексини амалга киритиш тартиби тўғрисида" Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 1995 йил 21 декабрдаги қарори шулар жумласидандир.

Шу билан бирга, Олий Мажлис айрим норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тасдиқлаш ҳақида ҳам қарор қабул қилади.

Республика меҳнат қонунчилиги соҳасида амалдаги қонунлар орасида Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодекси муҳим ўрин тутди. У меҳнат ҳуқуқининг кодификациялаштирилган асосий манба сифатида меҳнат ҳуқуқи соҳасининг предмети доирасига кирувчи барча ижтимоий муносабатларни тартибга солади. Ўзбекистон Республикаси нинг Меҳнат кодекси 1995 йил 21 декабрда қабул қилинган бўлиб, 1996 йил 1 апрелдан бошлаб амалга киритилган. Унинг 1-моддасида таъкидланганидек, Ўзбекистон Республикасида меҳнатга оид муносабатлар меҳнат тўғрисидаги қонун ҳужжатлари, жамоа келишувлари, шунингдек, жамоа шартномалари ва бошқа локал норматив ҳужжатлар билан тартибга солинади.

Мулкчиликнинг барча шаклидаги корхона, муассаса ва ташкилотларда, шунингдек 18 ёшга тўлган айрим фуқаролар ихтиёрида меҳнат шартномаси (контракт) бўйича ишлаётган жисмоний шахсларнинг меҳнатга оид муносабатлари меҳнат тўғрисидаги қонунлар ва бошқа норматив ҳужжатлар билан тартибга солинади.

Республика ҳукумати бутун Ўзбекистон ҳудудида барча корхона, муассаса, ташкилотлар, мансабдор шахслар ва фуқаролар томонидан бажарилиши мажбурий бўлган қарорлар қабул қилади ва фармойишлар чиқаради. Ўзбекистон Республикаси ҳукуматининг қарорлари меҳнат ҳуқуқининг манбалари сифатида Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, қонунлари, Президентнинг норматив характердаги фармонлари ижросини таъминлаш мақсадида ўз ваколати доирасида чиқарилади. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ижроия ҳокимият органи ҳужжатлари сифатида норматив-ҳуқуқий хусусиятга эга бўлиб, қонун ости ҳужжат ҳисобланади. ҳукумат қарорлари ҳуқуқ манбаларининг юридик иерархиясида қонунлар ва Президент аармонларидан кейинги ўринда туради.

Одатда, ҳукумат қарорлари амалдаги қонунларни, Президент фармонларини ривожлантириш, аниқроқ баён этиб бериш ва уларни сўзсиз амалга ошириш мақсадида қабул қилинади. Масалан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг диний байрам — қурбон ҳайитини дам олиш куни деб эълон қилиш ҳақида 1991 йил 21 июндаги 221-сонли Фармонининг ижроси юзасидан чиқарилган Вазирлар

Маҳкамасининг "қурбон ҳайитини нишонлаш" тўғрисида 2001 йил 23 февралдаги 92-сонли қарорини эслатиш мумкин.

Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идоралари ўз ваколатлари доирасида буйруқ ва қарорлар шаклида норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилади. Низомлар, қоидалар ва йўриқномалар тарзида қабул қилинадиган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар буйруқ ҳамда қарорлар билан тасдиқланади.

Бу органларнинг ҳуқуқий ҳужжатлари Ўзбекистон Республикаси нинг Конституцияси ва қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг, Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармонлари ва қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари асосида ҳамда уларни ижро этиш учун қабул қилинади. Бундай ҳужжатларнинг таъсир кўлами, ҳаракат доираси, юридик кучи, бошқарув идорасининг давлат органлари тизимида тутган ўрни ва унинг ваколатлари билан белгиланади. Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари амалдаги қонунлар, Президент фармонлари ҳамда ҳукумат қарорларига зид бўлиши мумкин эмас.

Маълумки, республикамізда ижтимоий йўналишдаги бозор иқтисодиётига ўтиш шароитида меҳнат ҳақидаги қонунчиликда янги ҳуқуқий нормалар пайдо бўлди. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 4-боби ана шундай нормалар сирасидан бўлган жамоа шартномаси ва келишувларига бағишланган. Кодекснинг 20- моддасида кўрсатилганидек, жамоа шартнома ва келишувлари ходимлар билан иш берувчиларнинг меҳнатга оид муносабатларини шартнома асосида тартибга солиш ва уларнинг ижтимоий-иқтисодий манфаатларини мувофиқлаштиришни назарда тутган ҳолда тузилади. Тартибга солинадиган муносабатлар ҳал қилиниши лозим бўлган масалаларнинг хусусиятига қараб жамоа келишувлари уч турга бўлинади: бош жамоа келишувлари, тармоқ жамоа келишувлари ҳамда ҳудудий (минтақавий) жамоа келишувлари. Жамоа келишувлари музокараларда иштирок этаётган тарафларнинг келишувига мувофиқ икки ёки уч томонлама бўлиши мумкин. Келишувни тузиш вақтида, учинчи тараф сифатида, давлат ижроия ҳокимият органи иштирок этиши мумкин (МКнинг 47-моддаси).

Бозор иқтисодиёти шароитида ана шундай жамоа келишувлари меҳнат ҳуқуқининг манбаи ҳисобланади. Зеро, бундай келишувлар давлат ҳокимияти ёки ижроия ҳокимият органининг норматив-ҳуқуқий ҳужжати эмас, балки ходимларнинг вакиллик органлари билан иш берувчининг ўзи ёки вакили ўртасида тузиладиган ҳужжатдир. Аниқроқ қилиб айтганда, келишув меҳнатга оид муносабатлар ҳамда уларнинг вакиллари—субъектлари ўртасида тузилади. Меҳнат кодексининг 1-моддасида бу ҳол шундай ифодаланган: "Ўзбекистон Республикасида меҳнатга оид муносабатлар меҳнат тўғрисидаги қонун ҳужжатлари, жамоа келишувлари, шунингдек жамоа шартномалари ва бошқа локал норматив-ҳужжатлар билан тартибга солинади". Меҳнат кодексининг 52-моддасида баён этилган жамоа келишувларининг мазмунини меҳнат муносабатларини, шунингдек, ходимларнинг ижтимоий-иқтисодий масалаларига оид барча қоидаларни ўз ичига қамраб олган.

Таъкидлаш жоизки, локал норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ҳам меҳнат ҳуқуқи манбалари сифатида муҳим аҳамиятга эга. Бозор иқтисодиётига ўтиш даврида жамоа шартномалари ва шу каби ҳужжатлар айниқса долзарб аҳамият касб этади. Юқорида таъкидланганидек, жамоа шартномалари корхонада иш берувчи билан ходимлар ўртасидаги меҳнатга, ижтимоий-иқтисодий ва касбга оид муносабатларни тартибга солувчи норматив-ҳужжатдир. Мазкур шартномалар ёрдамида субъектлар ўртасида меҳнатга оид муносабатлар тартибга солиб борилади ва ижтимоий-иқтисодий манфаатлар мувофиқлаштирилади.

Локал норматив ҳужжатлар тоифасига корхоналарда қабул қилинадиган ички

меҳнат тартиби қоидалари (Меҳнат кодексининг 174-моддаси), интизом тўғрисидаги устав ва низомлар (кодексининг 175-моддаси), ходимларни мукофотлаш тўғрисидаги қоидалар, турли йўриқномалар сингари ҳужжатлар киради. Бу ҳужжатларнинг амал қилиш доираси фақат бир корхона ҳудуди билан чекланган бўлиб, улар қонуности ҳужжатлар қаторига кирса-да, аммо амалдаги қонунларга зид бўлмаслиги лозим.

Норматив-ҳуқуқий ҳужжатни қабул қилган орган томонидан белгиланган муддат тугагунига ёки ходиса юз бергунига қадар ҳужжатнинг амал қилишини янги муддатга(масалан, бошқа ходиса юз бергунига қадар узайтириш тўғрисида ёки ҳужжатга муддатсиз тус бериш ҳақида)ўзгартирилиши ҳақида қарор қабул қилиниши мумкин (мазкур қонуннинг 28-моддаси). Норматив-ҳуқуқий ҳужжатнинг (унинг қисмининг) амал қилиши қуйидаги ҳолларда тугатилади:

норматив-ҳуқуқий ҳужжат (унинг қисми) мўлжалланган муддатда тугаганда ёки бошқа бир ходиса юз берганда;

норматив-ҳуқуқий ҳужжат (унинг қисми) қонунда белгиланган тартибда конституциявий эмас деб топилганда;

норматив-ҳуқуқий ҳужжат (унинг қисми) ўз кучини йўқотган деб топилганда;

норматив-ҳуқуқий ҳужжат қонунда назарда тутилган бошқа ҳолларда бекор қилинганда.

Маълумки, жамоа келишувлари ваколатли органлари уни тузган ходимларга ва иш берувчиларга нисбатан муайян ҳудудда татбиқ этилади. Айрим ҳолларда, у ижроия ҳокимият органларига ҳам татбиқ этилади. Жамоа келишувлари у имзолаган пайдан ёки келишувда белгиланган вақтдан бошлаб кучга киради. Унинг амал қилиш муддати тарафлар томонидан белгиланади ва бу муддат 3 йилдан ортиб келмаслиги лозим (МКнинг 54-моддаси).

Локал норматив ҳужжатлар, одатда, бир корхона доирасида амал қилади. Меҳнат кодексининг 41-моддасида таъкидланишича, жамоа шартномаси имзоланган вақтдан эътиборан ёки жамоа шартномасида кўрсатилган кундан бошлаб кучга киради ҳамда тарафлар белгиланган муддат давомида амал қилади. Белгиланган муддат тугагач, жамоа шартномаси янги шартнома тузилгунга ёки амалдаги шартнома ўзгартирил гунга ёхуд тўлдирилгунга қадар амал қилади.

Жамоа шартномаси иш берувчига ва шу корхонанинг барча ходимларига, шу жумладан жамоа шартномаси кучга киргандан кейин ишга қабул қилинган шахсларга ҳам татбиқ этилади.

Корхона қайта ташкил этилганда жамоа шартномаси бу давр мобайнида ҳам, корхона раҳбари билан тузилган меҳнат шартномаси бекор қилинганда ҳам, корхона мол-мулкнинг эгаси ўзгарганда ҳам 6 ой мобайнида ўз кучини сақлаб қолади (МКнинг 43-44-моддалари). қарорга биноан, корхона тугатилаётганда жамоа шартномаси тугатиш ишлари билан боғлиқ бўлганмуддат давомида ўз кучини сақлаб қолади.

Ўзбекистон Республикасининг меҳнатга оид норматив-ҳуқуқий ҳужжатларининг татбиқ этилиши лозим бўлган муносабатлар ҳамда жисмоний ва юридик шахслар доирасининг аниқ белгилаб қўйилиши лозим. Шу боис барча ҳуқуқ соҳалари каби меҳнат қонунчилигида ҳам ягоналик ва дифференциаллик тамойилининг аҳамияти бекиёсдир.

Ушбу тамойилга кўра, меҳнат соҳасидаги ҳуқуқий нормалар икки гуруҳга бўлинади: 1) барча ходимларга нисбатан татбиқ этиладиган **умумий нормалар** ; 2) айрим ходимлартоифасига (аёллар, вояга етмаган шахслар, ногиронлар, ноқулай меҳнат шароити ва оғир ишларда банд бўлганлар, мураккаб ва ноқулай иқлим шароитида ишлаётганлар, молиявий жихатдан бюджетдан таъминланадиганлар ва бошқалар) нисбатан қўлланиладиган **махсус нормалар** .

Меҳнат қонунчилигида нормаларнинг ходимлар тоифасига қараб дифференциация қилиниши шундан иборатки, умумий мақомга эга ҳуқуқий нормалар барча турдаги корхоналарда ишлаётган ходимларга нисбатан бир хил татбиқ этилади. Масалан, Меҳнат кодексининг 6-моддасида меҳнатга оид муносабатлар соҳасида камситишнинг тақиқланишини назарда тутувчи қоида барча фуқаролар меҳнат ҳуқуқларига эга бўлиши ва улардан фойдаланишда тенг имкониятларга эга экани тасдиқланган. Мазкур кодексининг 7-моддасида баён этилган мажбурий меҳнатнинг тақиқланиши ҳақидаги қоида ҳам шунга яққол мисол бўла олади.

Меҳнат қонунчилигида ҳуқуқий нормалар дифференциацияси айрим тоифадаги ходимлар меҳнاتини ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солиш хусусиятлари билан боғлиқ экани маълум. Меҳнат кодексининг 18-моддасида бу хусусиятлар қуйидагича туркумланган:

- ходим ва корхона ўртасидаги меҳнат муносабатлари билан боғлиқ хусусиятлар;

- ходим меҳнатининг шарт-шароитларига оид хусусиятлар;

- табиий иқлим шароитларига оид хусусиятлар;

- ходим меҳнат қилаётган жойнинг алоҳида ҳуқуқий тартиби билан боғлиқ хусусиятлар;

- бошқа объектив омиллар билан белгиланган хусусиятлар.

Иш билан таъминлаш ва ишга жойлаштириш

қонун фуқароларнинг меҳнат қилиш ҳуқуқини кафолатлайди. Жумладан Ўзбекистон Республикасининг «Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида»ги қонунининг 6-моддасига биноан, давлат қуйидагиларни кафолатлайди.

иш билан таъминлаш турини, шу жумладан турли меҳнат режимидаги ишни танлаш эркинлигини;

ишга қабул қилишни қонунга ҳилоф равишда рад этишдан ва меҳнат шартномасини жайриқонуний равишда бекор қилишдан ҳимояланишни;

мақбул келадиган иш танлаш ва ишга жойлашишга бепул ёрдам беришни;

ҳар кимга касбга ва ишга эга бўлишда, меҳнат қилиш ва иш билан таъминланиш шарт-шароитларида, меҳнатга ҳақ тўлашда, хизмат поёнасидан юқорилаб боришда тенг имкониятлар яратишни;

янги касбга (мутахассисликка) бепул ўқитишни, маҳаллий меҳнат органларида ёки уларнинг йўлланмаси билан бошқа ўқув юртларида стипендия тўлаб малакасини оширишни;

бошқа жойдаги ишга қабул қилинганда сарф қилинган моддий харажатлар учун қонун ҳужжатларига мувофиқ компенсация тўлашни;

ҳақ тўланадиган жамоат ишларида катнашиш учун муддатли меҳнат шартномалари тузиш имкониятини кафолатлайди.

Булардан ташқари, Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодексига иш жойларининг тугатилиши муносабати билан ходимларга ишга жойлашгуга қадар бериладиган имтиёз ва компенсациялар ҳамда ўртача ойлий иш ҳақидан кам бўлмаган миқдордан кам бўлмаган ишдан бўшаттиш нафақаси тўланиши назарда тутилган.

4-§. Меҳнат шартномаси

Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексига кўрсатилишича, меҳнат шартномаси ходим билан иш берувчи ўртасидаги муайян мутахассислик, малака ёки лавозимга оид ишни ички меҳнат тартибига бўйсунган ҳолда тарафлар келишуви,

меҳнат тўғрисидаги қонунлар ва бошқа норматив ҳужжатлар билан белгиланган шартлар асосида ҳақ эвазига бажариш ҳақидаги келишувдир. Меҳнат шартномаси мазмун-моҳияти жиҳатидан кўп қиррали бўлиб, **биринчидан**, фуқароларнинг меҳнат қилиш ҳуқуқларини амалга ошириш шакли; **иккинчидан**, меҳнатга оид ҳуқуқий муносабатларни келтириб чиқарувчи ва муайян вақт давомида амал қилишини таъминловчи асос; **учинчидан**, меҳнат ҳуқуқининг институти сифатида намоён бўлади. Бундан ташқари, меҳнат шартномаси фуқароларни ишга қабул қилиш, бошқа ишга ўтказиш ҳамда ишдан бўшатишга оид нормалар мажмуини ташкил этади.

Меҳнат шартномаси, аввало, фуқаролар томонидан уларнинг Конституцияда белгиланган меҳнат қилиш ҳуқуқларини амалга оширишнинг асосий шакли ҳисобланади.

"Меҳнат шартномаси"нинг тушунчаси муҳим аҳамиятга эга бўлиб, у шартноманинг асосий белгиларини ўз ичига қамраб олади.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, бу тушунча меҳнат шартномасига яқин бўлган бошқа турдош фуқаролик-ҳуқуқий шартномаларидан фарқини ажратиш олиш имкониятини беради. Дарҳақиқат, мазкур шартномаларнинг амалда қўлланилиши фуқароларнинг меҳнат фаолияти билан узвий боғлиқ бўлгани сабабли уни тузган ходимларга нисбатан меҳнат ҳақидаги қонунлар татбиқ этилади.

Шундай қилиб, меҳнат шартномаси, биринчидан, ходим ҳамда иш берувчининг эрки ва мақсадини ифода этувчи келишувдир; иккинчидан, келишувга мувофиқ, ходим қандайдир бир ишни бир марта бажариш мажбуриятини эмас, балки муайян мутахассислик, малака ёки лавозим бўйича бирор бир ишни, аниқроқ айтганда, муайян меҳнат вазифасини бажариш мажбуриятини олади; учинчидан, келишувга мувофиқ, ходим маълум меҳнат вазифасини муайян корхона, муассаса, ташкилотда бажариш мажбуриятини олади.

Меҳнат функцияси эса муайян меҳнат жамоаси таркибида бажарилади.

Меҳнат жамоасининг ҳар бир иштирокчиси корхона, муассаса, ташкилотнинг шахсий таркибига киритилади ва ички меҳнат тартиби қоидаларига бўйсунди.

Тўртинчидан, меҳнат шартномаси узлуксиз давом этувчи ҳуқуқий муносабат сифатида ҳам муҳим аҳамият касб этади (шартнома муайян муддатга тузилган ҳоллар ҳам бундан мустасно эмас);

бешинчидан, меҳнат шартномасига мувофиқ, иш берувчи ходимга меҳнат қонунларида, жамоа шартномасида, меҳнат шартномасида назарда тутилган иш ҳақини тўлаб туриш ва меҳнат шароитини таъминлаб бериш мажбуриятини ўз зиммасига олади. Меҳнат шартномасининг бу белгилари уни фуқаролик-ҳуқуқий шартномалардан, жумладан, пудрат, топшириқ, муаллифлик ва бошқа шартномалардан фарқлаш имкониятини беради. Масалан:

а) пудрат шартномаси (Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 631-моддаси).

Пудрат шартномасига кўра, бир тараф (пудратчи) иккинчи тарафнинг (буюртмачи) топшириғига биноан, маълум бир ишни иш берувчининг ёки ўзининг материалларидан бутун масъулиятни ўз зиммасига олиб бажариш мажбуриятини олади, буюртмачи эса бажарилган ишни қабул қилиш ва бунинг учун ҳақ тўлаш мажбуриятини олади. Бунда шартноманинг объекти сифатида пудратчи меҳнатининг натижаси намоён бўлади;

б) топшириқ шартномаси (Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 817-моддаси). Унга асосан, бир тараф (вакил) иккинчи тараф (топшириқ берувчи) томонидан юклатилган маълум юридик ҳаракатларни унинг номидан ва ҳисобидан бажариш мажбуриятини олади.

Агар топшириқ бажарилгани учун қонун ёки шартномада ҳақ тўлаш назарда

тутилган бўлса, топшириқ берувчи ишончли вакилга ҳақ тўлаши лозим (Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 818-моддаси).

Топшириқ шартномасининг предметини вакил томонидан амалга ошириладиган муайян юридик ҳаракатлар, чунончи, унинг томонидан тузилган қонун ҳужжатларига зид бўлмаган турли битимлар (шартномалар) ташкил этади;

в) муаллифлик шартномаси (Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 1037-моддаси). Мазкур шартнома муаллифнинг интеллектуал фаолияти натижаларини яратиш ва улардан фойдаланиш тўғрисидаги шартномадир.

Муҳими шундаки, фуқаролик-ҳуқуқий шартномаларининг предметини маълум ишнинг натижаси, яъни индивидуал аниқ меҳнат топшириғининг бажарилиши ташкил этади. Айни вақтда, буларнинг ҳаммаси ижро этувчининг корхонада ўрнатилган ички меҳнат тартиби қоидаларига итоат этмаган ҳолда бажарилади. Шу жиҳатдан қараганда, меҳнат шартномаси бутунлай ўзгача мазмун касб этади.

Меҳнат шартномасининг фуқаролик-ҳуқуқий шартномалардан фарқлаб олиш мураккаб бўлган ҳолларда унинг қуйидаги белгилари асос қилиб олиниши мумкин:

биринчидан, ходим меҳнат шартномасига мувофиқ, қандайдир ишни бир марта бажариш мажбуриятини эмас, балки муайян ихтисос, малака ёки лавозимга оид ишни, яъни аниқ белгиланган меҳнат вазифасини бажариш мажбуриятини олади (агарда меҳнат шартномасида бир неча касбни бажариш тўғрисида келишилган бўлса, у иккита ёки ундан кўпроқ вазифаларни бажаришни ўз зиммасига олиши мумкин).

Меҳнат шартномасининг бу шarti ходимнинг корхона, муассаса, ташкилотнинг меҳнат жамоаси таркибига, муайян муддатга бўлса-да, расмий жиҳатдан корхонага қабул қилинганидан, меҳнат жамоаси таркиби рўйхатига киритилганидан қатъи назар, мазкур жамоага қўшилганини англатувчи ҳамда бошқа шартномалардан фарқини билдирувчи асосий белгиси ҳисобланади.

Меҳнат шартномасига мувофиқ, ходим меҳнат тартиби қоидаларига бўйсунган ҳолда муайян ихтисос, малака, лавозим бўйича ишни бажариш мажбуриятини олади. Меҳнат интизомига бўйсунуш эса фақат меҳнатга оид ҳуқуқий муносабатларга хосдир.

Иккинчидан, меҳнат шартномасига мувофиқ, ходим белгиланган меҳнат нормасини бажариш, яъни белгиланган иш вақти давомида ишлаш, ўрнатилган ишлаб чиқариш нормасини бажариш мажбурияти ни олади. Корхонада ўрнатилган ички меҳнат тартиби қоидаларига бўйсунган ҳолда муайян ихтисос, малака, лавозимга оид ишни бажариши унинг шу корхонанинг ходими сифатида, яъни меҳнат шартномаси асосида ишлашини билдиради.

Учинчидан, ходимнинг меҳнат шартномаси юзасидан келиб чиқадиган мажбуриятлари қатъий белгилаб қўйилгани сабабли унинг бажарилиши бошқа шахсга топширилиши асло мумкин эмас.

Меҳнат шартномасининг тарафлари Меҳнат кодексининг 72-моддасида кўрсатилган.

қуйидагилар меҳнат шартномасининг тарафлари ҳисобланади:

ходим—16 ёшга тўлган Ўзбекистон Республикаси фуқароси, шунингдек, хорижий фуқаролар ва фуқаролиги бўлмаган шахслар (бошқа ҳолларда, ота-онасидан бирининг ёки унинг ўрнини босувчи шахснинг ёзма розилиги билан қонун ҳужжатларида назарда тутилган тартибда— 15 ёшдан, умумтаълим мактаблари, ҳунар-техника билим юртлари ва ўрта махсус ўқув юртларининг 14 ёшга тўлган ўқувчилари ҳам ўқишдан бўш вақтларида ишлаш учун ишга қабул қилиниши мумкин);

иш берувчи-корхона, жумладан, унинг раҳбарлари тимсолида, корхонанинг алоҳида таркибий бўлинмалари, мулкдорнинг ўзи айни вақтда бир вақтда раҳбар

бўлган хусусий корхоналар; қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда 18 ёшга тўлган айрим шахслар.

Умумий қонунчиликда 16 ёшга тўлган шахсларнинг ишга қабул қилиниши белгиланган. Демак, фуқароларда меҳнатга оид ҳуқуқий лаёқат улар 16 ёшга тўлгандан бошлаб вужудга келади. Фуқароларда ҳуқуқий лаёқат ва муомала лаёқати вужудга келиши масаласида ҳам меҳнат ҳуқуқи фуқаролик ҳуқуқидан фарқ қилади. Чунончи, Фуқаролик ҳуқуқида ҳуқуқий лаёқат билан муомала лаёқатининг пайдо бўлиш даври ўртасида вақт нуқтаи назаридан маълум тафовут бўлса, меҳнат ҳуқуқида бу икки категория бир-бири билан узвий боғлиқ ҳолда ва бир пайтда вужудга келади. Чунки ҳар қандай жонли меҳнат ҳар бир индивидуумнинг шахсий эркига боғлиқ фаолиятдир. Шунинг учун ҳам меҳнат мажбуриятлари вакиллар орқали амалга оширилиши мумкин эмас. Фуқаролик ҳуқуқида эса, аксинча, бунга йўл қўйилади. Масалан, топшириқ шартномасини олиб кўрайлик. Бу шартномага биноан, вакиллар топшириқ берувчи номидан ва унинг ҳисобига ҳаракат қилиш бурчини олгани сабабли ўзига берилган ваколат доирасида бажарган барча қонуний ҳаракатлари топшириқ берувчи учун бевосита ҳуқуқ ва мажбуриятларини вужудга келтиради.

қонунга биноан, юридик шахс ҳуқуқига эга бўлган корхона, муассаса ва ташкилотлар меҳнат шартномасининг иккинчи тарафи ҳисобланади.

Баъзи ҳолларда юридик шахс ҳуқуқига эга бўлмаган, лекин мустақил равишда ишга қабул қилиш ҳуқуқи берилган, ўзи учун ажратилган иш ҳақи фонди, банкда алоҳида ҳисоб рақами бўлган ва мустақил балансда турувчи корхоналарнинг алоҳида таркибий бўлинмалари ҳам меҳнат шартномасининг тарафи сифатида намоён бўлади; амалдаги қонунчиликда бундай корхоналар билан бир қаторда, ходимларга ҳақ тўлаш шарти билан шартнома тузган жамоат ва кооператив ташкилотлари ҳам меҳнат шартномасининг тарафи бўлиши белгилаб қўйилган.

Маълумки, фуқаролар фақат ўз эҳтиёжи учун бошқа шахсларнинг меҳнатидан фойдаланиши мумкин. Масалан, уй хизматкори, энага, ҳайдовчи, машинисткалар билан меҳнат шартномаси тузилиши мумкин. Бу ҳол амалдаги қонунчиликда ўриндошлик бўйича ишлаш тўғрисида меҳнат шартномаси тузилишига йўл қўйилишидан далолатдир.

Меҳнат шартномасининг мазмуни. Тарафларнинг меҳнат ҳуқуқлари ва мажбуриятлари йиғиндиси меҳнат шартномасининг мазмунини ташкил этилади. Меҳнат шартномаси қуйидаги икки шарт асосида тузилиши мумкин: 1) асосий шартлар, яъни буларсиз меҳнат шартномасини тузилган деб ҳисоблаш мумкин эмас; 2) қўшимча (ихтиёрий) шартлар, яъни булар ҳақида келишиш мажбурий эмас.

Меҳнат шартномасининг мазмуни тарафлар келишуви бўйича, шунингдек меҳнат тўғрисидаги қонунлар ва бошқа норматив ҳужжатлар билан белгиланади. Асосий шартлар меҳнат шартномаси тарафлари нинг келишуви билан белгиланади.

қуйидагилар меҳнат шартномасининг шартлари ҳисобланади:

иш жойи, яъни ходим ишга қабул қилинаётган корхона, муассаса, ташкилотнинг (унинг таркибий бўлинмаси) номи;

ходимнинг меҳнат вазифаси мазмуни, лавозим йўриқномаси, малака маълумотномаси ва бошқа норматив ҳужжатлар билан белгиланадиган муайян мутахассислик, малака ёхуд лавозимга оид иш (раҳбарлар, мутахассислар ва хизматчиларнинг ва бошқа тоифа ходимларнинг ягона тариф-малака маълумотномаси, малака маълумотномаларига мувофиқ);

ишнинг бошланиш куни — қонун ҳужжатларига мувофиқ тузилган меҳнат шартномаси имзоланган пайтдан бошлаб кучга киради, ишнинг бошланиш санаси қайд этилмаган тақдирда, ходим шартнома имзоланган кундан кейинги иш кунидан

(сменадан) кечикмай, ишга тушиши лозим.

5-§. Меҳнат ҳақи миқдори ва бошқа шартлар

Меҳнат ҳақи миқдори қонун ҳужжатлари билан белгиланган энг кам иш ҳақи миқдоридан кам бўлмаслиги, унинг энг кўп миқдори эса чегараланиши мумкин эмас; қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда, айрим меҳнат шартномаларини тузишда зарур шартлар рўйхати кенгайтирилиши мумкин. Масалан, муддатли меҳнат шартномасини тузишда ишнинг нафақат бошланиш санаси, балки унинг тамом бўлиш санаси ҳам қайд этилади. Ходимни муайян ишни бажариш вақтига мўлжаллаб ишга қабул қилишда у бажариши лозим бўлган иш аниқ кўрсатилиши зарур. Ўриндошлар билан меҳнат шартномасини тузишда қонун ҳужжатлари билан назарда тутилган энг кўп муддат доирасида бажарилиши лозим бўлган кундалик ишнинг аниқ муддати белгиланади. Шуниси ҳам муҳимки, меҳнат шартномасини тузиш пайтида ходимларнинг қонунлар ва бошқа норматив ҳужжатлар билан белгиланган меҳнат ҳуқуқлари ва кафолатлари даражаси пасайтирилиши мумкин эмас.

Юқорида таъкидланганидек, тарафларнинг келишувга кўра, меҳнат шартномасида қўшимча шартлар назарда тутилиши мумкин. Улар тарафларнинг мажбуриятларини аниқлаш, уларни тўлдириш, ходимга қўшимча имтиёз ва афзалликлар берилишни назарда тутиши мумкин.

қўшимча шартларга қуйидагилар киритилиши мумкин:

ходимга меҳнат шароитлари белгиланган ҳолда ЯТММ ва ММда назарда тутилган қўшимча меҳнат мажбуриятларини юклаш;

бир неча касбда ишлаш тартиби ва шартлари кўрсатилган ҳолда меҳнат шартномасининг мустақил шарти сифатида бир неча касбда (лавозимда) ишлаш;

ходим синов муддати билан ишга қабул қилинаётган тақдирда, синовнинг аниқ муддати белгиланиши (қачондан қачонгача);

ходим юқори малакаси учун, агар бу амалдаги қонун ҳужжатлари да, жамоа шартномасида (барча даражадаги жамоа келишувларида) ёки корхона, ташкилот, муассасада амал қилувчи бошқа норматив ҳужжатларда назарда тутилган ҳолларда, мураккаброқ ишларни бажариш билан боғлиқ бўлган меҳнатга ҳақ тўлашнинг (тариф ставкалари, мансаб маошлари, қўшимча ҳақлар, устамалар, мукофотлар ва бошқа тарздаги тақдирлаш) юқорироқ миқдорини яқка тартибда белгилаш;

ходим учун белгиланган иш вақти режими (тўлиқсиз иш куни, тўлиқсиз иш хафтаси, қисқартирилган иш вақти, соатбай иш, иш кунининг бошланиши ва тамом бўлиши ва бошқалар);

қўшимча ҳақ тўланадиган ва ҳақ тўланмайдиган дам олиш кунлари, таътиллار бериш;

ижтимоий-маиший тусдаги шартлар (болалар боғчасида ўрин ажратиш, санаторий-курортда даволаниш учун йўлланма билан таъминланиш, транспорт хизмати, марказлаштирилган тартибда озиқ-овқат муҳсулотлари билан таъминлаш, уй-жой бериш ва бошқалар);

муддатли меҳнат шартномаси қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда муддатидан олдин бекор қилинганда неустойка тўлаш.

қонун ҳужжатлари, жамоа шартномаси, меҳнатга ҳақ тўлаш тўғрисидаги низом ва бошқа локал тарздаги норматив ҳужжатларга нисбатан ходимнинг аҳволини ёмонлаштирадиган меҳнат шартномаси шартлари ҳақиқий эмас деб ҳисобланади.

Жумладан, меҳнат шартномаси тузишда қуйидаги шартлар белгиланиши мумкин эмас:

қонун йўл қўядиган ҳоллардан ташқари меҳнат шартномасини бекор қилишнинг қўшимча шартларини киритиш;

қонун ҳужжатларида назарда тутилмаган интизомий жазо чораларини белгилаш;

синов муддатини Меҳнат кодексида кўзда тутилган энг юқори муддатдан ортиқча белгилаш;

ўриндошлик асосида ишлашга қўшимча чеклашлар жорий қилиш;

қонунда назарда тутилганидан ортиқча иш вақти муддати белгилаш;

ходимлар учун қонун ҳужжатларида назарда тутилмаган ҳолларда моддий жавобгарлик жорий этиш (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 11 майдаги 133-сонли қарори билан тасдиқланган "Ўзма ҳолдаги меҳнат шартномаси (контракт) тузиш юзасидан тавсиялар". қорорлар тўплами, 1997 йил, 3-сон, 11-модда). Тижорат сирларини ошкор қилмаслик ҳам шулар жумласидандир.

6-§. Меҳнат шартномасини тузиш

Илгари таъкидланганидек, меҳнат шартномасини тузиш пайтида ходимларнинг қонунлар ва бошқа норматив ҳужжатлар билан белгиланган меҳнат ҳуқуқлари ва кафолатлар даражаси пасайтирилиши мумкин эмас.

Меҳнат шартномаси ўзма шаклда тузилади.

Меҳнат шартномасининг шакли Ўзбекистон Республикаси ҳукумати томонидан 1997 йил 11 мартдаги 133-сон қарори билан тасдиқланган Намунавий меҳнат шартномасини ҳисобга олган ҳолда ишлаб чиқилган. Мазкур ҳужжатда ўзма ҳолдаги меҳнат шартномасини тузиш юзасидан тавсиялар тасдиқланган.

Мазкур тавсия ва меҳнат шартномасининг намунавий шакли мулкчиликнинг барча шаклларидаги корхона, муассаса, ташкилотлар га, яъни иш берувчилар ва ходимларга меҳнат шартномаларини тузишда амалий ёрдам бериш мақсадида ишлаб чиқилган.

Меҳнат шартномаси бир хил кучга эга бўлган камида икки нусхада тузилади ва ҳар бир тарафга сақлаш учун топширилади.

Меҳнат шартномасида тарафларнинг манзиллари кўрсатилади.

Меҳнат шартномаси ходим ва ишга қабул қилиш ҳуқуқига эга бўлган мансабдор шахснинг имзоси билан мустаҳкамланиб, унинг тасдиқланган муддати кўрсатилади. Бундай тасдиқлаш имзонинг ҳақиқий ва ваколатли эканини кўрсатади.

Меҳнат шартномаси санаси кўрсатилган ҳолда имзолар билан тасдиқланади. Корхона, муассаса, ташкилот ишга қабул қилиш ҳуқуқи берилган мансабдор шахснинг имзоси гербли муҳр билан тасдиқланади (гербли муҳр бўлмаган тақдирда, имзонинг ҳақиқийлиги ва ваколатлилиги бошқа муҳр билан тасдиқланади).

Мазкур тавсияларда кўрсатилганидек, ходимнинг талабига кўра, меҳнат шартномаси у биладиган тилда тузилади ва давлат тилида тузилган шартнома билан бил хил кучга эга бўлади.

Ходим билан тузилган меҳнат шартномаси ишга қабул қилиш тўғрисида буйруқ чиқариш учун асос ҳисобланади.

Буйруқ тузилган меҳнат шартномаси мазмунига зид бўлмаслиги керак.

Меҳнат шартномасининг муддати Меҳнат кодексининг 75-моддасида кўрсатилган. Унга кўра, меҳнат шартномаси: номуайян, яъни амал қилиш муддати кўрсатилмаган муддатга; беш йилдан ортиқ бўлмаган муддатга; муайян ишни бажариш вақтига мўлжаллаб тузилади.

Агар меҳнат шартномасида унинг амал қилиш муддати кўрсатилмаган бўлса, бундай ҳолда меҳнат шартномаси номуайян муддатга тузилган ҳисобланади.

Номуайян муддатга тузилган меҳнат шартномаси ходимнинг розилигисиз муайян муддатга мўлжаллаб қайта тузилиши мумкин эмас.

Муҳими шундаки, Меҳнат кодексининг 76-моддасида муддатли меҳнат шартномаси тузишга йўл қўйилиши мумкин бўлган ҳолатлар алоҳида таъкидлаб ўтилган.

Муддатли меҳнат шартномаси бажарилажак ишнинг хусусиятлари, уни бажариш шартлари ёки ходимнинг манфаатларини ҳисобга олиб, номуайян муддатга мўлжалланган меҳнат шартномаларини тузиш мумкин бўлмаган ҳолларда, корхона раҳбари, унинг ўринбосари, бош бухгалтер билан, корхонада бош бухгалтер лавозими бўлмаган тақдирда, мазкур вазифани бажарувчи ходим билан, шунингдек қонунда назарда тутилган бошқа ҳолларда тузилади.

қонунга биноан, ишга қабул қилишга 16 ёшдан йўл қўйилади. 15 ёшга тўлган шахслар ота-онасидан бирининг ёки улар ўрнини босувчи шахснинг ёзма равишдаги розилиги билан ишга қабул қилиниши мумкин.

Ёшларни меҳнатга тайёрлаш мақсадида умумтаълим мактаблари, ҳунар-техника билим юртли ва ўрта махсус ўқув юртлининг ўқувчиларини 14 ёшга тўлганларидан кейин ота-онасидан бирининг ёки улар ўрнини босувчи шахснинг розилиги билан болаларнинг соғлиғига ва камол топишига зиён етказмайдиган ва таълим олиш жараёнини бузмайдиган енгил ишларни ўқишдан бўш вақтларида бажариш учун ишга қабул қилишга йўл қўйилади.

18 ёшга тўлмаган шахсларни ишга қабул қилиш Кодекснинг 241-моддасида назарда тутилган талабларга риоя этилган ҳолда амалга оширилади.

Кодекснинг 78-моддасига биноан, ишга қабул қилишни ғайриқонуний равишда рад этишга йўл қўйилмайди. Ишга қабул қилишни ғайриқонуний равишда рад этиш деб қуйидагилар ҳисобланади:

ушбу кодекснинг 6-моддаси талабларини бузиш;

иш берувчи томонидан таклиф қилинган шахсларни ишга қабул қилмаслик;

иш берувчи қонунга мувофиқ меҳнат шартномаси тузиши шарт бўлган шахсларни, масалан, белгиланган квота бўйича ишга юборилган ногиронларни, 18 ёшга тўлмаган шахсларни, ҳомиладор аёлларни ва 3 ёшга тўлмаган болалари бўлган аёлларни, хусусан уларнинг ҳомиладорлиги ёки боласи борлиги важдан ишга қабул қилмаслик;

қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа ҳоллар.

Ишга қабул қилиш рад этилган тақдирда, ходимнинг талаби билан иш берувчи 3 кун муддат ичида рад этишнинг сабабини асослаб, ёзма жавоб бериши шарт. Бу жавоб ишга қабул қилиш ҳуқуқига эга бўлган мансабдор шахс томонидан имзоланган бўлиши лозим. Ишга кирувчининг бундай асосланган жавобни бериш ҳақидаги талабини қондиришни рад этиш ходимни ишга қабул қилиш ғайриқонуний равишда рад этилгани устидан шикоят қилишига тўсиқ бўлмайди.

Кодекснинг 79-моддасига мувофиқ, қариндош-уруғларнинг бир давлат корхонасида бирга хизмат қилишлари чекланган.

Бу қонданинг мазмуни шундан иборатки, ўзаро яқин қариндош ёки қуданда бўлган шахсларнинг (ота-оналар, ака-укалар, опа-сингиллар, ўғил ва қизлар, эр-хотинлар, шунингдек эр-хотинларнинг ота-оналари, ака-укалари, опа-сингиллари ва болалари), башарти улардан бири иккинчисига бевосита бўйсуниб ёки унинг назорати остида хизмат қиладиган бўлса, уларнинг бир давлат корхонасида бирга хизмат қилишлари тақиқланади.

Ишга қабул қилиш вақтида ишга қираётган шахс қуйидаги ҳужжатларни иш берувчига тақдим этиши лозим:

паспорт ёки унинг ўрнини босадиган бошқа ҳужжатни, 16 ёшгача бўлган

шахслар эса туғилгани тўғрисидаги гувоҳнома ва турар жойдан маълумотномани;

ҳарбий хизматга мажбурлар ёки ҳарбий хизматга чақирилувчи шахслар тегишли ҳарбий билети ёхуд ҳарбий ҳисобда тургани ҳақидаги гувоҳномани;

қонун ҳужжатларига мувофиқ, махсус маълумотга ёки махсус тайёргарликка эга шахсларгина бажариши мумкин бўлган ишга кираётган шахс олий ва ўрта махсус ўқув юртини тамомлагани тўғрисидаги дипломни ёхуд мазкур ишни бажариш ҳуқуқини берадиган гувоҳномани ёки бошқа тегишли ҳужжатни. Масалан, Ўзбекистон Республикаси "Фуқаролар соғлиғини сақлаш тўғрисида" 1996 йил 26 августдаги қонунга мувофиқ, тиббиёт ҳамда фармацевтика фаолияти билан шуғулланиш учун фуқародан олий ёки ўрта махсус ўқув юртини тамомлагани тўғрисида диплом талаб қилинади.

Меҳнат кодексининг 81-моддасига биноан, иш берувчи кор-хонада беш кундан ортиқ ишлаган барча ходимларга меҳнат дафтарчаси тутиши шарт (ўриндошлик асосида ишловчилар бундан мустасно).

Меҳнат дафтарчаси ходимнинг меҳнат стажини тасдиқловчи асосий ҳужжат бўлиб, мулкчилик ва хўжалик юритиш шаклидан қатъи назар, корхона, муассаса ва ташкилотларда беш кундан ортиқ ишлаган, шу жумладан, муайян муддатга ёлланганларга, шунингдек давлат ижтимоий суғурта қилиниши кўзланган тақдирда, штатлар жадвалидан ташқари ходимларга ҳам юритилади.

Иш берувчи ҳар бир ходим учун меҳнат дафтарчаси очиши, зарурат бўлганда, масалан, иш даврини иш стажига киритиш учун ходимни иш даври тўғрисида маълумотнома бериши шарт.

Меҳнат дафтарчаси Ўзбекистон Республикасининг давлат тилида, қорақалпоғистон Республикасида эса қорақалпоқ ёки Ўзбекистон Республикаси давлат тилида иш берувчи томонидан ходимнинг иштирокида тўлдирилади.

Меҳнат дафтарчасига қуйидаги маълумотлар киритилади.

Ходим тўғрисида: фамилияси, исми ва отасининг исми, туғилган санаси, маълумоти, касби, мутахассислиги ва лавозими.

Иш тўғрисида: ишга қабул қилиш, бошқа доимий ишга ўтказиш (жамоа шартномасида кўрсатилган ҳолларда ишлаб чиқариш зарурати билан вақтинча бошқа ишга ўтказиш бундан мустасно), меҳнат шартномаси бекор қилингани ҳақида.

Шунингдек, ходимнинг илтимосига кўра, меҳнат дафтарчасига ўриндошлик асосида ишлагани ва вақтинча бошқа ишга ўтказилган даврлари ҳақидаги ёзувлар ҳам киритилади. Меҳнат шартномасини бекор қилиш асослари (сабаблари) меҳнат дафтарчасида қайд этилмайди.

Меҳнат дафтарчасига ишга қабул қилиниши, бошқа доимий ишга ўтказилиши каби барча турдаги ёзувлар иш берувчи томонидан буйруқ берилганидан сўнг киритилади ва бу ёзув буйруқнинг мазмунига мос бўлиши шарт.

Белгиланган тартибда ягона тариф-малака маълумотномасида ва хизмат мансабларининг ягона рўйхати ёхуд лавозимлар жадвалида рўй берган ўзгаришлар ёки қўшимчалар тўғрисидаги маълумотлар ходимлар эътиборига етказилиб, сўнг уларнинг меҳнат дафтарчаларига иш берувчининг буйруғи асосида тегишли ўзгартириш ёки қўшимчалар киритилади.

Бордию, ходимга ишлаб турган даврида янги малака даражаси берилган бўлса, бу ҳақда белгиланган тартибда тегишли ёзув киритилиши шарт. Ходим иккинчи ва ундан кейинги касбларни ўрганган тақдирда, бу тўғрида меҳнат дафтарчасига ушбу касбларнинг малака даражалари кўрсатилиб, қайд қилинади.

Ходим янги ўрганган касби бўйича иш бажарган тақдирда, меҳнат дафтарчасига бу тўғрида тегишли ёзув киритилади.

Меҳнат дафтарчасида меҳнат шартномаси бекор бўлгани тўғрисидаги ёзув

амалдаги қонун талабларига мос бўлиши, меҳнат шартномасини бекор қилиш асослари (сабаблари) тўғрисида ёзув киритилмас лиги шарт.

Ходим билан иш берувчи ўртасидаги меҳнат шартномаси бекор қилинганда ходимнинг мазкур ташкилотда ишлаган даврида меҳнат дафтарчасига иши тўғрисидаги маълумот (ёзувлар) корхона раҳбари ёки унинг томонидан махсус ваколат берилган шахснинг имзоси ва корхона ёки ходимлар бўлимининг муҳри билан тасдиқланади.

Меҳнат шартномаси бекор қилинган куни ходимга унинг меҳнат дафтарчаси ва меҳнат шартномасининг бекор қилиниши ҳақидаги буйруқнинг нусхаси берилиши шарт. қарорда иш берувчининг айби билан меҳнат дафтарчасини бериш кечиктирилган ҳолларда, бутун кечиктирилган давр учун ходимга ўртача ойлик иш ҳақи тўланиши белгилаб қўйилган.

Юқорида таъкидланганидек, ишга қабул қилиш иш берувчининг буйруғи билан расмийлаштирилади. Буйруқ чиқариш учун ходим билан тузилган меҳнат шартномаси асос бўлади.

Корхона раҳбарини, унинг ўринбосарлари, бош бухгалтерни ишга қабул қилиш корхона мулки эгасининг ҳуқуқи бўлиб, бу ҳуқуқни у бевосита, шунингдек ўзи вакил қилган органлар орқали ёки корхонани бошқариш ҳуқуқи берилган корхона кенгаши, бошқаруви, бошқа органлар орқали амалга оширади.

Корхона раҳбари мулкдор унга берган ваколатлар доирасида ходимлар билан меҳнат шартномалари тузади.

Ишга қабул қилиш ҳақидаги буйруқ тузилган меҳнат шартномасининг мазмунига тўлиқ мувофиқ равишда чиқарилиши керак.

Буйруқ ходимга маълум қилиниб, тилхат олинади.

Ишга қабул қилиш ҳуқуқига эга бўлган мансабдор шахс томонидан ёки унинг ижозати билан ходимга ишлашга рухсат этилган бўлса, ишга қабул қилиш тегишли равишда расмийлаштирилган ёки расмийлаштирилмаганидан қатъи назар, иш бошланган кундан эътиборан меҳнат шартномаси тузилган деб ҳисобланади.

қонун ҳужжатларига мувофиқ тузилган меҳнат шартномаси у имзоланган вақтдан бошлаб кучга киради. Ходим шартномада белгилаб қўйилган кундан бошлаб ўзининг меҳнат вазифаларини бажаришга киришмоғи керак.

Агар меҳнат шартномасида ишнинг бошланиш куни ҳақида шартлашилмаган бўлса, ходим меҳнат шартномаси имзоланган иш кунининг (сменанинг) эртасидан кечикмай ишга тушмоғи лозим.

Ходим ўзига юклатилган меҳнат вазифалари билан олдиндан таништирилиши шарт (Меҳнат кодексининг 178-моддаси).

Меҳнат шартномаси дастлабки синов белгилаш шarti билан тузилиши мумкин. Бундай синов муддати — ходимнинг топширилаётган ишга лаёқатини текшириб кўриш ҳамда унинг мазкур шартномада шартлашилган ишни давом эттириши мақсадга мувофиқлиги (ёки номувофиқлиги) ҳақида бир қарорга келиш мақсадида белгиланади.

Дастлабки синовни ўташ ҳақида меҳнат шартномасида шартлашилган бўлиши лозим. Бундай шартлашув бўлмаган тақдирда, ходим дастлабки синовсиз ишга қабул қилинган деб ҳисобланади.

Айрим тоифа ходимлар, жумладан, хомиладор аёллар, уч ёшга тўлмаган боласи бор аёллар, корхона учун белгиланган квота ҳисобидан ишга юборилган шахслар ишга қабул қилинганда, шунингдек олти ойгача муддатга ишга қабул қилиш ҳақида ходимлар билан меҳнат шартномаси тузилганда, дастлабки синов белгиланмайди.

Дастлабки синов муддати уч ойдан ошиб кетиши мумкин эмас.

Вақтинча меҳнатга қобилиятсизлик даври ва ходим узрли сабабларга кўра

ишда бўлмаган бошқа давр дастлабки синов муддатига киритилмайди.

Дастлабки синов даврида ходимларга меҳнат қонунчилиги ва корхонада ўрнатилган меҳнат шартлари тўлиқ татбиқ этилади. Бу давр меҳнат стажига киритилади. Дастлабки синов муддати тугагунга қадар, ҳар бир тараф иккинчи тарафни 3 кун олдин ёзма равишда огоҳлатириб, меҳнат шартномасини бекор қилишга ҳақлидир. Тарафлар келишуви билан огоҳлантириш муддати қисқартирилиши ҳам мумкин.

Огоҳлантириш муддати тугагунга қадар, тарафлардан бирортаси меҳнат шартномасини бекор қилишни талаб қилмаган бўлса, шартноманинг амал қилиши давом этади ва бундан кейин у фақат умумий асосларда бекор қилиниши мумкин.

Меҳнат шартномасининг турлари. Амалдаги меҳнат қонунчилигида меҳнат шартномасининг бир қанча турларининг муддати, мазмунининг ўзига хослиги, шакли ва уни тузиш тартибига оид жиҳатларига кўра тавсифланади.

Меҳнат шартномаси муддатларига кўра икки турга бўлинади:

а) номуайян муддатга тузиладиган шартномалар;

б) муайян муддатга тузиладиган, яъни беш йилга қадар муддатга, шунингдек муайян ишни бажариш муддатига мўлжаллаб тузиладиган шартномалар. Бу ерда шунини таъкидлаш лозимки, шартноманинг кейинги тури ишнинг тугалланиш муддатини аниқ белгилаш имконияти бўлмаган ҳолларда тузилади. Шунинг учун ҳам ишнинг тугалланиш муддати мазкур шартноманинг муддати бўлиб ҳисобланади.

Шунингдек, меҳнат шартномасининг қуйидаги турларини ҳам фарқлаш мумкин:

- ўриндошлик бўйича ишлар ҳақидаги меҳнат шартномаси;
- конкурс асосида ишга қабул қилишда тузиладиган меҳнат шартномаси;
- корхона раҳбари билан тузиладиган меҳнат шартномаси;
- касаначилар (уй ходимлари)
- уй хизматкорлари.

7-§. Иш вақти тушунчаси ва унинг турлари

Ходим иш тартиби ёки графигига ёхуд меҳнат шартномаси шартларига мувофиқ, ўз меҳнат вазифаларини бажариши лозим бўлган вақт иш вақти ҳисобланади.

Демак, иш вақти:

1) қонун билан ёхуд унга мувофиқ равишда бир кун, бир ҳафта ва бошқа календарь даврга белгилаган, ходимнинг корхонада ишлаши лозим бўлган соатлар сони (масалан, кунига 7-8-соат, ҳафтасига 40 соат);

2) календарь вақтнинг бир қисми (муайян кунлар ва соатлар). Бу вақт ичида ходим ўз иш жойида бўлиб, топширилган ишни белгиланган график ёхуд тартибга мувофиқ ёки улардан ташқари (иш вақтидан кейин, дам олиш кунлари ишлаш) вақтда бажариши лозим;

3) ҳақиқатда ишланган вақт. Бу вақт ичида ходим мавжуд график ёки тартибга мувофиқ равишда, шунингдек иш берувчининг буйруғи ёки руҳсати бўлган тақдирда мавжуд график, тартибдан ташқари ўз иш жойида ҳақиқатда ҳам бўлиб, меҳнат вазифаларини бажаради. Меҳнат қонунчилигига кўра, ҳақиқатда иш бажарилмаган даврлар (масалан, бекор туриб қолинган вақт, ҳақ тўланадиган танаффуслар) ҳам иш вақтига қўшилади.

Энди, иш вақтининг қонунчиликда кўрсатилган нормал, қисқартирилган ва тўлиқсиз иш кунлари турларининг ҳар бирига қисқача тўхталиб ўтамыз.

Нормал иш вақти—бу қонун билан ёки қонун асосида белгилаб қўйилган

муддат мобайнидаги кунлик иш вақти, иш ҳафтасидан иборат. Бундан ортиқча ишланган вақт, одатда, иш вақтидан ташқари бажарилган ишлар ҳисобланади. Нормал иш вақтини тўлиқсиз иш вақтидан фарқламоқ лозим, чунки тўлиқсиз иш вақти муддати ходим билан иш берувчи ўртасидаги келишувга мувофиқ белгиланади ва шу тоифа ходимларнинг иш вақти нормасига нисбатан қисқароқ бўлади. Меҳнат кодексининг 115-моддасида корхона, муассаса ва ташкилотларда ишлаётган ходимларнинг нормал иш ҳафтаси 40 соатдан ортиқ бўлмаслиги кўрсатилган. Бу қоида барча ходимларга тааллуқли бўлиб, бутун иш вақти режими, шу жумладан иш вақтини жамлаб ҳисоблаш учун мажбурий ҳисобланади. қарорларда қисқартирилган иш вақти муддати назарда тутилган ҳолларда, нормал иш вақти муддати ҳафтасига 40 соатдан камроқ, масалан ҳафтасига 36, 35, 30 ва 24 соат бўлиши мумкин.

Бундан ташқари, амалдаги қонунчиликда олти кунлик иш ҳафтасида иш кунининг муддати 7 соатдан, 5 кунлик иш ҳафтасида эса 8 соатдан ортиб кетмаслиги белгилаб қўйилган. Иш вақтини жамлаб ҳисобга олиш жорий этилган корхоналарда Кодекснинг 123-моддасида назарда тутилган қоидаларга мувофиқ иш вақтининг (сменасининг) муддати 12 соатдан ортиб кетмаслиги лозим.

Иш вақтининг қисқартирилган муддати деганда, ходимларнинг меҳнатини муҳофаза қилиш, ишни ўқиш билан бирга қўшиб олиб бориш учун қўлай шароитлар яратиб бериш, ёшлар ва меҳнат қобилияти пасайган шахсларни улар соғлиғига зарар етказмаган ҳолда, меҳнатга жалб этиш мақсадида нормал 40 соатлик иш ҳафтаси ўрнига қонунларда кўзда тутилган қисқартирилган иш вақти муддати тушунилади. Бинобарин, бундай иш вақти бевосита қонунларда кўзда тутилган ҳоллар ва норма асосидагина белгиланади.

Меҳнат кодексининг 116-моддасида таъкидлаб ўтилганидек, айрим тоифа ходимлар учун уларнинг ёши, соғлиғи, меҳнат шароитлари, меҳнат вазифаларининг ўзига хос хусусиятлари ва ўзга ҳолатларни инобатга олиб, меҳнат тўғрисидаги қонунлар ва бошқа норматив ҳужжатлар, шунингдек меҳнат шартномаси шартларига биноан меҳнатга тўланадиган ҳақни камайтирмасдан иш вақтининг қисқартирилган муддати белгиланади. Кўриниб турганидек, бундай ҳолларда меҳнатга тўланадиган иш ҳақи миқдорининг камайтирилишига асло йўл қўйилмайди.

Иш вақтининг қисқартирилган муддати қуйидагилар учун белгиланади:

- 18 ёшга тўлмаган ходимларга (242-модда);
- 1 ва 11 гуруҳ ногиронлари бўлган ходимлар (220-модданинг учинчи қисми;
- ноқулай меҳнат шароитларидаги ишларда банд бўлган ходимларга (117-модда);
- алоҳида тусдаги ишларда банд бўлган ходимлар (118-модда);
- 3 ёшга тўлмаган болалари бор, бюджет ҳисобидан молиявий жиҳатдан таъминладиган муассаса ва ташкилотларда ишлаётган аёллар (МКнинг 228¹-моддаси).

МКнинг 242-моддасида 18 ёшга тўлмаган шахслар учун қисқартирилган иш вақти муддати белгиланган. Унга кўра, 16 ёшдан 18 ёшгача бўлган ходимларга ҳафтасига 36 соатдан, 15 ёшдан 16 ёшгача бўлган ходимлар учун эса ҳафтасига 24 соатдан ошмайдиган, таътил даврида ишлаётган ёки ўқишдан бўш вақтларида меҳнат қилаётган 14 ёшдан 16 ёшгача бўлган ўқувчилар учун ҳам ана шундай қисқартирилган иш вақти белгиланган (МКнинг 242-моддаси). Муҳими, қонун бўйича ҳафтасига 24 ва 36 соатлик иш вақти улар қаерда ишлашидан ёки ишлаб чиқариш таълимини қаерда ўтаётганларидан қатъи назар белгиланади. Бунда кунлик иш муддати олди кунлик иш ҳафтасида 4 ва 6 соатдан, беш кунлик иш ҳафтасида эса 5 ва 7 соатдан ошмаслиги керак.

Меҳнат кодексининг 220-моддасида 1 ва 2-гуруҳ ногиронлари учун иш

вактининг ҳафтасига 36 соатдан ошмайдиган қисқартирилган муддати назарда тутилган.

Меҳнат қонунчилигида ноқулай меҳнат шароитларидаги ишларда банд бўлган ходимлар учун ҳам иш вактининг қисқартирилган муддатини белгилаш кўзда тутилган. Республика меҳнат қонунчилигида меҳнат жараёнида соғлиғига физикавий, кимёвий, биологик ва ишлаб чиқаришнинг бошқа зарарли омиллари таъсир этадиган ходимлар учун иш вактининг ҳафтасига 36 соатдан ошмайдиган қисқартирилган муддати белгиланган (МКнинг 117-моддаси).

Тўлиқсиз иш вақти шарт билан ишлаш ходимнинг йиллик асосий меҳнат таътили муддатини, меҳнат стажини ҳисоблашда ҳамда бошқа меҳнат ҳуқуқларини бирон-бир тарзда чеклаш учун асос бўлмайди. Бундай ҳолларда, ходимнинг ишлаган вақтига ёки ишлаб чиқарган маҳсулоти га мутаносиб равишда равишда ҳақ тўланиши шарт.

Иш вақти режими. Иш вақти режими деганда, иш вактининг сутка ёки бошқа календарь муддат мобайнида, шунингдек кундалик ишнинг, ишдаги танаффуснинг бошланиш, тугалланиш вақтини тушунилади. Бундан ташқари, иш вақти режими тушунчаси иш ҳафтасининг бошланиш ва тугалланиш вақтини ҳам қамраб олади.

Иш ҳафтасининг тури: икки кун дам олинadиган беш кунлик иш ҳафтаси ёки бир кун дам олинadиган олти кунлик иш ҳафтаси ва иш вақти режими (кундалик иш вактининг, сменанинг муддати, ишнинг бошланиш ва тугалланиш вақти, ишдаги танаффуслар вақти, сутка давомидаги сменалар сони, иш кунлари ҳамда дам олиш кунларининг навбат билан алмашилиши, ходимларнинг сменадан сменага ўтиш тартиби) корхонада ички меҳнат тартиби қоидалари, бошқа локал норматив ҳужжатлар асосида белгиланади. Бу ҳужжатлар бўлмаган тақдирда, иш берувчи билан ходимнинг келишуви асосида белгиланади. Иш сменаси, биринчидан, сутканинг муайян қисмида ходимларнинг алмашилиш графигига мувофиқлаштирилган иш, масалан, кундузги, кечки, тунги иш сменаси; иккинчидан, кундалик ишнинг соатлар ҳисобидаги муддатдир. Иш сменаси иш вақти режими ёки ходимларнинг сменалар алмашилиш графиги билан белгиланади. Мазкур график ходимларнинг вакиллик органи билан келишилган ва маълум тоифа ходимлар учун белгиланган иш вақти муддатида риоя қилинган ҳолда иш берувчи томонидан тасдиқланади. Шу маънода "иш сменаси" тушунчаси бир сменали ишга нисбатан ҳам қўллаш мумкин.

Иш сменасини иш кунидан фарқлаш керак. Иш куни муддати бевосита қонунлар билан белгиланади. Иш сменасининг муайян муддатлари эса кўрсатилмаган, лекин у ходимларнинг бир қанча тоифасига нисбатан ва муайян меҳнат шароитларига қараб чегараланган соатдан ошмаслиги даркор.

Сменали иш корхона ёки унинг айрим таркибий бўлималари меҳнат жамоасининг ишлаб чиқариш жараёни муддатини ҳисобга олган ҳолда, бир суткада бир сменадан ортиқ мўлжаллаб ташкил этилган иш.

Иш сменаси жараёнида иш вақти режими сменалар графиги билан белгиланади ва у қонунларда кўзда тутилган нормативларга мувофиқ бўлиши лозим.

Иш ҳафтаси деганда, биринчидан, календарь ҳафтадаги иш вақти муддатининг қонун билан белгиланган нормаси тушунилади. Меҳнат кодексининг 115-моддасига мувофиқ, бу вақт 40 соатдан ошмаслиги керак. Ходимларнинг бир қанча тоифаси учун юқорида таъкидлангани дек, қисқартирилган иш ҳафтаси белгиланган. Иккинчидан, календарь ҳафта давомида иш ва дам олиш кунлари сони билан ифодаланadиган иш вақти режими (масалан, икки кун дам олинadиган беш кунлик иш ҳафтаси, бир кун дам олинadиган олти кунлик иш ҳафтаси). қарорга биноан, ходимни сурункасига икки смена мобайнида ишга жалб этиш тақиқланади.

қонунга биноан байрам (ишланмайдиган) кунлари арафасида кундалик иш

(смена) муддати барча ходимлар учун камида бир соатга қисқартирилади (МКнинг 121-моддаси).

Ишлаб чиқариш шароитларига кўра зарур бўлган ҳолларда, шунингдек бир кун дам олинadиган олти кунлик иш ҳафтаси шароитида сменали иш ташкил этилган жойларда тунги иш муддати кундузги иш муддатига тенглаштирилади.

Ходимлар тунги вақтдаги ишга жалб этилганда меҳнат қонунчилигида белгиланган чеклашларга тўлиқ риоя этилиши лозим (бу ҳақда дарсликнинг тегишли бобларидаги изоҳларга қаралсин). Амалдаги қонунчиликда иш вақтини ҳисобга олишнинг қуйидаги икки тартиби кўзда тутилган: иш вақтини кунлар бўйича ва жамлаб ҳисобга олиш тартиби.

Дам олиш вақти тушунчаси ва турлари. Маълумки, фуқароларнинг энг муҳим ҳуқуқларидан бири—дам олиш ҳуқуқи Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 38-моддасида мустаҳкамлаб қўйилган. Бу ҳуқуқ ходимлар учун 40 соатдан ошмайдиган иш ҳафтаси, бир қатор касблар ва ишлаб чиқариш соҳалари учун қисқартирилган иш куни, тунги пайтларда қисқартирилган иш вақти белгиланиши, ҳар йили ҳақ тўланадиган таътиллار ва ҳар ҳафтада дам олиш кунлари берилиш ҳамда дам олиш учун бошқа маданий-маиший шароитлар яратиб бериш билан таъминланади.

Дам олиш вақти мавзуси МКнинг VIII-бобида баён этилган. Дам олиш вақтига оид ҳуқуқий нормалар Меҳнат кодекси ва корхонанинг жамоа шартномасида (37-модда) аниқ белгилаб қўйилган.

Меҳнат қонунчилигига кўра, дам олиш вақти ходим меҳнат вазифаларини бажаришдан ҳоли бўлган ва бундан ўз ихтиёрига кўра фойдаланиши мумкин бўлган вақт ҳисобланади. Дам олиш вақти иш куни давомидаги танаффуслар, иш куни (смена) оралиғидаги дам олиш вақти, ҳафталик узлуксиз дам олиш, байрам кунлари, таътиллار каби турларга бўлинади.

Меҳнат кодексининг 127-моддасига мувофиқ, ходимларга дам олиш ва овқатланиш учун иш куни (смена) давомида танаффус берилади ва бу танаффус иш вақтига кирмайди.

Танаффус, одатда, иш бошлангандан кейин узоғи билан тўрт соатдан кейин берилади. Танаффус муддати ва уни бериш вақти ички меҳнат тартиби қоидаларида, смена графикларида ёки ходим билан иш берувчи ўртасидаги келишувга биноан белгиланади.

Ишлаб чиқариш шароитига кўра, танаффус бериш мумкин бўлмаган ишларда иш берувчи томонидан ходимларга овқатланиб олиш учун иш вақти давомида 30 дақиқа муддат билан белгиланади. Бундай ишлар рўйхати, овқатланиш тартиби ва жойи ички меҳнат тартиби қоидаларида белгилаб қўйилади. Меҳнат тўғрисидаги қонунлар ва бошқа норматив ҳужжатларда иш куни (смена) давомида бериладиган бошқа танаффуслар ҳам белгилаб қўйилиши мумкин.

Барча ходимларга дам олиш кунлари (ҳар ҳафталик узлуксиз дам олиш) берилади.

Беш кунлик иш ҳафтаси шароитида ходимларга ҳафтада икки кун дам олиш куни, олти кунлик иш ҳафтасида эса бир дам олиш куни берилади.

Якшанба умумий дам олиш куни ҳисобланади. Беш кунлик иш ҳафтасида иккинчи дам олиш куни муассаса, ташкилотнинг ички меҳнат тартиби қоидалари билан белгиланади. Одатда, икки дам олиш куни кетма-кет берилади. Сменалар бўйича ишлайдиган бўлинмаларда (участкаларда) дам олиш кунларини бериш сменалар графигига мувофиқ белгиланади (Намунавий ички меҳнат тартиби қоидаларининг 4.8-банди).

Айрим ходимларни дам олиш кунлари ишга жалб қилишга иш берувчининг

фармойиши бўйича алоҳида ҳолларда жамоа шартномаси да белгиланган асослар ва тартибда йўл қўйилади. Агар корхонада жамоа шартномаси тузилмаган бўлса, иш берувчи томонидан касаба уюшмаси қўмитаси ёки ходимларнинг бошқа вакиллик органи билан келишган ҳолда тегишли асослар ва тартиб белгиланган бўлиши керак.

Ходимларни дам олиш кунлари ишга жалб қилиш тақиқланади. Шу билан бирга, айрим тоифа ходимларни (ногиронлар, аёллар, вояга етмаган шахслар) ишга жалб қилиш қонунчиликда белгиланган чеклашларга риоя этган ҳолда амалга оширилади.

Бундан ташқари, МКнинг 157-моддасида таъкидланганидек, дам олиш кунлари бажарилган иш учун камида икки хисса миқдорда ҳақ тўланади.

Амалдаги қонунчиликка биноан, байрам кунлари шонли воқеалар ёки анъанавий саналарга бағишланадиган кунлар бўлиб, умумий қоидага биноан, шу кунлари корхона, муассаса ва ташкилотларда иш бажарилмайди.

Юқорида айтилганидек, байрам (ишланмайдиган) кунлари ишлаш ман этилади. Ходимларни иш берувчининг фармойиши билан ана шу кунлари ишга жалб этишга алоҳида ҳолларда қонунда назарда тутилган асослар бўйича ва тартибда йўл қўйилади.

Байрам (ишланмайдиган) кунлари бажарилган ишлар учун компенсация ва ҳақ тўлаш Кодекснинг 157-моддасига мувофиқ амалга оширилади.

Таътиллار. МКнинг 133-моддасида мувофиқ, барча ходимларга, шу жумладан, ўриндошлик бўйича ишлаётган ходимларга ҳам дам олиш ва иш қобилиятини тиклаш учун иш жойи (лавозими) ва иш ҳақи сақлаган ҳолда йиллик меҳнат таътиллари берилади.

қонунда йиллик асосий таътилнинг муддати камида 15 кун иш кунидан иборат этиб белгиланган.

Айрим тоифадаги ходимларга уларнинг ёши, соғлиғини ҳисобга олиб, йиллик узайтирилган таътиллار берилади. Чунончи:

18 ёшга тўлмаган шахсларга —30 календарь кун;

ишлаётган 1 ва 2-гурӯх ногиронларига —30 календарь кун.

Шунингдек, қонун ҳужжатларига мувофиқ, айрим тоифадаги ходимлар учун уларнинг меҳнат вазифаларининг ўзига хос жиҳатлари ва хусусиятлари ҳамда бошқа ҳолатларни эътиборга олиб йиллик узайтирилган таътиллار белгиланган. Масалан, Ўзбекистон Республикасининг "Прокуратура тўғрисида" (янги таҳрирда) 2001 йил 29 августдаги қонунига мувофиқ, прокуратура органлари ходимларига муддати 30 календарь кундан иборат йиллик таътил берилади.

Маълумки, меҳнат қонунчилигида айрим тоифа ходимлар учун қўшимча таътиллари бериш назарда тутилган ва тегишли қонун ҳужжатларида кафолатланган.

МКнинг 136-моддасига мувофиқ, йиллик қўшимча таътиллари:

меҳнат шароити ноқулай ва ўзига хос бўлган ишларда банд бўлган ходимларга (137-модда);

оғир ва ноқулай табиий-иқлим шароитида иш бажараётган ходимларга (138-модда);

меҳнат тўғрисидаги қонунлар ва бошқа норматив ҳужжатларда, меҳнат шартномасининг шартларида назарда тутилган бошқа ҳолларда берилади.

Меҳнат кодексининг 137-моддасида меҳнат шароити ноқулай ва ўзига хос бўлган ишларда банд бўлган ходимларга қўшимча таътил бериш кўзда тутилган. Бундай қўшимча таътил, одатда, иш жараёнида соғлиғига физикавий, кимёвий, биологик ва бошқа ишлаб чиқариш омиллари зарарли таъсир этадиган ходимларга ноқулай меҳнат шароитида ишлагани учун берилади.

Корхоналарда қўшимча таътил олиш ҳуқуқини берувчи ишлар, касблар ва

лавозимлар рўйхати, таътиллارнинг муддати, уларни бериш тартиби ва шартлари тармоқ келишувлари, жамоа шартномаларида белгилаб қўйилади. Агар бундай шартномалар тузилмаган бўлса, касаба уюшмаси кўмитаси ёхуд ходимларнинг бошқа вакиллик органи билан келишган ҳолда иш берувчи томонидан белгиланади. Бу ҳужжатлар, ўз навбатида, Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги ҳамда Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан тасдиқланган меҳнат шaroитларини баҳолаш услубияти асосида белгиланади. Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги томонидан Соғлиқни сақлаш вазирлиги билан биргаликда тасдиқланиб, меҳнат шaroитларини баҳолаш ва иш жойларини аттестациядан ўтказиш услубияти, услубиятга мувофиқ, белгиланган қўшимча йиллик таътиллار муддати жамоа келишувлари ва шартномасига киритилади.

қоидага кўра, йиллик асосий таътил биринчи иш йили учун олти ой ишлагандан кейин берилади.

Иш йили меҳнат шартномасига биноан иш белгиланган кундан эътиборан ҳисобланади. Таътил қуйидаги ходимларга уларнинг хоҳиши бўйича олти 6 ўтмасдан олдин берилади:

аёлларга — ҳомиладорлик ва туғиш таътили олтидан ёки кейин;

биринчи ва иккинчи гуруҳ ногиронларига;

18 ёшга тўлмаган шахсларга;

муддатли ҳарбий хизматдан захирага бўшатиш ва ишга жойлашган ҳарбий хизматчиларга;

ўриндошлик асосида ишлаётганларга—асосий иш жойидаги таътил билан бир вақтда, ўриндошлик асосидаги ишлаган вақтига мутаносиб равишда ҳақ тўлаган ҳолда;

ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда умумий таълим мактаблари да, ҳунар-техника билим юртларида, олий ва ўрта махсус ўқув юртларида, малака ошириш, кадрларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш институтлари ва курсларида ўқиётганларга, агар улар ўзларининг йиллик таътилларини имтихонлар, синовлар (зачетлар) топшириш, диплом, курс, лаборатория ва бошқа ўқув ишларини бажариш вақтига тўғрилаб олишни хоҳласалар;

технологиядаги, меҳнат ва ишлаб чиқаришни ташкил этишдаги ўзгаришлар, ходимлар сони (штати) ёки ишлар хусусияти ўзгаришига олиб келган ишлар ҳажмининг қисқаргани ёки корхонанинг тугатилгани муносабати билан ишдан озод этилган ходимларга (100-модданинг 2-қисми 1-банди).

Таътил ҳар йили, шу таътил берилаётган иш йили тугагунга қадар берилиши шарт.

Ишлаб чиқариш тусига тааллуқлисабабларга кўра жорий йилда таътилни тўлиқ бериш имкони бўлмаган алоҳида ҳолларда, ходимнинг розилиги билан таътилни 12 иш кунидан ортиқ бўлган қисми кейинги иш йилига кўчирилиши мумкин ва ўша йили ходим ундан албатта фойдаланмоғи лозим.

Ўн саккиз ёшга тўлмаган ходимларга йиллик таътилни, шунингдек қўшимча татилни бермаслик ман этилади.

Йиллик асосий таътил иккинчи ва ундан кейинги иш йиллари учун таътиллار жадвалига мувофиқ иш йилининг исталган вақтида берилади.

Таътил бериш вақти ҳақида ходим таътил бошланишидан камида 15 кун олдин хабардор қилиниши керак.

Айрим тоифа ходимларга таътил уларнинг хоҳишига кўра, ёзги ёки улар учун қулай бўлган бошқа вақтда берилиши мумкин. Жумладан:

14 ёшга тўлмаган битта ёки ундан ортиқ болани (16 ёшга тўлмаган нигорон

болани) тарбиялаётган ёлғиз ота, ёлғиз онага (бева эркаклар, бева аёллар, никоҳдан ажрашганлар, ёлғиз оналарга) ва муддатли ҳарбий хизматни ўтаётган ҳарбий хизматчиларнинг хотинларига;

1 ва 2-гурӯҳ ногиронларига;

1941-1945 йиллардаги уруш қатнашчилари ва имтиёзлари бўйича уларга тенглаштирилган шахсларга;

ўн саккиз ёшга тўлмаган шахсларга;

таълим муассасаларида ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда ўқиётганларга (250-модда);

жамоа шартномаси келишувида назарда тутилган бошқа ҳолларда.

Интизомий жавобгарлик. Юридик жавобгарликнинг блшқа турлари билан бир қаторда меҳнат ҳуқуқида **интызомий** ва **моддаий** жавобгарлик хосдир. Ўз меҳнат бурчларини қонунга мувофиқ равишда бажармаслик ёки лозим даражада бажармагани учун айбдор бўлган ходимга таъсир кўрсатиш воситаси сифатида меҳнат қонунчилигида интизомий жавобгарлик белгиланган. Интизомий жавобгарликка тортиш учун ходим томонидан содир қилинган интизомга хилоф нождўя хатти-ҳара кат асос бўлади.

Интизомга хилоф нождўя ҳаракат—ходимнинг ўз меҳнат вазифларини жиной жавобгарликка тортилишига сабаб бўлмайдиган даражада қонунга номувофиқ равишда ўз айби билан бажармаслик ёки нобоп бажарилишини англатади. Ходимнинг номувофиқ хатти-ҳаракати, одатда, унинг зиммасига меҳнат шартномаси ёки корхонадаги ички меҳнат тартибини белгиловчи норматив актлар (масалан, ички меҳнат тартиби қоидалари, техника хавфсизлиги қоидалари, мансабга оид йўриқномалар, низомлар ва бошқалар) билан юкланган меҳнат вазифаларини бузишида ифодаланади. Интизомга хилоф нождўя хатти-ҳара кат ходимнинг ўз айби билан, яъни қасддан ёки эҳтиётсизлик туфайли қилган ҳаракатидир (ҳаракатсизлигидир). Ходимга боғлиқ бўлмаган сабаблар билан (малакаси ёки меҳнат лаёқати етарли эмаслиги, тегишли иш шароити таъминланмаганги ва бошқа сабаблар) меҳнат вазифасини бажармаслик ёки нобоп бажариш меҳнат интизomini бузиш деб қаралиши мумкин эмас. Интизомга хилоф нождўя хатти-ҳаракати учун ходим, одатда, иш берувчи томонидан интизомий жавобгарликка тортилади. Бундай хатти-ҳаракат содир қилиш интизомий жазо беришга ёки бошқа таъсир чораларини қўллашга сабаб бўлади; агарда корхона, муассаса, ташкилотга моддий зарар етказилган бўлса, ходим меҳнат ҳуқуқи нормалари бўйича моддий жавобгарликка тортилади. Шу билан бирга, зарар етказилишига сабаб бўлган ҳаракати (ҳаракатсизли ги) учун ходим интизомий жазога тортилиши ёки тортилмаслигидан қатъи назар, зарар ундириб олинади.

қонунчиликда интизомий жавобгарликнинг икки тури: умумий интизомий жавобгарлик ва махсус интизомий жавобгарлик кўзда тутилган. Умумий интизомий жавобгарлик ички меҳнат тартиби қоидалари билан белгиланган бўлса, махсус интизомий жавобгарлик интизом тўғрисидаги устав ва низомлар, алоҳида қоида ва қонунлар билан белгиланган.

Махсус интизомий жавобгарлик ўзи татбиқ этиладиган шахсларнинг доираси ҳамда ихтиёрига интизомга чақирувчи ваколат берилган шахслар ва органларнинг умумий доираси, қўшимча жазо чорасининг мавжудлиги, шунингдек берилган жазо устидан шикоят қилиш тартиби жиҳатидан умумий интизомий жавобгарликдан фарқ қилади.

Интизомий жавобгарликнинг барча турлари қуйидаги белгилар билан ажралиб туради: ходимга фақат қонунларда ва интизом уставларида, низомларда кўрсатилган жазоларни бериш мумкин; меҳнат интизomi бузилган ҳар бир ҳолат учун фақат битта интизомий жазо чораси қўлланилади; жазо беришда содир этилган нождўя ҳаракатнинг

оғир-енгиллиги, у содир этилган вазият, ходимнинг олдинги иши ва хулқ-атвори эътиборга олинishi керак; интизомий жазо бевосита ножўя хатти-ҳаракат содир қилингани маълум бўлгандан кейин қўлланилади.

қуйидагилар асоссиз равишда интизомий жазо берилишига қарши ҳуқуқий қафолатлардир: меҳнат интизомини бузувчидан ёзма равишда баёнот талаб қилиниши; буйруқ ҳақида ходимни хабардор қилиш ва бу ҳақда тилхат олиш, берилган жазо устидан белгиланган тартибда шикоят қилиш ҳуқуқи; умумий интизомий жавобгарликка тортилган да меҳнат низолари комиссиясига, судга, махсус интизомий жавобгарликка тортилганда эса бўйсуниш тартибида юқори органларга шикоят қилиш мумкин.

Интизомий жавобгарлик ички меҳнат тартиби қоидаларига биноан корхона, муассаса ва ташкилотлар ходимларининг аксарият қисмига татбиқ этилади. Махсус интизомий жавобгарлик белгиланган ходимлар тоифаси бундан мустаснодир. Умумий интизомий жавобгарликда меҳнат интизомини бузганлик учун жазо чоралари, уларнинг қўлланиш тартиби, улар устидан шикоят қилиш ва жазони олиб ташлаш тартиби Меҳнат кодексига ("Меҳнат интизоми" боби) ҳамда Намунавий ички меҳнат тартиби қоидаларида белгиланган. Интизомий жазо ишга қабул қилиш ҳуқуқи берилган шахслар (орган) томонидан берилади.

Меҳнат кодексининг 181-моддасига мувофиқ, иш берувчи меҳнат интизомини бузгани учун ходимга қуйидаги интизомий жазо чораларини қўллашга ҳақли:

1) хайфсан;

2) ўртача ойлик иш ҳақининг 30%идан ортиқ бўлмаган миқдорда жарима. Ички меҳнат тартиби қоидаларида ўртача ойлик иш ҳақининг 50%идан ортиқ бўлмаган миқдорда жарима солиш ҳоллари ҳам назарда тутилиши мумкин. Ходимнинг иш ҳақидан жаримани ушлаб қолиш Кодекснинг 164-моддаси талабларига риоя қилган ҳолда иш берувчи томонида амалга оширилади;

3) Меҳнат шартномасини бекор қилиш (100-модданинг 2-қисми 3,4-бандлари). Муҳими шундаки, қонунда назарда тутилмаган интизомий жазо чораларининг қўлланиши қатъиян тақиқланади.

Интизомий жазо қўлланишидан олдин ходимдан ёзма равишда тушунтириш хати талаб қилиниши лозим. Ходимнинг тушунтириш хати беришдан бош тортиши унинг илгари содир қилган ножўя хатти-ҳаракати учун жазо қўллашга тўсиқ бўла олмайди.

Маълумки, амалда моддий зарар ходим томонидан, шунингдек иш берувчи томонидан етказилади. Шу боис, зарар ким томонидан етказилганига қараб, моддий зарарнинг икки тури: иш берувчига етказилган зарар учун ходимнинг моддий жавобгарлиги ҳамда ишлаб чиқаришда ходимнинг соғлиғига шикаст етказилгани учун, шунингдек ходимни меҳнат қилиш имкониятидан маҳрум этгани (ғайриқонуний равишда ишдан бўшатганлик) учун иш берувчининг моддий жавобгарлиги фарқланади.

Моддий жавобгарликнинг бу икки тури юридик жавобгарлик нинг турлари сифатида қопланиши лозим бўлган зарарнинг миқдори, уни ундириш тартиби жиҳатидан бир-биридан фарқ қилади. Эътиборли жиҳати шундаки, ҳар икки жавобгарлик тури билан боғлиқ муносабатлар бошқа-бошқа норматив актлар билан тартибга солинади. Аммо, бундай жавобгарликнинг шартлари ходим учун ҳам, иш берувчи учун ҳам умумий асосга эга, яъни бир-биридан фарқ қилмайди.

Меҳнат қонунчилигида моддий жавобгарликнинг асослари ва шартлари қатъий белгилаб қўйилган.

қонунга мувофиқ, бир вақтда қуйидаги шартлар мавжуд бўлса, меҳнат шартномаси тарафларининг моддий жавобгарлиги келиб чиқиши мумкин:

- 1) ҳақиқатда ҳам зарар етказилган бўлса;
- 2) зарар қонунга номувофиқ ҳаракати ёки ҳаракатсизлиги натижасида етказилган бўлса;
- 3) ходимнинг бундай ҳаракати ёки ҳаракатсизлиги билан етказилган зарар ўртасидаги узвий боғланиш бўлса;
- 4) зарар етказишда ходимнинг айби бўлса.

Агар бу тўртта шартдан бирортаси ҳам мавжуд бўлмаса, моддий жавобгарликни белгилаш мумкин эмас.

Меҳнатни муҳофаза қилиш тушунчаси ва унинг аҳамияти. Меҳнат муҳофазаси инсоннинг меҳнат фаолияти, соғлиғи ва ҳаётига бевосита дахлдор тушунча сифатида муҳим аҳамият касб этади. Мазкур тушунча моҳияти жиҳатидан кенг ҳамда тор маънода англаймоғи лозим.

Кенг маънода у меҳнат фаолияти жараёнида инсон ҳаёти ва соғлиғининг хавфсизлигини таъминлашга қаратилган ҳуқуқий, ижтимоий, иқтисодий, санитария-гигиена, даволаш-профилактика, реабилитация каби тадбирлар тизимидан иборат. Меҳнат муҳофазасига нисбатан бундай ёндашув хавфсиз ва соғлом меҳнат шароитини таъминлашга қаратилган ва шу билан бирга, ҳуқуқий, иқтисодий, ташкилий-техникавий, тиббий ва бошқа тадбирларни ўз таркибига қамраб олган. Юқоридаги мулоҳазалардан англашиладики, хавфсиз ва соғлом меҳнат шароитини таъминлаш учун меҳнат муҳофазасининг фақат кенг маънодаги тушунчасига таянмоқ лозим. Илмий адабиётда тўғри таъкидланганидек, агарда унинг бирорта таркибий қисми (ҳуқуқий, тиббий, иқтисодий ёки техникавий) етарли бўлмаса, умуман меҳнат муҳофазасини тўлиқ таъминлаш амримаҳол. Шу боис меҳнат муҳофазасига оид масалалар махсус фан сифатида турли олий ва ўрта махсус ўқув юртларида ўқитилиши бежиз эмас.

Меҳнат муҳофазаси меҳнат ҳуқуқининг институти сифатида тор маънода ходимнинг ишлаб чиқаришдаги меҳнат фаолияти жараёнида ҳаёти ва соғлиғи учун хавфсиз ва соғлом меҳнат шароитини яратиш беришга хизмат қилувчи ҳуқуқий нормалар йиғиндиси тушунилади. Бундан ташқари, у:

- 1) меҳнаткашларнинг меҳнат муҳофазасига оид ҳуқуқларини таъминлайди;
- 2) мулкнинг барча шаклидаги корхоналарда ходимлар билан иш берувчи ўртасидаги меҳнат муҳофазасига оид муносабатларни ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солишнинг ягона тартибини белгилаб беради;
- 3) ходимлар учун соғлом ва хавфсиз меҳнат шароитларини таъминлашга ҳуқуқий замин яратади.

Меҳнат низолари тушунчаси ва унинг классификацияси. Меҳнат низолари деганда иш берувчи билан ходим ўртасида меҳнат тўғрисидаги қонунлар ва бошқа норматив ҳужжатлар, жамоа шартномаси ҳамда меҳнатга оид бошқа шартномаларни қўллаш, шунингдек янги меҳнат шартларини белгилаш ёки мавжуд шартларини ўзгартириш масалалари юзасидан келиб чиқадиган келишмовчиликлар тушунилади.

Меҳнат низолари предметиға қараб икки гуруҳға ажратилади:

- 1) меҳнат ҳуқуқи нормаларининг муайян ижтимоий муносабат ларға татбиқ этилиши билан боғлиқ низолар (масалан, ходим билан меҳнат шартномасини бекор қилиш, бошқа ишға ўтказиш, асосий иш вақтида бажарилган иш учун ҳақ тўлашға доир низолар);
- 2) қонунлар ёки норматив ҳуқуқий ҳужжатлар билан тартибға солинмаган янги меҳнат шартларини ўрнатиш билан боғлиқ низолар (масалан, махсулот ишлаб чиқариш нормасини қайтадан кўриб чиқиш, жамоа шартномаси, келишувини тузиш билан боғлиқ низолар).

Меҳнат низолари мазмунига кўра икки турга: даъволи ва даъвосиз низоларга бўлинади. Даъволи низоларнинг предметини ходимларнинг меҳнат ҳуқуқларини тан олиш ёки уни тиклаш ташкил этади. Ходимнинг бундай меҳнат ҳуқуқи аввалбошдан қонун ёки бошқа норматив ҳуқуқий ҳужжатлар, шунингдек жамоа шартномаси ёки келишув ва меҳнат шартномаси билан белгиланган бўлади. Бундай ҳолларда ходим ўз меҳнат ҳуқуқларини ёки қонун билан кўриқланадиган қонуний манфаатларини қайта тиклашни талаб этади (масалан, меҳнат шартномаси ғайриқонуний равишда бекор қилинган ходимни қайта ишга тиклаш ёки фойдаланилмаган меҳнат таътиллари учун компенсация тўлаш ва ҳоказо).

Даъвосиз меҳнат низолари иш берувчи билан корхонадаги касаба уюшма кўмитаси ёки ходимларнинг бошқа вакиллик органлари ўртасида меҳнат шартларини ўрнатиш ёки ўзгартириш каби масалаларда намоён бўлади. Одатда, бу туркумдаги низолар тегишли қонунлар ёки бошқа айрим норматив ҳуқуқий ҳужжатлар билан ҳал этилмаган масалалар юзасидан келиб чиқади. Бундай вақтда низо бевосита корхонада иш берувчи билан касаба уюшмаси ўртасида келишиш йўли билан ҳал этилади (масалан, корхонада янги ишлаб чиқариш нормасини белгилаш ҳақидаги низолар). Ушбу низоларнинг предмети муайян ходимга тегишли бўлмаслиги, балки корхона ходимларининг барчасига тааллуқли бўлиши мумкин.

Меҳнат низолари субъектига қараб қуйидагиларга бўлинади:

- 1) якка тартибдаги низолар;
- 2) жамоаларга доир низолар;

Меҳнат низолари ўз объектига кўра, мулкӣй характердаги ва мулкӣй характерга эга бўлмаган низолар деб аталади.

Таъкидлаш жоизки, меҳнат низолари турли сабаблар оқибатида келиб чиқади. Жумладан, низонинг юзага келишида қуйидагилар сабаб бўлади:

1) айрим мансабдор шахслар, шунингдек баъзи ходимлар онгида сақланиб келаётган ўтмиш қолдиқлари;

2) айрим мансабдор шахсларнинг, шунингдек баъзи ходимларнинг меҳнат қонунчилигини билмаслиги;

3) корхоналарда ташкилий-хўжалик ва тарбиявий ишларда учрайдиган камчиликлар (масалан, ходимлар меҳнат шароити, уларнинг оила аъзоларига маданий-маиший хизмат кўрсатиш билан боғлиқ низолар);

4) ташкилий-техникавий характердаги камчиликлар (масалан, корхонада меҳнатнинг тўғри ташкил этилмагани, илмий жиҳатдан асосланган махсулот ишлаб чиқариш нормасининг йўқлиги ва ҳоказолар);

5) айрим ҳуқуқий нормаларнинг бозор иқтисодиёти шароитида тобора тараққий этиб бораётган ишлаб чиқариш шаклларида орқада қолиши (масалан, корхонада янги технология жорий қилиниши натижасида пайдо бўлган янги касб, таъриф-малака маълумотномасида кўрсатилмаган малакага оид тавсифномалар йўқлиги ва ҳоказолар);

6) меҳнат бозорини ташкил қилиш борасидаги камчиликлар.

қонунчиликда ўрнатилган меҳнат низоларини кўриш тартиби демократик тамойилларга асосланади. Фуқароларнинг меҳнат ҳуқуқларини ҳар томонлама ҳимоя қилишни назарда тутган мазкур тамойиллар қуйидагиларда намоён бўлади:

— меҳнат низоларини кўрувчи органларга эркин равишда мурожаат қилиш имконияти яратилгани;

— низоларнинг тез ва тўлиқ ҳал этилиши;

— низони ҳал этишда кенг меҳнаткашлар оммасининг иштирок этиши;

— низоларнинг очиқ тартибда кўрилиши;

— низоларнинг коллегиял ҳал этилиши;

— низоларни ҳал этишда уларнинг ҳар томонлама текширилиши.

қонунчиликда меҳнат низоларининг тааллуқлилиги муҳим аҳамият касб этади.

Тааллуқлилиқ—бу тегишли органларнинг муайян турдаги меҳнат низоларини кўриш ваколатига эга бўлишини англатади. Тааллуқлилиқ меҳнат низоларининг субъектлари, мазмуни ва унинг турлари бўйича белгиланади. Аниқроқ айтсак, ҳар бир орган ўз ваколатига тааллуқли бўлган низоларнигина кўриб ҳал этади. Шу боис меҳнат низолари юзасидан келиб чиққан даъволар бўйича унинг тааллуқлилигига қараб тегишли органга мурожаат қилинади.

Якка меҳнат низолари—иш берувчи ва ходим ўртасида меҳнат тўғрисидаги қонунлар ва бошқа норматив ҳужжатларни, меҳнат шартномасида назарда тутилган меҳнат шартларини қўлланиши юзасидан келиб чиққан келишмовчиликларни қамраб олади. Бундай ҳолларда низонинг ходим манфаатини ифода этувчи тарафи бўлиб ходимларнинг вакиллик органи иштирок этиши мумкин.

Ходим меҳнат низосини ҳал қилиш учун, ўз хоҳишига кўра, меҳнат низолари комиссиясига ёки бевосита судга мурожаат этишга ҳақлидир.

Меҳнат низоларини меҳнат низолари комиссиясида кўриш тартиби. Жамоа шартномасида, агар у тузилмаган бўлса, иш берувчи ва касаба уюшмаси қўмитаси ёки ходимларнинг бошқа вакиллик органи ўртасидаги келишувда меҳнат низолари комиссиясини тузиш назарда тутилиши мумкин.

Меҳнат низолари комиссияси иш берувчи ва касаба уюшмаси қўмитаси ёки ходимларнинг бошқа вакиллик органи томонидан тенглик асосида тузилади.

Комиссияга касаба уюшмаси қўмитаси ёки ходимларнинг бошқа вакиллик органи томонидан ажратилган аъзолар тегишли органнинг қарори билан, иш берувчининг вакили эса унинг буйруғи билан тасдиқланади.

Меҳнат низолари комиссиясининг ҳар бир мажлисида раислик вазифасини иш берувчи, касаба уюшмаси қўмитаси ёки ходимлар бошқа вакиллик органининг вакиллари навбатма-навбат бажаради. қоидага кўра бир мажлиснинг ўзида раислик ва котиблик вазифасини бир тарафнинг вакиллари бажариши мумкин эмас.

Комиссиянинг ҳар бир мажлисида тарафлар томонидан кейинги мажлиснинг раиси ва котиби тайинланиб, уларга мажлисни тайёрлаш ва чақириш вазифаси юклатилади.

Меҳнат низолари комиссиясининг миқдорий таркиби ва ваколат муддати жамоа шартномасида, агар у тузилмаган бўлса, иш берувчи билан касаба уюшмаси қўмитаси ёки ходимлар бошқа вакиллик органининг ўзаро келишувига биноан белгиланади.

Башарти ходим мустақил равишда ёки касаба уюшмаси қўмитаси ёхуд ходимларнинг бошқа вакиллик органи иштирокида иш берувчи билан бевосита олиб борган музокараларида мавжуд келишмовчилик ни ҳал эта олмаган бўлса, низо меҳнат комиссиясида кўриб чиқилади. Меҳнат низоларини кўриб чиқишнинг ўзгача тартиби бундан мустасно.

Меҳнат низолари комиссияси ариза берилган кундан эътиборан 10 кун муддат ичида меҳнат низосини кўриб чиқиши шарт. Низо ариза берган ходимнинг иштирокида кўрилади. Ходимнинг ёзма аризаси бўлгандагина низо унинг иштирокисиз кўриб чиқилиши мумкин. Башарти ходим узрсиз сабаб билан комиссия мажлисига келмаса, мазкур аризани кўриб чиқишни кун тартибидан олиб ташлаш ҳақида қарор қабул қилинишини мумкин, бу эса ходимни такроран ариза билан мурожаат этиш ҳуқуқидан маҳрум қилмайди. Ходим касаба уюшмаси қўмитаси ёки ходимларнинг бошқа вакиллик органи меҳнат низоси кўриб чиқилишида иштирок этиш учун адвокат таклиф қилиш ҳуқуқига эга.

Меҳнат низолари комиссияси мажлисга гувоҳларни чақиртириш,

мутахассисларни таклиф қилиш, иш берувчидан зарур ҳисоб-китоблар ва ҳужжатлар тақдим этишни талаб қилиш ҳуқуқига эга.

Ҳар бир мажлисда иш берувчининг ва касаба уюшмаси қўмитаси ёки ходимлар бошқа вакиллик органининг тенг миқдордаги аъзолари иштирок этишлари керак.

Меҳнат низолари комиссиясининг мажлисида баённома юритилади.

Меҳнат низолари комиссиясининг қарори иш берувчи ва касаба уюшмаси қўмитаси ёхуд ходимлар бошқа вакиллик органининг вакиллари ўртасида келишувга биноан қабул қилинади.

Комиссиянинг қарори далиллар билан исботланиб, меҳнат тўғрисидаги қонунлар ва бошқа норматив ҳужжатларга, меҳнат шартномасига асосланган бўлиши керак.

Комиссиянинг пул ундириш талабига оид қарорида ходимга тегишли маблағ аниқ кўрсатилиши лозим.

қарор мажлис раиси ва котиби томонидан имзоланади.

У мажбурий кучга эга бўлиб, бирон бир тарзда тасдиқланмайди.

Комиссия қарорининг нусхаси қарор қабул қилинган кундан эътиборан уч кун ичида ходимга, иш берувчига ва касаба уюшмаси қўмитаси ёхуд ходимларнинг бошқа вакиллик органига топширилади.

қонунда меҳнат низолари комиссиясининг қарорини бажариш таъминланган.

Муайян қарор устидан шикоят қилиш учун белгиланган ўн кунлик муддат ўтгандан кейин уч кун ичида иш берувчи томонидан бажарилиши керак.

Башарти иш берувчи белгиланган муддат ичида комиссия қарорини бажармаса, меҳнат низолари комиссияси томонидан ходимга ижро варақаси кучига эга бўлган гувоҳнома берилади. Агар ходим ёки иш берувчи белгиланган муддат ичида туман (шаҳар) судига меҳнат низосини ҳал этиш тўғрисидаги ариза билан мурожаат этса, гувоҳнома берилмайди.

Меҳнат низолари комиссияси берган ва олинганидан кейин кўпи билан уч ой ичида туман (шаҳар) судига тақдим этилган гувоҳнома асосида суд ижрочиси меҳнат низолари комиссиясининг қарорини мажбурий тарзда ижро эттиради.

Мазкур қонунга мувофиқ, меҳнат низолари комиссиясининг қарорлари ижро этилиши шарт бўлган суд ҳужжатлари қаторида саналади. Меҳнат низолари комиссияси ўз қарорлари асосида бериладиган гувоҳнома ҳам ижро ҳужжати ҳисобланади.

Ходим белгиланган уч ойлик муддатни узрли сабабларга кўра ўтказиб юборган тақдирда, гувоҳномани берган меҳнат низолари комиссияси муддатни тиклаши мумкин.

7-мавзу. Оила ҳуқуқи асослари

1-§. Оила ҳуқуқи тушунчаси ва предмети

Оила юридик тушунча сифатида — шунчаки одамларнинг ўзаро эр-хотин ёки қариндошлик ришталари билан мустаҳкамланган гуруҳи эмас, балки қонунда белгиланган ҳуқуқ ва мажбуриятларга эга бўлган шахслар гуруҳидир. Бинобарин, оила аъзолари ўртасидаги муносабатлар оила ҳуқуқи нормалари билан белгиланган бўлиб, улар оилавий-ҳуқуқий муносабатлар деб аталади.

Оилавий муносабатларни тартибга солувчи асосий қонуний ҳужжатлар қуйидагилардир: Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, Фуқаролик кодекси, Оила кодекси ва оилавий муносабатларни тартибга солувчи бошқа норматив

хужжатлар. Ўзбекистон Республикасининг янги Оила кодекси 1998 йил 30 апрелда қабул қилинган.

Оила ҳуқуқи соҳасидаги халқаро шартномалар ва халқаро ҳуқуқ нормалари ҳам оила қонунчилигининг манбаи бўлиб ҳисобланади.

Фуқароларнинг Ўзбекистон Республикасининг оила қонунчилигида назарда тутилган ҳуқуқлари, эркинликлари, манфаатлари ва, албатта, мажбуриятлари таркибига қуйидагилар киради:

эр-хотиннинг (шахсий ва мулкӣ) ҳуқуқлари ва мажбуриятлари;

ота-онанинг (шахсий ва мулкӣ) ҳуқуқлари ва мажбуриятлари;

никоҳ тузишга тенг ҳуқуқлар;

вояга етмаган болаларнинг (шахсий ва мулкӣ) ҳуқуқ ва мажбуриятлари;

ота-оналар ва болалар, эр-хотин ва собиқ эр-хотин, қариндошлар ва бошқа шахсларнинг алимент мажбуриятлари;

никоҳнинг тугатилиш асослари (ОК 37-м.);

эр-хотиннинг умумий мол-мулкка эгалик қилиш, фойдаланиш, ва уни тасарруф этиш ҳуқуқлари;

никоҳ шартномасини тузишда эр-хотиннинг ҳуқуқлари ва мажбуриятлари;

фарзандликка олиш тартиби;

боланинг ҳуқуқи ва манфаатини ҳимоя қилиш бўйича ота-онанинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари;

ота-онанинг болани тарбиялаш ҳамда унга таълим беришга доир ҳуқуқ ва мажбуриятлари;

ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилиш асослари ва тартиби (ОК 79, 80-м.);

васийлик ва ҳомийликка мурожаат этиш ҳуқуқи.

Юқорида санаб ўтилган оила ҳуқуқлари, манфаатлари ва мажбуриятлари шулар билан чекланмайди.

Ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилиш институти оилавий ҳуқуқий муносабатларда алоҳида ўрин тутади.

Шундай қилиб, оилавий ҳуқуқий муносабатлар деганда, фуқаролар ўртасида бўладиган ва оилавий ҳуқуқий нормалар билан тартибга солинадиган ижтимоий муносабатлар тушунилади.

Ҳар қандай бошқа муносабатларда бўлганидек, оилавий ҳуқуқий муносабатларда қуйидаги уч элемент мавжуд:

- субъект;

- субъектив ҳуқуқ ва мажбуриятлар.

Оилавий ҳуқуқий муносабатларнинг субъекти бўлиб эр-хотин, ота-она, болалар, васийлар ва ҳомийлар, бошқа қариндош уруғлар ҳамда оила қонунчилиги соҳасида у ёки бу муносабатларни ҳал этишда иштирок этувчи юридик шахслар, фуқаролар уюшмаси, муассасалар, органлар, ижтимоий бирлашмалар ҳисобланади.

Оила аъзоларига ёки оиланинг собиқ аъзоларига тегишли, қонун билан ҳшлой қилинадиган ахлоқий ва моддий қадриятлар юзасидан оила ҳуқуқи субъектлари қабул қиладиган ҳаракат ва қарорлар оилавий ҳуқуқий муносабатларнинг объектлари бўлиши мумкин.

Бир-бирларига нисбатан юзага келган муаммоларни ҳал қилиш жараёнида оилавий ҳуқуқий муносабатларнинг субъектларига эга бўлган ҳуқуқ ва мажбуриятларнинг йиғиндиси ҳуқуқий субъектлардир.

Никоҳ - эркак билан аёлнинг тенг ҳуқуқли, эркин ва ихтиёрий иттифоқи бўлиб, у фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш (ФХДЁ) органларида тузилади ва оила тузиш мақсадига хизмат қилади

Никоҳ тузиш — шунчаки расмиятчилик эмас. Давлатнинг никоҳни қайд этиши юридик фактдир. Айнан рўйхатга олинган (қайд этилган) никоҳ юридик никоҳ деб ҳисобланади ва фақат угина эр-хотинлик ҳуқуқлари ва мажбуриятлари-ни юзага келтиради, рўйхатсиз (қайдсиз) никоҳ ҳақиқий эмас. Диний расм-ру-сумларга биноан тузилган никоҳ ҳуқуқий аҳамиятга эга эмас.

Эркак ва аёлнинг ҳақиқатда бирга яшаши («фуқаролик никоҳи» дейилади) натижасида улар ўртасида ҳуқуқий муносабатлар юзага келмайди, улар бир-бирларининг олдида юридик ҳуқуқ ва мажбуриятга эга бўлмайдилар (масалан, бирга яшовчи (аёл) ўзи билан бирга яшовчи (эркак)дан таъминот олишга ҳақиқий бўлмайди).

Никоҳ тузиш никоҳданувчиларнинг фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд этиш органларига ариза берганларидан кейин бир ой муддат ўтгач, шахсан уларнинг иштирокида амалга оширилади. Узрли сабаблар бўлганда фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд этиш орқали бир ой ўтгунга қадар никоҳ тузишга рухсат берилиши мумкин. Никоҳ ёши республикада эркаклар учун 18 ёш, аёллар учун 17 ёш этиб белгиланган. Тегишли туман, шаҳар ҳокимлиги никоҳ ёшини кўпи билан бир йилга камайтириши мумкин. Шу билан боғлиқ қуйидаги ҳолатга эътиборни қаратиш лозим, яъни эр-хотинлар 18 ва 17 ёшдан эмас, балки никоҳ тузилган вақтдан бошлаб тўлиқ ҳуқуқий лаёқатга эга ҳисобланади.

Никоҳ тузиш натижасида вужудга келган муомала лаёқати 18 ёшга тўлгунча никоҳ тузилган тақдирда ҳам тўлиқ ҳажмда тасдиқланади.

Никоҳ тузишни хоҳовчиларнинг ёши қонунда чекланмайди. Баъзида вояга етмаганларнинг хоҳиши бўлса ҳам, никоҳни тузиб бўлмайди. қуйидаги ҳолларда никоҳ тузилмайди:

лоақал биттаси рўйхатга олинган бошқа никоҳда турган шахслар ўртасида (фақат ФХДЁ органларда рўйхатга олинган никоҳ назарда тутилади. Ҳақиқатда бирга яшаш эътиборга олинмайди. Никоҳ тузишга суд қарори билан ажратилган ва ҳақиқий эмас деб топилган никоҳлар тўсиқ бўлолмайди);

лоақал биттаси руҳият бузилиши (руҳий касаллиги ёки акли заифлиги) сабабли суд томонидан муомалага лаёқатсиз деб топилган шахслар ўртасида спиртли ичимликлар ёки наркотик моддалар истеъмол қилиш билан боғлиқ ҳолатларда фуқаронинг муомала лаёқати чекланиши никоҳ тузишга монелик қилиш учун асос бўла олмайди);

насл-насаб шажараси бўйича тўғри туташган қариндошлар ўртасида, туғилган ва ўғай ака-укалар билан опа-сингиллар ўртасида, шунингдек, фарзандликка олувчилар билан фарзандликка олинганлар ўртасида.

Никоҳланувчи шахсларни тиббий кўрикдан никоҳланувчи шахсларнинг розилиги билан давлат соғлиқни сақлаш тизими муассасалари ўтказиши.

Никоҳланувчи шахсни кўрикдан ўтказиш натижалари шифокор сири ҳисобланади ва у никоҳданувчи шахсга фақат кўрикдан ўтган шахснинг розилиги билан билдирилиши мумкин. Башарти никоҳланувчи шахслардан бири таносил касаллиги ёки одам иммунитетига таъсир қилувчи вируси (ОИТС инфекцияси) борлигини бошқасидан яширган бўлса, ушбу шахс никоҳни ҳақиқий эмас деб топишни талаб қилиб судга мурожаат этишга ҳақли бўлади. Юқоридаги касалликларга чалинган ҳолатлар никоҳ тузишга монелик қилади.

Бундан ташқари, эр-хотин ёки улардан бири оила қуриш мақсадини кўзламай тузган сохта никоҳлари ҳам ҳақиқий эмас деб топилади (ОК 49-м).

Никоҳни фақат суд ҳақиқий эмас деб топиши мумкин.

Никоҳнинг ҳақиқий эмас деб топилиши шу никоҳда ёки уни ҳақиқий эмас деб топилган кундан бошлаб 300 кун ичида тугилган болалар ҳуқуқига таъсир қилмайди. Бундай болалар ҳақиқий никоҳда туғилган болалардек ҳуқуққа эга бўладилар.

Турли ҳаётӣ сабабларга кўра баъзи никоҳлар бузилади, эр-хотинлик муносабатлари тўхтайди (суд томонидан эълон қилинган эр-хотиндан бирининг ўлими туфайли никоҳнинг тугатилиши).

Эр-хотин ҳаётлигида никоҳ фақат ажратиш йўли билан бузилиши мумкин. Ажратишни суд ёки ФХДЁ органлари расмий тартибда амалга оширади. Хотиннинг ҳомиладорлиги вақтида ва бола тушлганидан кейин бир йил мобайнида эр-хотиннинг розилигисиз никоҳдан ажратиш тўғрисида иш қўзғатилиши мумкин эмас.

Эр-хотинлар ФХДЁ органларидан никоҳ тугатилиши ҳақида гувоҳнома олмагунларича янги никоҳ тузишга ҳақлари бўлмайди.

Эр ва хотиннинг мулкӣ ҳуқуқ ва мажбурияти. Ўзбекистон Республикасининг Оила кодексига биноан, эр ва хотиннинг мулкӣ ҳуқуқ ва мажбуриятлари қонунӣ ва шартномавий тартибда амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодексига шундай дейилган: «Эр ва хотиннинг никоҳ давомида орттирган мол-мулклари, ...агар қонун ёки никоҳ шартномасида бошқача ҳол кўрсатилмаган бўлса, уларнинг биргаликдаги умумӣ мулкӣ ҳисобланади» (23-модда).

Оила кодексига шартноманинг бу тури батафсил тартибга солинган. Унда «никоҳ шартномаси» тушунчаси, уни тузиш шартлари ва тартиби, мазмуни ва рўйхатга олиш механизми, шартномани ўзгартириш ва бекор қилиш, уни тўла ёки қисман ҳақиқӣ эмас деб топиш кабилар белгиланган.

қонунга биноан, никоҳданувчи шахсларнинг ёки эр ва хотиннинг никоҳда бўлган даврида ҳамда эр-хотин никоҳдан ажратилган тақдирда уларнинг мулкӣ ҳуқуқ ва мажбуриятларини белгиловчи келишув никоҳ шартномаси деб ҳисобланади. Эр ва хотиннинг шахсий ҳуқуқ ва мажбуриятлари никоҳ шартномасининг предмети бўла олмайди. Масалан, шартномада бир-бирини севиш мажбуриятини мустаҳкамлаш мумкин эмас.

Никоҳ шартномаси никоҳ ФХДЁ органларида рўйхатга олинганидан кейин, шунингдек, никоҳ даврида ҳам фақат эр ва хотин ўртасида тузилиши мумкин (никоҳ давлат рўйхатига олингунга қадар тузилган никоҳ шартномаси никоҳ давлат рўйхатига олинган кундан бошлаб кучга киради). Никоҳ шартномаси ёзма шаклда тузилади ва нотариал тартибда тасдиқланиши лозим. Эр-хотин никоҳ шартномасига кўра, биргаликдаги умумӣ мулкнинг қонунда белгиланган тартибини ўзгартириши мумкин. Никоҳ шартномаси эр-хотиннинг келишуви билан исталган вақтда ўзгартирилиши ёки бекор қилиниши мумкин (шартномани бажаришдан бир томонлама бош тортишга йўл қўйилмайди). Никоҳ тугатилиши пайтидан бошлаб никоҳ шартномасининг амал қилиши ҳам тугайди (никоҳ шартномасида никоҳ тугатилгандан кейинги давр учун назарда тутилган мажбуриятлар бундан мустасно). қонунга биноан, суд никоҳ шартномасини тўла ёки қисман ҳақиқӣ эмас деб топиши мумкин.

Бундан ташқари, қонун никоҳ шартномасида эр-хотиннинг биргаликда яшаш ҳуқуқлари, ўзаро таъминот каби ҳуқуқ ва мажбуриятлари белгиланишига йўл қўяди.

Эр-хотинлар ўзаро бошқа хил шартномалар тузишга ҳам ҳақлидирлар (масалан, ҳадя этиш, одди-сотди).

Ўзаро моддий таъминот эр-хотинлар бир-бирларини моддий таъминлашга мажбур эканликларини англатади. Агар бундай ёрдам беришдан бош тортилса ёки шартномавий келишув бўлмаса, хотин (эр) алимент олиш учун судга мурожаат қилиш ҳуқуқидан фойдаланиши мумкин.

Бундай талаб билан судга мурожаат этиш ҳуқуқига ҳомиладор хотин ёки меҳнатга лаёқатсиз ва муҳтож эр (хотин) эга бўлади.

Мухтож ва меҳнатга лаёқатсиз эр (хотин)нинг хотин (эр)идан таъминот олиш ҳуқуқи қонунда белгиланган ҳолларда никоҳ тугатилганидан кейин ҳам тугатилмайди. Эр (хотин) ни таъминлаш учун ундириладиган алиментнинг миқдори ҳар доим пул билан тўланадиган қатъий суммада белгиланади.

Эр ва хотиннинг умумий мол-мулкни бўлиш ҳолларида, агар эр ва хотин ўртасидаги никоҳ шартномасида бошқача ҳол назарда тутилмаган бўлса, эр ва хотиннинг улушлари тенг ҳисобланади. Суд вояга етмаган болалар манфаатларини ва (ёки) эр-хотиндан бирининг эътиборга лойиқ манфаатини ҳисобга олиб, эр ва хотиннинг умумий мол-мулкдаги улушлар тенглиги принциpidан чекинишга ҳақлидир. Умумий мол-мулкни бўлишда суд эр ва хотиннинг ҳар бирига мулкнинг қайси қисми берилиши лозимлигини аниқлайди. Эр (хотин) га унга қарашли улушдан аниқ қийматга эга бўлган мол-мулк бериладиган ҳолларда, хотин (эр) га тегишли пул ёки ўзга компенсация белгиланиши мумкин.

Никоҳдан ажралган эр ва хотиннинг умумий мол-мулкни бўлиш тўғрисидаги талабларига нисбатан уч йиллик даъво муддати қўлланилади. Эр ва хотиннинг ҳар бирининг шахсий мулкига қуйидагилар киритилади:

- эр ва хотиннинг никоҳга қадар ўзига тегашли бўлган мол-мулк;

- ҳар бирининг никоҳ давомида ҳада, мерос тариқасида ёки бошқа бепул битимлар асосида олган мол-мулк;

- якка тартибда фойдаланиладиган буюмлар (кийим-кечак, пойафзал, косметика ва ҳ.к.), қимматбаҳо буюмлар ва зеб-зийнатлардан ташқари;

- эр-хотин ўртасида тузилган шартнома асосида никоҳ давомида олинган ва эр-хотинга тегишли бўлган мулк.

Эр-хотиннинг умумий мол-мулкни бўлиш эр-хотиндан бирининг талабига кўра, улар никоҳда бўлган даврда ҳам, никоҳдан ажралишгандан кейин ҳам, шунингдек, кредитор эр ва хотиндан бирининг умумий мол-мулкдаги улушига ундирувни қаратиш учун умумий мол-мулкни бўлиш талаби билан арз қилган ҳолларда амалга оширилиши мумкин.

Эр-хотиннинг биргаликда ортирган мулкни бўлиш ҳақидаги даъволар никоҳни тугатиш тўғрисидаги даъволар билан бир вақтда ёки никоҳ ФХДЁ органларида тугатилганидан кейин тақдим этилиши мумкин.

Ота-она ва болаларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари. Ота-она ва болаларнинг ўзаро муносабатлари оилада алоҳида ўрин тутади. Булар шахсий (номулкий) ва мулкий ҳуқуқ ва мажбуриятлардир.

Шахсий ҳуқуқлар борасида бола исм, ота исми ва фамилия олиш ҳуқуқига эгадир.

Болага исм – ота-онанинг келишувига биноан, ота исми – отасининг исмига кўра берилади.

Боланинг фамилияси ота-онанинг фамилиясига қараб белгиланади.

Агар бола ўзаро никоҳда бўлмаган шахслардан туғилган ва оталик қонуний тартибда белгиланмаган бўлса, оталик ихтиёрий равишда суд томонидан белгиланади (боланинг ота-онаси биргаликда ёки фақат отасининг ўзи ФХДЁ органларига ариза билан мурожаат қилса). Ўзаро никоҳда бўлмаган ота-онадан туғилган бола ота-онаси қонуний никоҳда бўлган болаларники каби ҳуқуқ ва мажбуриятларга эга.

қонун оталик (оналик)ни даъво қилишга ҳам йўл қўяди, лекин бу фақат суд тартибида бўлиши мумкин.

Ўзаро никоҳда бўлмаган ота-онадан бола туғилган тақдирда, бола ота-онасининг биргаликдаги ёки отасининг шахсий аризасига кўра, оталик суд тартибида белгиланиши мумкин.

Бола 18 ёшга тўлмаган (вояга етмаган) шахсдир. У нафақат шахсий, балки мулкӣ ҳуқуққа ҳам эга, унга ҳадя этилган ёки мерос қилиб берилган, буюмларга эгалик қилиш ҳуқуқига, ўз ота-онасидан таъминот олиш ҳуқуқига эгадир, аммо бола ота-онасининг мулкига эгалик қилиш ҳуқуқига эга эмас ва, ўз навбатида, ота-она ҳам боланинг мулкига эгалик қилишга ҳақли эмас.

Ота-она ва болаларнинг алоҳида-алоҳида мулки бўлиши ва бирга яшаб турганда улар бир-бирларининг розилиги билан бундай мулкка эгалик қилишлари ва ундан фойдаланишлари мумкин.

Ота-она вояга етмаган фарзандларининг қонуний вакили ҳисобланади, чунки улар ўз ҳуқуқ ва мажбуриятларини мустақил ҳимоя қила олмайдилар.

Ота-она нафақат тенг ҳуқуқпидир, балки болаларни моддий жихатдан таъминлаш, жисмонан, руҳан ва ахлоқан соғлом қилиб тарбиялаш, уларни мустақил ҳаётга тайёрлаш борасида бир хил мажбуриятга ҳам эгадирлар. Ота-онанинг ҳуқуқи боланинг манфаатига хизмат қилиши керак. Бола ўз ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш ҳуқуқига эга.

Афсуски, баъзида ота-оналар ўз мажбуриятларини бажаришдан бош тортадилар, ота-она ҳуқуқини суиистеъмол қиладилар, болалар билан шафқатсиз муносабатда бўладилар, уларни таҳқирлайдилар, сурункали ичкиликбоз ёки гиёҳванд бўладилар. Бундай ҳолларда ота-оналар суд қарорига асосан ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум этиладилар.

Ота-она ҳуқуқидан маҳрум қилишга доир ишлар прокурор ҳамда васийлик ва ҳомийлик органи иштирокида кўриб чиқилади.

Суд ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилиш тўғрисидаги ишларни кўриб чиқишда боланинг таъминоти учун ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилинган ота-онадан (уларнинг биридан) алимент ундириш масаласини ҳал қилади.

Ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилинган ота-она қайси болага нисбатан ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилинган бўлса, шу болага нисбатан бўлган қариндош-лик фактига асосланган барча ҳуқуқлардан, шу жумладан ундан таъминот олиш, шунингдек, боланинг фуқаролар учун қонун ҳужжатларида белгиланган имтиёз-лар ва нафақалар олиш ҳуқуқидан маҳрум бўлади. Ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилиш ота-онани ўз боласини таъминлаш мажбуриятидан озод қилмайди.

қонун ота-оналик ҳуқуқини тиклашга ҳам йўл қўяди, лекин бу фақат суд тартибида амалга оширилади.

Суд боланинг манфаатларини ҳисобга олган ҳолда ота-онани ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилмай туриб болани ота-онадан (уларнинг биридан) олиш тўғрисида ҳал қилув қарори чиқариши (ота-оналик ҳуқуқини чеклаши) мумкин. Ота-она ҳуқуқининг чекланиши ота-онани болани шахсан тарбиялаш ҳуқуқидан маҳрум қилади, лекин ота-онани болани моддий жихатдан таъминлаш мажбурия-тидан озод қилмайди.

Ота-она ҳамда болалар мулкӣ ҳуқуқ ва мажбуриятларининг мазмуни шундан иборатки, ота-она вояга етмаган ҳамда вояга етган-у, лекин меҳнатга лаёқатсиз ва муҳтож болаларни таъминлашга мажбурдирлар. Ота-она вояга етмаган ўз бола-ларини таъминлаш тўғрисида келишув тузишга ҳақлидирлар. Алимент тўлаш ҳақида-ги келишув алимент тўлашга мажбур шахс билан алимент олувчи шахс ўртасида ёзма шаклда ва нотариал тартибда тасдиқланиб тузилади.

Бунда алимент тўлаш тартиби ва шакли томонлар ўртасида келишилган ҳолда белгиланади. Бироқ алиментнинг миқдори алимент суд тартибида ундирилганда болалар олиши мумкин бўлган миқдордан кам бўлмаслиги керак.

Меҳнатга лаёқатли вояга етган болалар, ўз навбатида, меҳнатга лаёқатсиз ва ёрдамга муҳтож ота-оналарини таъминлашга мажбурдирлар. Агар вояга етган болалар

ўз ота-онасига ихтиёрий равишда моддий ёрдам беришдан бўйин тов-ласалар, ота-она судга ўз таъминотлари учун болалардан алимент ундириб бериш учун мурожаат қилишга ҳақлидирлар. Алиментларни суд қатъий пул сум-масида белгилайди. қонун алиментларнинг индексация қилинишини назарда ту-тади.

Ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни давлат алоҳида ҳимояга олади. қонунда бундай болаларни тегишли муассасаларга тарбиялаш учун жойлаштириш тартиби махсус белгилаб қўйилган бўлиб, уларга оилага тарбиялаш учун бериш (фарзандликка олиш) ҳомийликка олиш ёки меҳрибонлик уйларига бериш каби-лар киради.

Фарзандликка олиш — юридик ҳаракат. Чунки ота-она билан фарзанд ўртасида қандай ҳуқуқий муносабатлар бўлса, фарзандликка олувчилар ва фарзандликка олинаётганлар ўртасида ҳам шундай муносабатлар ўрнатилади. Фарзандликка олинган болалар барча шахсий ва мулкӣ ҳуқуқларда фарзандликка олувчининг ўз болаларига тенглаштирилади.

Фарзандликка олишга фақат вояга етмаган болаларга нисбатан ва уларнинг манфаатидан келиб чиққан ҳолда йўл қўйилади.

қонун фарзандликка олинаётган боланинг саломатлига ҳолатига қараб фарзандликка олиш имкониятини чеклашни назарда тутмайди.

Агар ота-она фарзандликка олувчилар, боланинг касаллиги ҳақида огохлантирилган бўлса, лекин, шунга қарамай, улар айнан шу болани фарзандликка оламиз деб туриб олсалар, бундай ҳолда фарзандликка олишга рухсат берилади.

Фарзандликка олишда бола ва фарзандликка олувчи (фарзандликка олувчининг қариндошлари) ўртасидаги муносабатлар ҳомийликка ўхшаб маълум муддат-га эмас, балки бир умрга ўрнатилади. Фарзандликка олиш фақат суд тартибида бекор қилиниши ёки ҳақиқий эмас деб топилиши мумкин.

Фарзандликка олиш -- ўта жиддий ва ихтиёрий ҳуқуқий ҳаракат. У фақат фарзандликка олувчининг илтимосига биноан, ёзма ариза бериш йўли билан амалга оширилади. Аризага тавсифнома, қисқа таржимаи ҳол, соғлиғи ҳақида маълумотнома ҳамда васийлик ва ҳомийлик органлари талаб қилган бошқа ҳуж-жатлар илова қилинади.

Фарзандликка олишдан келиб чиқадиган ҳуқуқ ва мажбуриятлар туман (шаҳар) ҳокими фарзандликка олиш ҳақида қарор чиқарган кундан пайдо бўлади.

Болани бир вақтнинг ўзида икки шахс фарзандликка олиши мумкин. Бундан ташқари, бир шахс ва эр-хотин ҳам фарзандликка олиши мумкин.

қонунда ўзаро никоҳда бўлмаган икки шахснинг болани фарзандликка оли-ши тақиқданмайди.

қуйидагилар фарзандликка олувчи бўлолмайдилар:

вояга етмаган фуқаролар;

ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилинган ёки ота-оналик ҳуқуқи чекланган-лар;

қонун билан белгиланган тартибда (суд қарори билан) муомалага лаёқат-сиз ёки муомала лаёқати чекланган деб топилганлар;

асаб касалликлари ёки наркология муассасаларида рўйхатда турувчилар;

Ўзбекистон Республикаси Оила кодекси 169-моддасининг 1-қисмида кўрсатилган асослар бўйича фарзандликка олганлиги бекор қилинган собиқ фарзандликка олувчилар;

- қасддан содир этган жиноятлари учун илгари ҳукм қилинганлар. Фарзандликка олиш учун ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум бўлмаган бола ота-онасининг розилиги керак.

Васийлар ҳомийлигида бўлган ва ота-онаси йўқ болаларни фарзандликка олиш учун васийнинг розилиги ёзма шаклда ифодаланган бўлиши, давлат болалар муассасаларининг тарбияси ва таъминотдаги болаларнинг фарзандликка олиш учун шу муассаса маъмуриятининг розилиги билан амалга оширилади.

Агар бола 10 ёшга тўлган бўлса, фарзандликка олиш учун боланинг розилиги талаб қилинади. Фарзандликка олиш учун боланинг розилигини васийлик ва ҳомийлик органи аниқлайди.

Фарзандликка олувчилар фарзандликка олинаётган боланинг тушлиши қайд этилган дафтарга унинг ота-онаси деб ёзилиши керак.

Фарзандликка олувчи боланинг фамилияси, отасининг исми ва исмини ўзгартириш учун, агар у 10 ёшга тўлган бўлса, боланинг розилиги талаб қилинади.

Фарзандликка олиш, албатта, фарзандликка олиш қарори чиққан жойдаги ФХДЁ органларидан рўйхатга ўтказилиши шарт.

Фарзандликка олинганлар ва уларнинг ота-онаси (ота-она томонидан қариндошлари) бир-бирларига нисбатан шахсий ва мулкый ҳуқуқларини йўқотадилар ҳамда ўзаро мажбуриятлардан озод бўладилар.

Фарзандликка олиниш вақтида боқувчисини йўқотганлик учун пенсия ёки нафақа олиш ҳуқуқига эга бўлган вояга етмаганлар фарзандликка олинган так-дирда ҳам ана шу ҳуқуқни сақлаб қоладилар.

Фарзандликка олишни сир сақлаш қонун билан ҳимоя қилинади.

Васийлик ва ҳомийлик ота-онасининг қарамоғидан маҳрум бўлган болаларга таъминот бериш, уларни тарбиялаш ва таълим бериш, шунингдек, бундай болаларнинг шахсий ҳамда мулкый ҳуқуқ ва мажбуриятларини ҳимоя қилиш учун белгиланади. Васийлик 14 ёшгача бўлган болаларга белгиланади. Ҳомийлик 14 ёшдан 18 ёшгача бўлган вояга етмаганларга нисбатан белгиланади. Васийлик ва ҳомийлик органлари жойлардаги ўзини ўзи бошқариш органларидир.

Васийлик ва ҳомийлик васий ёки ҳомий тайинланишга мухтож бўлган шахс яшаётган жойда, агар шахснинг муайян яшаш жойи бўлмаса, васий ёки ҳомий яшаётган жойда белгиланади.

Васий ва ҳомий тайинланишдан манфаатдор шахслар судга мурожаат қилишлари мумкин.

қуйидаги шахслар васий ва ҳомий этиб тайинланишлари мумкин эмас:

вояга етмаган фуқаролар;

вояга етган, аммо қонунда белгиланган тартибда муомалага лаёқатсиз ёки муомала лаёқати чекланган деб топилганлар;

- ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилинганлар ёки ушбу ҳуқуқлари чекланганлар;

- қасддан содир этган жиноятлари учун илгари жазога ҳукм қилинганлар. Фуқаролар уларнинг розилиги билангина васий ва ҳомий этиб тайинланиши мумкин.

Васийга (ҳомийга) боланинг таъминоти учун ҳар ойда Ўзбекистон Республикасининг ҳукумати белгилаган миқдорда пул тўлаб турилади.

Васий ва ҳомийлар ўз қарамоғидаги вояга етмаган шахслар билан бирга яшаши шарт. Агар тарбиясига ҳамда ҳуқуқ ва манфаатларининг ҳимоя қилинишига салбий таъсир қилмаса, васийлик ва ҳомийлик органининг розилиги билан 16 ёшга тўлган ҳомийликдаги боланинг алоҳида яшашига йўл қўйилади.

Васийлик ва ҳомийлик, фарзандликка олишдан фарқли равишда, қуйидаги муддатларга тайинланади:

— васийлик ва ҳомийликдаги шахс вояга етгунча;

- васийлик ва ҳомийликдаги шахс никоҳга киргунча;
- суднинг фуқаронинг муомалага лаёқатини чеклаш ҳақидаги ҳал қилувчи қарори бекор қилингунча;
- вояга етмаган шахс тўла муомалага лаёқатли деб эълон қилингунча;
- вояга етмаган шахслар ота-онаси тарбиясига қайтарилганда.

Васий ва ҳомийларнинг васийлик ёки ҳомийликдаги шахсларнинг мол-мулк-ни бошқариш, уларга тегишли мол-мулкни бошқаларга ўтказиш, васийлик ва ҳомийликдаги шахсларга тегишли пул ва бошқа қимматли буюмларни сақлаш билан боғлиқ бошқа ҳаракатларни бажариш тартиби ва шартлари, шунингдек, васийлик ва ҳомийликдаги шахсларнинг мол-мулк-ни бошқариш ва сақлаш бўйича ҳисобот бериш тартиби қонун ҳужжатлари билан белгиланади.

қонунда ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болани тарбиялаш учун уни тутинган оилага бериш ҳам назарда тутилади. Бу васийлик ва ҳомийлик органлари билан тутинган ота-она ўртасидаги ўзаро тузилган келишув асосида амалга оширилади. Вояга етмаган бола тутинган оилага келишувда белгиланган муддатга тарбиялаш учун берилади.

Тутинган ота-она тарбиялашга олинган болага нисбатан васий (ҳомий) каби ҳуқуқ ва мажбуриятларга эгадирлар. Тутинган ота-онани васийлик ва ҳомийлик органлари танлайди. Оилага тарбияга олинган боланинг таъминоти учун Ўзбекистон-тон Республикасининг ҳукумати белгиллаган миқдорда ҳар ойда нафақа тўлаб турилади. Бундан ташқари, қонунда тутинган ота-она меҳнат ҳақининг миқдори белгиланади ҳамда бундай оилага муайян имтиёзлар берилади. Узрли сабаблар (касаллиги, оилавий ёки мулк-ий мавқеининг ўзгариши) мавжуд бўлса, болалар-ни тарбияга олиш тўғрисидаги келишув муддатидан илгари бекор қилиниши мум-кин.

Чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар ўртасидаги оилавий муносабатлар. Ўзбекистон фуқароларининг чет эл фуқаролари билан никоҳдари Ўзбекистон-тонда умумий асосларда тузилади. Бунинг учун Ўзбекистон Республикаси билан фуқаролик, оилавий ва жиноий ишлар бўйича ҳуқуқий ёрдам бериш келишувига имзо чеккан мамлакатларнинг фуқаролари никоҳ тузишга ҳуқуқий лаёқати борли-гини тасдиқловчи ҳужжатни (албатта, бу ҳужжатни ўша чет эл давлатининг те-гишли органи берган бўлиши керак) тақдим этишлари керак.

Ўзбекистон фуқаролари ва Ўзбекистон ҳудудидан ташқарида яшовчилар ўртасидаги никоҳ Ўзбекистон Республикасининг дипломатик ваколатхоналарида ёки консуллик муассасаларида тузилади.

Ўзбекистон фуқаролари билан чет эл фуқаролари ёки фуқаролиги бўлмаган шахслар^ ўртасидаги ҳамда Ўзбекистон ҳудудидан чет эл фуқаролари ўртасидаги никоҳ Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига асосан тугатилади. Ўзбекистон ҳудудидан ташқарида тугатилган никоҳ никоҳни тугатиш ҳақидаги қарорни қабул қилувчи органларнинг ваколати тегишли чет давлатнинг қонунчилигига риоя этил-ган ҳолда расмийлаштирилган бўлсагина ҳақиқий деб тан олинади.

Эр-хотиннинг мулк-ий ва шахсий номулк-ий ҳуқуқ ва мажбуриятлари, ота-она ва боланинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, вояга етмаган болалар ва оиланинг бошқа аъзоларининг алимент мажбуриятлари, улар биргаликда яшаётган давлат ҳудудидида амалда бўлган қонунларда белгиланади.

Бола туғилишига кўра қайси давлатнинг фуқароси бўлса, ўша давлатнинг қонунлари оталикни белгилайди. Фарзандликка олиш ҳамда фарзандликка олиш-ни бекор қилиш фарзандликка олинаётган бола фуқароси бўлган давлатнинг қонунларига биноан амалга оширилади.

Хорижий давлат оила ҳуқуқининг нормалари Ўзбекистон Республикасининг ҳуқуқ тизими асосларига зид келувчи ҳолларда қўлланилмайди. Бу ҳолларда Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатлари қўлланилади.

Оила қонунчилигининг асосий вазифаси оила, оналик, оталик ва болаликни ҳдмоя қилишдир.

Оила ҳуқуқининг нормалари оилани мустаҳкамлашга, ўзаро муҳаббат туйғуларига асосланган оилавий муносабатларни қуриш, ишонч ва ўзаро ҳурмат, ҳамдардлик, ҳамкорлик ва оила олдида унинг ҳар бир аъзосининг масъуллигини оширишига йўналтирилган.

Оила қонунчилиги бирон бир шахснинг оила масалаларига ўзбошимчалик билан аралашшига йўл қўймайди ҳамда оила аъзолари ўз ҳуқуқларини тўсқин-ликсиз амалга оширишини ва уларнинг ҳимоя қилинишини таъминлайди.

Оилавий муносабатларни тартибга солиш қуйидаги принципларга асосланади:
давлатнинг фақат ФХДЁ органларида тузилган никоҳни тан олиши;

эркак ва аёл никоҳ иттифоқининг ихтиёрийлиги;

эр ва хотиннинг оилада тенг ҳуқуқлиги;

оилавий муаммоларнинг ўзаро розилик асосида ҳал этилиши;

болаларни оилада тарбиялашнинг устунлиги;

болаларнинг камол топиши ва фаровонлиги ҳақида ота-она ва давлатнинг ғамхўрлик қилиши;

оиланинг вояга етмаган ва меҳнатга лаёқатсиз аъзолари ҳуқуқ ва манфаатларининг ҳимоя қилинишини таъминлаш;

никоҳ тузаётганда ва оилавий муносабатларда ижтимоий, ирқий, миллий, тил ва диний мансублик белгиларига қараб фуқаролар ҳуқуқпарининг ҳар қандай шаклдаги чекланишини ман этиш;

9) фуқароларнинг оиладаги ҳуқуқини фақат қонунда назарда тутилган ва нормадан чиқиб кетмаган ҳолда ҳамда оиланинг бошқа аъзолари ва бошқа фуқароларнинг қонуний ҳуқуқлари ва манфаатлари, ахлоқи, соғлиғини ҳдшоя қилиш мақсадидагина чеклаш.

Оила қонунчилиги қуйидаги муносабатларни тартибга солади:

никоҳ тузиш тартиби ва шарт;

никоҳни тугатиш ва уни ҳақиқий эмас деб топиш;

оила аъзолари ўртасидаги мулкӣ ва шахсий номулкий муносабатларни (эр-хотин, ота-она ва болалар, фарзандликка олувчилар ва фарзандликка олинганлар ўртасида);

қариндош-уруғ ва бошқа шахслар ўртасида;

ота-она қарамогидан маҳрум бўлган болаларни оилада тарбиялаш тартиби ва шакллари белгилаш.

Ўзбекистон Конституциясининг 63, 64, 65 ва 66-модцалари оилавий муносабатларни тартибга солиш хусусиятларини акс эттиради.

Ўзбекистон Республикасининг 1998 йили 30 апрелда қабул қилинган Оила кодекси ҳуқуқнинг бу соҳасидаги асосий ҳужжат ҳисобланади.

Никоҳ — аёл ва эркакнинг эркин, тенг ҳуқуқли иттифоқи. Бунда улар никоҳ ёшига етган бўлиши ва бошқа никоҳда бўлмаслиги керак. Бундан ташқари, никоҳ қонун белгиллаган шарт ва тартибга риоя қилган ҳолда ва, албатта, оила тузиш мақсадида тузилган бўлиши керак.

Никоҳнинг ҳақиқий эмаслиги шартларини ҳамда никоҳнинг ҳақиқий эмас деб топилганлигини тан олишнинг ҳуқуқий оқибатларини аниқлаш муҳимдир. Никоҳни

хақиқий эмас деб топишнинг асосий шартларидан бири унинг сохтали-ги, яъни никоҳ оила қуриш мақсадисиз рўйхатдан ўтказилганлигидир).

Никоҳ тугатилишининг қуйидаги сабаблари мавжуд: эр-хотиндан бирининг вафоти ёки суднинг улардан бирини вафот этган деб эълон қилиши; эр-хотиндан бири ёки ҳар иккаласининг аризасига мувофиқ никоҳдан ажратиш йўли билан, шунингдек, суд муомалага лаёқатсиз деб топган эр ёки хотиннинг васийси берган аризага мувофиқ.

Никоҳди тугатишнинг икки тартиби белгиланган: суд орқали ва ФХДЁ органлари орқали.

Оилавий муносабатларда эр ва хотин тенгдирлар. Улар касб, яшаш жойини танлашда эркин ҳуқуққа эгадирлар, болаларни туғиш, тарбиялаш, таълим бериш ва оиланинг бошқа муаммоларини ҳал этадилар. Эр-хотиннинг никоҳ даврида орттирган мулки уларнинг умумий мулки ҳисобланади. Умумий мулкка эгалик қилиш, ундан фойдаланиш ва уни бошқариш ўзаро розилик асосида амалга оширилади.

Сўнгги йилларда никоҳданувчи шахсларнинг никоҳ шартномаларини тузишга боғлиқ масалалар умумий қизиқиш уйғотмоқда.

8-мавзу. Экология ҳуқуқи асослари

1-§. Экология ҳуқуқининг тушунчаси, хусусиятлари ва умумий экология тизимида тутган ўрни

XX асрда амалга оширилган фантехника революцияси натижасида яратилган янги техника воситалари, ишлаб чиқариш объектлари ўз навбатида табиатга бўлган таъсирини ошириш мисли қутилмаган экологик салбий оқибатларни келтириб чиқарди.

Шунинг учун экологик муносабатларни тартибга солишга қаратилган ижтимоий-ҳуқуқий чора-тадбирлар тизими ишлаб чиқилди ва амалга оширила бошлади.

Уш бу ҳолат экологик ҳуқуқий муносабатлар доираси ва даражасини ўрганувчи экология ҳуқуқи фанининг пайдо бўлиши ва ривожланишига зарурият яратди.

Экология ҳуқуқи – табиат билан жамият ўртасида пайдо бўладиган ижтимоий муносабатларни ҳуқуқий томондан тартибга солишни ўрганувчи фондир.

Экология ҳуқуқи бугунги кунда Ўзбекистон Республикасининг мустақил ҳуқуқ тизимида ўз ўрни ва салоҳиятига эга бўлган алоҳида йўналиш ва хусусиятларга эга бўлган ҳуқуқ соҳаси ҳисобланади.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки ҳар бир ҳуқуқ соҳасининг моҳияти тартибга солинаётган ижтимоий муносабатлар доираси ва даражасига боғлиқ бўлади. Шу жумладан, экология ҳуқуқи ҳуқуқ тизимининг соҳаси сифатида тартибга солаётган ижтимоий муносабатларнинг кенглиги, мураккаблиги, хилма-хиллиги ва ўзига хос хусусиятлари билан бошқа ҳуқуқ соҳаларидан ажралиб туради.¹³

Ҳаммамизга маълумки, давлат ва ҳуқуқ назариясига асосан ҳуқуқ соҳалари ижтимоий муносабатларни тартибга солиш жараёнида тутган ўрни ва иштироки даражаси доираси нуктаи назаридан мустақил ва комплекс (мажмуалашган ёки кенг қамровли, кенг тармоқли) ҳуқуқ соҳаларига бўлиниши мумкин. Мустақил ҳуқуқ соҳалари ижтимоий муносабатларни асосан ўзининг кучи, имкониятлари

^{13 13} Холмўминов Ж.Т. «Экология ва қонун». Т. Адолат 2000 й.

даражасида тартибга солади. Масалан, маъмурий ҳуқуқ, жиноят ҳуқуқи, фуқаролик ҳуқуқи, меҳнат ҳуқуқи ва бошқалар.

Кенг қамровли (комплекс) аҳамиятга эга бўлган ҳуқуқ соҳалари ижтимоий муносабатларни тартибга солишда бошқа ҳуқуқ соҳаларининг ҳуқуқий қоида-талаблари ва тамойиллардан фойдаланади.

Экология ҳуқуқи ҳам табиат-жамият тизимидаги глобал аҳамиятга эга бўлган ижтимоий муносабатларни тартибга солишда биринчи навбатда экологик умум мажбурий аҳамиятга эга бўлган тамойил, усул ва қоида-талаблардан фойдаланади, иккинчидан, ушбу мураккаб экологик муаммоларни ҳал қилиш, уларнинг ҳуқуқий тартиботини таъминлашда ўзаро боғлиқ бўлган ҳуқуқнинг бошқа соҳаларининг куч ва имкониятларидан фойдаланади. Чунки, экология ҳуқуқи ҳал қилишга қаратилган экологик муаммо ва вазифаларнинг кўлами кенглиги, мураккаб ва аҳамиятлилиги сабабли фақатгина жамият ҳаётининг ижтимоий, сиёсий, иқтисодий, маънавий-маданий жабҳаларида мавжуд бўлган барча восита чора-тадбирларни сафарбар қилиш орқали экологик муносабатларни тартибга солиш мумкин.

Шунинг учун ҳам экологик муаммоларни ҳал қилишга қаратилган ижтимоий муносабатларни тартибга солишда экологик тамойил, қоида ва талаблар билан бир қаторда бошқа ҳуқуқ соҳалари яъни маъмурий, жиноий, фуқаролик, меҳнат ва хўжалик-ҳуқуқий восита ва қоида-талабларидан фойдаланади.

Демак, экология ҳуқуқи - табиат ва жамият тизимида пайдо бўладиган экологик-ҳуқуқий муносабатларни тартибга солишга қаратилган кенг қамровли ва кўп тармоқли ҳуқуқ соҳаларидан бири бўлиб ҳисобланади.

Шуни таъкидлаш жоизки, ҳар бир фан ёки ҳуқуқ соҳаси ёки ижтимоий муносабатларни тартибга солиш жараёнида тутган ўрни ва тартибга солинаётган муносабатларнинг кўламига кўра ўзига хос хусусиятларига эга бўлади.

Шу жумладан экология ҳуқуқи ҳам биринчи навбатда ҳуқуқ тизимининг алоҳида соҳаси сифатида бошқа ҳуқуқ соҳалари билан чамбарчас боғлиқ бўлиб, ҳуқуқнинг умум эътироф этилган тамойил, шакл ва қоидалардан фойдаланиб, ривожланиб бормоқда. Шунинг билан бир қаторда экология ҳуқуқи тартибга солаётган ижтимоий муносабатлар табиат қонуниятлари, табиий ресурслар, экологик тизим ва компонентларга таъсир этиш яъни ҳолатининг ёмонлашиши, микдорининг камайиши, мувозанатнинг бузилиши, турларнинг йўқолиб кетиши ва ҳоказолар каби жараёнларда пайдо бўлади. Ҳаммамизга маълумки, инсон табиат маҳсули, унинг бир қисми, табиат қонуниятлари доирасида шаклланган, ривожланаяпти ва тараккий этиб боради. Бир сўз билан айтганда «Табиат-жамият» тизимида табиат бекиёс даражада устун ҳуқуққа, кўламга ва салоҳиятга эгадир. Шунинг учун ҳам жамият ўз таракқиётига эришмоқчи бўлса, албатта табиатнинг мукаддас, устувор қонуниятларини англаши, эътироф этиши, ўз ҳатти-ҳаракатларини мослаштириши ва энг муҳими ўз эҳтиёжларини қондириш билан боғлиқ ҳаракат йўналишлари табиатнинг ҳолатига боғлаб ривожлантириши лозим бўлади. Кўриб турибмизки, экологик ҳуқуқий муносабатларни тартибга солишда табиий қонуниятларнинг устуворлиги ўз навбатида экология ҳуқуқининг бошқа ҳуқуқ соҳаларидан фарқ қилувчи, ажралиб турувчи хусусиятлари мавжудлигини тақозо этади. Ушбу хусусиятлар биринчидан, экологик муносабатларни тартибга солишда табиат қонуниятларини устунлигини таъминлаш; иккинчидан, жамият ҳаётида шаклланган экологик умуммажбурий тамойил, қоида-талабларнинг ижтимоий муносабатларини тартибга солишда қўллаш; учинчидан, экологик муносабатларни тартибга солиш механизмида конституциявий, маъмурий, меҳнат, жиноий, фуқаролик, хўжалик-ҳуқуқий чора-тадбирларидан фойдаланиш ва тўртинчидан, экологик муаммоларни ҳал қилишда жамият ҳаётида ижтимоий,

сиёсий, иқтисодий ва маънавий-маданий жабҳаларини чора-тадбирларини кенг сафарбар қилиш билан белгиланади. Экология ҳуқуқи мураккаб таълимот тизимига эга бўлиб, табиат қонуниятлари ва жамият қонунларининг ўзаро мослашиши, мувофиқлашиши натижасида шаклланади, ривожланиш ва тараққий этади. Шунинг учун ҳам табиатда бўладиган ўзгаришлар, воқеа-ходисалар билан боғлиқ назарий таълимот ва билимлар ўз навбатида жамиятнинг табиат сир-асрорлари, илмини чуқурлаштиришга хизмат қилади. Чунки, табиий билимларни ўрганиш ўз навбатида жамиятнинг табиат билан бўладиган ўзаро муносабатларини уйғунлаштиради, ҳар бир давлат экологик сиёсатини йўналишларини оқилона белгилашга хизмат қилади.

Бугунги кунда табиат қонунларини ўрганиш табиий ресурсларнинг ривожланиши, ўзаро боғлиқлигини даражаси экологик тизимдаги муайян табиий ресурс, тур ва компонентлар сифат ва миқдорий ўзгаришлари, уларга бўладиган таъсир доираларини аниқлаш ёки бир сўз билан айтганда табиат илмини ўрганишда табиий фанлар тизимида ўз йўналиши, хусусиятларига эга бўлган экология фани тобора ривожланиб бормоқда.

Биз экология ҳуқуқи фанини чуқурроқ ўрганмоқчи бўлсак, авваламбор «Экология фани» ҳақидаги умумий тушунча ва йўналишларини етарли англашимиз керак бўлади.

Экология – мураккаб тизимга эга бўлган, тирик организмларнинг яшаш шароити ва шу организмларнинг ўзлари яшаб турган муҳит билан ўзаро мураккаб муносабатларини ўрганувчи фандир.

1866 йилда немис биологиди ўз илмий асариди биринчи бўлиб «Экология» атамасини фанга киритиб, унинг маъносини тирик организмларнинг ўзаро ва уларнинг яшаш муҳити билан боғлиқлигини ўрганувчи таълимот сифатида ифодалайди.¹⁴

Экология атамаси юнонча «oikos» – турар жой, яшаш муҳити, уй, - «logos» – таълимот, деган маънони билдиради. Бир сўз билан айтганда, экология биз яшаб турган муҳит, уй, ватанимиз ҳақидаги фандир.

Демак, экология ҳуқуқи фани глобал аҳамиятдаги экология фанининг таркибий қисмларидан бири бўлиб ҳисобланади. Шунинг билан бир қаторда экология ҳуқуқи фанини олдида «Табиат-жамият тизими» да турли шакл ва йўналишларда пайдо бўладиган ўзаро таъсирларни барқарорлаштириш, ҳаракат йўналишларини аниқлаш, жамият аъзоларининг табиатдан фойдаланиш билан боғлиқ эҳтиёжларини қондириш меъёрларини ўрнатиш, табиат қонунлари даражасида атроф табиий муҳитни муҳофаза қилиш талабларини белгилаш каби маъсулиятли вазифаларни юклайди.

2-§. Экология ҳуқуқининг асосий йўналишлари ва предмети.

Табиат ва жамият ўртасидаги ўзаро таъсирлар натижасида турли ижтимоий муносабатлар пайдо бўлади. Ушбу соҳада ижтимоий муносабатларни биз ижтимоий-экологик муносабатлар деб атаимиз.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки ижтимоий-экологик муносабатлар шакли, мазмуни жихатдан турли-туман бўлиб, ушбу муносабатларни тартибга солишда ҳам кенг қамровли чора-тадбирлар амалга оширилишини тақозо этади.

Ижтимоий-экологик муносабатларни йўналишларини илмий жихатдан асосланган ҳолда оқилона аниқлаш ўз навбатида, ушбу муносабатларни тартибга солиш ҳуқуқий механизмни ихчамлаштиради ва амалга оширишга ёрдам беради.

Бугунги кунда табиат-жамият тизимидаги ижтимоий муносабатлар учта қуйидаги асосий йўналишларда пайдо бўлади:

¹⁴ Хайитбоев Э.Р. Экология ҳуқуқи. Ўқув қўлланма. Т. ЎзМУ 2001 й. 7 бет.

1. Атроф табиий муҳитни муҳофаза қилиш билан боғлиқ экологик ҳуқуқий муносабатлар;

2. Табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш билан боғлиқ экологик-ҳуқуқий муносабатлар;

3. Аҳолини экологик ҳавфсизлигини таъминлашга қаратилган экологик ҳуқуқий муносабатлар.

Ушбу экологик-ҳуқуқий муносабатлар йўналишлари ўз мазмун-моҳиятига кўра бир-бири билан чамбарчас боғлиқ бўлиб, жамиятнинг табиат билан ўзаро таъсирлар тизимида тутган ўрни муаммоларни ҳал қилишда қўлланиладиган чора-тадбирлари, услублари ва ўзига хос хусусиятлари бир-биридан фарқ қилади.

Атроф табиий муҳитни муҳофаза қилиш - жамиятда ер, ер ости бойликлари, сув, ўрмон, хайвонот ва ўсимлик дунёси ҳамда атмосфера хавосини муҳофаза қилиш, табиий хосилалар ва экологик комплексларни сақлаш, қайта тиклаш, атроф муҳитнинг биологик хилма-хиллигини таъминлаш билан боғлиқ қоида-талаб, чора-тадбирларнинг йиғиндиси ҳисобланади. Айниқса, XX асрда табиий муҳитни муҳофаза қилиш йўналишига катта эътибор берилиб, ҳар бир давлат турли дастур, режалар ва қонунчилик ҳужжатлари қабул қилингандир.

Атроф табиий муҳитни муҳофаза қилиш билан боғлиқ чора-тадбирларни амалга оширишга қаратилган қонунчилик ҳужжатлари, қоида-талаблари муҳофаза аҳамиятидаги ижтимоий-экологик муносабатларини тартибга солади.

Табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш деганда, жамият аъзоларининг ўз эҳтиёжларини қондириш мақсадида табиатнинг фойдали қисмларини ўзлаштириши тушунилади.

Табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш - жамиятнинг турли эҳтиёжларини қондириш мақсадида ер, ер ости бойликлари, сув ресурслари, атмосфера хавоси, ўсимлик ва хайвонот дунёсида фойдаланишга қаратилган илмий жихатдан давлат дастур ва режалари, қонунчилик ҳужжатлари қоида-талаблари йиғиндисидан иборатдир.

Экологик ҳавфсизликни таъминлаш билан боғлиқ ҳуқуқий муносабатлар тизими - атроф табиий барқарорлиги, аҳолининг соғлиғига ҳавфли таъсир этувчи омилларни камайтириш, олдини олиш, чеклаш ва бартараф этишга қаратилган сиёсий, ижтимоий-иқтисодий, маданий-маърифий соҳадаги қуйидаги чора-тадбирларни ўз ичига олади;

- экологик ҳавфли ҳудуд, экология офати минтақаларини аниқлаш;
- экология экспертизасини жорий этиш;
- экологик ҳавфли ва зарарли ишлаб чиқариш объектларини паспортлаштириш;
- ҳавфли ва зарарли ишлаб чиқариш турлари фаолиятига рухсатномалар бериш;
- табиий офат, сел, тошқин ва техноген аварияларни аниқлаш, олдини олиш;
- аҳолининг экологик-ҳуқуқий маданиятини ошириш;
- аҳолининг санитария-гигиена шароитларини яхшилаш ва бошқалар.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, юқорида тавсифланган экологик ҳуқуқий муносабатлар давлат экологик сиёсатининг асосий йўналишларни ташкил этади.

Маълумки, ҳар бир фан шу жумладан ҳуқуқ соҳаси ўзига тегишли ижтимоий муносабатлар тизимини урганиш ва тартибга солиш назарий-амалий қоида-талаблар тизимига эга бўлиб, ушбу фаннинг предмети ташкил этади.

Экология ҳуқуқи ҳуқуқ тизимининг алоҳида соҳаси сифатида ижтимоий-ҳуқуқий муносабатлар йўналишларини ўрганиш ва тартибга солишни қамраб оловчи ўз предмети эгадир.

Экология ҳуқуқининг предмети - атроф табиий муҳитни муҳофаза қилиш, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш ва аҳолининг экологик ҳавфсизлигини

таъминлаш жараёнида пайдо буладиган ижтимоий муносабатларни ҳукукий томондан тартибга солишдан иборатдир.

3-§. Экология ҳуқуқининг тамойиллари, усуллари ва тизими.

Ҳар бир фан соҳаси, шу жумладан экология ҳуқуқи фани ижтимоий муносабатларни тартибга солиш жараёнида ўз йўналишлари, яъни тамойилларга эга бўлиб, ўз навбатида ҳар бир фан соҳасининг мақсад ва вазифаларидан келиб чиқади.

Экология ҳуқуқининг тамойиллари - табиат-жамият тизимидаги ўзаро муносабатлар йўналиши, чегараларини белгилаб беришда экологик-ҳуқуқий механизмининг барқарорлигини кафолатида ва қонунчилик қоида-талабларнинг экологик муносабатларини тартибга солиш тартибини белгилашда муҳим аҳамиятга эгадир.

Табиат ва жамият ўртасидаги ўзаро муносабатлар жуда хилма-хил ва мураккаб бўлганлиги учун ҳам экология ҳуқуқининг тамойилларини қуйидаги тизимга бўлишимиз мумкин.

1. Давлат ва ҳуқуқнинг умумий тамойиллари;
2. Атроф табиий муҳитни муҳофаза қилишга оид тамойиллари;
3. Табиий ресурслардан оқилона фойдаланишга қаратилган тамойиллар.

Экология ҳуқуқи ҳуқуқ тизимининг соҳаси сифатида экологик муносабатларни тартибга солишда давлат ва ҳуқуқнинг қуйидаги тамойиллардан фойдаланади:

- қонунийлик;
- Ижтимоий адолат;
- Ошқоралик;
- Ишонтириш ва мажбурият чораларининг ҳамкорлиги;
- Шахсларнинг ҳуқуқ ва бурчларининг бирлиги ва бошқалар.

Атроф табиий муҳит барқарорлигини таъминлаш ва табиатни муҳофаза қилишнинг асосий тамойиллари қуйидагиларни ўз ичига олади.

- Биосфера ва экология тизимлари барқарорлиги ҳозирги ва келгучи авлоднинг генетик фондини сақлаш;
- Атроф табиий муҳитни муҳофаза қилишда табиат қонуниятлари устуворлигини тан олиш;
- Фуқароларнинг ҳаёт учун қулай табиий муҳитга эга бўлиш ҳуқуқини таъминлаш;
- Жамиятнинг экологик, сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий манфаатларини уйғунлаштириш;
- Табиатни муҳофаза қилиш соҳасида миллий, минтақавий ва халқаро уйғунлаштириш;
- Табиатни муҳофаза қилиш чора-тадбирларининг табиий ресурслардан фойдаланиш тадбирларидан устуворлигини тан олиш;
- Табиатни муҳофаза қилиш фаолиятини рағбатлантириш;
- Табиий ресурслар ҳолатини тиклаш мажбурийлиги;
- Экология экспертизасини ўтказишнинг мажбурийлиги;
- Экологик қонунчилик қоидаларни бузганлик учун жавобгарликнинг қўлланилиши ва бошқалар.

Табиий ресурслардан оқилона фойдаланишга қаратилган ижтимоий муносабатлар қуйидаги тамойиллар доирасида тартибга солинади:

- Табиий ресурслардан фақат илмий асосланган ҳолда оқилона

фойдаланишнинг зарурлиги;

- Табиатни муҳофаза қилиш ва табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш фаолиятини рағбатлантириш;
- Ер, ер ости бойликлари, ўсимлик ва ҳайвонот дунёсидан махсус фойдаланганлик учун ҳақ тўлаш ва умумий асосда фойдаланганлик учун ҳақ тўламаслик;
- Ерлардан белгиланган тоифалар доирасида мақсадли фойдаланиш;
- қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерларнинг устиворлиги;
- Табиий ресурслар кадастрини юритиш мажбурийлиги ва бошқалар.

Табиат ва жамият ўртасидаги ўзаро муносабатлар, давлат ва экологик функцияси ушбу тамойиллар асосида ва доирасида амалга оширилиб, атроф табиий муҳит барқарорлигини таъминлаш, аҳолининг экологик хавфсизлигини таъминлаш ва табиий ресурслардан оқилона фойдаланишга хизмат қилади.

Экология ҳукуқи ўз предмети, йўналишлари, мақсад ва вазифаларига бўлгани каби ўз усулларига ҳам эга бўлиб, ушбу усуллар табиат-жамият тизимидаги ижтимоий муносабатлар ҳолатига таъсир этиш орқали катта аҳамиятга эгадир.

Ҳозирги пайтда экологик муносабатлар қатнашаётган жисмоний ва юридик шахслар ҳатти-ҳаракатларини тўғри йўналштириш учун турли усуллар қўлланилиб, уларнинг қўлами ортиб бормоқда.

Экологик ҳукуқий муносабатлар тизимида қуйидаги усуллардан фойдаланилади:

1. Экологизациялаштириш;
2. маъмурий-ҳукуқий;
3. фуқаровий-ҳукуқий;

Экологизациялаштириш усули бугунги кунда жамият ҳаётнинг сиёсий, ижтимоий-иқтисодий, маънавий-маърифий жабҳаларига тобора кириб бориб, табиат қонуниятларининг устиворлигини таъминлаш, табиатни муҳофаза қилиш чора-тадбирларининг ишлаб чиқариш жараёнига қўлланилиши соғлом экологик муҳитга эришиш заруриятини олдимизга қўймоқда, ушбу усул орқали шахс, давлат ва жамият ҳаётининг барча жабҳаларининг экологик қоида-талаблар асосида олиб боришини тақозо этади.

Маъмурий-ҳукуқий усул - давлат ва ҳукукнинг муҳим усулларида бири бўлиб, давлатнинг мажбурлов чора-тадбирларининг қўлланилишида намоён бўлади.

Экология ҳукуқида маъмурий-ҳукуқий усул кенг қўлланилиб, атроф табиий муҳитни муҳофаза қилиш, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш ва аҳолининг экологик хавфсизлигини таъминловчи қоида-талабларнинг белгиланиши, барча юридик ва жисмоний шахслари томонидан бамил қилинишининг мажбурийлиги, экологик қоида-талабларни бузганлик учун жавобгарлик чора-тадбирларининг қўлланилишида катта аҳамиятга эгадир.

Фуқаровий-ҳукуқий усул экология ҳукуқида тобора ривожланиб, бораётган усул сифатида бевосита экологик-ҳукуқий муносабатлар иштирокчиларининг тенглиги, мулкнинг дахлсизлиги, моддий рағбатлантириш, табиатни муҳофаза қилиш ва табиий ресурслардан фойдаланишда иқтисодий чора-тадбирларнинг қўлланилишида намоён бўлади.

Экология ҳукуқий – табиат-жамият тизимидаги мураккаб муносабатларни тартибга солади, шунинг учун ҳам турли тушунчалар, институтлар, тоифалар кенг қўлланиб, экологик-ҳукуқий қоида-талабларни қўлланилиши ва мазмунини очиқ беришга хизмат қилади.

Экологик ҳукуқий муносабатлар тизимини ўрганишни осон бўлиши учун ўзига хос институт, тоифа ва назарий қоидалар мажмуини бирлаштирган ҳолда экология

ҳуқуқи ўз тизимига эга.

Экология ҳуқуқининг тизими - экологик муносабатларни тартибга солишдаги аҳамияти ва мазмунига кўра асосий институт, тоифа ва назарий-ҳуқуқий масалаларнинг маълум тартибда жойлашишидир.

Биз мураккаб экологик ҳуқуқий муносабатлар йўналишларини таҳлил қилиш ва ўрганишни енгиллаштириш мақсадида экология ҳуқуқи тизимини икки қисми, яъни умумий ва махсус қисмга бўлиб ўрганамиз.

Экология ҳуқуқининг умумий қисми

- • табиат ва жамият ўртасидаги ўзаро боғлиқлиги;
- • экология ҳуқуқининг тушунчаси, предмети ва тизими;
- • табиий ресурсларга нисбатан мулк ҳуқуқи;
- • экология соҳасида давлат бошқаруви;
- • экология назорати ва экология экспертизасининг ҳуқуқий ҳолати;
- • экология қонунчилиқни бузганлик учун жавобгарлик каби мавзуларни ўз ичига олиб, табиатни муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланишнинг илмий-назарий жиҳатлари, ҳуқуқий асослари, экологик-ҳуқуқий механизми ва унинг элементларининг умумий экологик-ҳуқуқий қоидаларни белгилайди.

Махсус қисми эса табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш ва муҳофаза қилиш билан боғлиқ қуйидаги:

- • ерларни муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланишнинг ҳуқуқий ҳолати;
- • сув ресурсларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланишнинг ҳуқуқий ҳолати;
- • ер ости бойлиқларининг ҳуқуқий ҳолати;
- • ўсимлик дунёсидан фойдаланиш ва муҳофаза қилишнинг ҳуқуқий ҳолати;
- • ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланишнинг ҳуқуқий ҳолати;
- • Атмосфера ҳавосини муҳофаза қилишнинг ҳуқуқий ҳолати;
- • Алоҳида муҳофаза этиладиган табиий ҳудудларнинг ҳуқуқий ҳолати;
- • Халқ хўжалиги соҳалари ва аҳоли пунктларида атроф табиий муҳитни ҳуқуқий муҳофаза қилиш;
- • Атроф табиий муҳитни халқаро-ҳуқуқий муҳофаза қилиш каби ҳар бир табиат объектининг ҳуқуқий ҳолатини қамраб олувчи махсус аҳамиятдаги экологик-ҳуқуқий қоидаларни ўз ичига олади.

Экология ҳуқуқи манбаларининг тушунчаси, хусусиятлари ва тизими.

Ҳар бир фан, ҳуқуқ соҳаси ўз манбаларига эга бўлиб, ушбу манбалар асосида ривожланади.

Табиат билан жамият ўртасидаги ўзаро муносабатларни тартибга солишда ёрдам берадиган, қатнашадиган ҳуқуқий ҳужжатлар экология ҳуқуқининг манбаси сифатида қаралиши мумкин.

Экология ҳуқуқининг манбалари сифатида меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар ҳисобланади.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, ҳар қандай ҳуқуқий ҳужжат манба бўлиб хизмат қилмайди.

Экология ҳуқуқининг манбаси сифатида қаралаётган ҳуқуқий ҳужжат қуйидаги талабларга жавоб бериши керак:

Ваколатли давлат органлари томонидан қабул қилинганлиги;

Белгиланган доирада мажбурий аҳамият касб этиши;

Экологик қоида-талабларни белгилаши;

Расмий шакл, тузилиш, амал қилиш муддатлари ва бошқа атрибутларга эга бўлиши, ҳақозо.

Экология ҳуқуқининг манбалари – деганда атроф-табiiй муҳитни муҳофаза қилиш, табiiй ресурслардан оқилона фойдаланиш ва аҳолининг экологик хавфсизлигини таъминлаш билан боғлиқ ижтимоий муносабатларни тартибга солишда хизмат қиладиган қонунчилик ҳужжатлари тушунилади.

Экологик муносабатларни тартибга солувчи конституциявий қоидалар, Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президенти, Вазирлар Маҳкамасининг фармон ва қарорлари, Махсус ваколатли давлат бошқарув органлари ҳамда маҳаллий давлат ҳокимият органларининг меъёрий ҳужжатлари йиғиндиси экологик қонунчилик ҳужжатлари тизимини ташкил этади.

Экология ҳуқуқининг манбалари кенг қамровли ижтимоий муносабатларни тартибга солиши учун ҳам уларни қуйидагича таснифлаш мумкин:

юридик кучи бўйича манбаларни қонунлар ва қонуности меъёрий ҳужжатларга бўлинади;

Экологик муносабатларни тартибга солиниши йўналишлари бўйича:

табиатни муҳофаза қилиш қонунчилиги;

табiiй ресурслардан оқилона фойдаланиш қонунчилиги;

аҳолининг экологик хавфсизлигини таъминлаш қонунчилиги.

Муносабатларни тартибга солиш предмети бўйича:

умумий ва махсус экологик қонунчилик ҳужжатлари;

ҳуқуқий тартибга солиш ҳолати бўйича моддий ва процессуал аҳамиятидаги қонунчилик ҳужжатлари;

қонунчилик ҳужжатларининг тизими бўйича оддий, кодификациялашган ва ва манбалар;

қонунчилик ҳужжатларининг қўлланилиш доираси бўйича:

худудий-минтақавий;

республика миқёсида;

халқаро миқёсидаги манбалар ва ҳоказо.

Табиат-жамият тизимида ўзаро муносабатларни тартибга солишда бир томондан қонун, фармон, қарор, низоми каби меъёрий ҳужжатлар, иккинчи томондан, ушбу қонун ҳужжатларини қўлланилишига ёрдам бериш ва давомийлигини таъминлашда экологик норматив, стандарт ва йўриқномалар каби минглаб меъёрий-техник аҳамиятдаги ҳужжатлар қўлланилади.¹⁵

Экология ҳуқуқининг манбалари бошқа ҳуқуқ соҳалари манбалари чамбарчас боғлиқ бўлиб, ижтимоий муносабатларни тартибга солиш тамойиллари, усуллари, қоидаларини қўллашда умумийликка эгадир.

Экологик қонунчилик ҳужжатлари мураккаб тизимга эга бўлиб, ўз мазмун-моҳиятига кўра биз уларни ўрганишни осон бўлиши учун уч асосий қисмга бўлиб ўрганамиз:

Экология ҳуқуқининг конституциявий асослари;

Экология соҳасидаги Ўзбекистон Республикасининг қонунлари тизими;

Экология соҳасидаги қонуности меъёрий ҳужжатлар тизими.

4-§. Табиатни муҳофаза қилиш принциплари (қоидалари).

Табиат ва жамият ўртасидаги муносабат шакллари ва концепцияларидан келиб чиқадиган ҳамда экологик қонунларни мақсади ва моҳиятини белгилаб берадиган учинчи қадам - кишиларнинг жамиятдаги экологик муносабатларида амал қилиши

¹⁵ Хайитбоев Э.Р. Экология ҳуқуқи. Ўқув қўлланма. Т. ЎЗМУ 2001 й. 10 бет.

керак бўлган асосий принциплари ёки қоидалари. Бу принциплар табиат қонуниятларига асосланган бўлиб улар қуйдагилардан иборатдир:

1. Табиий ҳодиса ва жараёнлар кўпқирраликдир. Шунинг учун ҳам улар ҳар томонлама объектив баҳоланиши керак. Бу деган сўз ҳар бир табиий ҳодиса ёки объектга халқ ҳўжалигининг соҳавий заруриятига қараб ёндошиш керак. Лекин бу соҳавий ёндошув аввалам бор экологик тизимларни сақлаб қолиш ва уларни қайта тиклаш нуқтаи назардан амалга оширилиши мақсадга мувофиқ бўлади.

Ўрта Осиё шароитида ўрмон - қурилиш ёки химик хом ашё манбаи эмас, балким экологик тизим ёки ландшафтларни бир меъёрда ушлаб турувчи элемент сифатида қаралиши керак. Чунки бу минтақада бор йўғи умумий майдоннинг бир фоизидан ошмайдиган сийрак дарахтзор ва бутазорлар сув ва тупроқ муҳофазасида "яшил қалқон", иқлимни мўътадиллаштирадиган компонент, аҳолини маданий дам олишини таъминлайдиган объект сифатида қарашни тақозо этади.¹⁶

Сув фондидаги дарёлар Ўрта Осиё шароитида суғориш ёки рекреация манбаи эмас, аввалам бор ичимлик суви ва аҳолини маиший хизмати учун мўлжалланиши керак. Чунки иссиқ иқлимли арид (қуруқ) шароитда сув аҳоли учун ҳаёт манбаидир. Сибирь, Узоқ Шарқ каби совуқ ёки нам иқлимли минтақалар учун дарёлар аввалам бор аҳолини транспорт хизматини бажарувчи ва арзон энергетика манбаидир. Дарёлар инсонларнинг ҳаёти учун билвосита қишлоқ ҳўжалиги, металлургия, тоғ-кон саноати, химия каби сувни кўп талаб қилувчи халқ ҳўжалиги тармоқлари орқали хизмат қилади. Асосийси табиат компонентлари турли чиқитлар ёки ахлатлар ташлайдиган табиий объект бўлиб қолмаслиги керак.

Хулоса қилиб айтганда, табиий ҳодиса ва жараёнларнинг кўпқирралик принципи маълум бир табиий объектдан турли хил халқ ҳўжалиги соҳаларида улардан фойдаланишни инкор этмайди, лекин фойдаланишда экологик тизимларни сақлаб қолиш ёки тиклаш нуқтаи назардан устувор (приоритет) соҳаларни белгилашни тақозо қилади.

2. Табиатни муҳофаза қилиш ва табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш минтақавийдир, яъни маҳаллий шароитларни инобатга олган ҳолда экологик тадбирларни олиб бориш кераклиги принципи. Мамлакатимиз иқтисодий ривожининг таянчи бўлган табиат бойликларидан фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилиш уларни ҳар томонлама (иқтисодий, ижтимоий, сиёсий, маданий) баҳолашни, истиқболли йўналишларини аниқлашни, маҳаллий ва экологик шароитларини инобатга олган ҳолда амалга оширишни талаб қилади. Чунки Ўзбекистон Республикасида (умуман Ер қуррасида) табиий объектларнинг сон ва сифат кўрсаткичлари майдон ва макон бўйича бир текисда жойлашмаган. Бирон бир минтақада маълум бир табиий объект ёки ресурснинг мўллиги иккинчи бир минтақада унинг етишмаслигини қоплаб бера олмайди ёки бирон бир минтақада экологик хавфсиз муҳит шароити иккинчи бир минтақанинг экологик инқирозини бартараф этишга асос бўла олмайди.

3. Табиий ҳодисалар ва жараёнлар ўзаро узвий боғлангандир. Биринчи экологик минтақавий принципни давоми сифатида шуни айтиш керакки табиатнинг маълум бир объектини муҳофазалаш ёки уни бузиш қолган табиий объектларга ўз ижобий ёки салбий таъсирини албатта ўтказиши, яъни "занжир реакцияси" усулида ишлайди.

Табиатда дарё ва кўлларни муҳофазалаш ўз ўзидан ундаги балиқларни ва сув ўтларни муҳофазалашга олиб келади. Ўрмонларни асраш аввалам бор улардаги ҳайвонот дунёсини сақлашга, сўнгра атмосфера ҳавосининг ва сувларнинг тозаллигини ушлаб туришга, тупроқнинг унумдорлик хусусиятларини сақлаб қолишга имкон беради. Аксинча, тупроқ унумдорлигини йўқотиш, ўсимлик дунёсини

¹⁶ И.А.Каримов «Ўзбекистон 21 аср бўсақасида». Т. Ўзбекистон 1997 й.

сийраклашувига ва сўнгра, уларда яшовчи ва озикланувчи ҳайвонот дунёсини камайишига ёки қирилиб кетишига олиб келади. Экологик тизимда бир объект муҳофазасини иккинчиси орқали амалга ошириш қонуниятини шакллантиради.

4. "Занжир реакцияси" қонуниятининг давоми, лекин учинчи табиат принципига қарама-қарши бўлган ҳолида - бирон бир табиий объект муҳофазаси иккинчи бир табиий объектнинг зарари бўлиши ҳам мумкинлиги. Масалан, Африка қитъасидаги миллий боғларда ташкил этилган қўриқхоналарда филлар сонининг кўпайиб кетиши у ердаги ўсимлик дунёсини сийраклашувига ва тупроқ унумдорлигини пасайишига олиб келмоқда. Шунинг учун ҳам маълум бир объект муҳофазасига қаратилган экологик тадбирни қолган табиий объектлар имкониятларига монанд равишда ва илмий асосланган тарзда амалга оширишни тақазо қилади.

5. Юқорида зикр этилган тўрт экологик принцип бизлардан табиат муҳофазасига комплекс ёндошув принципини тадбиқ қилишни тақазо қилади. Табиатни муҳофаза қилиш ва шу билан бир қаторда табиий ресурслардан оқилона фойдаланишни бирон бир соҳа ёки йўналиш бўйича тўлиқ амалга ошириб бўлмайди, балки комплекс соҳалараро бошқарув ва назорат асосида амалга оширишни талаб қилади. Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш Давлат қўмитасининг фаолияти худди шу комплекслик принципига асослангандир.

Умуман олганда, табиатни муҳофаза қилиш бир қараганда табиий ресурслардан фойдаланишга қарама-қарши йўналишга ўхшайди. Лекин, экологик тизимдаги катта ёки кичик доирадаги модда ва энергия алмашуви ҳам табиий объектларнинг бири иккинчисига таъсир этиши, яъни фойдаланиши ва муҳофаза қилиши асосида бўлади. Хеч қайси бир тирик мавжудод (ҳайвонот дунёси, ўсимликлар, инсонлар) атроф табиатдан фойдаланмасдан туриб ҳаёт кечири олмайди. Маълум бир экологик меъёрга бу ҳаракатлар экологик тизимларни ушлаб турувчи зарурий ҳодиса ва жараёнлар туркумига киради. Бундан бир вақтнинг ўзида табиатни муҳофаза қилиш ва фойдаланиш принципи келиб чиқади.

Шундай қилиб, жамиятнинг табиатга нисбатан йўналтирилган ҳаракатлари экологик принципларга ёндошган ва чуқур илмий асосланган бўлишни талаб қилади. Чунки инсон табиатнинг бир бўлаги, лекин акси эмасдир.

5-§. Ўзбекистоннинг экологик сиёсати.

Ер қуррасида юзага келаётган экологик нобоп муҳитнинг чуқурлашувида озми-кўпми Ўзбекистон Республикасининг иштироки бор. Истиқомат қилаётган 25 млн.дан зиёд аҳолининг ярмидан кўпроғи экологик хавфсиз бўлмаган муҳитда истиқомат қилмоқда. Орол денгизи ва унинг атрофида рўй берган экологик инқироз ҳолати Совет даврининг неэкологик аграр ва иқтисодий сиёсатининг натижасидир. Шунинг учун ҳам давлатимиз, шахсан Президент И.А.Каримов, экологик масалаларни иқтисодий, сиёсий ва ижтимоий ислохотлар билан уйғунлаштирган ҳолда олиб боришни лозим деб топмоқдалар.¹⁷

XX аср охирига келиб Ўзбекистонда қуйидаги тактик ва стратегик йўналишлар ишлаб чиқилган: "2005 йилгача бўлган даврда табиатни муҳофаза қилиш ва табиий ресурслардан самарали фойдаланишнинг Давлат дастури", "Ўзбекистон Республикасида табиатни муҳофаза қилиш ва барқарор ривожланишнинг экологик таъминлашнинг миллий ҳаракатлар режаси", "Ўзбекистон Республикасида атроф муҳит гигиенаси бўйича миллий ҳаракатлар дастури", "Биологик хилма-хилликни

¹⁷ И.А.Каримов Ўзбекистон 21 асрга интилоқда. Т. Ўзбекистон 1999 й.

сақлаб қолиш бўйича миллий стратегия ва режа". Бу ҳужжатларда давлатимизнинг жамият ва табиат ўртасидаги муносабат шакли, ҳозирги кунда ва келажакда қандай бўлиши, Ўзбекистоннинг экологик концепцияси, мақсади ва принциплари белгилаб берилган. Экологик мақсад ва вазифаларни амалга оширишнинг тактик ва стратегик ҳаракатлар дастури ва йўналишлари кўрсатиб ўтилган.

Ўзбекистон Республикаси экологик сиёсатининг асосий мақсади - кишиларнинг ҳаётий зарур бўлган экологик хавфсиз муҳитини таъминлаш учун табиатни муҳофаза қилиш ва табиий ресурслардан самарали фойдаланиш, яъни табиат билан жамият ўртасидаги иқтисодий-экологик муносабат шаклини қўллаш.

Биз биламизки, мустақиллик давргача Ўзбекистон ҳудуди Чор Россияга сўнгра, Совет Иттифоқининг хом-ашё етиштириб берадиган чекка ўлкаси бўлиб ҳисобланган. Шунинг учун ҳам табиий ва минерал хом-ашё захираларидан максимал ҳолда экстенсив усулда фойдаланилган, яъни иқтисодий муносабат шаклда бўлган. Бундай тоталитар тузумдаги муносабат шаклидан бирданига экологик муносабат шаклига, жамиятда на иқтисодий, на ҳуқуқий, на ижтимоий-маданий асоси яратилмай туриб ўтишни, хаттоки назарий жиҳатдан ҳам амалга ошириб бўлмайди. Ўзбекистон Республикаси танлаган йўли табиат ва жамият ўртасидаги муносабатларни иқтисодий-экологик шакли, яъни босқичма-босқич экологик муносабат шаклга ўтишга асос бўлмоғи даркор.

29 август 1997 йилда қабул қилиган Ўзбекистон Республикасининг "Миллий хавфсизлик Концепцияси тўғрисида"ги қонунида мамлакатимизнинг экологик концепцияси берилган бўлиб, унда қуйидагиларга эътибор берилган:

- шахснинг ҳаётий зарур эҳтиёжи бўлган кишиларни соғлигини муҳофаза қилиш ва инсонларнинг турмуши учун оптимал ҳолатдаги экологик шароитларни яратиб бериш;

- жамиятнинг ҳаётий зарур эҳтиёжи бўлган оилани ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, мўтадил экологик вазиятни ташкил этиш, аҳолининг соғлигини таъминлаш, жисмоний бақувват авлодни шакллантириш;

- давлатнинг ҳаётий зарур эҳтиёжлари бўлган барқарор ривожланиш, минтақавий иқтисодий ҳолатни муътадиллаштириш, соғлом ҳаёт тарзини шакллантириш.

Шундай қилиб Ўзбекистон учун ягона бўлган шахс, жамият ва давлатнинг ҳаётий зарур эҳтиёжларидан бири - экологик хавфсиз муҳит миллий хавфсизликнинг ажралмас бир бўлагидир. Республикамиз экологик сиёсатининг асосий мақсадини бажармоқ учун органик ривожланиш билан бир қаторда муҳофаза қилиш ва ривожланиш концепциясини қўллашни маъқул деб топган. Бу деган сўз шахс, жамият ва давлатнинг экологик талабларини минтақалар бўйича иқтисодий ва ижтимоий ривожлантириш талабларига мослаштириш керак.

И.А.Каримовнинг "Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари" деган асарида ҳамда "2005 йилгача бўлган даврда табиатни муҳофаза қилиш ва табиий ресурслардан самарали фойдаланишнинг Давлат дастури"да юқорида айтилган мақсад ва концепцияларни амалга оширишнинг асосий чора-тадбирлари қуйидагилардан иборат:

- экологик технологияларни ишлаб чиқиш ва жорий этиш. халқ хўжалик тармоқларидаги табиий жараёнларнинг кескин бузилишига олиб келадиган барча заҳарли кимёвий моддаларни қўллаш устидан қаттиқ назорат ўрнатиш. Атмосфера ҳавоси ва сувларни инсоннинг ҳаётий фаолияти учун зарарли ёки салбий таъсир этадиган моддалар билан ифлослантиришни тўхтатиш;

- қишлоқ хўжалик экинларини, энг аввало, ғўзани суғоришда сувни тежайдиган технологияларни кенг жорий этиш. Коллектор-зовур сувларини дарёлар ва сув

омборларига ташлашни тартибга солиш ва оқава сувларни чиқариб юборишни батамом тўхтатиш зарур;

- саноат корхоналарида атмосферага ҳавосига сув ҳавзаларига ва тупроққа ифлослантирувчи ҳамда зарарли моддаларни ташлаганлик учун солинадиган махсус солиқдан кенг фойдаланган ҳолда масъулиятни ошириш даркор. Уларда замонавий, самарали тозалаш қурилмалари тизимини жорий этиш керак. Бошланғич хом ашёдан тайёр, пировард маҳсулот олганга қадар комплекс фойдаланишга имкон берадиган янги, замонавий, экологик жиҳатдан самарали ускуналарни ўрнатиш лозим;

- қайта тикланадиган захираларни қайта ишлаб чиқаришнинг табиий равишда кенгайишини таъминланган ҳамда қайта тикланмайдиган захираларни қатъий мезон асосида истеъмол қилган ҳолда табиий захираларнинг ҳамма турларидан оқилона фойдаланиш даркор;

- фойдали қазилмалардан оқилона фойдаланиш керак. Бошланғич хом ашёдан тўлиқ фойдаланишни таъминлаш даркор ва унинг учун эскирган ускуналарни алмаштириш, янги технологияларни жорий этиш, айрим цехлар, участкалар ва корхоналарни реконструкция қилиш асосида фойдали қазилмаларни саноат усулида янада тўлиқ ва оқилона қазиб олиш муҳим вазифадир. Атроф муҳитни муҳофаза қилиш учун тоғ-кон саноатининг чиқиндиларини ўзлаштиришни янада кенгайтириш ҳамда бузилган ерларни қайта яроқли ҳолга келтириш (рекультивация қилиш) муҳим аҳамиятга эга;

- кенг майдонлардаги табиий шароитларни табиий захиралардан самарали ва комплекс фойдаланишни таъминлайдиган даражада аниқ мақсадли, илмий асосланган тарзда ўзгартириш (дарёлар оқимини тартибга солиш ҳамда сувларни бир ҳавзадан иккинчисига ташлаш, ернинг сув-физик хусусиятларини яхшилаш, сув чиқариш тадбирларини ва шунга ўхшаш тадбирларни амалга ошириш) лозим;

- жонли табиатнинг хилма-хиллигини сақлаш, табиий генофондни маданий экинлар ва ҳайвонларнинг янги турларини кўпайтириш ҳисобига бошланғич база сифатида сақлаб қолиш керак;

- қурилиш ва ободонлаштиришни режалаштиришнинг илмий асосланган, ҳозирги замон урбанизациясининг барча салбий оқибатларини бартараф этадиган тизимини жорий этиш йўли билан шаҳарларда ва аҳоли пунктларда экологик хавфсиз муҳитни таркиб топтириш;

- жаҳон жамоатчилиги эътиборини минтақанинг экологик муаммоларига қаратиш лозим. Орол муаммоси бугунги кунда чинакам кенг кўламли, бутун сайёрамизга дахлдор муаммо бўлиб қолганлигини, унинг таъсири ҳозирнинг ўзидаёқ биологик мувозанатни бузаётганлигини, бепоён ҳудудларда аҳолининг генофондига ҳалокатли таъсир кўрсатаётганлигини назарда тутиш лозим;

- халқаро тузилмаларнинг захиралари, имкониятлари ва инвестицияларини ана шу муаммоларни ҳал қилишга жалб этиш - биринчи даражали вазифадир.¹⁸

Экологик хавфсизликни таъминлаш ва юқорида айтиб ўтилган мўлжалланган тадбирларни амалга ошириш учун "Табиатни муҳофаза қилишнинг Миллий Дастури"да куйидаги принципларга амал қилишни тавсия этилган:

- давлат экологик ислохотларнинг йўлбошловчиси бўлмоғи даркор;
- экологик ҳаражатларни молиялаш ва унинг янги схемаларини жалб қилиш;
- макроиктисодий ва соҳавий экологик сиёсатни такомиллаштириш;
- қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришни экологиялаштириш;
- атроф табиий муҳит сифатини яхшилаш мақсадини қўйиш ва стандартлаштириш;
- ишлаб чиқаришнинг экологик талабларини чуқурлаштириш ва ҳ.к.

¹⁸ И.А.Каримов «Ўзбекистон 21 аср бўса\асида». Т. Ўзбекистон 1997 й.

Ўзбекистон Республикасининг юқорида айтиб ўтилган экологик сиёсатини амалга оширувчи табиат ва жамият ўртасидаги муносабат шакли, табиат қонуниятларига жамият қонунларини мослаштириш, экологик чора-тадбирлар ва асосий танланган тамойилларнинг ҳаётга тадбиқ қилиш механизми ишлаб чиқилса ва амалиётда улар ўз тадбиғини топса, сўзсиз, бизнинг мамлакатимиз яқин келажакда экологик муносабат шаклига ўтиб олиши мумкин. Бундай сиёсат шахснинг, жамиятнинг ва давлатнинг ҳаётий зарур бўлган миллий хавфсизлигини таъминлашда катта омил бўлиб хизмат қилишига ҳеч шубҳа йўқ.

6-§. Экология назоратининг тушунчаси, мақсади, вазифаси ва усуллари

Экология назорати - давлат экологик сиёсатининг муҳим таркибий қисми сифатида табиат-жамият тизимидаги экологик муносабатларнинг барқарорлигини таъминлашда муҳим аҳамиятга эгадир.

Ҳаммамизга маълумки, экологик ҳуқуқий муносабатларни тартибга солиш жараёнида экология назорати муҳим вазифаларни амалга оширади.¹⁹

Экология назорати - атроф табиий муҳитни муҳофаза қилиш, табиий ресурслардан оқилona фойдаланиш ва экологик хавфсизликни таъминлашқоида-талабларини барча вазирлик, давлат қўмиталари ва идоралари, корхоналар, ташкилотлар, муассаса, мансабдор ва жисмоний шахслар томонидан бажарилишини текшириш, табиий муҳит ҳолатини ўрганиш ва кузатиш, чора-тадбирларни қўллаш билан боғлиқ сиёсий-ҳуқуқий, ижтимоий-иқтисодий ва маънавий-маърифий чора-тадбирлар ийғиндисини ўз ичига олади.

Экология назоратининг асосий мақсади атроф табиий муҳит барқарорлигини сақлашдан иборат бўлиб, давлат органлари ва жамоат ташкилотлари фаолиятини мувофиқлаштирган ҳолда олиб борилишини тақозо этади.

Ҳозирги ва келажак авлодга барқарор атроф табиий муҳитни таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси “Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида”ги қонунининг 29-моддасига асосан, экология назоратининг асосий вазифалари сифатида қўйидагилар белгиланган:

-атроф табиий муҳит ҳолатини ҳамда хўжалик юритиш ва бошқа фаолият таъсири остида унда бўладиган ўзгаришларни кузатиб бориш;

-атроф табиий муҳитни муҳофаза қилиш, табиий ресурслардан оқилona фойдаланиш, атроф табиий муҳитни соғломлаштириш, табиатни муҳофаза қилишга доир қонунлар талаблари ва атроф табиий муҳит сифатининг нормативларига риоя этиш борасидаги дастурлар ҳамда айрим тадбирлар бажаралишини текшириш.

Экология назорати мураккаб жараёни ўз ичига олади ва турли хил чора-тадбирлар тизимини амалга оширишни тақазо этади.

Экология назорати жараёнида қўйидаги чора-тадбирлар амалга оширилади:

-атроф табиий муҳитда бўладиган ўзгаришларни кузатиш, ахборот жамланмасини шакллантириш;

-атроф табиий муҳит ҳолатига антропоген таъсирларни ўрганиш;

-ишлаб чиқариш ва хўжалик юритиш жараёнининг барча жабҳаларида экологик қонунчилик қоида-талабларига риоя этилишини текшириш;

-ишлаб чиқариш ва хўжалик фаолиятини амалга ошираётган юритик ва жисмоний шахсларнинг табиатни муҳофаза қилишга қаратилган профилактик чора-тадбирларнинг белгиланган амалга оширилишини текшириш;

-табиий ресурслардан фойдаланиш бўйича рухсатномалар бериш;

¹⁹ Мирзаев Т. «Ўзбекистонда экологик муаммолар ва прокурорлик назорати». Т. қатортол-Камолот 1999 й.

-экологик қоида-талабларни бузган юридик ва жисмоний шахсларни аниқлаш, огоҳлантириш, жавобгарликка тортиш;

-аҳоли орасида экологик қонунчилик қоида-талабларни тарғиб ва ташвиқот қилиш ва бошқалар.²⁰

Демак, экология назорати билан боғлиқ мураккаб фаолиятини олиб боришда экология назорати субъектлари томонидан қўйидаги асосий ташкилий-ҳуқуқий усуллар қўлланилади:

1. **Кузатиш** - атроф табиий муҳитда бўладиган ўзгаришларни ўрганиш ва маълумотларни тўплаш;
2. **Умумлаштириш** - атроф табиий муҳит ҳолатига зарарли ва хавфли таъсирларни аниқлаш, таҳлил қилиш асосида маълумотларни таснифлаш.
3. **Баҳолаш** - антропоген фаолият ишларининг зарарли, хавфли ва ноқонунийлигини аниқлаш.
4. **Рухсатнома бериш** - юридик ва жисмоний шахсларга ер, сув, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси, ер ости бойликлари ва атмосфера ҳавосидан фойдаланиш учун лицензия бериш;
5. **Огоҳлантириш, чеклаш ва тўхтатиш** - экологик хавфли ва зарарли хўжалик ва бошқа фаолиятни чеклаш, вақтинча тўхтатиб қўйиш ва бекор қилиш;
6. **Жавобгарликка тортиш** - экологик қоида-талабларни бузган, юридик ва жисмоний шахсларга нисбатан маъмурий-ҳуқуқий жавобгарлик чораларини қўллаш.

Экология назорати экологик-ҳуқуқий механизмнинг муҳим таркибий қисми сифатида атроф табиий муҳит барқарорлигини таъминлашга хизмат қилади.

7-§. Экология назоратининг тизими.

Ўзбекистон Республикаси “Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида” ги қонуннинг 29-моддасига асосан экология назорати тизими қўйидаги таркибий қисмлардан иборат:

- 1) Атроф табиий муҳит ҳолатини кузатиб бориш давлат хизмати;
- 2) Давлат экология назорати;
- 3) Идоравий экология назорати;
- 4) Ишлаб чиқариш экология назорати;
- 5) Жамоатчилик экология назорати.

Давлат экология назорати – атроф табиий муҳитни муҳофаза қилиш, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш ва аҳолининг экологик хавфсизлигини таъминлаш қоида-талабларини барча вазирлик, давлат қўмиталари, идоралар, юридик шахслар, мансабдор шахслар ва жисмоний шахслар томонидан бажарилиши юзасидан махсус ваколатли органларнинг текшириш ва чораларни кўриш билан боғлиқ фаолиятини ўз ичига олади.

Ўзбекистон Республикаси “Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида” ги қонуннинг 31-моддасида:

“Табиатни муҳофаза қилиш соҳасида” ги давлат назорати, давлат ҳокимияти ва бошқарув идоралари, махсус ваколатли давлат табиатни муҳофаза қилиш идоралари томонидан амалга оширилади.

қўйидагилар:

- - Ўзбекистон Республикасининг табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси;

²⁰ ЎзРнинг «Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисидаги қонун». Т. Адолат 1998 й. 7-сон.

- - Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги;
- - Ўзбекистон Республикасининг ер ресурслари давлат қўмитаси;
- - Ўзбекистон Республикасининг Ички ишлар вазирлиги;
- - Ўзбекистон Республикасининг саноат ва қончилик назорати агентлиги махсус ваколатли давлат органлари ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси табиатни муҳофаза қилиш, табиий ресурслардан фойдаланиш ва уларни қайта тиклаш соҳасида давлат назоратини ҳамда тармоқлараро бошқарувни амалга оширувчи, идоралардан устун турувчи ва мувофиқлаштирувчи махсус ваколатли орган бўлиб, ўз фаолиятини амалга ошириш жараёнида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига бўйсунди ва ҳисобот беради.

Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси ўз ваколатлари доирасида қабул қиладиган қарорлари меъёрий аҳамиятга эга бўлиб барча вазирлик, давлат қўмиталари ва идоралари, юридик шахслар, мансабдор шахс ва фуқаролар ижро этишлари шарт.

Демак, Экология назорати мураккаб тизимдан иборат бўлиб, экологик қонунчилик ҳужжатларининг бажарилиши экологик хавфсизликни таъминлашга хизмат қилади.

8-§. Экологик экспертизасининг тушунчаси, мақсади, тамойиллари ва усуллари

Экологик экспертиза – экологик ҳуқуқий механизмнинг таркибий қисми сифатида атроф табиий муҳитнинг барқарорлигини сақлаш, табиий бойликлардан унумли ва самарали фойдаланиш ва аҳолининг экологик хавфсизлигини таъминлашда муҳим аҳамиятга эгадир.

Амалдаги қонунчилик ҳужжатларига асосан экологик экспертиза деганда режалаштирилаётган ёки амалга оширилаётган хўжалик ва бошқа хил фаолиятнинг экологик талабларга мувофиқлигини белгилаш ҳамда экологик экспертиза объектини рўёбга чиқариш мумкинлигини аниқлаш тушунилади.

Экологик экспертизанинг ҳуқуқий ҳолати конституциявий қоидаларда, Ўзбекистон Республикаси “Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида”, “Экологик экспертиза тўғрисида” ги қонунларда, Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг экологик экспертизани ўтказиш тартиби тўғрисидаги меъёрий ҳужжатларида белгиланган.²¹

Ўзбекистон Республикаси “Экологик экспертиза тўғрисида” ги қонуннинг 3-моддасига асосан экологик экспертиза қуйидаги мақсадларда ўтказилади:

- - мўлжалланаётган хўжалик ва бошқа хил фаолиятни амалга ошириш тўғрисида қарор қабул қилинишидан олдинги босқичларда бундай фаолиятнинг экологик талабларга мувофиқлигини аниқлаш;
- - режалаштирилаётган ёки амалга оширилаётган хўжалик ва бошқа хил фаолият атроф табиий муҳит ҳолатига ва фуқаролар соғлиғига салбий таъсир кўрсатиши мумкин бўлса, бундай фаолиятнинг экологик хавфлилик даражасини аниқлаш;
- - атроф табиий муҳитни муҳофаза қилиш ва табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш бўйича назарда тутилаётган тадбирларнинг етарлилиги ва асослигини аниқлаш.²²

²¹ Хайитбоев Э.Р. Экология ҳуқуқи. Ўқув қўлланма. Т. ЎЗМУ 2001 й. 28 бет.

²² «Экологик экспертиза тўғрисидаги» ЎЗР қонуни «Халқ сўзи» газетаси 2000 й. 7 июн сони.

Экологик экспертизанинг энг асосий вазифаси атроф табиий муҳит ва аҳолининг ҳаёти ва соғлиғига хавfli ва зарарли ишлаб чиқариш ва хўжалик объектларининг таъсирларини олдини олиш, бартараф этиш билан боғлиқ превентив чор-тадбирларни амалга оширишдан иборатдир.

Экологик экспертизаси муҳим ва мураккаб фаолият тури сифатида қуйидаги умумий ва ўзига хос тамойиллар асосида амалга оширилади:

- - қонунийлик;
- - экологик экспертизанинг мустақиллиги;
- - ошкоралиги;
- - илмий-техникавий асослилиги;
- - экологик хавфсизлик талабларини ҳисобга олишнинг мажбурийлиги;
- - ҳар қандай режалаштирилаётган хўжалик ва бошқа хил фаолиятнинг эҳтимол тутилган экологик хавфлилиқ презумпцияси;
- - хўжалик ва бошқа хил фаолиятнинг атроф табиий муҳитга ва аҳолининг соғлиғига таъсирини баҳолашнинг кенг қўламли ва кенг қамровлилиги
- - экологик экспертизани ўтказишда жамоатчиликнинг қатнашиши ва бошқалар.

Экспертиза натижалари тўғри, одилona бўлиши учун биологик, кимёвий, физикавий, технологик, демографик, агро-экологик, иқтисодий ва бошқа жабҳалардаги билимларни жамлаган ҳолда кенг қамровли ижодий меҳнат маҳсули бўлиши ва текширилаётган объектга нисбатан реал, объектив баҳо берилиши керак.

Экологик экспертиза жараёнида турли шаклдаги қуйидаги усуллардан фойдаланган ҳолда кўзда тутилган мақсадга эришилади:

- - маълумотлар тўплаш – экспертизадан ўтаётган муайян объектга тегишли бўлган барча ахборот, маълумотларни йиғиш ва тўплаш;
- - умумлаштириш – объект ҳақидаги тўпланган иқтисодий, технологик, экологик, гидрологик кимёвий ва бошқа маълумотларни ўз йўналишлари бўйича маълум тизимга келтириш;
- - таҳлил қилиш – умумлашган маълумотлар банкани ўз йўналиши ва хусусиятлари бўйича алоҳида ўрганиш, таснифлаш;
- - Баҳолаш – экспертиза ўтказилаётган объект йўналишлари, бўлимлари, ташкил этувчи қисмлари бўйича хавfli ва зарарлик даражасини аниқлаш;
- - Хулоса бериш – экспертиза ўтказилаётган объектнинг экологик жиҳатдан зарарли ёки зарарсиз, хавfli ёки хавфсиз, экологик қоида-талабларга мос келади ёки ушбу қоидаларга зид эканлиги ҳақида яқуний, адолатли, объектив хулосага келиш.

Экологик экспертиза тизими.

Экологик экспертиза кенг қамровли ва муҳим аҳамиятга эга бўлган жараен бўлиб, уни амалга ошириш йўналишлари, тартиби, қўлланилаётган усуллари, берилаётган хулосанинг моҳиятига асосан мураккаб тизимни ташкил этади.

Табиат-жамият тизимида экологик экспертизанинг бир неча турлари яъни ижтимоий-иқтисодий экспертиза, сиёсий-ҳуқуқий экспертиза, илмий-техникавий экспертиза, санитария-экология экспертиза, жамоатчилик экология экспертизалари қўлланилиши мумкин.

Амалдаги қонунчилик ҳужжатларида экологик экспертизанинг ихчам тизими эътироф этилади.

Ўзбекистон Республикаси “Экологик экспертиза тўғрисида” ги қонуннинг 4-моддасида экологик экспертиза қуйидаги тизими белигланган: “Экологик экспертиза давлат ва жамоат экологик экспертизаси, шунингдек, экологик аудит тарзида амалга оширилади”.

Шуни алоҳида таъкидлаб ўтиш керакки, экологик экспертиза тизимининг пойдеворини давлат экология экспертизаси ташкил этади.

Давлат экологик экспертизаси Ўзбекистон Республикаси табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси олиб боради.

Экология экспертиза тизимида экологик аудит ҳам муҳим аҳамиятга эга ҳисобланади.

Экологик аудит – экологик аудиторлар томонидан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ва шартларда ўтказиладиган, атроф табиий муҳит ҳолатига салбий таъсир кўрсатаётган, ишлаб турган корхоналар ва бошқа объектларни мустақил экологик экспертиза қилишдир.

Экологик аудит давлат экологик экспертизасидан фарқил равишда ҳўжалик ва ишлаб чиқариш объекти мулкдорининг қарорига биноан ўтказилади.

Экологик экспертиза – муҳим ва мураккаб жараён бўлиб, атроф табиий муҳитни барқарорлигини сақлаш, табиатдан самарали фойдаланиш ва аҳолининг экологик хавфсизлигини таъминлашга қаратилган ташкилий–ҳуқуқий чоратadbирлардан иборатдир

9-§. Экологик қонун ҳужжатларни бузганлик учун жавобгарликни тушуначаси, моҳияти ва турлари.

Экологияга доир қонунчиликни бузганлик учун юридик жавобгарлик ўзининг асосий мақсади ва тамойиллари билан бошқа қонунчиликни бузганлик учун жавобгарликдан фарқ қилмайди, аммо маълум бир ўзига хос хусусиятларга ҳам эга. Ушбу хусусиятлар ўсимлик ва ҳайвонот дунёсига етказилган зарарни ундириш ва экологик қонун ҳужжатларини бузганлик учун махсус жазо чоралари, яъни табиий ресурслардан фойдаланиш ҳуқуқини чеклаш, тўхтатиб туриш ва ундан маҳрум қилиш чораларини қўллашдан иборатдир.

Экологик қонунчиликни бузганлик учун жавобгарлик қуйидаги мақсадларга эга: табиий объектлардан фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилиш қоидаларини бузган шахсларга нисбатан жазо чораларини қўллаш; атроф табиий муҳитга ва инсон саломатлигига етказилган зарарни қоплаш; янги экологик ҳуқуқбузарликни содир этишни огоҳлантириш.

Экологик ҳуқуқбузарликлар объекти табиий ресурслар, атроф табиий муҳит, табиий ресурслардан фойдаланиш ва уларни муҳофаза этиш бўйича белгиланган тартиби ҳисобланади. Экологик ҳуқуқбузарликларнинг субъекти эса уни содир этувчи юридик ва жисмоний шахслар ҳисобланадилар.

Экологик ҳуқуқбузарликнинг объектив томони хатти ҳаракатнинг ноқонунийлиги, экологик зарарни етказиш ёки етказиш хавфи туғилиши ҳамда экологик муносабатларнинг бошқа субъектларини ҳуқуқ ва манфаатлари бузилиши, ушбу хатти ҳаракат билан вужудга келган ёки вужудга келиши мумкин бўлган оқибат ўртасидаги сабабий боғланиш билан ифодаланади.

Экологик ҳуқуқбузарликнинг субъектив томони деганда ҳуқуқбузарнинг айби тушунилиши лозим. Ҳуқуқбузарнинг айби қасддан ёки эҳтиётсизлик шаклида вужудга келиши мумкин. Экологик ҳуқуқбузарлик қасддан содир этилаётганида ҳуқуқбузар тақиқланган қоидани ёки бажариши лозим бўлган мажбуриятни атайин бузади ёхуд бажармайди ва бунда у ўз хатти ҳаракатлари натижасида зарарли оқибатларни келиб чиқишини билади ҳамда онгли равишда унга йўл қўяди. Масалан, ерларни ўзбошимчалик билан эгаллаб олиш, рухсатсиз ов қилиш ёки дарахтларни кесиш ва бошқалар.

Экологик ҳуқуқбузарлик ўзининг хавфлилик даражасига қараб жиноий, маъмурий, фуқаролик (мулкӣ) ҳуқуқбузарлик ҳамда интизомий хатти ҳаракат тарзида бўлиши мумкин. Экологик ҳуқуқбузарликлар учун тегишлича интизомий, моддий, маъмурий, жиноий, фуқаролик ҳуқуқий (мулкӣ) жавобгарлик қўлланилади.

10-§. Экологик ҳуқуқбузарликлар учун маъмурий жавобгарлик.

Экологик ҳуқуқбузарликлар учун маъмурий жавобгарлик энг кўп қўлланиладиган жавобгарлик туридир. Маъмурий жавобгарликка тортишга маъмурий ҳуқуқбузарлик асос бўлади. қонун ҳужжатларида маъмурий жавобгарликка тортиш назарда тутилган табиий муҳитга тажовуз қилувчи ғайри ҳуқуқий, айбли (қасддан ёки эҳтиётсизлик оқибатида) содир этилган ҳаракат ёки ҳаракатсизлик маъмурий ҳуқуқбузарлик дейилади.

Экологик ҳуқуқбузарликлар учун маъмурий жавобгарлик Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексда назарда тутилган. Маъмурий жавобгарлик чоралари ушбу ҳуқуқбузарлик учун жиноий жавобгарликка тортиш сабаблари бўлмаганида, қўлланилади.²³

Экологик ҳуқуқбузарликлар учун қуйидаги маъмурий жазо чоралари қўлланилади:

- жарима. Уни қўллашнинг асосий тамойиллари Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 25-моддасида белгиланган. Жаримани қўллаш оқибатида маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этишда айбдор шахсдан давлат ҳисобига пул ундирилади. Экологик ҳуқуқбузарликлар учун белгиланган жариманинг миқдори Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 60, 65-96, 125, 139, 162, 174, 198, 212, 214-моддаларида белгиланган;

- маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этиш қуроли ҳисобланган ёки бевосита шундай нарса бўлган ашёни мусодара қилиш жазоси туман (шаҳар) судининг маъмурий ишлар бўйича судьяси томонидан қўлланилади (Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 27-моддаси). Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 90-моддаси иккинчи қисмига мувофиқ ов қилиш қоидалари қўпол равишда бузилган тақдирда ов қилиш қуроллари, ушбу Кодекснинг 94-моддасига мувофиқ эса ноёб ёки йўқ бўлиб кетиш хавфида турган хайвонларни йўқ қилиб юбориш ёхуд ушбу моддада кўзда тутилган бошқа ҳуқуқбузарликларни содир этган тақдирда шу ҳуқуқбузарликларни содир этиш қуроли бўлган ашёларни мусодара қилиш мумкин. Маъмурий ҳуқуқбузарлик оқибатида табиий объектлар ўзлаштириб олинса (ер эгалланиб олинса, дарахт кесилса, хайвонлар ов қилиб ўлдирилса), улар давлатга қайтариб берилади ва бу мусодара ҳисобланмайди. Фақат ҳуқуқбузарнинг мулки бўлган ҳуқуқбузарликни содир этиш қуроли ёки ашёси мусодара қилиниши мумкин;

- махсус ҳуқуқдан маҳрум этиш. Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексини 28 моддаси ва 90-моддаси иккинчи қисмига мувофиқ, ов қилиш қоидаларини қўпол равишда бузган ҳолларда ов қилиш ҳуқуқидан ўн беш кундан уч йил муддатгача маҳрум этилиши мумкин;

- маъмурий қамоққа олиш уч суткадан ўн беш суткагача муддатга қўлланилади. Маъмурий қамоққа олиш чорасини хомиладор аёлларга, уч ёшгача боласи бўлган аёлларга, ўн тўрт ёшгача бўлган боласини яқка ўзи тарбиялаётган шахсларга, ўн саккиз ёшга тўлмаган шахсларга, I ва II-гурӯх ногиронларига нисбатан қўлланилиши

²³ ЎзР МЖКга шартлар. Т. Адолат 2000 й.

мумкин эмас (Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 29-моддаси). Экологик ҳуқуқбузарлик учун маъмурий камокқа олиш Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексини 60-моддасида назарда тутилган.

11-§. Экологик жиноятлар учун жавобгарлик.

Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексини 2-моддасига мувофиқ, мазкур Кодекснинг мақсадларидан бири бўлиб табиий муҳитни жиноий тажовузлардан кўриқлаш ҳисобланади. Ушбу Кодекснинг 193-204, ва 229¹-моддаларида экологик жиноятлар учун жиноий жавобгарликлар белгиланган.

Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексини 193-196-моддаларида атроф муҳитни муҳофаза қилиш талабларини бузганлик учун жавобгарлик белгиланган. Ушбу жиноятлар таркиблари умумий экологик талабларни бузиш оқибатида вужудга келади. Ушбу жиноятлар барча табиий ресурсларни муҳофаза қилиш билан боғлиқдир. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексини экологик жиноятлар билан боғлиқ бўлган мазкур моддалари табиий ресурсларнинг ҳуқуқий ҳолатини бузганлик учун жиноий жавобгарликни белгилайди.²⁴

Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексида белгиланган экологик жиноятлар таркиби экологик ҳуқуқбузарлик натижасида оғир оқибатларнинг вужудга келиши билан боғлиқдир. Буларга инсоннинг ўлими, одамларнинг оммавий равишда касалланиши, ҳайвонларнинг қирилиб кетиши, кўп ёки анча миқдорда зарар етказилиши ва бошқа оғир оқибатлар киради. Мазкур моддаларда кўрсатилган бошқача оғир оқибатлар ҳар бир алоҳида ҳолда экологик ҳуқуқбузарликнинг оғирлигини инobatга олган ҳолда ҳуқуқни қўлловчи органлар томонидан белгиланиши лозим.

Экологик жиноятлар учун Кодекс энг кам иш ҳақининг юз бараваригача жарима, уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари, уч йилгача муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш, олти ойгача камок, беш йилгача озодликдан маҳрум этиш, мол-мулкани мусодар этиш каби жазо чораларини назарда тутати.

Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексини 17-моддасига мувофиқ экологик жиноятлар учун 16 ёшга тўлган, ушбу Кодекснинг 193-196-моддаларида кўрсатилган жиноятлар учун эса 18 ёшга тўлган жисмоний шахслар жиноий жавобгарликка тортиладилар.²⁵

Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексини 193-моддасида экология хавфсизлигига оид норма ва талабларни бузганлик учун жавобгарлик кўзда тутилган. Ушбу жиноят саноат, энергетика, транспорт, кишлоқ хўжалиги ва бошқа объектларни лойиҳалаштириш, жойлаштириш, қуриш ва ишга тушириб фойдаланишда белгиланган экологик нормаларни бузишдан иборат. Экологик хавфсизлик қоидалари Ўзбекистон Республикасининг “Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида”ги қонунини 41-моддасида, табиий ресурслар тўғрисидаги қонунларнинг тегишли моддаларида ҳамда қонун ости актларида ўз аксини топган. Ушбу нормаларнинг моҳияти шундан иборатки, объектларни қуриш, лойиҳалаштириш, жойлаштириш, ишга тушириш фақат табиатни муҳофаза қилиш чора-тадбирлари кўзда тутилган ҳолдагина амалга оширилиши мумкин. Ҳар бир турдаги объектлар учун аниқ экологик хавфсизлик талаби қурилиш меъёрлари ва қоидаларида, алоҳида объект учун эса, унинг қуриш лойиҳаларида ўз аксини топади. Жиноят кодексининг 193-моддасида кўзда тутилган

²⁴ ЎзР ЖКга шарҳлар. Т. Адолат 1997 й.

²⁵ ЎзРнинг ЖК. Т.Адолат 2001 й.

жиноятнинг объектига бўлиб экологик хавфсизликни таъминлашга қаратилган қоидалар киради. Мазкур жиноятнинг субъекти бўлиб фақат мансабдор шахслар ҳисобланади. Уларнинг қаторига лойиҳани тасдиқловчи, маълум бир ишларга рухсат берувчи, юқорида кўрсатилган объектларни қабул қилиб олувчи ёки экологик хавфсизлик талабларининг бажарилишини ташкил этувчи ёхуд назорат қилувчи мансабдор шахслар кирадилар. Жиноятнинг субъектив томони бўлиб эҳтиётсизлик айби ҳисобланади. Жиноят объектив томони мазкур мансабдор шахсларнинг айбли ҳаракати (ишга тушириш бўйича рухсат бериш, лойиҳа талабларини бузиб, уни амалга ошириш ва ҳоказо) ёки ҳаракатсизлиги (тозалаш ускуналарини таъмирламаслик, улардан фойдаланмаслик ва ҳоказо) кабиларда ифодаланади.

Атроф табиий муҳитни ифлосланганлиги тўғрисидаги маълумотларни қасддан яшириш ёки бузиб кўрсатиш учун жиноий жавобгарлик Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексининг 194-моддасида белгиланган. “Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида”ги қонуннинг 28-моддасига мувофиқ шундай маълумотларни тақдим этиш атроф табиий муҳитнинг ҳолати, табиий ресурслардан фойдаланиш устидан кузатув, махсус ваколат берилган органлар, шунингдек, фаолияти атроф табиий муҳитнинг ҳолатини ёмонлаштирадиган ёки ёмонлаштириши мумкин бўлган корхоналар, ташкилотлар ва муассасалар томонидан амалга оширилади. Ушбу кузатув маълумотларини, Вазирлар Маҳкамаси белгиланган тартибда, Табиатни муҳофаза қилиш давлат кўмитасига ва бошқа органларга берилиши шарт. Бундан ташқари, “Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида”ги қонуннинг 38-моддасига мувофиқ корхона, муассаса ва ташкилотлар фалокат ҳақида ва уни бартараф этиш юзасидан кўрилатган чора-тадбирлар тўғрисида маҳаллий давлат ҳокимияти ва табиатни муҳофаза қилиш органларига дарҳол хабар беришлари шарт. “Атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш тўғрисида”ги қонуннинг 24-моддасида корхоналар, муассасалар ва ташкилотларнинг атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш соҳасидаги мажбуриятлари қаторида чиқариладиган чиқиндилар ҳамда физикавий омилиларнинг ҳисобини юритиш ва белгиланган тартибда статистика ҳисоботини тақдим этиш ҳамда корхоналар ва транспорт коммуникацияларини таъсир доирасида атроф муҳитга ҳамда аҳолининг саломатлигига зарарли таъсир кўрсатилишини баҳолаш кўзда тутилган.²⁶ Мазкур жиноят махсус ваколатга эга бўлган мансабдор шахс, яъни атроф табиий муҳитнинг ифлосланганлиги тўғрисида маълумотларни йиғадиган ёки йиғиш устидан назорат олиб борадиган ҳамда тегишли органларга тақдим этиш бўйича маъсул шахс томонидан содир этилади. Ушбу моддада мазкур маълумотлар турлари аниқ қилиб берилган. Булар қаторига экологик ҳалокатлар ёки атроф муҳитни радиацион, кимёвий ва бактериологик ифлосланиши ёхуд аҳоли саломатлигининг ҳолатига доир маълумотлар киради. Мазкур жиноятнинг таркиби фақат атроф табиий муҳитнинг ифлосланганлиги тўғрисидаги маълумотларни яшириш ёки бузиб кўрсатиш оқибатида аҳолининг оммавий касалланиши, ҳайвонларнинг қирилиб кетиши ёки бошқа оғир оқибатларни келиб чиқишига сабаб бўлган тақдирда вужудга келади. Мазкур жиноят фақат қасддан содир этилиши мумкин. Объектив томондан ҳаракат ёки ҳаракатсизлик орқали содир этилади.

Юқорида кўрсатилиб ўтилганидек, экология соҳасидаги ҳар қандай ҳуқуқ бузарлик ва жиноятларга қарши норматив ҳужжатларда республикамиздаги табиатдан фойдаланиш ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш қоидаларини бузувчиларга қарши қатъий чоралар кўрилиши мумкинлигидан далолат беради.

9-мавзу. Жиноят ҳуқуқи асослари

²⁶ «Атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш тўғрисида» г ЎЗР қонуни. 1997 й. 15 сон.

1-§. Жиноят ҳуқуқи тушунчаси, предмети, усули, вазифалари ва принциплари.

Жиноят ҳуқуқи мамлакатимиз ҳуқуқ тизимининг бир тармоғи бўлиб, у—қонун билан қўриқланадиган муносабатларга тажовуз қилувчи қилмишларнинг ижтимоий хавфли ва жиноят эканлигини аниқловчи, уни содир этганлик учун жазо тури ва миқдорини белгиловчи, жазо чоралари тайинлаш шартлари, жиноий жавобгарликдан ва жазодан озод қилишни белгиловчи ҳуқуқий нормалар мажмуидан иборат.

Жиноят ҳуқуқининг предмети жиноят содир этилганида (шунингдек, жиноят содир этишга тайёргарлик қўрилганида ва жиноят содир этишга суиқасд қилинганида ҳам) вужудга келадиган ижтимоий муносабатлар ҳисобланади. Бошқача қилиб айтганда, маълум бир жиноят содир этилганлиги ҳолати, уни содир этган шахсни тавсифловчи хусусиятлари, содир этилган қилмишни жиноят кодексининг қайси моддаси билан жавобгарликка тортиш ва жазо тайинлаш масаласини ҳал қилувчи муносабатлар жиноят ҳуқуқининг предмети ташкил этади. Бундай ижтимоий муносабатларнинг субъектлари, бир томондан, жиноят содир қилган шахс бўлса, иккинчи томондан, одил судловни амалга оширувчи органлар орқали давлатдир²⁷.

Жиноят ижтимоий хавфлилиги энг юқори ҳуқуқбузарлик бўлганлиги учун ҳам уни содир этганлик учун юридик жавобгарликнинг оғир тури қўлланилади ва бу шахсларни жиноят содир қилишдан тийиб туришда муҳим ўрин тутди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов таъкидлаганларидек: «қонун устиворлигини таъминлаш, шахс, оила, жамият ва давлатнинг ҳуқуқ ва манфатлари муҳофазасини кучайтириш, аҳолини ҳуқуқий маданияти ва ҳуқуқий онгини ошириш фуқароларни қонунга бўйсунтириш ва ҳурмат руҳида тарбиялаш—бу ривожланган бозор иктисодиётига асосланган чинакам демократик, ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамияти қуришнинг нафақат мақсади, балки унинг воситаси, энг муҳим шарт ҳисобланади²⁸». Ушбу мақсадни амалга оширишда жиноят қонунчилиги ҳам муҳим ўрин тутди ва унинг вазифаларида ўз аксини топган.

Жиноят ҳуқуқининг вазифалари Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 2-моддасида белгиланган вазифалардан келиб чиқиб, шахсни, унинг ҳуқуқ ва эркинликларини, жамият ва давлат манфаатларини, мулкни, табиий муҳитни, тинчликни, инсоният хавфсизлигини жиноий тажовузлардан қўриқлаш, шунингдек жиноятларнинг олдини олиш, фуқароларни республика Конституцияси ва қонунларига риоя қилиш руҳида тарбиялашдан иборатдир²⁹.

Хар бир ҳуқуқ тармоқларининг принциплари бўлгани каби жиноят ҳуқуқининг ҳам жиноят ҳуқуқи нормаларида мустақамлаб қўйилган, унинг умумий мазмунини белгиловчи принциплари мавжуд бўлиб, ушбу принциплар Жиноят кодексининг 3-10 моддаларида ўз аксини топган. Жиноят ҳуқуқи принциплари: қонунийлик; фуқароларнинг қонун ва суд олдида тенглиги; демократизм; инсонпарварлик; одиллик; айб учун жавобгарлик; жавобгарликнинг муқаррарлиги.

қонунийлик принципи. қонунийлик деганда, содир этилган қилмишни жиноят эканлигини аниқлайдиган, у учун жавобгарлик ва жазо белгилайдиган, қандай қилмишлар жиноят ҳисобланишини белгилайдиган нормалар фақат жиноят кодекси нормалари эканлиги, бошқа бирор бир қонунлар ёки меъёрий ҳужжатлар қилмиш

²⁷ Жиноят ҳуқуқи. Умумий қисм. Дарслик. Т. Адолат. 1998 йил. 7-бет.

²⁸ Каримов И.А. Адолат қонун устиворлигида. Халқ сўзи 2001 йил 30 август.

²⁹ Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси. Т. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, 2004 йил

учун жиноий жазо тайинлай олмаслиги тушунилади. Фақат жиноят кодексига мувофиқ равишда суриштирув ва дастлабки тергов органлари шахсни жиноий жавобгарликка тортишга, суд эса шахсни жиноят содир этишда айбли деб топиш ва унга нисбатан жиноий жазо тайинлаши мумкин.

Фуқароларнинг қонун ва суд олдида тенглиги принципи Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг барча фуқароларнинг тенг ҳуқуқлигини кафолатлаган 18-моддаси мазмунидан келиб чиқади. Яъни, жиноят содир этган шахс, оддий фуқаро ёки мансабдор шахс эканлигидан қатъий назар жиноят содир этганида қонун олдида бир хилда жавобгар бўладилар.

Демократизм принципи жиноят содир қилган шахсларни жавобгарликка тортиш ва жазо тайинлаш, уларни ахлоқан тузатишда жамоатчилик, фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари, жамоат ташкилотларининг иштирокини кўзда тутди.

Инсонпарварлик принципи. Жиноят кодексида кўзда тутилган жазо ва бошқа ҳуқуқий таъсир чоралари жиноят содир қилган шахсларга жисмоний азоб бериш ёки унинг кадр-қимматини камситиш мақсадини кўзламайди ҳамда жиноят содир этган шахсга нисбатан у ахлоқан тузалиши ва янги жиноят содир этишининг олдини олиш учун зарур, етарли бўладиган жазо тайинланишини ёки бошқа ҳуқуқий таъсир чораси қўлланилишини ифодалайди. Шахсга нисбатан жазо қўллашдан кўзланган мақсадга Жиноят кодекси махсус қисми моддаларида кўзда тутилган енгилроқ чораларни қўллаш орқали эришиб бўлмагандагина оғирроқ жазо чоралари тайинланиши мумкин. Масалан, Жиноят кодексининг ўғрилиқ учун жавобгарлик белгиланган 169-моддаси биринчи қисмида жазо турлари сифатида энг кам ойлик иш ҳақининг эллик бараваригача миқдорда жарима, икки йилгача ахлоқ тузатиш ишлари, олти ойгача қамок ёки уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш кўрсатилган. Бу ерда ўғрилиқ содир қилган шахсни жарима тўлаттириш билан ахлоқан тузатиш мумкин эмас деб топилган тақдирдагина унга нисбатан қамок ёки озодликдан маҳрум қилиш каби оғирроқ жазо қўлланиши мумкин.

Одиллик принципи. Ушбу принцип жиноят содир этган шахсга нисбатан одил, адолатли ва асосли жазо чораси тайинланишини кўзда тутди. Жиноят содир этишда айби исботланган шахсга нисбатан қўлланиладиган жазо ёки бошқа ҳуқуқий таъсир чораси содир этилган жиноятнинг оғир-енгиллигига, айбнинг ва шахснинг ижтимоий хавфлилик даражасига мувофиқ бўлиши керак. Ушбу принцип жиноятга яраша жазо қўллашни таъминлашга хизмат қилади.

Айб учун жавобгарлик принципи шахснинг айби қонунда белгиланган тартибда исботлангандан кейингина жавобгар бўлишини кўзда тутиб, айбдорлиги қонунда белгиланмаган тартибда исботланмаган шахсларга нисбатан жазо чоралари тайинлашни истисно қилади.

Жавобгарликнинг муқаррарлиги принципи жиноят ҳуқуқида муҳим тарбиявий функцияни бажаради. Жиноят содир қилган ҳар бир шахс жавобгарликка тортилиши шахсларни жиноят содир қилишдан тийиб туради. Жиноий жавобгарликдан ва жазодан озод қилиш эса қонунда кўрсатилган ҳолларда ва тартибда амалга оширилади. Масалан, Жиноят кодексининг 68-моддасида белгиланган амнистия акти асосида жавобгарликдан озод қилиш.

2-§. Жиноят ва жиноятчилик тушунчаси.

Жиноят –содир этилиши жиноят кодексида жазо қўллаш таҳдиди билан таъқиқланган айбли ижтимоий хавфли қилмиш (ҳаракат ёки ҳаракатсизлик).

Жиноят тушунчасини аниқлаш учун ижтимоий хавфли қилмиш тушунчасини аниқлаб олиш зарур. Ижтимоий хавфли қилмиш деганда, Жиноят кодекси билан қўриқланадиган объектларга зарар келтирадиган ёки шундай зарар келтириш реал хавфини келтириб чиқарадиган қилмиш тушунилади. Жиноят кодекси билан қўриқланадиган объектлар деганда, шахс, унинг ҳуқуқлари, жамият ва давлат манфаатлари, мулк, табиий муҳит, тинчлик, инсоният хавфсизлиги тушунилади. Масалан, бирор бир шахсни уриб, унга тан жароҳати етказиш инсон соғлигига қарши жиноят ҳисобланади.

Ўз навбатида ижтимоий хавфли қилмишлар ҳаракат ёки ҳаракатсизлик билан содир этилади. Ҳаракат деганда шахснинг жиноий ниятга эришиши учун қиладиган ҳаракатлари тушунилади. Масалан, ўғрилик қилиш учун, турар жойга яширинча кириш, буюмларни, пул ёки бошқа нарсаларни олиш. Ҳаракатсизлик деганда эса, шахс бажариши зарур ва шарт бўлган вазифаларни бажармаслиги тушунилади. Масалан, врачнинг узрли сабабларсиз бемор шахсга ёрдам кўрсатмаслиги жиноят ҳисобланиб, Жиноят кодексининг 116-моддаси билан жавобгарликка тортилишига сабаб бўлади.

Жиноят қонунида жиноятнинг тўртта белгиси ажратилган:

- 1) ижтимоий хавфлилик;
- 2) ғайриқонунийлик;
- 3) айблилик;
- 4) жазога лойиқлилик.

Ижтимоий хавфлилик деганда, содир этилган қилмиш бошқа шахсларга, жамият ва давлат манфаатларига жиддий хавф туғдириши кўзда тутилади. Ижтимоий хавфлилик юқори бўлмаса, қилмиш учун жиноий жавобгарлик эмас, балки маъмурий жавобгарлик қўлланилади. Масалан, автомобил ҳайдовчиси йўлда белгилангандан кўра тезликни оширса маъмурий жазога тортилади, бордию ҳайдовчи йўлда қоидага риоя қилмасдан ҳаракат қилса ва бунинг натижасида бошқа шахсларга жароҳат етказилса ёки уларнинг ўлимига сабаб бўлса жиноий жавобгар бўлади.

ғайриқонунийлик деганда, бирор бир қилмиш жиноят ҳисобланиши учун у Жиноят кодексида жиноят сифатида белгилаб қўйилган бўлиши тушунилади. Агар қилмиш бирор бир шахсга нисбатан зарар келтирса ҳам, аммо Жиноят кодексида жиноят сифатида кўрсатилмаган бўлса, жиноий жавобгарлик келиб чиқмайди. Масалан, собиқ Совет Иттифоқи даврида амалда бўлган жиноят кодексида буюмларни олиб сотиш чайқовчилик жинояти ҳисобланар ва жиноий жавобгарликка сабаб бўлар эди. Ҳозирда олиб сотиш жиноят кодексида жиноят сифатида кўрсатилмаган.

Айблилик деганда, қилмишни содир этилишида уни содир этган шахснинг айби бўлиши тақозо этилади. Агар шахс айбсиз ҳолда ижтимоий муносабатларга зарар етказса ҳам Жиноят кодексининг 24-моддасига мувофиқ айбсиз ҳолда зарар етказган ҳисобланади ва жавобгарликка тортилмайди.

қилмишнинг жазога сазоворлиги деганда, Жиноят кодексида ушбу қилмиш учун жазо назарда тутилган бўлиши кераклиги тушунилади. Ана шу тўртта белги биргаликда мавжуд бўлганида қилмиш жиноят деб ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 15-моддасида ўз хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасига кўра жиноятлар тўрт тоифага бўлинган:

- ижтимоий хавфи катта бўлмаган жиноятлар;
- унча оғир бўлмаган жиноятлар;
- оғир жиноятлар;
- ўта оғир жиноятлар.

Жиноятларни бундай турларга бўлишда жиноятларнинг қасддан ёки эҳтиётсизликдан содир қилинганлиги ва жиноят учун тайинланадиган жазонинг муддатлари асос қилиб олинган.

Ижтимоий хавфи катта бўлмаган жиноятларга қасддан содир этилиб, уч йилдан кўп бўлмаган муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси кўзда тутилган жиноятлар ҳамда эҳтиётсизликдан содир этилиб, беш йилдан кўп бўлмаган муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси кўзда тутилган жиноятлар киради.

Унча оғир бўлмаган жиноятларга қасддан содир этилиб, уч йилдан кўп аммо беш йилдан кўп бўлмаган муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси кўзда тутилган жиноятлар ва эҳтиётсизликдан содир этилиб, беш йилдан кўп муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси кўзда тутилган жиноятлар киради.

Оғир жиноятларга қасддан содир этилиб, беш йилдан ортиқ лекин ўн йилдан кўп бўлмаган муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси кўзда тутилган жиноятлар киради.

Ўта оғир жиноятларга қасддан содир этилиб, ўн йилдан ортиқ муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси кўзда тутилган жиноятлар киради.

Жиноятчилик-кишилиқ жамиятида мавжуд бўладиган ўзининг қонуниятларига, сифат ва миқдор тавсифига эга бўлган, жамият ва кишилар учун салбий оқибатлар келтириб чиқарадиган ва унинг устидан давлат ва жамиятнинг махсус назорат чоралари ўрнатишни талаб қиладиган салбий ижтимоий, ҳукукий ҳодисадир³⁰.

Бошқача қилиб айтганда, жиноятчилик деганда маълум бир даврда, маълум бир ҳудудда содир этилган жиноятлар йиғиндиси тушунилади. Жиноятларни умумлаштириб, жиноятчиликни салбий ижтимоий ҳодиса сифатида ўрганиш, жиноятларни келтириб чиқарган сабабларни ўрганиш ва улар асосида жиноятчиликка қарши кураш чораларини ишлаб чиқишга ёрдам беради.

Жиноят қонуни. Жиноят ҳукуқининг ягона манбаи Ўзбекистон Республикасининг 1994 йил 22 сентябрда қабул қилинган ва 1995 йил 1 апрелда амалга киритилган Жиноят кодекси ҳисобланади.

Жиноят кодекси Ўзбекистон Республикасининг барча жиноят қонунлари мажмуидан иборат бўлиб, унда ички умумийлиги ва ўзаро алоқадорлиги билан ажралиб турадиган, жиноят ҳукуқининг принциплари ва умумий қоидаларини белгилаб берадиган ҳамда қайси ижтимоий хавфли қилмиш жиноят деб ҳисобланиши, ушбу жиноятларни содир этишда айбдор бўлган шахсларга қайси жазо тури ва бошқа жиноий –ҳукукий таъсир чораси қўлланилиши мумкинлиги белгилаб қўйилган.

Жиноят кодекси икки қисмга Умумий ва махсус қисмларга бўлинади. Умумий қисмда жиноят қонунчилигининг вазифалари, унинг амалда бўлиш доираси, принциплари, жавобгарлик ва жазонинг умумий асослари ифодаланган бўлиб, у:

- «умумий қоидалар»,
- «жавобгарлик асослари»,
- «қилмишнинг жиноийлигини истисно қиладиган ҳолатлар»,
- «жазо ва уни тайинлаш»,
- «жавобгарликдан ва жазодан озод қилиш»,
- «вояга етмаганлар жавобгарлигининг хусусиятлари»,
- «тиббий йўсиндаги мажбурлов чоралари» деб номланган етита бўлимдан ташкил топган.

Умумий қисм 1-97-моддаларни ўз ичига қамраб олади.

³⁰Криминология. Дарслик. М.Усмоналиев, Й.Каракетов. Т. Янги аср авлоди. 2001 йил. 36-бет

Махсус қисмда эса муайян жиноятлар ва улар учун жавобгарлик кўзда тутилган. Жиноят кодексининг Махсус қисми 8 бўлимдан иборат:

- Шахсга қарши жиноятлар (1-7 боб. 97-149 моддалар)
- Тинчлик ва хавфсизликка қарши жиноятлар (8-9 боб. 150-163 моддалар)
- Иқтисодиёт соҳасидаги жиноятлар (10-13 боб. 164-192 моддалар)
- Экология соҳасидаги жиноятлар (14 боб. 193-204 моддалар)
- Хокимият, бошқарув ва жамоат бирлашмалари органларининг фаолият тартибига қарши жиноятлар (15-16 боб. 205-241 моддалар)
- Жамоат хавфсизлиги ва жамоат тартибига қарши жиноятлар (17-20 боб. 242-278 моддалар)
- Харбий хизматни ўташ тартибига қарши жиноятлар (21-24 боб. 279-302 моддалар)
- Атамаларнинг ҳуқуқий маъноси.

Махсус қисм нормалари жиноятларнинг объектига қараб бўлимларга ажратилиб жойлаштирилган. Масалан, қасддан одам ўлдириш жинояти «Шахсга қарши жиноятлар» бўлимига жойлаштирилган бўлса, ўғрилиқ жинояти «Иқтисодиёт соҳасидаги жиноятлар» бўлимига жойлаштирилган.

Жиноят кодекси махсус қисми моддалари тузилишига кўра диспозиция ва санкция қисмларидан иборат. Диспозиция қисмида маълум бир жиноятлар ва ушбу жиноятларнинг таърифи берилади. Масалан, Жиноят кодексининг 179-моддаси Сохта тадбиркорлик деб номланиб, унинг диспозициясида «сохта тадбиркорлик, яъни уставида кўрсатилган фаолиятни амалга ошириш мақсадини кўзламасдан ссудалар, кредитлар олиш, фойдани (даромадни) солиқлардан озод қилиш (солиқларни камайтириш) ёки бошқача мулкий манфааат кўриш мақсадида корхоналар ва бошқа тадбиркорлик ташкилотлари тузиш» деб таъриф берилган.

Санкция эса содир этилган жиноят учун жазо чораларини белгилайди. Санкцияда кўрсатилган жазолар қанчалик оғир бўлса, ушбу жиноятнинг ижтимоий хавфлилиги шунчалик оғир ҳисобланади. Жиноят кодекси Махсус қисм моддалари санкциялари кўп ҳолларда бир жиноят учун бир неча турдаги жазоларни қўллашни кўзда тутди, бу содир этилган жиноятнинг ижтимоий хавфлилиги, келтирилган зарарнинг миқдори, жиноят содир қилган шахснинг хусусиятлари, жиноятни содир этиш шароитларига тўғри баҳо бериш ва адолатли жазо тайинлаш имконини яратади. Масалан, Жиноят кодексининг 232-моддасида кўрсатилган суд қарорини бажармаслик жинояти учун жазо чоралари сифатида-энг кам ойлик иш ҳақининг эллик бараваригача миқдорда жарима ёки беш йилгача муайян ҳуқудан маҳрум қилиш ёхуд уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёки уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш жазо чоралари белгиланган.

Жиноий жавобгарлик ва унинг асослари. Юридик жавобгарликнинг энг оғир тури бўлган жиноий жавобгарлик жиноят қонуни нормалари билан қўрикланадиган ижтимоий муносабатларга зарар етказган ёки зарар етказиш хавфи бўлган тажовузлар қилинганида вужудга келиб, жиноий жавобгарлик жиноят содир этишнинг ҳуқуқий оқибатидир. Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 16-моддасида жиноят учун жавобгарлик ва унинг асослари белгиланган бўлиб, унга кўра жиноят учун жавобгарлик-жиноят содир этишдаайбдор бўлган шахсга нисбатан суд томонидан ҳукм қилиш, жазо ёки бошқа ҳуқуқий таъсир чораси қўлланилишида ифодаланадиган жиноят содир этишнинг ҳуқуқий оқибатидир. Жиноий жавобгарликнинг асоси бўлиб содир этилган қилмишда жиноят таркибининг барча аломатлари мавжудлиги ҳисобланади.

Жиноий жавобгарлик бир қанча ҳуқуқий оқибатларни келтириб чиқаради.

-жиноятни содир этиш аввало шахсни жиноий жавобгарликка тортишни тақозо этиб, шахсни жиноят қонуни нормаларини тадбиқ этиш орқали жиноий жавобгарликни қўллаш ёки жавобгарликдан озод қилишни қўлланишига олиб келади;
-жиноий жавобгарлик жиноят қонуни нормаларини қўллаш оқибатидир;
-жиноий жавобгарлик жиноят содир этган шахсга нисбатан қўлланиладиган давлат мажбурият чорасидир;
-жиноий жавобгарлик фақат жиноят содир этган шахс билан давлат ўртасида вужудга келадиган жиноят ҳуқуқий муносабатдир.

Айбсизлик презумпцияси. Айбсизлик презумпцияси (лотинча **praesumptio**- эҳтимол)-шахснинг ҳуқуқларини ҳимоя қилишни таъминлайди ва асосланмаган айблов ҳамда ҳукмни истисно қилади.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 26-моддасида «Жиноят содир этганликда айбланаётган ҳар бир шахснинг иши судда қонуний тартибда, ошкора кўриб чиқилиб, унинг айби аниқланмагунча у айбдор ҳисобланмайди. Судда айбланаётган шахсга ўзини ҳимоя қилиш учун барча шароитлар таъминлаб берилади», дейилган.

Айбсизлик презумпцияси – воқеликка тўғри бўлган ҳуқуқий ҳолат бўлиб, унга асосан айбдор шахсни жиноят содир этишдаги айбини, қачонки суднинг айблов ҳукми чиқарилган бўлиб, айнан шу шахс айбдор деб ҳисобланса ва унинг айби жиноят иши бўйича йиғилган исбот-далиллар билан тасдиқланиб, процесс иштирокчиларида ушбу шахсни асосланган ва адолатли равишда жавобгарликка тортилганлиги ва жазоланганлиги тўғрисида ишонч ҳосил қилинганда тасдиқлаш мумкин бўлади.

Айбсизлик презумпцияси принциpidан қуйидаги талаблар келиб чиқади, яъни суриштирувчи, терговчи, прокурор ва суд: а) ўзининг зиммасига юклатилган ва шахсни айбини исботлаш билан боғлиқ мажбуриятни айбланувчининг айбланувчининг зиммасига юклатишга ҳақли эмаслар, бундан ташқари айбланувчи ўзининг айбсизлигини исботлашга мажбур эмас, лекин айбсизлигининг мавжудлиги тўғрисида хабар бериш ҳуқуқига эга; б) айбланувчининг айби тасдиқланмаса, демак унинг айбсизлиги тасдиқланган деб тан олиниши лозим; в) агар шубҳани бартараф этиш имкони бўлмаса айбланувчининг фойдасига талқин қилиниши керак.

Айбсизлик презумпцияси айбланувчининг айбини аниқ, шубҳасиз ва тўлиқ аниқланганлигини талаб қилади ва агар бу талаб бажарилмаган, айбланувчининг айби аниқ, шубҳасиз ва тўлиқ исбот-далиллар билан асосланмаган бўлса, бу шахсни айбдор сифатида суд ҳукми бўйича айбдор деб ҳисоблаш ушбу шахснинг ҳуқуқ ва манфаатларини адолатсизлик йўли билан чеклаш демакдир. Бундай ҳукм ҳуқуқий кучга эга бўлмаслиги аниқ.

Жиноятнинг таркибий элементлари (объекти, субъекти, объектив томони ва субъектив томони). Жиноят таркиби- жиноят қонуни билан белгиланган ҳамда муайян ижтимоий хавфли қилмишни жиноят сифатида ифодаладиган объектив ва субъектив белгилар йиғиндисидир. “Жиноят таркиби” тушунчасини жиноят ҳуқуқида жиноят таркибининг элементлари деб номланадиган тўрт гуруҳ аломатлар

йиғиндиси ташкил қилади. Булар жиноят объекти, жиноятнинг боъектив томони, жиноятнинг субъекти, жиноятнинг субъектив томонидир.

Жиноят объекти – жиноят қонуни билан кўриқланадиган ва жиноят содир этиш натижасида зарар етказиладиган ёки етказиш хавфи остига қўйиладиган ижтимоий муносабатлардир. Масалан, қасддан баданга шикаст етказиш жиноятларида жиноятнинг оюъекти шахснинг соғлиги ҳисобланади. Жиноят объекти билан биргаликда жиноят предмети ҳам мавжуд бўлиб, жиноят предмети деганда жиноят объектининг ижтимоий хавфли ҳаракат туфайли бевосита тажовузга учрайдиган элементи тушунилади. Масалан, ўғрилиқ жиноятида жиноятнинг объекти шахснинг мулки, шу мулкка бўлган ҳукуқи бўлса, предмети бевосита ўғриланган нраса, буюм, пул бўлиши мумкин.

Жиноят объекти уч турга бўлинади: умумий объект, махсус объект, бевосита объект. Умумий объект деганда жиноят қонуни билан кўриқланадиган барча ижтимоий муносабатлар, яъни шахс, унинг ҳаёти, ҳуқуқ ва эркинликлари, жамият ва давлат манфаатлари, мулк, табиий муҳит, тинчлик ва хавфсизлик. Махсус объект деганда бир-бирига ўхшаш маълум бир турдаги ижтимоий муносабатлар тушунилади. Масалан, Шахсга қарши жиноятларнинг объекти бўлиб, шахснинг ҳаёти, соғлиги, шаъни ва қадр қиммати ҳисобланади. Бевосита объект бевосита жиноят қандай ижтимоий муносабатга тажовуз қилганлигини кўрсатади. Масалан, туҳмат жиноятида бевосита объект шахснинг шаъни ва қадр қиммати ҳисобланади.

Жиноятнинг боъектив томони-жиноятнинг қандай содир қилинганлигини кўрсатади. Масалан, ўғрилиқ бировлар мулкини яширин равишда олиш бўлса, босқинчилик хужум қилиб, ҳаёт ёки соғлиқ учун хавли бўлган зўрлик ишлатиб эгаллаб олинади. Жиноят боъектив томондан ҳаракат ёки ҳаракасизлик билан содир қилиниши мумкин. Жиноятнинг боъектив томони ижтимоий хавфли қилмиш (ҳаракат ёки ҳаракатсизлик), жиноят содир этиш натижасида келиб чиққан ижтимоий хавфли оқибат, ижтимоий хавфли қилмиш билан жиноий оқибат ўртастдаги сабабий боғланишни ўз ичига олади. Шунингдек жиноят содир этилган жой, вақт, уни содир этиш усули, воситалари ва куруллар киради.

Жиноят субъекти деганда жиноятни содир қилган шахс тушунилади. Аммо, ҳаммавақт ҳам жиноятни содир этган шахс жиноят субъекти бўла олмайди. Шахс жиноят субъекти ҳисобланиши учун жиноят қонунида маълум бир шартлар белгиланган бўлиб, унга кўра фақат қонунда белгиланган ёшга етган ақли расо, яъни ўз ҳаракатлари учун жавоб бера оладиган ва уларни бошқара оладиган жисмоний шахс субъект бўлиши мумкин.

Жиноят кодекси 17-моддасига кўра 16 ёшга тўлган, ақли расо жисмоний шахс жиноят учун жавобгар бўлиши мумкин. 16 ёш умумий субъект ёши бўлиб, айрим ҳолларда субъект ёши содир этилган жиноятнинг ижтимоий хавфлилигига ва жиноятнинг хусусиятларига кўра турлича белгиланиши мумкин. Жиноят кодексининг 17-моддасида субъект ёши 16, 13, 14, 18 ёш қилиб белгиланган. Шахс 13 ёшдан бошлаб айбни оғирлаштирувчи ҳолатларда қасддан одам ўлдирганлик учун (97-модда иккинчи қисми), шунингдек 14 ёшдан бошлаб ЖК 17– моддасининг 3-қисмида назарда тутилган айрим жиноятлар учун (масалан, қасддан одам ўлдириш, босқинчилик, товламачилик, ўғрилиқ) жиноий жавобгарликка тортилиши белгиланган. 18 ёшдан жиноий жавобгарликка тортилиш эса одатда мансабдорлик жиноятлари, ҳарбий хизматни ўташ тартибига қарши жиноятлар учун қўлланилади. Жиноят субъект ёшининг бундай белгиланиши унинг содир қилган шахс хусусиятлари, содир қилинган жиноятнинг оғир ёки енгиллиги, шунингдек жиноятнинг ўзига хос белгилари билан ифодаланади. Масалан, 13 ёшга тўлган шахс айбни оғирлаштирадиган ҳолатларда қасддан одам ўлдирганлиги учун жиноий

жавобгар бўлса, ўғрилиқ қилганлиги учун жиноий жавобгар бўлмайди, чунки ўғрилиқ учун жиноят субъекти ёши 14 ёш қилиб белгиланган.

Жиноятнинг субъектив томони-шахснинг ўзи содир этган ижтимоий хавфли қилмиш ва жиноий оқибатга нисбатан рухий муносабатини, яъни жиноятни билиб, тушуниб ёки эҳтиётсизликдан содир қилганлигини ифодалайди. Жиноятнинг субъектив томонини аниқлаш айбдорнинг ўзи содир этган ижтимоий хавфли қилмишини, унинг оқибатларини қанчалик тушунганлигини ва уларнинг юз бериши учун қилган ҳаракатларини аниқлайди ва шу асосда жиноятнинг қасддан ёки эҳтиётсизликдан содир қилинганлиги аниқланади, бошқача айтганда, айб аниқланади. Айнинг шакли жиноят ҳукукида иккига бўлинади: қасд; эҳтиётсизлик. (Жиноят кодекси 21-22 моддалари)

Агар шахс ўзи содир этган қилмишининг ижтимоий хавфлилигини англаган, унинг қандай оқибатларга олиб келишини билган ва шундай қилмишни содир этишни хоҳлаб содир қилган бўлса қасддан қилинган жиноят ҳисобланади. Масалан, Жиноят кодексининг 267-моддасида кўрсатилган транспорт воситасини олиб қочиш жинояти. Бунда айбдор транспорт воситасини олиб қочиш жиноят эканлигини, уни қандай оқибатларга олиб келишини билади ва шундай оқибат келиб чиқишини истаган ҳолда ҳаракат қилади.

Агар шахс ўз-ўзига ишониш ёки бепарволик орқасида жиноят содир қилса эҳтиётсизликдан жиноят содир қилинган ҳисобланади. Яъни айбдор шахс ўз ҳаракатларига ортиқча баҳо беради, ўз ҳаракатлари қандай оқибатларга олиб келишига кўзи етсада, эҳтиёткорлик чораларига риоя қилмайди, бундай оқибатлар келиб чиқмайди деб ўйлайди, ўзига ортиқча ишонади ёки бепарволик қилади. Масалан, Жиноят кодексининг 266-моддасида кўрсатилган транспорт воситалари ҳаракати ёки улардан фойдаланиш хавфсизлиги қоидаларини бузиш жиноятида транспорт воситасини ҳайдовчи шахс белгиланган тезлик қоидаларига риоя қилмасдан тезликни ошириб кетиши натижасида пиёдаларни уриб юбориши. Бунда ҳайдовчи тезликни оширсада, пиёдаларни уриб юбормаслигига, ўз вақтида транспорт воситасини тўхтата олишига асоссиз ишонади.

Жиноятларни қасддан ёки эҳтиётсизликдан қилинганлигини аниқлаш, айбдорларга жазо тайинлашда муҳим аҳамиятга эга. қасддан қилинган жиноятлар учун оғирроқ жазо чоралари қўланилса, эҳтиётсизликдан қилинган жиноятлар учун енгилроқ жазо чоралари қўлланилади.

Жиноятнинг субъектив томонига унинг мотиви ва мақсади ҳам киради.

Тамом бўлмаган жиноятлар. Ҳаммавақт ҳам жиноятлар охирига етказилмайди, баъзан жиноятлар уни содир этмоқчи бўлган шахснинг хоҳиши билан охирига етказилмасдан тўхтатилиши ёки унга боғлиқ бўлмаган ҳолатларга кўра охиригача етказилмасдан қолиши мумкин. Шунингдек, баъзи бир жиноятлар унинг оқибатлари келиб чиқмасдан тамом бўлган жиноят деб ҳисобланиши мумкин. Ана шундай ҳолатларга тўғри баҳо бериш учун жиноят қонунида тамом бўлмаган жиноят тушунчаси белгиланган. Ўзбекистон Республикаси жиноят ҳукукида қасддан содир қилинган жиноятларнинг учта босқичи белинган:

- Жиноятга тайёргарлик кўриш;
- Жиноятга суиқасд қилиш;
- Тамом бўлган жиноятлар.

Шахснинг қасддан қилинадиган жиноятни содир этиш ёки яшириш учун шарт-шароит яратувчи қилмиши ўзига боғлиқ бўлмаган ҳолатларга кўра содир этилиши бошлангунга қадар тўхтатилган бўлса, бундай қилмиш жиноятга тайёргарлик кўриш деб топилади. Масалан, қасддан одам ўлдириш учун жиноят содир

этиш қуроллари ва воситаларини тайёрлаш, шериклар топиш. Бунда жиноят содир қилиш ҳали бошланмасдан фош қилинган бўлиши керак.

қасддан содир этиладиган жиноят бошланиб, шахсга боғлиқ бўлмаган ҳолатларга кўра охирига етказилмаган бўлса, жиноят содир этишга суиқасд деб топилади. Масалан, ўғри ўғрилиқ қилиш учун бировнинг уйига кирди, аммо уй эгаси борлигини кўриб, қочиб кетиши. Бу ерда ўғрилиқ уй эгаси бўлмаганида содир этилиши мумкин эди.

Жиноятга тайёргарлик кўриш ёки унга суиқасд қилиш тамом бўлган жиноят учун қонуннинг қайси моддасида жавобгарлик белгиланган бўлса, ўша моддаси бўйича жавобгарликка сабаб бўлади. Масалан, ўғрилиқ қилмоқчи бўлган шахс уй эгаси борлиги учун ўқрилиқни амалга ошира олмаган бўлсада, Жиноят кодексининг ўғрилиқ учун жавобгарлик белгиланган 169-моддаси билан жавобгар бўлади.

Жиноят кодекси махсус қисмида кўрсатилган жиноятларнинг таркиби барча элементлари юз берган вақт жиноят тамомланган вақт деб топилади. Бу ҳолат жиноят учун жавобгарликни белгиловчи моддага боғлиқ бўлади. қасддан баданга оғир шикаст етказганлик учун жавобгарлик белгиланган Жиноят кодексининг 104-моддасида баданга оғир шикаст етказилган вақт жиноят тамом бўлган вақт деб ҳисобланади.

Жиноятларни тамом бўлган ёки тамом бўлмаган жиноятларга бўлиш, жиноят содир қилишдан ихтиёрий қайтиш масаласини ҳам ўрганишни тақозо қилади. Агар шахс жиноятга тайёргарлик кўриш ҳаракатларини охирига етказиши мумкинлигини англаган ҳолда уни ўз ихтиёри билан тўхтатса ёки жиноий оқибат келиб чиқишини англаган ҳолда бундай оқибат келиб чиқишини олдини олса жиноят содир этишдан ихтиёрий қайтиш ҳисобланади ва жавобгарликка тортилмайди. Аммо, жиноят содир этишдан ихтиёрий қайтган шахс ҳаракатларида бошқа бир жиноят таркиби бўлса ўша жинояти учун жавобгар бўлади. Масалан, шахс қасддан одам ўлдириш учун ноқонуний равишда ўқотар қурол сотиб олди, аммо одам ўлдириш фикридан ўз ихтиёри билан қайтди. Бунда у қасддан одам ўлдириш жинояти учун жавобгар бўлмайди, аммо ноқонуний ўқотар қурол сотил олганлиги учун жавобгар бўлади.

Жиноятда иштирокчилик. Жиноят қонунчилигининг асосий вазифаси инсонни, унинг ҳуқуқ ва эркинликларини, жамият ва давлатнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини жиноий тажовузлардан ҳимоя қилиш, жиноятларнинг олдини олишдир. Ушбу вазифага эришиш йўлларида бири жиноятлар учун жазонинг муқарарлигини таъминлаш орқали содир қилинган жиноий қилмишларни ҳуқуқий баҳолаш ва одилона жазо тайинлашдир. Жиноятлар бир киши томонидан содир қилинганида унинг жавобгарлигини аниқлаш нисбатан унчалик қийинчилик туғдирмайди, шунингдек якка шахс томонидан содир қилинган жиноятларнинг ижтимоий хавфлилиги ҳам камроқ бўлади. Лекин, жиноятлар бир неча шахслар томонидан олдиндан келишган ҳолда содир этилса, унинг ижтимоий хавфлилиги ҳам, жиноятни содир этиш кўлами ҳам, келиб чиқадиган оқибатларнинг даражаси ҳам юқори бўлади.

Шу сабабли ҳам жиноят ҳуқуқи назариясида иштирокчиликда жиноят содир қилиш доимо диққат марказдаги масала бўлиб келган. Амалдаги Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 27-моддасида “икки ёки ундан ортиқ шахснинг қасддан жиноят содир этишда биргалашиб қатнашиши иштирокчилик деб топилади” деб кўрсатилган.

Мазкур норма мазмунидан келиб чиқадиган бўлсак, иштирокчилик фақат қасддан қилинадиган жиноятларда бўлади, эҳтиётсизликдан қилинадиган жиноятларда иштирокчилик таркиби мавжуд бўлмайди. қонун чиқарувчи иштирокчилик масаласини белгилашда объектив ва субъектив омиллардан келиб чиққан. Иштирокчиликнинг объектив белгисига икки ёки ундан ортиқ шахсларнинг

биргаликда жиноятни содир этиши кирса, субъектив белгига иштирокчиларнинг бир-бирлари билан келишганлиги, ўртада вазифаларнинг тақсимланганлиги киради.

Икки ёки ундан ортиқ шахсларнинг жиноятда биргалашиб ҳаракат қилиши ва жиноий оқибат уларнинг биргаликдаги ҳаракати натижаси бўлиши иштирокчиликнинг асосий объектив белгисидир. Бунда жиноятнинг иштирокчилари олдиндан келишиб олади ва қонун билан қўриқланадиган объектларга биргалашиб тажовуз қилинади. Жиноятни содир этишда барча иштирокчилар бажарувчи сифатида ҳаракат қилганларида ҳам уларнинг ҳаракатлари ўртасида ўзаро боғлиқлик мавжуд бўлади. Агар бир неча шахслар илгаридан ўзаро келишмаган ҳолда бир вақтда бир манбадан мулкни талон-тарож қилсалар иштирокчилик мавжуд бўлмайди ҳамда уларнинг қилмиши мустақил жиноятлар сифатида квалификация қилинади.

Ўзбекистон Республикаси ЖК нинг 28-моддасида жиноят иштирокчиларининг тўрт тури кўрсатилган: бажарувчи, ташкилотчи, далолатчи ва ёрдамчи. Ҳар бирининг жиноятда иштирок этиш даражаси ва хусусиятидан иборат объектив мезон уларни ажратиш учун асос қилиб олинган.

Жиноятни бевосита ёки қисман содир этган ёхуд жиноят кодексига мувофиқ жавобгарликка тортилиши мумкин бўлмаган шахслардан ёки бошқа воситалардан фойдаланиб жиноят содир этган шахс бажарувчи дейилади. Бажарувчилар икки турга бўлинади: 1) бевосита жиноятни содир этган, 2) жавобгарликка тортилиши мумкин бўлмаган шахслардан ёки воситалардан фойдаланиб жиноий ниятини амалга оширган шахс. Агар жиноятнинг объектив томонини бир неча кишилар бажарса, уларнинг барчаси бажарувчилар бўлади.

Жиноятга тайёргарлик қўрилишига ёки жиноят содир этилишига раҳбарлик қилган шахс ташкилотчи дейилади. Ташкилотчи иштирокчиликнинг энг хавфли кўриниши бўлиб, кўп ҳолларда у жиноятни содир этишда бевосита қатнашмаганлиги сабабли уни ушлаш, айбини исботлаш ва жавобгарликка тортиш қийин бўлади. Ташкилотчи жиноят режасини ишлаб чиқади, бошқа иштирокчиларни танлайди, улар орасида вазифаларни тақсимлайди.

Жиноят содир этилишига қизиқтирувчи шахс далолатчи дейилади.

Далолатчи жиноят содир этилишида бевосита қатнашмайди, балки жиноят иштирокчиларини бевосита жиноятга чорлайди, дадиллик беради ва шахсда жиноят содир этишга истак пайдо қилади. Далолатчиликнинг хавфлилиги шундаки, айнан унинг ҳаракатлари туфайли бошқа иштирокчилар жиноятни содир қилишади. Объектив томондан далолатчилик кўрқитиш, ишонтириш, мажбурлаш, алдаш, ваъда қилиш каби шаклларда бўлиши мумкин.

Далолатчилик оғзаки равишда, телефонда, хат орқали ёки бошқача тарзда амалга оширилиши мумкин. Далолат жиноят содир қилингунга қадар ёки жиноятни содир қилиш вақтида бўлиши мумкин. Жиноий жавобгарликка тортилиши мумкин бўлмаган шахсларни жиноят содир қилишга далолат қилиш ушбу шахслар томонидан содир қилинган жиноятнинг бажарувчиси деб топиш учун асос бўлади.

Ёрдамчилар деб жиноят қилишга ўз маслаҳатлари, кўрсатмалари билан, воситалар бериш ёки тўсиқларни йўқотиш билан ёрдам берган кишилар, шунингдек, жиноятчини, жиноят қуролини ва воситаларини, жиноят изларини, жиноий йўл билан топилган нарсаларни яширишга ва бундай нарсаларни олиш ва ўтказишга олдиндан ваъда берган шахс тушунилади.

Ўзбекистон Республикаси ЖК нинг 29-моддасида иштирокчиликнинг тўрт шакли ажратилган: 1) оддий иштирокчилик, 2) мураккаб иштирокчилик, 3) уюшган гуруҳ, 4) жиноий уюшма шаклида бўлади.

1) Икки ёки ундан ортиқ шахснинг олдиндан тил бириктирмай жиноят содир этишда қатнашиши оддий иштирокчилик деб топилади.

2) Икки ёки ундан ортиқ шахснинг олдиндан тил бириктириб жиноят содир этилишида иштирок қилиши мураккаб иштирокчилик деб топилади.

3) Икки ёки ундан ортиқ шахснинг биргаликда жиноий фаолият олиб бориш учун олдиндан бир гуруҳга бирлашиши уюшган гуруҳ деб топилади.

4) Икки ёки ундан ортиқ уюшган гуруҳнинг жиноий фаолият билан шуғулланиш учун олдиндан бирлашиши жиноий уюшма деб топилади.

қилмишнинг жиноийлигини истисно этадиган ҳолатлар. Жиноят қонунида ташқаридан қараганда жиноятга ўхшаш, аммо содир этилганлиги учун жавобгарликка тортиш мумкин бўлмаган қилмишлар ҳам белгиланган.

Улар қилмишнинг жиноийлигини истисно қиладиган ҳолатлар деб аталади:

- кам аҳамиятли қилмишлар;
- зарурий мудофаа;
- охирги зарурат;
- ижтимоий хавфли қилмиш содир этган шахсни ушлаш вақтида зарар етказиш;
- буйруқни ёки бошқа вазифани бажариш;
- касб ёки ҳўжалик фаолияти билан боғлиқ асосли таваккалчилик.

Жазо тушунчаси, мақсадлари ва турлари. Жазо жиноят содир этишда айбли деб топилган шахсга нисбатан давлат номидан суд ҳукми билан қўлланадиган ва маҳкумни қонунда назарда тутилган муайян ҳуқуқ ва эркинликлардан маҳрум қилиш ёки уларни чеклашдан иборат мажбурлов чорасидир.

Жазо маҳкумни ахлоқан тузатиш, унинг жиноий фаолиятни давом эттиришига тўсқинлик қилиш ҳамда маҳкум, шунингдек бошқа шахслар янги жиноят содир этишининг олдини олиш мақсадида қўлланилади.

Жиноий жазолар тизими судлар учун аниқ қилиб белгилаб қўйилган ва нисбий оғирлигини инобатга олган ҳолда муайян тартибда қўйиб чиқилган ҳамда жиноят содир этишда айбли деб топилган шахсга нисбатан тайинланиши мумкин бўлган жазо турларининг рўйхатидир.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексида жазонинг қуйидаги асосий турлари белгиланган:

- жарима;
- муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш;
- ахлоқ тузатиш ишлари;
- хизмат бўйича чеклаш;
- қамоқ;
- интизомий қисмга жўнатиш;
- озодликдан маҳрум қилиш;
- ўлим жазоси.

Маҳкумларга асосий жазолардан ташқари ҳарбий ёки махсус унвондан маҳрум қилиш тарзидаги қўшимча жазо ҳам қўлланилиши мумкин:

Хизмат бўйича чеклаш ёки интизомий қисмга жўнатиш тариқасидаги жазолар фақат ҳарбий хизматчиларга нисбатан қўлланилади.

Муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш фақат асосий жазо сифатидагина эмас, балки қўшимча жазо тариқасида ҳам қўлланилиши мумкин.

Суд жиноят содир этишда айбли деб топилган шахсга нисбатангина жазо тайинлаши мумкин.

Суд жазо тайинлашда содир этилган жиноятнинг ижтимоий хавфлилик хусусияти ва даражасини, қилмишнинг мотивларни, етказилган зарарнинг хусусияти ва миқдорини, айбдорнинг шахсини, жазони енгиллаштрирувчи ва оғирлаштрирувчи ҳолатларни инобатга олади.

Жазо Жиноят кодексининг Умумий қисмида кўрсатилган жиноятларнинг турлари ва уларни содир этган шахсларга нисбатан қўлланилиши лозим бўлган жазо чораси ҳақидаги моддаларнинг қоидалари асосида Махсус қисм тегишли моддалари санкциялари доирасида тайинланади.

Жиноий жавобгарликдан ва жиноий жазодан озод қилиш асослари. Жиноят қонунчилигининг асосий вазифаси, мақсади жиноят содир қилган шахсларни жазолаш эмас, балки жиноят содир қилган шахсларни ахлоқан тузатиш, жиноят содир этилишининг олдини олишдир. Шу сабабли ҳам жиноят қонунчилигида жиноят содир қилган шахс айбига иқроф бўлган, келтирилган зарарни бартараф қилган ҳолларда, шунингдек биринчи марта жиноят содир қилинган ҳолларда ва қонунда белгиланган бошқа ҳолларда жиноий жавобгарликдан ва жазодан озод қилишни кўзда тутди.

Ўзбекистон республикаси жиноят кодексининг ўн иккинчи бобида (64-68 моддалари) жавобгарликдан озод қилишнинг қуйидаги турлари кўрсатилган:

- жавобгарликка тортиш муддатининг ўтиб кетганлиги;
- қилмиш ёки шахс ижтимоий хавфлиликни йўқотганлиги;
- айбдор ўз қилмишига чин кўнгилдан пушаймонлиги;
- жабрланувчи билан айбдор ярашувга келишганлиги;
- жиноят содир қилган шахснинг касаллиги;
- амнистия акти асосида.

Ўзбекистон республикаси жиноят кодексининг ўн учинчи бобида (69-76 моддалари) жазодан озод қилишнинг қуйидаги турлари кўрсатилган:

- жазони ижро этиш муддати ўтиб кетганлиги;
- шахснинг ижтимоий хавфлилик хусусиятини йўқотганлиги;
- айбдорни чин кўнгилдан пушаймонлиги;
- шартли ҳукм қилиш;
- жазони ўташдан муддатидан илгари шартли озод қилиш;
- жазони енгилроғи билан алмаштириш;
- касаллик ёки меҳнат қобилиятини йўқотганлиги оқибатида жазодан озод қилиш;
- амнистия акти ёки афв этиш асосида жазодан озод қилиш.

Вояга етмаганлар жавобгарлигини хусусиятлари. Мамлакатимиз жиноят қонунчилиги вояга етмаган шахсларнинг ёшга оид хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда улар тмонидан содир қилинган жиноятлар учун алоҳида жавобгарлик қоидаларини белгилаган.

Жиноят кодексининг Умумий қисми олтинчи бўлими айнан вояга етмаганлар жавобгарлиги хусусиятларига бағишланган бўлиб, ўн саккиз ёшга тўлмасдан жиноят содир қилган шахсларга қуйидаги жазолар қўлланиши мумкин:

- жарима;
- ахлоқ тузатиш ишлари;
- қамок;
- озодликдан маҳрум қилиш.

Ўн саккиз ёшга тўлмасдан жиноят содир қилган шахсларга нисбатан қўшимча жазолар тайинланиши мумкин эмас.

Вояга етмаган шахсларга нисбатан жазо тайинлашда жиноят кодексида белгиланган жазоларнинг маълум бир қисми олинади. Масалан, жарима жазосида жариманинг миқдори энг кам ойлик иш ҳақининг беш бараваридан олти юз бараваригача бўлса, вояга етмаганларда жарима жазосининг миқдори энг кам ойлик иш ҳақининг икки бараваридан йигирма бараваригача миқдорда тайинланади.

Бундан ташқари суд вояга етмаганларга жазо тайинлашда унинг ривожланганлик даражаси, турмуш шароити, тарбияси, соғлиги, жиноят содир қилишда катталарнинг иштироки масласига жиддий эътибор қаратади.

Вояга етмаганлар жавобгарлигининг яна бир ўзига хос хусусияти вояга етмаган шахс биринчи марта жиноят содир қилганида уни жазо қўлламасдан тузатиш мумкин деб ҳисоблаш учун асослар мавжуд бўлганида, жавобгарликдан озод қилиш имкониятининг яратилганидир. Бунда вояга етмаганлар ишлари билан шуғулланувчи комиссия улар билан шуғулланади.

Агар вояга етмаган шахс ривожланишида ўз ёшига нисбатан анча орқада қолган бўлса ва содир этган қилмишининг аҳамиятини тўла англай олмаган бўлса суд жазо ўрнига қуйидаги мажбурлов чораларини қўллаши мумкин:

- суд белгиладиган шаклда жабрланувчидан узр сўраш;
- ўн олти ёшга тўлган шахс зиммасига етказилган зарарни ўз маблағи ҳисобидан ёки меҳнати билан тўлаш ёки бартараф қилиш мажбуриятини юклаш;
- вояга етмаганни махсус ўқув-тарбия муассасасига жойлаштириш.

10-мавзу. Халқаро ҳуқуқ асослари

1-§. Халқаро ҳуқуқнинг пайдо бўлиши.

Халқаро ҳуқуқ ҳуқуқнинг бошқа соҳалари каби ўз-ўзидан пайдо бўлган эмас. У муайян ижтимоий жараёнларнинг ривожланиши натижасида вужудга келган. Инсоният тараққиётининг дастлабки босқичларида қадимий илк жамоалар ва қабилалар бир-биридан алоҳида ажралган ҳолда эмас, балки қабилаларнинг ёзилмаган қонунлари билан бирлашган эди. Биринчи одат меъёрлари давлатчиликнинг вужудга келишидан олдин ибтидоий жамоа тузуми давридаёқ пайдо бўлган.

Агар, «халқаро ҳуқуқ» тушунчасини давлатлараро ҳуқуқ сифатида тушунилса, у ҳолда, давлатчилик пайдо бўлиб, ривожланиши билан вужудга келганини эътироф этиш лозим.

Халқаро ҳуқуқ - тарихий ижтимоий- ҳуқуқий амалиёт ривожланиши натижасидир. Инсонларнинг (гуруҳлар, табақаларнинг) ўз миллий манфаатларини англаш воситаси сифатида пайдо бўлиши, айниқса халқаро муносабатларнинг доимий ўзгариб туришига алоқадорлиги билан халқаро ҳуқуқ миллий давлатлар ва халқларнинг тараққиётига муҳим таъсир кўрсатиб келмоқда. Кишилиқ тарихи давомида халқаро ҳуқуқ нафақат халқаро муносабатларнинг тараққиёти билан бирга ривожланиб келган, балки уларга маълум даражада таъсир ҳам кўрсатган.

Халқаро ҳуқуқнинг келиб чиқиши табиий-объектив жараёндир..

Халқаро ҳуқуқнинг пайдо бўлиши бевосита давлатларнинг вужудга келиши ва ривожланиши билан боғлиқ. Давлатлар тараққиётининг объектив шарт-шароити улар ўртасидаги сиёсий, иқтисодий, маданий ва ҳуқуқий муносабатларни ўрнатиш заруратини келтириб чиқаради. Бунинг натижаси ўлароқ ҳуқуқнинг мукстақил тизими сифатида халқаро ҳуқуқнинг пайдо бўлиши ва ривожланишидир.

Халқаро ҳуқуқ давлатлар, халқлар ва халқаро ташкилотлар ўртасидаги турли хил муносабатларни тартибга солишга қаратилган.

2-§. Халқаро ҳуқуқ тушунчаси (таърифи)

«Халқаро ҳуқуқ» тушунчасини аниқлаш ва унга таъриф бериш халқаро ҳуқуқ фанининг энг муҳим вазифаларидан биридир. Агар, давлат ва ҳуқуқ назарияси фани эса давлатлараро ёки кенгроқ маънода халқаро муносабатларга хос бўлган ходиса ва жараёнларнинг ҳуқуқий хусусиятларини кўриб чиқади.

Халқаро- ҳуқуқий меъёрларда миллий давлатларнинг ўзаро муносабатларидаги мураккаб жараёнлар ўз аксини топади. Уларнинг асосида шаклланаётган, халқларнинг субъектив хоҳиш-иродасига эмас, балки ижтимоий тараққиётнинг объектив омилларига мос келадиган ҳуқуқий онг халқаро ҳуқуқда ўз ифодасини топади.

Ҳозирги халқаро муносабатларга таъсир қилувчи кўплаб омиллар ичида халқаро ҳуқуқ устуворлиги тўғрисидаги қоида ХХІ асрдаги цивилизация ва ҳуқуқий онг даражасига кўпроқ мос келади.

Халқаро ҳуқуқ фанида халқаро ҳуқуқ тушунчасига турли хил таърифлар берилган. Шулардан бир нечтасини келтириб ўтамиз:

Биринчи таъриф: халқаро ҳуқуқни «давлатларнинг иродасини мувофиқлаштириш асосида тузилган ва ривожланадиган давлатларнинг тинч-тотув яшаши, халқларнинг тенг ҳуқуқлилиги ва ўз тақдирини ўзи белгилашини таъминлаш мақсадида халқаро муносабатларни тартибга солувчи юридик теъёрлар тизими» сифатида таърифлаш мумкин¹.

Иккинчи таъриф: халқаро ҳуқуқ - бу «давлатлар ва ушбу ҳуқуқ тизимининг бошқа субъектлари ўртасидаги муносабатларни тартибга солувчи юридик меъёрлар тизими»² дир.

Учинчи таъриф: халқаро ҳуқуқ «ижтимоий тараққиёт қонуниятларининг таъсири билан боғлиқ равишда халқаро муносабатларни тартибга солувчи ва давлатлар иродасининг нисбий уйғунлигини ифодаловчи шартномалар, одат меъёрлари ва тамойиллар тизимидир»³.

Тўртинчи таъриф: халқаро ҳуқуқ - бу «халқаро (давлатлараро ва бошқа турдаги) муносабатларни тартибга солувчи меъёрлар мажмуи ва тизимидир»⁴.

Бешинчи таъриф: халқаро ҳуқуқ - бу «ҳуқуқнинг мустақил тармоғи бўлиб, ўзида бир бутун ва яхлит тамойиллар ва меъёрлар тизимини, яъни энг аввало давлатлар ўртасидаги халқаро муносабатлар соҳасини тартибга солувчи, юридик мажбурий бўлган ҳулқ-атвор қоидаларини ифодалайди»¹.

Олтинчи таъриф: «Халқаро ҳуқуқ ғоят кенг ва турли тармоқларни ўз ичига олувчи алоҳида ҳуқуқлар тизимидир. Шу билан бирга фақат меъёрлар йиғиндиси бўлибгина қолмай, уларнинг тизими ҳамдир»².

Еттинчи таъриф: «Халқаро ҳуқуқ - халқаро ҳуқуқ субъектлари ўртасидаги муносабатларни тартибга солувчи, давлатлар ва халқаро ҳуқуқнинг бошқа

¹ Курс международного права. В 6-ти томах. – М., 1967, Т.1, с. 38.

² Курс международного права. В 6-ти томах. – М., 1988, Т.1, с. 9.

³ Словарь международного права. – М., 1989, с. 170.

⁴ Ушаков Н.А. Международное право: основные понятия и определения. – М., 1996, с. 5-6.

¹ Тузмухамедов Р.А., Хакимов Р.Т. Основы международного права. – Ташкент, 1998, с. 7.

² Маматкулов А. Халқаро ҳуқуқ. – Тошкент, 1997, 7-бет.

субъектлари томонидан яратиладиган халқаро ҳуқуқ ва меъёрлари йиғиндисидан иборат бўлган мустақил, ўзига хос ҳуқуқ тизимидир»³¹

Халқаро ҳуқуққа берилган юқоридаги ва бошқа кўплаб таърифларнинг муаллифлари имкон қадар кўпроқ халқаро ҳуқуққа хос бўлган ҳодисаларни қамраб олишга ҳаракат қилганлар. Ҳар қандай илмий таъриф унда фойдаланилган атамалар, тушунчаларнинг, шунингдек, улардан келиб чиқадиган тушунчаларнинг изоҳланишини талаб қилади.

Ҳозирги замон халқаро ҳуқуқи иккинчи жаҳон урушидан кейин Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Устави қабул қилинганидан сўнг юзага келиб, ривожланган. Шу боис, «ҳозирги замон халқаро ҳуқуқи» тушунчаси халқаро муносабатларнинг умум эътироф этилган тамойиллари ва меъёрлари ривожланишининг янги босқичини акс эттирган ҳолда, халқаро ҳуқуқ ҳаракатининг хронологик доирасини белгилайди.

Хулоса қилиб айтганда, халқаро ҳуқуқнинг умумий тушунчасини (таърифини) қуйидагича ифодалаш мумкин:

«Халқаро ҳуқуқ - бу тинчлик ва ҳамкорликни таъминлаш мақсадида давлатлараро муносабатларни тартибга солувчи юридик меъёрлар тизимидир»³².

«**Халқаро ҳуқуқ**» атамаси халқаро оммавий ҳуқуқни билдиради, ундан халқаро хусусий ҳуқуқни фарқлаб олиш лозим. Шу боис, «халқаро ҳуқуқ» атамаси маълум даражада шартли эканлигини таъкидлаб ўтиш жоиз¹. Шу маънода тарихан шаклланиб ва давлатлар ҳамда халқаро ҳужжатларда, дарсликларда қўлланиладиган «халқаро ҳуқуқ» атамаси ўзининг туб маъносига тўла мос келади деб бўлмайди. Мазкур атаманинг бошқа тиллардаги маъноси ҳам айнан шунга ўхшашдир: рус тилида – «международное право», инглиз тилида – «International Law», француз тилида - «Volker recht», испан тилида – «Derecho internacional», украин тилида – «Міжнародное право» ва ҳоказо.

3-§. Халқаро ҳуқуқ объектлари

Халқаро ҳуқуқ объектига ҳар қандай эмас, балки муайян халқаро муносабатлар киради.

Халқаро муносабатлар – бу давлатлар ва давлатлар тизимини ўртасидаги сиёсий, иқтисодий, маданий, ҳуқуқий, дипломаик, ҳарбий ва бошқа турдаги алоқалар ва муносабатлар мажмуидир. Шунингдек, дунё миқёсидаги асосий сиёсий, иқтисодий, маданий ва бошқа ташкилотлар, ҳаракатлар ўртасидаги ҳамкорликлардан иборат.

Халқаро ҳуқуқ объектига, энг аввало, суверен давлатлар ўртасидаги муносабатлар киради. Давлатлараро муносабатлар – бу, авваламбор ҳокимиятлараро муносабатлардир. Давлатлар ўртасидаги мавжуд муносабатлар тегишли халқаро битимлар билан тартибга солингандагина халқаро-ҳуқуқий шаклга эга бўлади.

³¹ Каламқарян Р.А, Мигачев Ю.И. Международное право. Вопросѣ и ответѣ. «Юрлитинформ» 2002

³² А.Х.Саидов Халқаро ҳуқуқ: Дарслик.- «Адолат», Ўз.Р Ички ишлар вазирлиги Академияси, 2001, Б.20

¹ «Рим ҳуқуқида юзага келган «*jus gentium*» («халқлар ҳуқуқи») атамаси халқаро ҳуқуқ атамасининг намунаси ҳисобланади. *jus gentium* нинг қоидалар тўплами сифатидаги дастлабки тушунчаси Рим давлати ҳудудидаги, миллати бўйича қандай қабилага тегишли бўлишидан қатъий назар, барча одамларга нисбатан қўлланилган, кейинроқ Римнинг бошқа давлатлар билан ўзаро муносабатларидаги умумий тан олинган меъёрлар комплекси сифатида кенгроқ маъно касб эта бошлаган («Барча халқлар учун умумий ҳуқуқ»). Кейинчалик ушбу атама замонавийлаштирилган – «*jus inter gentes*» («халқлар ўртасидаги ҳуқуқ» ёки «халқаро ҳуқуқ»). қаранг: Международное право \ под ред. Г.В.Игнатенко. – М., 1995, с. 12-13; Лукашук И.И. Международное право. Общая часть. – М., 1996, с. 4.

Давлатлар ўртасидаги муносабатларни ўрнатиш БМТ Уставида мустаҳкамлаб қўйилган умум эътироф этилган халқаро ҳуқуқ тамойиллари асосида амалга оширилади.

қуйидагилар халқаро-ҳуқуқий муносабатлар объекти сифатида намоён бўлади;

биринчидан, ҳудуд (территория) ва халқаро ер кенглиги;

иккинчидан, ҳатти-ҳаракатлар;

учинчидан, ҳатти-ҳаракатлардан тийилиш.

ҳудуд халқаро-ҳуқуқий муносабатлар объекти сифатида жуда кўп намоён бўлади (масалан, тинчлик шартномаларида).

Ҳатти-ҳаракатлар давлатлар ўртасидаги турли ҳуқуқий муносабатлар объекти бўлиши мумкин (масалан, ўзаро ёрдам кўрсатиш тўғрисидаги ҳужжатларда, иттифоқ шартномаларида).

Муайян **ҳатти-ҳаракатлардан** тийилиш ҳам халқаро- ҳуқуқий муносабатлар объекти ҳисобланади (масалан, нейтралитет тўғрисидаги, уруш одатлари ва қонунлари тўғрисидаги халқаро- ҳуқуқий ҳужжатларда).

4-§. Халқаро ҳуқуқ функциялари

Халқаро ҳуқуқнинг функцияларини кўриб чиқмай, унинг моҳиятини очиб бериш мумкин эмас.

Халқаро муносабатларни тартибга солувчи халқаро ҳуқуқ қуйидаги функцияларни бажаради:

1. Мувофиқлаштирувчи функция. Давлатлар халқаро ҳуқуқ меъёрлари ёрдамида халқаро ҳамкорликнинг турли соҳаларида умумий қабул қилинган ҳуқ-атвор стандартларини белгилайди.

2. Тартибга солувчи функция. Бу давлатлар томонидан қатъий қоидаларни белгилашда намоён бўлади. Буларсиз давлатларнинг жаҳон ҳамжамияти билан муносабатлари ва биргаликда мавжудлигини тасаввур қилишнинг имкони йўқ.

3. Таъминлаш функцияси. Бунда халқаро ҳуқуқ шундай меъёрларни ўзида мустаҳкамлайдики, бу давлатларнинг кўп йиллик алоқалари жараёнида белгиланган маълум ҳуқ-атвор қоидаларига риоя қилишига ундайди.

4. Муҳофаза функцияси. Бу давлатлар миллий манфаатлари ва қонуний ҳуқуқларини ҳимоя қилади.

5-§. Халқаро ҳуқуқ ва давлатларнинг миллий ҳуқуқий тизими

Реал воқеликда бир-бирига боғлиқ, лекин мустақил икки ҳуқуқий тизим мавжуд: **бир томондан**, ички давлат ҳуқуқи (алоҳида миллий давлатнинг ҳуқуқий меъёрлари мажмуи) ва **иккинчи томондан**, ҳуқуқий тартибга солишнинг ўзига хос объекти ва субъектига эга бўлган халқаро ҳуқуқ. Агар, ички давлат ҳуқуқида ҳуқуқий тартибга солиш объекти бир давлат доирасидаги ижтимоий муносабатлар бўлса, халқаро-ҳуқуқий муносабатлар объектига давлатлар ва уларнинг бирлашмалари ўртасидаги ижтимоий муносабатлар киради.

Халқаро ҳуқуқ ва ички давлат ҳуқуқи бир-биридан алоҳида мавжуд бўлмайди. Халқаро ҳуқуқ меъёрларини ишлаб чиқишга миллий ҳуқуқий тизимлар кўрсатади, у давлатнинг ташқи сиёсати ва дипломатиясида ўз ифодасини топади.

Халқаро ҳуқуқ ўз навбатида миллий қонунчиликнинг ривожланишига катта таъсир кўрсатади.

Кўпгина давлатларнинг, шу жумладан, Ўзбекистон Республикасининг қонунларида шундай қоида мустаҳкамлаб қўйилган, унга кўра давлатларнинг ички қонуни билан халқаро шартномалар устуворликка эга бўлади. Бундай қоида халқаро ҳуқуқни давлатларнинг ички ҳуқуқи қоидалари устидан устуворлиги деб аталади. Ўзбекистон Республикасида Фуқаролик кодексининг 7-моддасида шундай дейилган: «Агар халқаро шартномалар ва битимларда фуқаролик қонунчилигидан бошқача қоида назарда тутилган бўлса халқаро шартномалар ва битимлардаги қоидалар қўлланилади»¹.

6-§. Халқаро оммавий ҳуқуқ ва халқаро хусусий ҳуқуқ

Халқаро оммавий ҳуқуқ ва халқаро ҳуқуқ ўртасида яқин ўзаро алоқадорлик мавжуд. Ҳар иккиси кенг маънода халқаро муносабатларни тартибга солади. Халқаро хусусий ҳуқуқ халқаро характердаги фуқаролик-ҳуқуқий меъёрлар мажмуи сифатида халқаро оммавий ҳуқуқнинг умум эътироф этилган тамойилларига зид бўлмаслиги керак.

Халқаро оммавий ҳуқуқ ва халқаро ҳуқуқ ўртасидаги узвий алоқадорлик ҳеч ким томонидан инкор қилинмайди. Баъзи бир олимлар халқаро хусусий ҳуқуқ халқаро ҳуқуқнинг бир тури деб ҳисоблайдилар. Иккинчи гуруҳ ҳуқуқшунослар эса халқаро хусусий ҳуқуққа фуқаролик ҳуқуқининг бир тармоғи сифатида қарайдилар. Учинчи бирлари эса халқаро хусусий ҳуқуқни халқаро ҳуқуқ билан айнан бир хил деб ҳисоблайдилар. Тўртинчилар, халқаро хусусий ҳуқуқ маълум бир маънода фуқаролик ҳуқуқининг тармоқларидан бири ҳисобланса-да, асосан халқаро оммавий ҳуқуқ билан жуда яқин алоқададир, деб таъкидлайди.

Халқаро ҳуқуқ халқаро оммавий ҳуқуқ билан айнан бир хил эмас ва унинг соҳаларидан бири ҳисобланмайди. Халқаро хусусий ҳуқуқ тартибга соладиган ўзининг мустақил предметиға эга.

7-§. Халқаро ҳуқуқда меъёрларни яратиш жараёни

Халқаро ҳуқуқий тизими меъёрларини яратишнинг ўзига хос томони шундаки, бу жараёнда субъектларнинг ўзи ихтиёрий равишда, хоҳиш-иродасини билдириш йўли билан иштирок этадилар. Халқаро ҳуқуқий тизим субъектларининг ўзидан бошқа қандайдир бир бу тизимга нисбатан «ташқаридан» бўлган субъектлар меъёрлар яратиш жараёнида иштирок этмайди. Шу боис, халқаро ҳуқуқий тизимнинг субординарлик характери инкор қилинади, ҳеч ким халқаро ҳуқуқ субъектларининг ихтиёрига қарши улар учун ҳуқ-атвор қоидаларини, яъни меъёрларни ўрнатиши мумкин эмас. Бинобарин, халқаро ҳуқуққа нисбатан «қонунчилик», «халқаро қонунийлик» тушунчаларини қўллаш маълум маънода нотўғри.

8-§. Халқаро ҳуқуқ тизими

Халқаро ҳуқуқ тизими – бу қуйидаги ўзаро ички боғлиқ элементларнинг объектив мавжуд бўлган бир бутунлигидир.

Биринчидан, халқаро ҳуқуқнинг умум эътироф этилган тамойиллари, меъёрлари (шартномавий ва оддий-ҳуқуқий).

Иккинчидан, халқаро ташкилотларнинг қарорлари, тавсиявий резолюциялари, халқаро суд органларининг қарорлари.

¹ Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси. – Тошкент, 1996, 7-бет.

Учинчидан, халқаро ҳуқуқ институлари (халқаро тан олиш институти, шартномаларга нисбатан ҳуқуқий ворислик институти, халқаро жавобгарлик институти ва бошқалар).

Тизимнинг қайд этиб ўтилган барча элементлари турли бирикмаларда халқаро ҳуқуқ тармоқлари (дипломатик ҳуқуқ, халқаро шартномалар ҳуқуқи, халқаро денгиз ҳуқуқи ва бошқалар) ташкил қилади, ушбу ҳар бир тармоқ ўзи мустақил тизим сифатида намоён бўлади, бундай тизимлар халқаро ҳуқуқнинг яхлит ягона тизими доирасида шу тизимнинг бир қисми ҳисобланиши мумкин.

9-§. Ўзбекистон Республикаси ташқи сиёсати ва дипломатияси

Ташқи сиёсат тушунчаси давлатнинг халқаро муносабатлардаги умумий йўналишини қамраб олади.

Ташқи сиёсат давлатнинг бошқа давлатлар, халқлар ва халқаро ташкилотлар билан ўзаро муносабатлари соҳасидаги фаолиятининг мақсадлари ва воситалари мажмуини қамраб олади.³³

Ўзбекистон Республикаси ташқи сиёсатининг асосий тамойиллари Конституциянинг 17-моддасида қонуний жиҳатдан мустаҳкамлаб қўйилган.

«Ўзбекистон Республикаси ташқи сиёсати ва халқаро фаолияти Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, Ўзбекистон Республикаси халқаро шартномалар тўғрисида»ги қонуни», «Ўзбекистон Республикаси «Мудофаа тўғрисида»ги қонунлари ва бошқа қонунчилик ҳужжатларидаги тамойиллар ва меъёрларга, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти ва Европада Хавфсизлик ва Ҳамкорлик Ташкилотининг тамойил ва мақсадларига, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ратификация қилган Ўзбекистон Республикаси халқаро шартномалари ва битимларидан келиб чиқадиган мажбуриятларга асосланади» дейилади, 1996 йилдаги «Ўзбекистон Республикаси ташқи сиёсий фаолиятининг асосий тамойиллари тўғрисида»ги қонуннинг 1-моддасида.

Дипломатия ташқи сиёсатнинг муҳим воситаси ҳисобланади. Айнан ташқи сиёсат дипломатиянинг мақсад ва вазифаларини белгилаб беради. Дипломатия амалий тадбирлар, шунингдек, ташқи сиёсатни амалга оширишда фойдаланиладиган шакл, воситалар ва методлар мажмуини ифодалайди. Дипломатия билан бир қаторда давлатнинг иқтисодий, маданий ва бошқа муҳим алоқалари ҳам унинг ташқи сиёсий воситалари ҳисобланади.

Ўзбекистон ташқи сиёсатининг бош мақсади давлат суверенитетини ҳимоя қилиш, ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётини қуриш учун халқаро замин яратиш, тинчликни ва сиёсий барқарорликни таъминлаш, халқаро ва минтақавий хавфсизликни таъминлаш мақсадида барча давлатлар билан тенг ҳуқуқли ҳамкорликдан иборат.

Ўзбекистон Республикасининг бошқа давлатлар билан муносабатлари давлатларнинг суверен тенглиги, куч ишлатмаслик ва куч билан таҳдид қилмаслик, чегараларнинг дахлсизлиги, низоларни тинчлик йўли билан ҳал қилиш, бошқа давлатларнинг ички ишига аралашмаслик тамойилларига ва халқаро ҳуқуқнинг умум эътироф этилган тамойил ва меъёрларига риоя қилиш асосида қурилади. Ушбу тамойилларнинг Конституцияда мустаҳкамланиши халқаро

³³ А.Х. Саидов. Халқаро ҳуқуқ: Дарслик.-Тошкент: «Адолат», 2001, Б.26

хукукнинг умум эътироф этилган тамойиллари ва меъёрлари Ўзбекистон ҳудудида давлатнинг ички қонуни сифатида амалда бўлишини тасдиқлайди.

10-§. Халқаро ҳуқуқий муносабатлар

Халқаро ҳуқуқ томонидан тартибга солинадиган халқаро муносабатлар – субъектлари ўртасидаги шундай ижтимоий муносабатларки, улар халқаро-ҳуқуқий тартибга солиш объекти ҳисобланади. Бинобарин, бундай муносабатлар халқаро ҳуқуқий муносабатлар характери касб этади.

Халқаро ҳуқуқ миллий ҳуқуқ сингари субъектлар ўртасидаги ҳар қандай муносабатларни эмас, балки фақат ҳуқуқий тартибга солиш талаб қилинадиган қисмини тартибга солади.

Халқаро ҳуқуқ нормалар билан тартибга солинадиган халқаро муносабатлар халқаро-ҳуқуқий муносабатлар характериға эға бўлади. Халқаро ҳуқуқ субъектлари у ёки бу халқаро-ҳуқуқий муносабатларға киришиш билан ўз ҳуқуқ ва мажбуриятларини амалға оширадilar.

. Ҳуқуқий нормалар ва институтлар халқаро ҳуқуқ тармоғиға бирлашади. Барча бир турдаги халқаро муносабатлар мажмуи тармоқ объекти

ҳисобланади (масалан, халқаро шартнома ҳуқуқи, халқаро денгиз ҳуқуқи, халқаро атом ҳуқуқи, халқаро космик ҳуқуқ). Уларни ташкил қилишнинг ягона йўли халқаро ҳуқуқ субъектларининг келишуви ҳисобланади. Фақат халқаро ҳуқуқ субъектларигина ўзининг у ёки бу хатти-ҳаракатларига, хулқ-атвор қоидаларига юридик мажбурий характер бериши мумкин.

Халқаро ҳуқуқий нормаларни бажариш асосан ушбу ҳуқуқ тизими субъектлари томонидан ихтиёрийлик асосида амалға оширилади

ХАЛҚАРО ҲУҚУҚ МАНБАЛАРИ

Халқаро ҳуқуқ нормалари тушунчаси

«Норма» сўзи лотин тилида қоида, раҳбарий кўрсатма, намуна маъносини англатади.

Ҳуқуқ нормаси ҳуқуқ субъектлари деб аталувчи ва унда кўрсатилган шахсларнинг юридик мажбурий характердаги хулқ-атвор қоидаларини билдиради. Нормаларнинг юридик мажбурийлиги шундаки, у билан белгиланган юриш-туриш ва хулқ-атвор қоидалари мажбурий ҳисобланади ва лозим бўлган тақдирда мажбурият чоралари орқали таъминланади. Миллий ҳуқуқда юридик нормалар давлат томонидан ўрнатилади, муҳофаза қилинади ва таъминланади.

Халқаро ҳуқуқ нормалари – давлатлар ва халқаро ҳуқуқнинг бошқа субъектлари томонидан юридик мажбурий деб тан олинган хулқ-атвор қоидаларидир.

Халқаро ҳуқуқ нормалари мазмунини давлатлар ва халқаро ҳуқуқнинг бошқа субъектларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари ташкил қилади.

Халқаро ҳуқуқ нормалари – субъектларнинг нормаларида кўзда тутилган, зарурат бўлганда мажбурлаш йўли билан таъминланадиган юридик мажбурий характердаги ҳуқ-атвор қоидаларидир.

Халқаро ҳуқуқ нормалари ўзаро келишув бўйича субъектлар ўртасидаги битим асосида белгиланади ва улар томонидан якка тартибда ёки жамоа йўли билан муҳофаза қилинади ҳамда лозим бўлган тақдирда риоя қилишга мажбурлаш чораларини кўради.

Барча халқаро-ҳуқуқий нормалар мажмуи ягона меъёрий тизим - халқаро ҳуқуқни ташкил қилади.

Халқаро ҳуқуқ нормаларини таснифлаш (классификациялаш)

Халқаро ҳуқуқ нормалари ўртасидаги муносабатларни тартибга солувчи субъектлар турли хил бўлади. Улар барча субъектларга ёки барча асосий субъектлар давлатларга қаратилган умумий (универсал) халқаро ҳуқуқ нормаларига ва икки ёки бир неча субъектлар ўртасидаги келишув асосида белгиланган ва уларга қаратилган локал (партикуляр) нормаларга бўлинади. Локал нормалар жумласига субъектларнинг муайян бир ҳолатдаги ҳуқ-атворини белгиловчи индивидуал нормаларни ҳам киритиш мумкин.

Партикуляр нормалар универсал нормаларга мос келиши лозим. БМТ Уставининг 103-моддасига мувофиқ аъзо-давлатларнинг Устав бўйича мажбуриятлари бошқа шартномалар бўйича олган мажбуриятларига нисбатан устуворликка эга.

Ҳуқуқий тартибга солиш услуби бўйича халқаро-ҳуқуқий нормалар **диспозитив** ва **императив** нормаларга бўлинади.

Диспозитив нормаларда халқаро ҳуқуқ субъектлари ўз ҳуқ-атворини, муайян ҳуқуқий муносабатлардаги ҳолатдан келиб чиқиб ўзаро ҳуқуқ ва мажбуриятларни ўзлари белгилаши мумкин.

Халқаро ҳуқуқнинг аксарият қоидалари диспозитив норма ҳисобланади. яъни улардан давлатлар ва бошқа субъектлар ўзларининг ўзаро локал муносабатларидан келиб чиқиб, умумий халқаро ҳуқуқнинг ушбу нормаси моҳиятига зид келмайдиган маълум ўзгартиришлар киритиш билан четлаб ўтиши мумкин.

1969 йилда Халқаро шартномалар ҳуқуқи тўғрисидаги Вена конвенцияси қабул қилинганидан сўнг халқаро ҳуқуқ нормалари тизимида **jus cogens** (**умуммажбурий ҳуқуқ**) характерига эга бўлган императив нормалар ажратила бошланди. 1969 йилдаги Вена конвенциясининг 53-моддасига мувофиқ халқаро ҳуқуқнинг императив нормаси давлатларнинг халқаро ҳамжамияти томонидан четлаб ўтиш мумкин бўлмаган нормаси сифатида тан олинади ва бундай нормалар фақат кейин қабул қилинган худди шундай нормалар билангина ўзгартирилиши мумкин.

Халқаро ҳуқуқда императив нормалар рўйхати йўқ. Бироқ, халқаро ҳуқуқ назарияси БМТ Уставида, БМТ Уставига мувофиқ давлатлар ўртасидаги дўстона алоқалар ва ҳамкорликларга тегишли бўлган 1970 йилдаги халқаро ҳуқуқ

тамойиллари тўғрисидаги Декларацияларда ифодаланган халқаро ҳуқуқнинг асосий тамойилларини яқдиллик билан императив нормалар қаторига киритади.

Императив нормалар маълум хатти-ҳаракатларнинг аниқ ва муайян чегарасини белгилайди. Халқаро ҳуқуқ субъектлари ҳуқуқ ва мажбуриятларнинг ҳажми ва мазмунини ўз ҳолича ўзгартиришга ҳақли эмас.

Халқаро ҳуқуқнинг **jus cogens** нормаси давлатларнинг халқаро ҳамжамияти томонидан қабул қилинган ва четлаб ўтиш мумкин бўлмаган нормаси сифатида тан олинадиган нормалар сифатида тушунилади ва бундай нормалар фақат кейин қабул қилинган айнан шундай характердаги нормалар билангина ўзгартирилиши мумкин. **Jus cogens** нормасининг халқаро ҳуқуқнинг бошқа императив нормаларидан фарқи шундаки, давлатларнинг **jus cogens** нормасидан ҳар қандай четлаши бундай хатти-ҳаракатни аҳамиятсиз қилади.

Jus cogens нормаси олий юридик кучга эга ва барча халқаро ҳуқуқий нормалар уларга мувофиқ бўлиши шарт. Давлатлар халқаро майдонда ўз хатти-ҳаракатларини сўзсиз равишда **jus cogens** нормаларига мослаштиришлари лозим.

Халқаро ҳуқуқ нормалари ичида бирламчи деб ҳам юритиладиган тартибга солувчи солувчи нормалар, яъни давлатлар ва халқаро ҳуқуқнинг бошқа субъектларининг ўзаро муомала ва ҳамкорлиги жраёнидаги хатти-ҳаракатини тартибга солувчи нормалар, шунингдек, иккиламчи деб юритиладиган ҳуқуқни муҳофаза қилувчи нормаларга бўлинади. Сўнгисини иккиламчилиги шундаки, бундай нормалар фақат субъектлар томонидан тартибга солинувчи бирламчи нормалар бузилган тақдирда кучга киради ва улар учун салбий юридик оқибатларни келтириб чиқаради. Жумладан, бунга халқаро ҳуқуққа хилоф хатти-ҳаракати учун давлатларнинг халқаро жавобгарлиги тўғрисидаги нормалар киради.

Халқаро ҳуқуқ - ўзаро алоқадор халқаро-ҳуқуқий нормалар тизимидир.

Халқаро-ҳуқуқий нормалар ягона яхлит – халқаро-ҳуқуқий тизим – халқаро ҳуқуқни ташкил қилади. Натижада унинг нормалари фақат уларнинг бошқа барча нормалари билан ўзаро алоқадорлигини ҳисобга олган ҳолда талқин қилинади ва қўлланилади.

Халқаро ҳуқуқ манбалари тушунчаси

«Ҳуқуқ манбалари» - давлат ва ҳуқуқ назарияси томонидан ишлаб чиқилган ва умуман ҳуқуққа тааллуқли бўлган, яъни миллий ҳуқуққа ҳам, халқаро ҳуқуққа ҳам тегишли бўлган тушунчадир. Юридик маънода ҳуқуқ манбаи ҳуқуқ-атвор қоидаларини ифодаловчи ва юриш-туриш қоидаларига ҳуқуқий норма тусини берувчи шакл ҳисобланади

Халқаро ҳуқуқ манбалари – халқаро-ҳуқуқий муносабат субъектларининг хатти-ҳаракат қоидаларини ифодаловчи ва мазкур қоидаларни халқаро ҳуқуқ нормалари тусини берувчи шаклдир.

Халқаро ҳуқуқнинг асосий манбаларини белгилашда БМТ Халқаро суди Статутининг 38-моддасига мурожаат қилинади. Мазкур моддада: «Суд ўзига берилган низоларни халқаро ҳуқуқ асосида ҳал қилишга мажбур ва қуйидагиларни қўллаиди:

а) даъвогар давлатлар томонидан муайян тан олинган қоидаларни белгиловчи умумий ҳамда махсус халқаро конвенцияларни;

б) ҳуқуқий норма сифатида тан олинган, умумжаҳон амалиётининг исботи сифатида халқаро одатларни;

в) маданиятли (цивилизациявий) миллатлар томонидан тан олинган ҳуқуқнинг умумий принципларини;

г) ҳуқуқий нормаларни белгилаш учун қўшимча восита сифатида 59-моддада кўрсатилган шартлар билан турли миллатларнинг оммавий ҳуқуқ бўйича энг малакали мутахассисларининг назарияларини ва суд қарорларини», деб ёзилган.

БМТ Халқаро суди Статутининг 38-моддасини талқин қилиш кўплаб тортишувларга сабаб бўлмоқда, бироқ унда кўрсатиб ўтилган барча халқаро ҳуқуқ манбалари барча давлатлар томонидан тан олинади.

Халқаро ҳуқуқнинг асосий манбалари

Халқаро ҳуқуқ фанида халқаро ҳуқуқнинг манбалари икки турга, яъни асосий ва қўшимча манбаларга ажратилади. Халқаро ҳуқуқ манбаларининг бундай бўлиниши шартлидир.

Ҳозирги халқаро ҳуқуқнинг асосий манбаларига халқаро шартнома, халқаро одатлар, давлатларнинг мажбуриятлари бўйича ва халқаро ташкилотларнинг аъзо давлатларига кўрсатма берувчи бир томонлама юридик ҳужжатлар киради.

Биринчи асосий манба халқаро ҳуқуқ томонидан тартибга солинадиган, халқаро ҳуқуқ субъектлари ўртасидаги ёзма битим сифатида тушуниладиган **халқаро шартномадир**. Халқаро шартномаларнинг тузилишини тартибга солувчи нормалар тизими халқаро шартномалар ҳуқуқи деб юритиладиган халқаро ҳуқуқнинг алоҳида, мустақил соҳасини ташкил қилади.

Сўнгги вақтларда халқаро ҳуқуқ фанида норасмий халқаро шартнома тушунчаси қарор топмоқда. Мазкур тушунча расман тасдиқланмаган (имзолаш ёки бошқа тартибда) ва юридик кучга эга эканлиги тўғрисидаги қоида мустаҳкамланмаган бўлса-да, мазкур давлатлар томонидан ёзма битим қоидаларини юридик мажбурий деб тан олинadиган кўп томонлама характердаги ёзма битим тушунилади.

Халқаро ҳуқуқнинг иккинчи муҳим манбаи **халқаро одатлардир**. БМТ Халқаро суди Статутининг 38-моддасида халқаро одатлар «ҳуқуқий норма сифатида тан олинган умумжаҳон амалиётининг исботи» сифатида белгиланади. Ушбу тушунчада, **биринчидан**, давлатларнинг амалиёти тўғрисида, **иккинчидан**, уларнинг бир хил вазиятлардаги тегишли хатти-ҳаракатлар амалиёти тўғрисида ва, **учинчидан**, давлатларнинг халқаро ҳамжамияти томонидан шундай кўп такрорланadиган хатти-ҳаракатларни юридик мажбурий деб тан олиш, яъни давлатларнинг сўзсиз келишуви, мазкур хатти-ҳаракатларга халқаро ҳуқуқий норма сифатини бериши тўғрисида ҳам гап боради.

Халқаро одатлар ҳақида гапирилганда, халқаро ҳуқуқ нормаси сифатида сўз боради. Чунки, локал халқаро одат қоидаларини яратиш мумкин бўлса-да, лекин жуда кам учрайди. Икки томонлама одатлар эса ҳеч қандай аҳамиятга эга эмас.

Иккинчи жаҳон урушидан сўнг БМТ ва бошқа универсал халқаро ташкилотлар доирасида *халқаро ҳуқуқ одат нормаларини* кодификация қилиш бўйича муҳим ишлар амалга оширилди, бу ишлар уларнинг прогрессив тараққиёти билан давом этган. Натижада, дипломатик ва консуллик ҳуқуқи, денгиз ҳуқуқи ва бошқа бир неча соҳаларда универсал конвенциялар тузилган, яъни халқаро ҳуқуқ нормаларини кодификация қиладиган конвенциялар қабул қилинган.

Мазкур халқаро шартномаларни талқин қилиш ва қўллаш одатлар қоидаларига қараганда қанчалик қулайлигини кўрсатади. Бироқ, одатлар бунда ўз аҳамиятини йўқотмайди, чунки тегишли универсал шартнома қатнашчилари учун бу нормалар конвенциявий характер касб этади, иштирок этмаган давлатлар учун эса оддий ҳуқуқий характерда бўлади.

Халқаро одатлардан **халқаро таомилларни** фарқлаш лозим. Халқаро таомиллар давлатларни ва халқаро ҳуқуқнинг бошқа субъектларини юридик мажбурий бўлмаган хаттиқҳаракат нормаларидир. Бунга, масалан, **comitas gentium** нормалари – **халқаро хушмуомалалик нормалари**, хусусан дипломатик этика ва дипломатик протокол нормалари киради.

Халқаро ҳуқуқнинг учинчи манбаларига **давлатларнинг мажбуриятлари** – **бир томонлама юридик ҳужжатлар** киради. Бунга давлатларнинг бошқа барча давлатларга ёки уларнинг айримларига қаратилган ва мазкур давлатнинг бошқа давлатлар билан ўзаро муносабатларидаги муайян халқаро аҳамиятга эга бўлган мажбуриятларини ифодаловчи расмий баёноти киради. Бундай баёнотлар бошқа давлатлар томонидан баёнот мазмунига сўзсиз розилик беришлари (протест деб юритиладиган эътирознинг йўқлиги) билан у келишув характерини касб этади.

Халқаро ҳуқуқнинг **тўртинчи** манбаи давлатларга – халқаро ташкилотлар ёки органлар уларнинг таъсис ҳужжатларига мувофиқ ёки мазкур ташкилот ёки органларнинг аниқ амалиёти натижасида қарор топган мажбурий характерга эга бўлган аъзоларига кўрсатма берувчи ҳужжатлар киради.

Бешинчи халқаро ҳуқуқ манбаи унинг индивидуал нормаларига (қандайдир-бир муайян ишга) тааллуқли бўлган унинг шаклланиши шароити бўйича ишда кўрилатган тарафлар учун юридик мажбурий бўлган халқаро арбитраж ёки суд қарорлари ҳисобланади.

Замонавий халқаро ҳуқуқнинг олтинчи манбаи халқаро ҳуқуқ бўйича юристларнинг илмий асарлари, доктриналаридир. Доктриналар халқаро ҳуқуқ соҳасида махсус ва чуқур билимга эга бўлган айрим ҳуқуқшунос олимларнинг шахсий фикрлари, мулоҳазаларини билдиради. Доктриналарнинг аҳамияти шундаки, халқаро ҳуқуқ бўйича юристларнинг илмий асарлари амалдаги халқаро ҳуқуқ у ёки бу принциплари, нормалари ва институларининг мазмунини тушуниш учун қўшимча материал бўлиб хизмат қилади

Юқорида санаб ўтилганларга қўшимча сифатида шундай нормаларни ҳамда мавжудлиги ва мазмунини аниқлаштирувчи муҳим ёрдамчи восита халқаро ташкилотларнинг Резолюцияларини киритиш мумкин. Улар БМТ Халқаро суди Статутини тузиш вақтида бундай ўринга эга бўлмаган, балки кейинроқ шундай роль ўйнай бошлаган. Ҳозир Суд халқаро органларнинг энг аввало БМТ Бош

Ассамблеяси Резолюциялари нормаларининг мавжудлиги ва уларнинг мазмунини тасдиқлаш учун фаол фойдаланиб келинмоқда.

Халқаро ҳуқуқ нормалари ичида унинг **асосий нормалари – принциплари** алоҳида ажралиб туради. Халқаро ҳуқуқнинг асосий принциплари – шундай умумий характердаги нормаларки, барча бошқа нормалари унга мувофиқ равишда белгиланиши лозим. Улар халқаро-ҳуқуқий нормалар тизимида бошланғич ҳисобланади ҳамда давлатлар ва бошқа халқаро ҳуқуқ субъектларининг асосий ҳуқуқ ва мажбуриятларини белгилаш йўли билан халқаро муносабатлардаги хатти-ҳаракатларини умумлаштирилган ҳолда тартибга солади.

Халқаро ҳуқуқ мураккаб катта қўламли тизимни билдиради. **Халқаро ҳуқуқ** - давлатлараро муносабатларни тартибга солувчи юридик нормалар мажмуидан иборат. Ушбу тизимнинг ўзагини нормалари барча давлат учун мажбурий бўлган халқаро ҳуқуқ ташкил қилади. У умумэтироф этилган принциплар ва нормалардан иборат. Мазкур принциплар ва нормалардан иборат. Мазкур принциплар ва нормалар одат шаклида мавжуд бўлади. Зеро, истисносиз барча давлатлар иштирокидаги шартнома мавжуд эмас. қатнашмайдиган давлат учун эса шартнома ҳеч қандай кучга эга эмас. Оддий нормалар ҳамма давлатлар томонидан эмас, балки аксарият кўпчилик давлатлар томонидан тан олинishi натижасида халқаро ҳуқуқ нормасига айланиши мумкин.

ХАЛҚАРО ҲУҚУҚ СУБЪЕКТИ ТУШУНЧАСИ

«Ҳуқуқ субъекти» тушунчаси давлат ва ҳуқуқ назариясида ишлаб чиқилган бўлиб, давлатларнинг ички ҳуқуқ ёки халқаро ҳуқуққа нисбатан эмас, балки умуман ҳуқуққа нисбатан қўлланилади.

Халқаро ҳуқуқ маълум халқаро муносабатларни тартибга солади, бунинг натижасидаулар халқаро-ҳуқуқий муносабатга айланади. Халқаро ҳуқуқ меъёрлари билан тартибга солинган халқаро-ҳуқуқий муносабатларнинг қатнашчилари халқаро ҳуқуқ субъектлари деб аталади.

Халқаро ҳуқуқ субъектлари – халқаро ҳуқуқ меъёрлари билан субъектив ҳуқуқ ва мажбуриятларга эга бўлган, шунингдек, тегишли ҳуқуқий муносабатларнинг реал қатнашчилари бўлиши мумкин бўлган тарафлар, шахслардир.

Агар «халқаро ҳуқуқ субъекти» атамаси узок вақт давомида фақат халқаро ҳуқуқ назариясида фойдаланиб келинган бўлса, сўнгги вақтларга келиб халқаро-ҳуқуқий ҳужжатларда ҳам, хусусан БМТ доирасида қабул қилинган универсал конвенцияларда фойдаланилмоқда. Масалан, 1986 йилдаги давлатлар ва халқаро ташкилотлар ёки халқаро ташкилотлар ўртасидаги шартнома ҳуқуқи тўғрисидаги Вена Конвенциясининг 3-моддасида «бита ёки бир неча давлатлар ўртасида, бита ёки бир неча халқаро ташкилотлар ва бир ёки бир неча давлат ёки халқаро ташкилот ҳисобланмайдиган халқаро ҳуқуқ субъектлари ўртасида тузилган халқаро битимлар тўғрисида сўз боради». Бошқача айтганда, давлатлар, халқаро ташкилотлар ва халқаро ҳуқуқ меъёрлари билан субъектив ҳуқуқ ва мажбуриятларга эга бўлган қандайдир бир ижтимоий тузилмалар халқаро ҳуқуқ субъекти ҳисобланиши белгиланган.

Халқаро ҳуқуқ фанида бирламчи ва иккиламчи (ҳосилали) халқаро ҳуқуқ субъектларига бўлинади.

Бирламчи халқаро ҳуқуқ субъектлари-аввало давлатлар ва айрим ҳолларда ва миллатлардир. Улар ижтимоий организм сифатида пайдо бўлиб, муқаррар равишда ўзаро алоқа ўрнатади, ўзи ўзаро халқаро муомала қондасини яратади.

Иккиламчи(ҳосилали) халқаро ҳуқуқ субъектлари бирламчи субъектлар томонидан яратилади. Уларнинг халқаро ҳуқуқий лаёқатининг ҳажми унинг ташкилотчиларининг ихтиёри ва мақсадига боғлиқ. Бу ҳукуматлараро ташкилот бўлиши ҳам мумкин ёки эркин шаҳарлар сингари давлатга ўхшаш тузилма бўлиши ҳам мумкин. Ташкилотчилар уларни ўз номидан давлатлараро муносабатларга киришиш ҳуқуқини беради.

ДАВЛАТ-ХАЛҚАРО ҲУҚУҚНИНГ АСОСИЙ СУБЪЕКТИ

Узоқ вақт давомида давлатлар халқаро-ҳуқуқий муносабатларининг ягона субъекти бўлиб келган. Ҳозирги халқаро ҳуқуқ меъёрлари ҳамон, аксарият, давлатлар ўртасидаги, шунингдек, давлатлар билан халқаро ташкилотлар ва халқаро ҳуқуқ субъектлари ўртасидаги ўзаро муносабатларни тартибга солади. Шу боис, давлатлар-халқаро ҳуқуқнинг асосий субъектларидир ва халқаро ҳуқуқий муносабатларнинг асосий реал иштирокчиларидир, чунки улар доимий равишда бир-бири билан, халқаро ташкилотлар ва бошқа халқаро ҳуқуқ субъектлари билан ўзаро муносабатда бўлиши зарур.

Халқаро майдонда давлат сиёсий ҳокимият ташкилоти сифатида, айниқса, унинг олий органи номидан халқаро ҳуқуқ субъекти бўлиб, давлатнинг расмий вакили сифатида чиқади. Давлатнинг халқаро ҳуқуқ субъекти сифатида характерловчи асосий белгиси давлат суверенитети ҳисобланади.

Халқаро ҳуқуқ субъекти сифатида давлатнинг бирламчилиги шундаки, улар ҳеч Ким томонидан ташкил қилинмайди, улар объектив тарихий реаллик сифатида мавжуддир. Бошқа томондан, давлатлар ўзлари халқаро ҳуқуқнинг иккиламчи (ҳосилали) субъекти – халқаро ташкилотларни ташкил қилиши мумкин.

Бирламчи субъект сифатида давлатлар универсал халқаро ҳуқуқ лаёқатига эга. Бирламчилик давлатнинг халқаро ҳуқуқнинг асосий субъекти сифатидаги ролини белгилайди. Айнан давлатлар халқаро ҳуқуқ меъёрларини ишлаб чиқади, уларни бузганлик учун жавобгарликни, халқаро ҳуқуқий тартиботни ва халқаро ташкилотларнинг функцияларини белгилайди. Давлатларнинг Ушбу имкониятлари ўзлари томонидан яратилган халқаро ҳуқуқ тамойиллари ва меъёрларидан бошқа ҳеч нима билан чегараланмаган. Мазкур тамойиллар ва меъёрларга мувофиқ давлатлар халқаро ҳуқуқ субъекти сифатида халқаро ҳужжатларда, хусусан БМТ Уставида мустаҳкамлаб қўйилган асосий ҳуқуқ ва мажбуриятларга эга бўлади. Бироқ, ҳанузгача бундай ҳуқуқ ва мажбуриятлар рўйхати ишлаб чиқилмаган.

Давлатга ўхшаш тузилмалар — халқаро ҳуқуқ субъекти

Давлатга ўхшаш тузилмалар — халқаро ҳуқуқ субъектларининг бир тури ҳисобланади. Давлатга ўхшаш тузилмаларга «эркин шаҳарлар» (ўтмишда — Венеция, Гамбург, Новгород) киради. Ушбу ибора умумлаштирилган тушунча ҳисобланади, чунки у нафақат шаҳарларга, балки маълум туманларга нисбатан ҳам қўлланади. Баъзи ҳолатларда тегишли тузилмаларни эркин шаҳарлар, баъзан эса мустақил (озод, эркин) ҳудуд ёки минтақа (зона) деб аташган (масалан, эркин шаҳар Данциг, мустақил ҳудуд Триест).

Умуман эркин шаҳарлар ҳудудий даъволарни тўхтатиб қўйиш, халқаро муносабатларда маълум ҳудуднинг тегишлилиги борасида вужудга келадиган кескинликни юмшатишнинг бир услуби сифатида вужудга келган.

Эркин шаҳар халқаро шартнома ёки халқаро ташкилотнинг қарорига биноан барпо этилади ва чекланган ҳуқуқ лаёқатига эга бўлган ўзига хос давлат ҳисобланади. У ўз Конституцияси ёки ўхшаш(аналогик) характердаги ҳужжатга, олий давлат органларига, фуқаролигига эга бўлади.

Миллатлар ёки халқлар — халқаро ҳуқуқ субъекти сифатида

Ўз озодлиги учун курашаётган ва маълум ҳокимият тузилмаларни тузган, ягона марказ билан бирлашган миллат ёки халқлар миллат ёки халқ номидан халқаро муносабатларда иштирок этиши ва халқаро ҳуқуқ субъекти мақомига эга бўлишни талаб қилиши мумкин. Амалда бундай тузилмалар қаторига ягона қўмондонликка эга бўлган ҳамда аксарият ҳолларда бир вақтнинг ўзида сиёсий раҳбарликни амалга оширувчи қуролли отрядлар киради.

Миллатлар ёки халқлар халқаро ҳуқуқнинг алоҳида ва махсус субъектлари ҳисобланади. Императив характердаги меъёр-тамайилга — тенг ҳуқуқлилиқ ва халқларнинг ўз тақдирини ўзи белгилаш тамойилига — мувофиқ барча халқларнинг ўз тақдирини ўзи белгилаш ҳуқуқи, яъни ташқаридан ҳеч қандай аралашувсиз эркин асосларда ўзининг сиёсий мақомини белгалаш ва иқтисодий, ижтимоий ва маданий ривожланганини амалга ошириш ҳуқуқи тан олинади. 1970 йилда қабул қилинган *Халқаро ҳуқуқ тамойиллари тўғрисидаги декларацияга* мувофиқ ҳар бир давлат ушбу ҳуқуқни ҳурмат қилиши лозим. Сўз халқлар ва давлатлар ўртасидаги ўзаро муносабатлар (халқаро ҳуқуқий муносабатлар) тўғрисида бормокда.

Халқаро ташкилотлар — халқаро ҳуқуқ субъекти сифатида

Халқаро ташкилотлар таркибига ҳукуматлараро ташкилотлар ҳамда аъзалари шахсий тартибда ҳаракат қилувчи давлатлараро механизмлар ва органлар (халқаро арбитражлар, комитетлар, экспертлар гуруҳи ва бошқалар) киради.

Ҳукуматлараро конференцияни вақтинчалик халқаро муассаса деб ҳисоблаш мумкин.

Халқаро ташкилот ўзининг халқаро ҳуқуқ лаёқатига таъсис шартномасига мувофиқ эга бўлади. Шартнома халқаро ташкилотни маълум ҳуқуққа эга бўла олиш, яъни давлатлар ва ҳукуматлараро ташкилотлар билан шартномалар тузиш, ўз номдан қарорлар қабул қилиш қобилияти билан таъминлайди.

Халқаро ташкилот халқаро тузилма бўлиб, унинг таъсис этилиши ва фаолияти халқаро ҳуқуқ нормалари билан тартибга солинади.

Ўзбекистон Республикаси — халқаро ҳуқуқ субъекти

«Ўзбекистон — халқаро муносабатлар субъекти» деган конституциявий формула нафақат Ўзбекистон Республикасининг ҳозирги жаҳонда тутган ўрнинигина эмас, балки Ўзбекистон жаҳон ҳамжамиятининг ажралмас бир қисми, унинг тенг ҳуқуқли аъзоси эканлигини англатади. Бу куйидагиларда кўринади:

биринчидан, Ўзбекистон суверен давлат сифатида фақат ҳозирги халқаро ҳуқуқнинг умум эътироф этилган тамойиллари ва меъёрлари ҳамда ўзи иштирок этган халқаро шартномалар қоидалари билан боғлиқдир ва ўзининг розилигисиз бошқа ҳеч қандай мажбурият юкланиши мумкин эмас;

иккинчидан, Ўзбекистон ҳудуди ичида давлат ҳокимияти чекланмаган ва халқаро ҳукумат бошқа бирон-бир субъекти унга аралаштишга ҳақли эмас. Унинг ҳудудидан ташқарида эса ҳокимият бошқа манфаатдор давлатнинг розилиги билангина амалга оширилиши мумкин;

учинчидан, Ўзбекистон халқаро ҳуқуқнинг бошқа субъектлари билан дипломатик алоқалар ўрнатиш ва улар билан шартномалар тузиш билан бевосита давлатлараро муносабатларда иштирок этади.

Мустақиллик йилларида Ўзбекистон жаҳоннинг 120 дан зиёд давлатлари билан расмий дипломатик алоқалар ўрнатди. Тошкентда 35 мамлакатнинг элчихоналари очилди ва 19 хорижий давлатларнинг элчилари ўриндошлик асосида Ўзбекистон Республикасида аккредитация қилинган. Республикада 88 хорижий ваколатхоналар, 24 та ҳукуматлараро ва 13 та халқаро нодавлат ташкилотлар фаолият кўрсатмоқда.

Конституция асосида Ўзбекистон Республикасини халқаро муносабатларнинг тенг ҳуқуқли субъекти сифатида белгиловчи ҳуқуқий асос яратилган.

Ўзбекистоннинг ташқи алоқаларни таъминловчи давлат органлари тузилган. Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Олий Мажлис депутатлари умумхалқ томонидан муқобиллик ва кўппар-тиявийлик асосида сайланди, мамлакат ҳукумати тузилди. Ташқи ишлар вазирлиги фаолиятининг йўналишлари ва вазифалари тубдан ўзгартирилди. Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлиги ва Ташқи иқтисодий фаолият миллий Банки тузилди. Ташқи савдо фирмаларининг ихтисослашган тармоқлари ташкил қилинди. 260 дан зиёд чет Эл фирмалари, банклари ва компанияларининг ваколатхоналари очилди.

Халқаро-ҳуқуқий тан олиш

Тан олиш — давлатнинг ихтиернй равишда, бир томонлама қабул қилган ҳужжатидир. Унда давлат тўғридан-тўғри ёки билвосита бирон-бир давлатни халқаро ҳуқуқ субъекти сифатида тан олгани ва у билан расмий муносабат ўрнатнш мақсади борлиги ёки давлатда, ёхуд унинг бир қисмида ғайриконституциявий йўл билан келган ҳокимиятни халқаро муносабатларда ушбу давлатнинг ёки шу ҳудудда яшайдиган халқнинг вакили сифатида самарали иштарок этиши мумкин деб ҳисоблаши тўғрисида баёнот беради.

Тан олиш мажбурияти мавжуд эмас. Бу — давлатларнинг ҳуқуқидир.

Халқаро-ҳуқуқий тан олиш — халқаро ҳуқуққа мувофиқ давлатлар томонидан янги давлатни ёки ҳукуматни, ёхуд расмий ёки норасмий, тўлиқ ёки қисман, доимий ёки вақтинчалик муносабатларни ўрнатиш мумкин бўладиган бошқа давлат органини тан олишдир. қуйидагилар халқаро-ҳуқуқий тан олишнинг турлари ҳисобланади:

- 1) давлатни тан олиш;
- 2) ҳукуматни тан олиш;
- 3) кўзғалон кўтарган тарафни тан олиш;
- 4) миллий озодлик органларини тан олиш;
- 5) қаршилик кўрсатиш органлари ва бошқаларни тан олиш.

Шундай тан олишнинг ҳозирги дипломатик амалиётда энг кўп тарқалган шакли у ёки бу давлат ҳукуматлари томонидан мавжуд давлатнинг янги ҳукумати билан ёки янги пайдо бўлган давлатнинг ҳукумати билан дипломатик алоқалар ўрнатиш ёки унга розилик бериши ҳисобланади.

Халқаро-ҳуқуқий тан олишнинг де-юре ва де-факто шакллари анъанавий ҳисобланади.

Ҳеч қандай шартсиз расмий тан олиш тўғрисидаги, де-юре ва де-факто тан олиш тўғрисидаги, дипломатик алоқалар ўрнатиш ёки шунга рози бўлиш ҳақидаги баёнотлар расмий тан олиш ҳисобланади.

Норасмий тан олиш у ёки бу давлатнинг ҳукумати расмий равишда тан олинмаган мамлакат ҳукумати билан алоқага кириши, баъзан *ad hoc* халқаро-ҳуқуқий тан олиш деб аталадиган, бир-бирини тан олмайдиган давлатлар томонидан халқаро конференцияларда ёки халқаро ташкилотлар доирасида ҳамкорлик қилиши ҳисобланади.

Тан олаётган тараф томонидан тан олинган тараф билан зарурат бўлганда бевосита халқаро-ҳуқуқий муносабатларга кирган ниятини тасдиқловчи гувоҳнома — халқаро-ҳуқуқий тан олишни расмийлаштирувчи ҳужжатдир. Шу билан бирга бу янги давлат ва ҳукуматни тузиш воситаси ҳисобланмайди.

Ҳукуматни тан олиш — давлатлар томонидан бирон-бир мамлакатнинг ғайриконституциявий йўл билан ҳокимиятга келган ҳукуматни тан олишдир. Расмий тан олишнинг икки шакли — *де-факто (de-facto) ва де-юре (de-jure) мавжуд*.

Де-факто тан олиш — мавжуд давлат ва ҳукуматлар томонидан у ёки бу мамлакатда янги пайдо бўлган давлат ёки ҳукуматни тан олишнинг анъанавий шакллари билан бири ҳисобланади. Де-факто тан олишда дипломатик алоқалар ўрнатиш шарт эмас. Де-факто тан олиш айрим ҳолларда консуллик муносабатларини ўрнатишга олиб келиши мумкин, лекин бу мажбурий қоида эмас. Бу тан олаётган давлат мазкур ҳукуматнинг мавжудлиги билан ҳисоблашади ва у билан бирон-бир масала бўйича алоқа қилиши мумкинлигини англатади. Де-факто тан олинган давлат билан ҳамкорлик турли соҳаларда бўлиши мумкин, чунки бундай тан олиш натижасида халқаро муносабатларда суверен давлат сифатида қатнашади.).

Де-юре тан олиш — мамлакатда вужудга келган янги давлат ёки ҳукуматни халқаро майдондаги мавжуд давлатлар ҳамда ҳукуматлар томонидан расмий тан олишнинг анъанавий шакллари билан биридир. Тан олишнинг бу тури тан олувчи давлатнинг мазкур давлат билан тўлиқ дипломатик муносабатларни ўрнатишга тайёр эканлигини ифодалайди.

. Де-юре тан олиш оқибатида давлатлар олий тоифадаги дипломатик вакиллар билан алмашади, тан олинувчи давлатнинг хорижда маълум мулк ва бошқа қимматбаҳо буюмларни тасарруф қилиш ҳуқуқи ҳамда уни тан олувчи давлат юрисдикциясидан иммунитети тан олинади ва ҳ.к.

Халқаро ҳуқуқ тамойиллари тушунчаси ва ўзига хос хусусиятлари

Халқаро ҳуқуқ тамойиллари — ижтимоий амалиёт натижасида вужудга келадиган халқаро ҳуқуқнинг юридик мустаҳкамланган асослари бўлиб, субъектлари хатти-ҳаракатининг раҳбарий қоидалари ҳисобланади.

Халқаро ҳуқуқ тамойили-авваламбор халқаро ҳуқуқ меъёридир .

Халқаро ҳуқуқ тамойилларининг ўзига хослиги уларнинг универсаллигидир. Яъни халқаро ҳуқуқнинг барча субъектлари тамойилларга қатъиян риоя қилишлари лозим, чунки мазкур тамойилларни ҳар қандай тарзда бузиш муқаррар равишда халқаро муносабатларнинг бошқа иштирокчилари қонуний ҳуқуқ ва манфаатларига дахл қилишга олиб келади. Халқаро ҳуқуқ тамойиллари бутун халқаро-ҳуқуқий меъёрлар тизимининг қонунийлик мезони ҳисобланади.

Халқаро ҳуқуқнинг асосий тамойиллари БМТ Уставида мустаҳкамланган. БМТ Устави тамойиллари *jus cogens* характери билан касб этиш кенг тан олинган, яъни улар давлатлар томонидан бекор қилиниши мумкин бўлмаган олий даражадаги мажбуриятлар саналади.

. Халқаро ҳуқуқнинг аксарият тамойиллари БМТ Уставининг 2-моддасида³⁴ қисқа ва лўнда қилиб баён этилган. Ушбу тамойиллар БМТ Уставига мувофиқ давлатлар ўртасида дўстона муносабатлар ва ҳамкорликка тааллуқли 1970 йил халқаро ҳуқуқ тамойиллари тўғрисидаги Декларацияда ҳамда Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик кенгаши (ЕХХК)нинг Яқунловчи ҳужжатида батафсил ёритиб берилган.

. Агар БМТ Устаида беш тамойилнинг номи келтирилган бўлса, Халқаро ҳуқуқ тамойиллари тўғрисидаги Декларацияда уларнинг еттитаси ифодаб берилган. Булар қуйдагилардир

- 1) Куч ишлатмаслик ва куч билан таҳид қилмаслик тамойили.
- 2) Халқаро низоларни тинч йўл билан ҳал этиш тамойили.
- 3) Давлатларнинг ички ишларига аралашмаслик тамойили.
- 4) Давлатларнинг халқаро ҳамкорлик тамойили.
- 5) Давлатларнинг суверен тенглиги тамойили.
- 6) Халқлар ва миллатларнинг ўз тақдирини ўзи виждонан бажариш тамойили.

7) Давлатларнинг халқро мажбуриятларини виждонан бажариш тамойили.
Европада Хавфсизлик ва Ҳамкорлик Кенгашининг Хельсинки Яқунловчи Ҳужжатида мазкур тамойилларга Яна утаси қўшилган . Булар

- 1) чегаралар дахилсизлиги
- 2) двалатларнинг ҳудудий яхлитлиги
- 3) инсон ҳуқуқлари ва асосий эркинликларини ҳурмат қилишдир.

Жаҳон ҳамжамияти олдида турган умумбашарий муаммоларни ҳал этиш заруриятини ифода этувчи Янги тамойиллар ҳам (масалан, атроф муҳтини ҳимоя қилиш мажбурияти) шаклланмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясида юқорида кўриб ўтилган тамойиллардан бештаси аниқ белгилаб қўйилган ва «халқаро ҳуқуқнинг бошқа умум тан олинган тамойил ва меъёрлари»-ни ҳурматлаш айтиб ўтилган. Халқаро ҳуқуқнинг Конституцияда кўрсатилмаган тамойил ва меъёрлари қаторига инсон ҳуқуқларини ҳурмат қилиш, халқлар ва миллатларнинг ўз тақдирини ўзи белгилаш, давлатларнинг халқаро ҳамкорлиги, халқаро мажбуриятларни виждонан бажариш, ўзаро ҳамкорлик, давлатларнинг ҳудудий яхлитлиги тамойиллари киради.

ХАЛҚАРО ҲУҚУҚДА ЖАВОБГАРЛИК

Халқаро ҳуқуқда жавобгарлик тушунчаси

Жавобгарлик - халқаро ҳуқуқнинг энг қадимий институтларидан биридир. Бироқ, ушбу институтнинг ҳуқуқий меъёрлари ханузгача кодификация қилинмаган, шу боис у одатда прецедентлар ва суд қарорлари негизида шаклланган оддий-ҳуқуқий меъёрларга асосланади.

Халқаро-ҳуқуқий жавобгарлик – ҳуқуқбузарлик субъектининг халқаро ҳуқуқни бошқа субъектига етказган зарари оқибатларини бартараф қилиш бўйича юридик мажбуриятларидир.

Халқаро ҳуқуқбузарлик халқаро қилмишларга ва халқаро жинойтларга бўлинади. Халқаро жинойтларга халқаро ҳуқуқнинг умум эътироф этилган

³⁴ А.Х.Саидов. Ўзбекистон Республикаси ва инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро шартномалар. «Адолат» - Тошкент-2002, Б.19-20

тамойиллари ва меъёрларини бузадиган, шунинг учун бутун жаҳон ҳамжамияти тизимига салбий таъсир кўрсатадиган алоҳида хавфли қилмишлар киради.

Халқаро ҳуқуқда шаклланган умумий тамойилга кўра халқаро ғайриҳуқуқий қилмишлар халқаро-ҳуқуқий жавобгарликни келтириб чиқаради.

Жавобгарлик масалаларини тартибга солувчи меъёрлар асосан халқаро шартномаларда ўз аксини топган, шунингдек, БМТ ва бошқа халқаро ташкилотларнинг резолюцияларида тасдиқланган.

Халқаро ҳуқуқда халқаро жавобгарлик деганда ҳуқуқ меъёрларидан келиб чиқадиган субъектив мажбуриятларини бузган, яъни халқаро ҳуқуққа ҳилоф хатти-ҳаракат содир этган субъект учун ноқулай салбий юридик оқибатлар тушунилади.

Халқаро-ҳуқуқий жавобгарлик – халқаро-ҳуқуқий меъёрларда белгиланган санкцияларни қўллаш натижасида келиб чиқадиган юридик оқибатлардир.

Санкция меъёрларнинг зарурий элементи эканлиги тўғридан-тўғри маънода, ҳуқуқнинг ҳар бир алоҳида меъёрида муайян санкция кўрсатилиши сифатида тушунилмаслиги лозим. Бу миллий ҳуқуқ учун ҳам, халқаро ҳуқуқ учун ҳам бирдек тегишлидир.

Халқаро ҳуқуқда энг аввало давлатларнинг халқаро жавобгарлиги хусусида сўз боради. 1969 йилдан БМТнинг Халқаро ҳуқуқ Комиссияси тегишли меъёрларни кодификация қилиш билан шуғулланиб келмоқда.

Давлатнинг ҳар қандай халқаро ҳуқуққа ҳилоф қилмиши ушбу давлатнинг халқаро жавобгарлигини келтириб чиқаради.

Давлат тоонидан халқаро мажбуриятларнинг бузилиши, давлатнинг қилмиши ушбу мажбурият бўйича давлатдан талаб қилинадиган ҳаракатга номувофиқ бўлган тақдирда намоён бўлади.

Фақат халқаро ҳуқуқ субъектларигина халқаро-ҳуқуқий жавобгарлик субъекти бўлиши мумкин. Жисмоний ва мустақил юридик шахслар оддий ҳуқуқбузарлик учун бундай жавобгарликка тортилмайдилар, чунки бунда фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарлик вужудга келади.

Амалиётда халқаро ҳуқуқ субъектларининг хатти-ҳаракатлари давлат номидан иш кўришга ҳақли бўлган давлат органлари ва мансабдор шахсларнинг ҳаракатларида ифодаланади. Уларнинг хатти-ҳаракатлари учун давлат ўзининг бутун миллий бойлиги билан жавоб беради.

Халқаро-ҳуқуқий жавобгарлик турлари ва шакллари

Халқаро ҳуқуққа ҳилоф қилмиш икки тоифага, яъни: **халқаро ҳуқуқбузарлик ва давлатларнинг халқаро жинойятларига** бўлинади. Сўнгги тоифа, агар давлатлар ҳамжамияти томонидан муайян халқаро ҳуқуққа ҳилоф қилмишларни халқаро жавобгарликка: моддий ва сиёсий жавобгарликка тортилиши мумкин.

Халқаро-ҳуқуқий жавобгарликнинг иккита: сиёсий ва моддий тури мавжуд.

Сиёсий халқаро-ҳуқуқий жавобгарлик сатификация шаклида ифодаланади. Бу зарар кўрган тарафни содир этилган ҳуқуқбузарлик қайтарилмаслиги тўғрисида ишонтириш ва узр сўраш, ҳуқуқбузарликни содир этишдаги аниқ айбдорларни жазолашдир.

Репрессалия деб юритиладигн, ҳуқуқбузарликка жавобан зарар кўрган субъект томонидан амалга ошириладиган зўрлик хатти-ҳаракатлари (масалан, ноқонуний равишда балиқ овлагани учун балиқ овлаш кемасини қўлга олиш, мулкни хатлаш ёки мусодара қилиш кабилар) сингари сиёсий жавобгарлик шаклини ҳам эслаб ўтиш лозим.

Репрессалиядан реторсияни фарқлаш керак. **Реторсия** – ҳуқуқбузарлик ҳисобланмайдиган, лекин дўстона муносабатларга зид бўлган хатти-ҳаракатлар билан боғлиқ бўлган (масалан, нодўстона тарздаги баёнотга жавобан элчиларни чақириб олиш) жавоб чораларидир.

Реституция ва репарация давлатларнинг моддий жавобгарлик шакли ҳисобланади. **Реституция** – ҳуқуқбузар давлат томонидан ноқонуний равишда эгаллаб олинган моддий бойликларни зарар кўрган давлатга қайтариш ёки улар йўқ бўлиб кетган тақдирда, зарарни бошқа тенг қийматли моддий бойликлар билан қоплашдир. **Репарация** – талофат кўрган давлатга етказилган моддий зарарни (шу жумладан, олинмай қолинган фойдани ҳам) пул ёки натура шаклида қоплашдир.

Моддий халқаро-ҳуқуқий жавобгарлик реституция (ҳуқуқбузарликка қадар бўлган моддий ҳолатни тиклаш) ва репарация (зарар кўрган тарафга етказилган зарарни пул ёки бошқа тарзда қоплаш) шаклларида амалга оширилиши мумкин бўлган, етказилган моддий зарарни қоплаш мажбуриятида ифодаланади.

Халқаро-ҳуқуқий жавобгарликнинг келиб

чиқиш асослари

Сиёсий жавобгарлик бошқа субъектларнинг манфаатларини ҳимоя қилувчи халқаро ҳуқуқ меъёрларини бузиш (масалан, дипломатик ваколатхоналарнинг дахлсизлигини бузиш) ҳолатидан келиб чиқади.

Моддий жавобгарлик халқаро ҳуқуқ меъёрларини бузиш (масалан, дипломатик ваколатхоналарнинг дахлсизлигини бузиш) ҳолатини келиб чиқади.

Моддий жавобгарлик халқаро ҳуқуқ меъёрларини бузиш ҳолатлари мажмуининг мавжудлигидан, ҳуқуқбузарлик оқибатида мулкӣ зарар келиб чиқиши ва ҳуқуқбузарлик билан зарар ўртасида бевосита сабабли боғланишнинг мавжудлигининг келиб чиқади.

Фойдаланилган манбалар ва адабиётлар

Раҳбарий адабиётлар:

1. *Каримов И.А.* Ҳавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлида. Т.6.- Т., 1998 й.
2. *Каримов И.А.* Биз келажагимизни ўз қўлимиз билан қурамыз. Т.7.- Т., 1999 й.
3. *Каримов И.А.* Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт- пировард мақсадимиз. Т.8.-Т., 2000 й.
4. *Каримов И.А.* Ҳавфсизлик ва тинчлик учун курашмоқ керак. Т.10.- Т., 2002 й.
5. *Каримов И.А.* Ватанамизнинг тинчлиги ва ҳавфсизлиги ўз куч-қудратимизга, халқимизнинг ҳамжиҳатлиги ва букилмас иродасига боғлиқ.-Т.: Ўзбекистон, 2004.
6. *Каримов И.А.* Империя даврида бизни иккинчи даражали одамлар, деб ҳисоблашар эди.-Т.: Ўзбекистон, 2005.
7. *Каримов И.А.* Ўзбек халқи ҳеч қачон ҳеч кимга қарам бўлмайди. -Т.: Ўзбекистон, 2005.
8. *Каримов И.А.* Бизнинг бош мақсадимиз – жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишдир.-Т.: Ўзбекистон, 2005.
9. *Каримов И.А.* Инсон, унинг ҳуқуқ ва эркинликлари ҳамда манфаатлари-энг олий қадрият -Т.: Ўзбекистон, 2005.
10. *Каримов И.А.* Инсон манфаатларини таъминлаш, ижтимоий ҳимоя тизимини такомиллаштириш - устивор вазифамиздир -Т.: Ўзбекистон, 2007.

Махсус адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Конституциясига шарҳлар. Т., «Ўзбекистон». 2001.
2. *Саидов А., Таджикханов У., Одилқориев Х.* Давлат ва ҳуқуқ асослари. Т., «Шарк», 2002.
3. *Исломов З., Хусанов О., Мирхамидов М.* Ҳуқуқшунослик. Маърузалар матни. Т., 2000.
4. *Исломов З., Мирхамидов М.* Ҳуқуқшунослик. Т., «А.қодирий номидаги халқ мероси». 2002.
5. Ҳуқуқшунослик. Т., ЦПИУЛ. 2002.
6. *Исломов З.* Давлат ва ҳуқуқ: умумназарий масалалари. Т. «Адолат», 2000.
7. *Холмўминов қ.Т.* Ўзбекистонда ҳуқуқий давлат қуриш. Т., 1998.
8. *Холмўминов қ.Т.* Давлат ва ҳуқуқ назарияси. Т., 1998.
9. Давлат ва ҳуқуқ асослари: Изоҳли луғат. Т., 1996.
10. Давлат ва ҳуқуқ назарияси. Т., ТДЮИ. 2000.
11. *Исламов З.И.* Теория государства и права. Ч.І, ІІ. Т., 1997.
12. *Никитин А.Ф.* 200 вопросов и ответов по основам государства и права. М., 1998.
13. *Гришина Е.П.* Основы государства и права. М., 1995.
14. *Жеругов Р.Т.* Теория государства и права. М., 1995.
15. *Таджикханов У., Саидов А.* Ҳуқуқий маданият назарияси. 2 томли. Т., 2001.
16. Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексга шарҳлар. Т., 2000.
17. *Алимов Х.Р.* Маъмурий ҳуқуқ. Дарслик. Т., 1995.
18. *Зокиров И.Б.* Фуқаролик ҳуқуқи. Дарслик. 1 қисм. Т., «Адолат». 1996.
19. *Абдусаломов М.* Ўзбекистон Республикасининг фуқаролик ҳуқуқи. Дарслик. 2 қисм. Т., 1999.
20. Фуқаролик ҳуқуқи. Дарслик. Т., ТДЮИ. «Адолат». 1999.

21. *Эгамбердиев Э.* Фуқаролик прцессуал ҳуқукий муносабатлар. Т., «Адолат». 2000.
22. *Раҳмонқулов Х.Р.* Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодексининг 1- ва 2- қисмларига умумий тавсиф ва шарҳлар, 2 жилд, Т., 1997-1999.
23. *Раҳмонқулов Х.Р.* Олди-сотди шартномаси. Т., 2000.
24. *Раҳмонқулов Х.Р.* Ҳусусий мулк ва унинг дахлсизлиги. Т., «Адолат». 2000.
25. *Тошев Б.* Муаллифлик ҳуқуқи. Т., 1997.
26. *Ҳусанов О. ва бошқалар.* Инсон ҳуқуқлари. Т., «Шарқ», 1997.
27. *Ҳусанов О.* Ўзбекистон Республикаси давлат органлари. Т., «Шарқ», 1996.
28. *Ҳусанов О.* Мустақиллик ва маҳаллий ҳокимият. Т., «Шарқ», 1996.
29. *Топилдиев В.* Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш курси бўйича ўқув-услугий қўлланма. Т., 2003.
30. *Гасанов М.* Ўзбекистон Республикаси меҳнат шартномаси. Т., «Адолат». 1996.
31. *Вохидова А.А.* Банк ҳуқуқи. Т., 2000.
32. *Дадабоев Ю.* Солиқлар. Фарғона, 1999.
33. *Турсунов Й.* Меҳнат ҳуқуқи. Ўқув қўлланма. Т., 2000.
34. *Иноятлов А. А.* Меҳнат ҳуқуқи. Т., «Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси». 2002.
35. *Отаҳўжаев Ф.* Никоҳ ва уни ҳуқуқий тартибга солиниши. Т., «Ўзбекистон». 2000.
36. Ўзбекистон Республикаси Оила Кодексига шарҳлар. Т., 2000.
37. *Хайитбоев Э.Р.* Экология ҳуқуқи. Ўқув қўлланма. Т., 2001.
38. *Усмонов М.Б.* Ер ва қонун. Т., «Адолат», 1994.
39. *Холмўминов Ж.Т.* Экология ва қонун. Т., «Адолат», 2000.
40. *Мирзаев Т.* Ўзбекистон Сув хавзалари ва ҳаво ифлосланишига қарши тергов ишларини олиб бориш юзасидан услубий қўлланма. Т., «Камолат». 1999.
41. *Колбасов О.С.* Международно-правовое охрана окружающей средѣ. М. 1982.
42. Муаллифлар жамоаси. Жиноят ҳуқуқи. Дарслик. Т., «Адолат», 1998.
43. *Рустамбаев М.Х.* Жиноят ҳуқуқи. Т., ТДЮИ. 2003.
44. Ўзбекистон Республикаси Жиноят Кодексига шарҳлар. Т., 1997.
45. *қурбонов Р.* Зарурий мудофаа. Т., 1999.
46. *Саидов А.* Халқаро ҳуқуқ. 2 томли. Т., 2001.
47. *Тузмухаммедов Р.* Халқаро ҳуқуқ асослари. Т., «Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси». 1998.
48. *Мазов В.А.* Ответственность в международном праве. М., 1979.
49. “Конституциявий ҳуқуқ” (дарслик) ИИВ Академияси 2005

Норматив хужжатлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. Тошкент «Ўзбекистон». 2003 йил.
2. Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасининг мустақиллиги асослари тўғрисида»ги 1991 йил 31 август конституциявий қонуни || Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг ахборотномаси. 1991 йил. 11-сон.
3. Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги 2007 йил 28 феврал қонуни || Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ахборотномаси. 2007 йил. 4-сон.

4. Ўзбекистон Республикасининг «Референдум якунлари ҳамда давлат ҳокимияти ташкил этилишининг асосий принциплари тўғрисида»ги 2002 йил 4 апрел Конституциявий қонуни || Халқ сўзи. 2002 йил. 5 апрел.
5. Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги 2003 йил 24 апрель қонуни || Халқ сўзи. 2003 йил 21 май.
6. Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг «Ўзбекистон Республикасининг давлат мустақиллигини эълон қилиш тўғрисида»ги 1991 йил 31 август қарори || Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг ахборотномаси. 1991. 11-сон.
7. Жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш миллий дастури || Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ахборотномаси. 1997 йил 9-сон.
8. Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси (22.09.94 йилда қабул қилинган ва 01.04.1995 йилдан амал қила бошлаган). Т., «Адолат», 2004.
9. Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси (I қисми 21.12.1995 йилда қабул қилиниб, II қисми 29.08.1996 йилда қабул қилиниб, 01.03.1997 йилдан амал қила бошлаган). Т., «Адолат», 2005.
10. Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик-процессуал кодекси (30.08.1997 йилда қабул қилиниб, 01.01.1998 йилдан амал қила бошлаган). Т., Адлия вазирлиги. «Адолат», 2001.
11. Ўзбекистон Республикасининг Мехнат кодекси (21.12.1995 йилда қабул қилиниб, 01.04.1996 йилдан амал қила бошлаган). Т., «Адолат», 2004.
12. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси (22.09.1994 йилда қабул қилиниб, 01.04.1995 йилдан амал қила бошлаган). Т., «Адолат», 2004.
13. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодекси (22.09.94 йилда қабул қилиниб, 01.04.95 йилдан амал қила бошлаган). Т., Адлия вазирлиги. «Адолат», 2001.
14. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-ижроия кодекси (22.09.94 йилда қабул қилиниб, 01.04.95 йилдан амал қила бошлаган).
15. Ўзбекистон Республикасининг Оила кодекси (30.04.98 йилда қабул қилинган ва 01.09.1998 йилдан амал қила бошлаган). Т., «Адолат», 2004.
16. Ўзбекистон Республикасининг Ер кодекси ва қишлоқ хўжалигига оид қонун ҳужжатлари. Т., «Адолат», 1999.
17. Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодекси (02.04.1997 йилда қабул қилиниб, 01.01.1998 йилдан амал қила бошлаган). Т., Ўзбекистон, 1999.
18. Ўзбекистон Республикаси Божхона кодекси (26.12.1997 йилда қабул қилиниб, 01.03.1998 йилдан амал қила бошлаган). Т., «Адолат». 2000.
19. Ўзбекистон Республикаси Хўжалик-процессуал кодекси (30.08.1997 йилда қабул қилиниб, 01.01.1998 йилдан амал қила бошлаган).
20. Ўзбекистон Республикаси Ҳаво Кодекси. Т., «Адолат», 2000.
21. Ўзбекистон Республикаси Шахарсозлик кодекси (04.04.2002 йилдан қабул қилинган ва амал қила бошлаган).
22. Ўзбекистон Республикаси Уй-жой кодекси (24.12.1998 йилда қабул қилинган ва амал қила бошлаган). Т., «Адолат», 1999.
23. Кодекс поведения должностных лиц по поддержанию правопорядка. 17.12.1979 году принята ГА ООН. Ўзбекистон Республикаси 30.08.1997 йилда бу Кодексга бириккан.

24. Ўзбекистон Республикасининг «Фуқаролик тўғрисида»ги 1992 йил 2 июл қонуни || Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг ахборотномаси. 1992. 9-сон.
25. Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги 1997 йил 29 август қонуни || Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг ахборотномаси. 1997. 9-сон.
26. Ўзбекистон Республикасининг «Прокуратура тўғрисида»ги 2001 йил 29 август қонуни (янги таҳрир) || Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ахборотномаси. 2001. 9-10 сон.
27. Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси тўғрисида»ги 2003 йил 29 август қонуни (янги таҳрир) || Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ахборотномаси. 2003. 9-10 сон.
28. Ўзбекистон Республикасининг «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги 1999 йил 14 апрел қонуни || Халқ сўзи. 1999. 11 май.
29. Ўзбекистон Республикасининг «Судлар тўғрисида»ги 2000 йил 14 декабр қонуни || Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ахборотномаси. 2001 1-сон.
30. Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий суди тўғрисида»ги 1995 йил 30 август қонуни || Халқ сўзи. 1995. 12 сентябр.
31. Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида»ги (янги таҳрири) Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ахборотномаси. 2005 1-сон.
32. Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»ги ги 2003 йил 29 август қонуни (янги таҳрир) || Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ахборотномаси. 2003. 9-10 сон.
33. Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикаси Марказий Сайлов Комиссияси тўғрисида»ги 2003 йил 29 август қонуни (янги таҳрир) || Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ахборотномаси. 2003. 9-10 сон.
34. Ўзбекистон Республикаси «Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида» ги қонуни. Т., 1992 й.
35. Ўзбекистон Республикаси «Сув ва сувдан фойдаланиш тўғрисида» ги қонуни. Т., 1993 й. 6 май.
36. Ўзбекистон Республикаси «Ўрмон тўғрисида»ги қонуни. Т., 1999 й. 15 апрель.
37. Ўзбекистон Республикаси «Давлат санитария назорати тўғрисида»ги қонуни (янги таҳрир). 1998 й. 30 апрель.
38. Ўзбекистон Республикаси «Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида»ги қонуни. 1993 й. 2 сентябрь.
39. Тадбиркорлик тўғрисидаги қонун ҳужжатлари. 5-, 6-, 7-китоблари. Т., 1999.

Мундарижа

Кириш	3
I-мавзу. Давлат ва ҳуқуқ асослари	5
1-§. Давлат тушунчаси ва моҳияти	
2-§. Давлатнинг келиб чиқиши ва унга доир назариялар	
3-§. Давлатнинг белгилари ва ҳуқуқий давлат	
4-§. Давлатнинг функциялари	
5-§. Давлатнинг шакллари	
6-§. Давлат механизми	
7-§. Ҳуқуқ ва унинг белгилари	
8-§. Ҳуқуқ ижтимоий норма	
9-§. Ахлоқ ва ҳуқуқ	
10-§. Ҳуқуқ манбалари	
11-§. Ҳуқуқий муносабатлар ва уларнинг тузилиши	
12-§. Ҳуқуқбузарлик ва юридик жавобгарлик	
2-МАВЗУ. КОНСТИТУЦИЯВИЙ ҲУҚУҚ АСОСЛАРИ.	36
1-§. КОНСТИТУЦИЯ ВА УНИНГ ТАРИХИЙ РИВОЖЛАНИШИ	
2-§. МУСТАКИЛ ЎЗБЕКИСТОН КОНСТИТУЦИЯСИ	
3-§. ЎЗБЕКИСТОН КОНСТИТУЦИЯСИНING	
АСОСИЙ МАҚСАДИ ВА ПРИНЦИПЛАРИ	
4-§. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ	
СУВЕРЕНИТЕТИНИНГ КОНСТИТУЦИЯВИЙ	
АСОСЛАРИ	
5-§. ШАХС ВА ДАВЛАТ МУНОСАБАТЛАРИНИНГ	
КОНСТИТУЦИЯВИЙ АСОСЛАРИ	
6-§. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING	
КОНСТИТУЦИЯВИЙ	
БЕЛГИЛАРИ	
7-§. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ КОНСТИТУЦИЯСИНING	51
ТУЗИЛИШИ	
8-§. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ДАВЛАТ ҲОКИМИЯТИ	
ОРГАНЛАРИНИНГ ТИЗИМИ	
9-§. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING ОЛИЙ МАЖЛИСИ	
10-§. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING ПРЕЗИДЕНТИ	68
11-§. ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING ҲУҚУҚИЙ	
МАҚОМИ	
12-§. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING ИЖРО ЭТУВЧИ	
ҲОКИМИЯТ ОРГАНЛАРИ	79

13-§. СУД ҲОКИМИЯТИНИНГ КОНСТИТУЦИЯВИЙ АСОСЛАРИ

**14-§. СУДЛОВ ВА ҲУҚУҚНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ ОРГАНЛАРИ
ТИЗИМИ**

3-мавзу. Маъмурий ҳуқуқ асослари

85

- 1-§. Маъмурий ҳуқуқ тушунчаси
- 2-§. Маъмурий ҳуқуқ манбалари
- 3-§. Маъмурий-ҳуқуқий нормалар ва муносабатлар
- 4-§. Маъмурий мажбурлов
- 5-§. Маъмурий ҳуқуқбузарлик ва жавобгарлик
- 6-§. Маъмурий жазо ва унинг турлари
- 7-§. Маъмурий қонунчилик

4-мавзу. Фуқаролик ҳуқуқи асослари

- 1-§. Фуқаролик ҳуқуқи тушунчаси ва манъбалари
- 2-§. Фуқаровий ҳуқуқий муносабатлар иштирокчилари
- 3-§. Мулк ҳуқуқи
- 4-§. Мажбурият ҳуқуқи
- 5-§. Фуқаровий ҳуқуқий жавобгарлик

5-мавзу. Истеъмолчиларнинг ҳуқуқини ҳимоя қилиш асослари.

118

- 1-§. Истеъмолчи тушунчаси
- 2-§. Истеъмолчи ҳуқуқларини ҳимоя қилишда қонун ҳужжатлари ва халқаро шартномалар
- 3-§. Истеъмолчининг ҳақ - ҳуқуқлари
- 4-§. Истеъмолчига зарар етказилгандаги жавобгарлик

6-мавзу. Меҳнат ҳуқуқи асослари

128

- 1-§. Меҳнат ҳуқуқи тушунчаси ва предмети
- 2-§. Меҳнатга оид муносабатлар
- 3-§. Меҳнат ҳуқуқи манбалари
- 4-§. Меҳнат шартномаси
- 5-§. Меҳнат ҳақи миқдори ва бошқа шартлар
- 6-§. Меҳнат шартномасини тузиш
- 7-§. Иш вақти тушунчаси ва унинг турлари
- 8-§. Дам олиш вақти тушунчаси ва турлари
- 9-§. Таътиллари
- 10-§. Интизомий жавобгарлик
- 11-§. Меҳнатни муҳофаза қилиш тушунчаси ва унинг аҳамияти
- 12-§. Меҳнат низолари тушунчаси ва унинг классификацияси

6-мавзу. Оила ҳуқуқи асослари

149

- 1-§. Оила ҳуқуқи тушунчаси ва предмети
- 2-§. Никоҳ, уни тузиш ва тугатиш
- 3-§. Эр-хотин мулкисининг тартибга солиниши
- 4-§. Фарзандликка олиш
- 5-§. Васийлик ва ҳомийлик
- 6-§. Оила қонунчилиги

7-мавзу. Экология ҳуқуқи асослари

- 1-§. Экология ҳуқуқининг тушунчаси, хусусиятлари ва умумий экология тизимида тутган ўрни
- 2-§. Экология ҳуқуқининг асосий йуналишлари ва предмети.
- 3-§. Экология ҳуқуқининг тамойиллари, усуллари ва тизими.
- 4-§. Табиатни муҳофаза қилиш принциплари (қоидалари).

5-§. Ўзбекистоннинг экологик сиёсати.	
6-§. Экология назоратининг тушунчаси, мақсади, вазифаси ва усуллари	
7-§. Экология назоратининг тизими.	
8-§. Экологик экспертизасининг тушунчаси, мақсади, тамойиллари ва усуллари	
9-§. Экологик қонун ҳужжатларни бузганлик учун жавобгарликни тушунчаси, моҳияти ва турлари.	162
10-§. Экологик ҳуқуқбузарликлар учун маъмурий жавобгарлик.	
11-§. Экологик жиноятлар учун жавобгарлик.	
8-мавзу. Жиноят ҳуқуқи асослари	
1-§. Жиноят ҳуқуқи тушунчаси, предмети, усули, вазифалари ва принциплари.	
2-§. Жиноят ва жиноятчилик тушунчаси.	
3-§. Жиноят қонуни	
4-§. Жиноий жавобгарлик ва унинг асослари	
5-§. Айбсизлик презумпцияси	
6-§. Жиноятнинг таркибий элементлари	
7-§. Тамом бўлмаган жиноятлар	
8-§. Жиноятда иштирокчилик	
9-§. қилмишнинг жиноийлигини истисно этадиган ҳолатлар	
10-§. Жазо тушунчаси, мақсадлари ва турлари	
11-§. Жиноий жавобгарликдан ва жиноий жазодан озод қилиш асослари	182
12-§. Вояга етмаганлар жавобгарлигини хусусиятлари	
9-мавзу. Халқаро ҳуқуқ асослари	
1-§. Халқаро ҳуқуқ тушунчаси ва уни вужудга келиши	
2-§. Халқаро ҳуқуқ объектлари ва субъектлари	
3-§. Халқаро ҳуқуқ функциялари	
4-§. Халқаро ҳуқуқ ва давлатларнинг миллий ҳуқуқий тизими	
5-§. Халқаро оммавий ҳуқуқ ва халқаро хусусий ҳуқуқ функциялари	
6-§. Халқаро ҳуқуқда меъёрларни яратиш жараёни	
7-§. Халқаро ҳуқуқ тизими	
8-§. Ўзбекистон Республикаси ташқи сиёсати ва дипломатияси	
9-§. Халқаро ҳуқуқий муносабатлар	
10-§. Халқаро ҳуқуқ нормалари	
11-§. Халқаро ҳуқуқ манбалари тушунчаси	
12-§. Халқаро-ҳуқуқий тан олиш	
13-§. Халқаро ҳуқуқ тамойиллари тушунчаси ва ўзига хос хусусиятлари	
14-§. Халқаро ҳуқуқда жавобгарлик тушунчаси	
Адабиётлар рўйхати	